

Жамила Эргашева

КИР УСТИДАГИ

**АЁЛ**  
**(ФИТНА)**



*Жамила Эриашева*



**Кир устидағи  
аёл**

**Роман  
Иккинчи нашри**

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2018

УУК 821.512.133  
КБК 84(5У)7  
Э-74

Аёл!.. Такдир сўқмоқлари адаптирган дамларда мангу сардоба, қисмат тўфонларига дуч келган кунларда меҳр қайиги, қувонч ва ташвишларимизнинг доимий саждагоҳи... Аммо унинг ўзи қисмат тўфонларида адапиб қолса-чи? Кадди такдирнинг кутилмаган зарбаларидан эгилган дамларда нима қиласи? Жамила Эргашеванинг «Кир устидаги аёл» номли романини ўқини жараёнида адаба билан бирга жавоб излайсиз. Роман қаҳрамонлари билан бирга қувонасиз, изтироб чекасиз, жонингизни жафоларга қўйиб бўлса-да, эзгуликка, нурга интиласиз. Романда оила, халқимизнинг урф-одатлари улууланди.

ISBN 978-9943-28-013-7

© Эргашева Жамила, 2013, 2018  
© «O'ZBEKİSTON» НМИУ, 2013, 2018

*Дунёдаги жамики меҳрибон  
момоларга бағишлайман.*

**Т**оғларга сел келди. Кенг ўзанлар ўртасида кўз илғар-илғамас кумуш камардек ялтираб оқиб ётган Сурхон шовқин-сурон билан шовуллаб келган лойка сувни бир сесканиб бағрига олди. Пишқирган сув ўзанлардан тошиб, қай бир чаққон дехкон дафтар чизифидек эгат тортиб қўйган пайкалларни ҳам ювиб кетди. Ҳаво бирдан совили. Жаҳл отига миниб, пишқириб оқаётган Сурхонни ёқалаб, Робия холанинг ҳовлиси томон куёвнавкарлар ўтганда поёнсиз осмон ўртасида ҳайрон йилтиллаб турған қуёш ҳам қаёққадир ғойиб бўлди.

Робия хола бир умр фаол бўлиб ўтган: биргад бўлган, депутат, делегат бўлган, ҳамиша эл устида, элнинг олди бўлиб юрган, ҳеч топмагандан ҳам шапалоқ билан юз қизартиб, катта-кичикнинг иззатига етган аёл эди. Куёвнинг оёқлари остига ловуллаб турган хонатлас билан оклик тўшаб, поёндозни қўшқават қилди. Эгнига бухорча зарбоф тўн солди. Дастурхонида анқонинг тухумидан бўлак ҳамма нарса бор эди. Ҳаммаси кўпгилдагидек бўлди, фактат куннинкара да пайдо бўлган қорамтири булат ҳаммаси ташлаб олгани юрагини сикди. Ресурсларни ташлаб олган хона билан кудалар ўтирган ўртасида

SAMARQAND COMMERCIAL  
SERVICES INSTITUTE  
A COMMITTEE OF THE STATE PLANNING COMMISSION  
3

№ 54896

югуриб юраркан, хар замон-ҳар замон осмонга қараб қўярди. Аксига олиб, қора булат музaffer кўшиндек тобора шиддат билан осмонни эгаллаб борарди. Каердадир қарғалар ҳам қагиллади. Шоҳистага отаси дуо бераётган пайт бирдан шамол турди. Киз ота дуосини олиб, ён-атрофи ранг-баранг шойи тасмалар, шарлар билан безатилган машинага ўтиргунча шамол боласини излаётган телба онадек увиллай бошлади. Бирпасда еру осмон чанг-тўзон билан қопланди. Бир қадам нарида турган нарсани кўришнинг иложи йўқ эди. Бирин-кетин йўлга чиққан машиналар кунша-кундуз куни тунги чироқларини ёқиб олишиди. Орадай бир човгум сув қайнайдиган фурсат ўтмай, шатир-шутур ёмғир ёға бошлади, изидан кор учқунлади. Келин куёвнинг уйига етиб келгандага ҳаммаёқ оппок кор эди:

— Бу Азиз момо! — деди келин-куёв ўтирган машинани бошқариб келаётган ўрта яшар киши. — Тўксон, бир кунимча йўксан, дер экан. Ҳақикатан ҳам, тўксон кунлик қишида шу қаҳранинг ўндан бирини кўрганмидик? Лекин чатоқ бўлди. Ҳамма нарса уйғониб қолган эди. Бу йил бодом йили бўлди, деб юрган эдик ҳаммамиз.

— Бир йил бодом емасангиз, емабсиз, ака! — орқада келиннинг ёнида ўтирган янга кулди. — Энг муҳими, Азиз момо келиннинг йўлига поёндоз тўшади.

Ҳайдовчи пешойнадан янгага бирров ҳайрон ва норози қараб қўйди-да, сўнг ўзига-ўзи айтиётгандай сўзланди:

— Ҳа-а... Элнинг ризки эди-да...

Куёв машинани қий-чув билан кутиб олди. Азиз момонинг кутилмаган қаҳридан шошиб қолган катта-кичик оёқ остида лойга айланаётган

ола-чалпок қор устида дийдирашиб, келин-куёв ўтирган машинани ўраб олишди. Машина эшикли-ри бирин-кетин очилиб, ҳайдовчи, куёв, куёвжўра машинадан тушди. Келиннянга эса ўзлари томондаги эшикнинг тутқичига маҳкам ёпишиб, эшикни очмоқчи бўлган куёвжўрага қараб:

— Олдин ҳакими беринг! — деди.

Куёвжўра чўнтағидан беш-олтита минг сўмлик чикарди.

Янга ишва билан бош чайқади:

— Бу кам!..

Бу сафар куёвжўранинг ёнида турган куёв чўитак ковлаб, янгага пул узатди.

Янга пулга қараб, мазах қилгандай кулди:

— Яхши йигит, мен сиздан сакич пули сўраттаним йўқ. Мен келин олиб келдим, хўроқанд эмас.

Келин хижолат тортиб, янгасининг биқинига қаттиқ туртди. Янга бир силтаниб, яна эшик тутқичига ёпишиб олди:

— Тўғри-да, қўлидан келган йигит уйлансин!

Куёв ок-сариқдан келган раңгиаргина йигит эди, дув этиб қизарди.

Куёвжўра машина эшигига энгашиб, янгага пичинг қилди:

— Ўзингизнинг нархингизни ҳам айтинг, янга, кўтара савдо қиласиз.

Атрофда сингилгина кулги кўтарилди. Поёндоз ушлаб, келиннинг тушишини кутиб турган аёл настки лабини тишлаб, ерга қаради: «Яшшамагур, қуданинг иззатини қилмади!»

— Куруқ қошиқ оғиз йиртади, йигит! Кўлингдан келадиган ишни гапир! — қарздор бўлиб қолишни истамаган янга ҳам куёвжўрани яна масхара қилди.

Йигитлар қийқириб юборди: «Тамом бўлдинг,  
Ҳамдам!»

Ҳамдам -- афтидан куёвжўранинг исми шундай эди -- нимадир демоқчи бўлиб унга томон юраётган эди, куёвнинг имоси билан икки йигит уни қўлтиридан тутиб, нари олиб кетишиди.

Куёвнинг ўзи чўнтағидан бир даста пул чикариб, янгага берди. Янга пулни занжирлари ялтироқ сумкачасига солиб, машина эшигини очди. Сўнг ғолибона пастга тушиб, тор кийимда келишган қадди-коматини кўз-кўз қилганча давранинг қок ўртасидан кесиб ўтиб, дарвоза олдига бориб турди. Йигитлар Ҳамдамнинг биқинига туртишиди.

— Зўр нарса экан! Кўтара савдо қилсанг, шулингга куймас экансан.

Ҳамдамнинг қуюқ қошлиари чимирилди:

— Изимдан итдек эргаштирмасам, отамнинг ўғли эмасман.

У шундай деб олов айланаетган келин-куёвни томоша қилиб турган янгага тикилди. Бироз ўтиб янга унинг ўтли нигоҳларини хис этдими, ялт этиб унга қаради. Ҳамдам дастлабки ғалабадан севиниб кетди. Қошлиарини чимириб турган хушрўй жувонга маънодор тикилиб, кўзларини кисиб қўйди. Жувон аввалига ҳайрон бўлди, сўнг йигитнинг ошкора шилқимлигидан қаҳрланиб, зарда билан юзини бурди. Аммо Ҳамдамнинг ўз «машғулот»ини тўхгатиш нияти йўқ эди. Жувон ҳам қизиқувчанлик туфайлими, қаҳрини боса олмаганиданми; яна унга қаради. Ҳамдам эса кулиб, яна кўз қисди. Янга энди астойдил қаҳрланди, унга бутунлай орқа ўгириб, келинни ҳам кутиб турмасдан, ҳовлига кириб кетди: «Тарбиясиз!»

Тантиқ янга қайсидир маънода ҳақ эди. Ҳамдам олти қиздан сўнг тилаб-тилаб олинган Тиловмурод, айтгани қонун, истагани муҳайё, ушлагани ўзиники бўлиб ўсган йигит эди. Янганинг у узатган пулни масхара қилиб, яна сенсираб гапиргани унинг хамиятига тегди. Тўйхонанинг ўзидаёқ бу ойимчанинг кимлигидан тортиб, телефон рақамигача аниқлаб олди.

— Биз энди божа бўламиз, — деди куёвнинг елкасига маъноли қоқиб.

Аҳмад ошнасининг феълини яхши билар эди. Нимага шама қилаётганини дарров тушунди:

— Ошна, сен бундай гапларни қўй. Эри жуда яхши йигит. Буёфи биз бор. Бир ахмоқ хотиннинг калтафаҳмлигини деб...

Ҳамдам узр сўраётгандай кўлини кўксига қўйиб, кулди:

— Ошна-а!.. Ошначилик ўз йўлига, лекин ҳар кимнинг ўз ҳисоб-китоби бор. Биласан, мен қарз бўлиб юришни ёмон кўраман. Айниқса, аёл кишидан!..

\* \* \*

Тўй куни ёккан қор шу куниёқ эриб кетган бўлса-да, ҳали ҳавонинг захри синмаган, ҳамма жой зах ва нам, аллақачон йўлга чиққан қиши мисинидир унутиб қолдиргани учун ортига қайтган бесаришта хотиндек ивирсиб юрарди.

Улар юзочидан туішга яқин қайтишди. Тўйда ишлатилган стол-стуллар айқаш-уйқаш бўлиб ётган ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Айвон деразасида турган телефон дунёни бошига кўтариб жиринглаб ётарди.

— Нозима, анавини ол, ўзини еб ётибди, — тутун кўтариб ошхона томон кетаётган Робия хола келинига буюрди. — Бобонг қаерга йўқолган...

— Алло-о, эшитаман, — Нозима деразадан телефон тўшагини олиб, қулогига тутди. — Да-а!

— Нозимахон, ўзингизми?

— Ха, менман. Ўзингиз кимсиз? — у жавобни эшитмасдан овоз эгасини таниди. — Бирон ишингиз бормиди?

— Бир аҳвол сўрай дедим сиздан. Тўй ташвишлари билан чарчамадингизми? Яна... Сиздан узр сўрамоқчиман. Кеча бироз кайфим бор эди. Одобсизлик қилган бўлсан, кечиринг.

— Шундайми? Ха, майли, соғ бўлишг.

— Нозимахон, биласизми, мен баъзан тўйларда кўшиқ айтаман. Кеча янги кўшиқ ўргандим. Бир эпнитиб кўринг, — йигит ширали овозда кўшиқ хиргойи қила бошлади. — «Қалбимда оҳ урар, оҳларим уисиз, сенга талинаман кечаю кундуз. Балки сен яшарсан, жонгинам, менсиз. Мен қандай яшарман дунёда сенси-из?..» Қалай, ёқдими?

Тугунларини жойлаштириб, ошхонадан чиқкан Робия хола унга қаради:

— Ким экан? Кимни сўраяпти?

Ўғирлик устида қўлга тушгандек Нозиманинг ранги оқариб кетди. Ҳамон қулокларига босиб турган гўшакка:

— Сиз айтган одам бу ерда яшамайди. Сизга нотўғри телефон беришибди, — деди, сўнг қайнонасига юзланди: — Нормурод деган йигитни сўраяпти.

Бирпас ўтиб, телефон яна жиринглади. Бу сафар Нозима айвон ичкарисида эди. Индамай телефоннинг симини узиб қўя қолди. Хонасига ўтаётуб, девордаги баланд тошойнага қаради: сарвдек қадди-қомат, шунча тўй ташвишларидан кейин ҳам ловуллаб турган қошу кўз, тимкора соchlар кўнглини тўлдирди: «Қандингни ур, Нози! Икки

болали бўлсанг ҳам, бир кўчага чиксанг, изингдан ўн йигит юрагини чанглаб қолади». Беихтиёр куёвжўра айтган қўшиқцинг сўзлари юрагидан қайнаб чиқаётгандай бўлди: «Мен қандай яшарман дунёда сенси-из?..» Шу қўшиқ хиргойиси билан кийим алмаштириди. Тор-танқис кийим-бош, турли тасмалар исканжасидан озод бўлган танаси енгил нафас олди. Кенг-мўл пахталик қўйлагини кийиб, диванга чўзилди. Оёқларини узатгандан сўнг жуда чарчаганини хис қилди. Бир карашда ёрдамчи кўп: овсинлар, амма-холалар, жиянлар. Аммо ҳеч бир иш Нозимасиз битмайди. «Нози, дастурхон керак», «Нози, сочиқ керак», «Нози, меҳмон келди», «Нози!..» У шу катта хонадоннинг бекасими, чўрисими, ҳар қалай, ҳамма нарсанинг жойини факат у билади ва факат у топиб берини керак. Албатта, қайноаси турганда унга бекалик тегармиди? У хизматкор, маошсиз ишлайдиган, ҳеч қачон раҳмат эшитмайдиган хизматкор! Айниқса, кейинги кунларда унга жуда алам қилди. Қайноаси кенжа қизининг сепига бор бисотини тўкиб солди. Эшиқдан ким келса, қилганларини бир-бир қўрсатиб мактанади: «Борган жойида тили қисиқ бўлиб юрмасин. Бизда факат ўғилга тиқишади. Ахир қиз ҳам фарзанд, бироннинг эшигига боради. Эси бор ота-она қизга ўғилдан икки баравар кўпроқ қилиши керак». Бу гаплар унинг исми қўшиб айтилмаётган бўлса-да, суяк-суякларидан ўтиб кетаверарди. «Ха, унинг онаси бунча сеп қилмаган. Каердан ҳам қилсин, ўзи оддий муаллима бўлса... Буёғи жўжабирдай жон, ҳар йили бир боласини уйлади».

Нозима анчадан бери олмос қўзли узук билан зиракка пул йифиб юрган эди. Бу жамғармага баъзан эри ҳам улуш қўшиб турарди. Озгина

қолган эди, ёзда таътил пулини олса бўлди эди. Тўйдан уч кун аввал эри: «Сен пича шопшмай тур. Пулингни ўзим қилиб бераман», деб бор пулини онасига чиқариб берди. Унинг тили танглайига ёпишиб қолди. Онаси ўғлини алқаб-алқаб, ўзидан озрок пул қўшиб, қайнисинглисига худди у орзу қилгандай олмос кўзли узук билан зирақ олиб келди. Яна «ичинг куйиб ўл!» дегандай она ва қиз бири олиб, бири қўйиб, харидларини унга кўрсатиб, мақтанишарди: «Товланишини бир кўринг, ҳар қиррасида юз хил ранг бордек гўё!» Нозима ҳарчанд ўзини бепарво тутишга уринмасин, уддасидан чиқа олмади. Томоғига нимадир тиқилиб, икки чеккасидаги томирларда иссиққина нималардир вижир-вижир қилиб, кўзлари томон оқиб кела бошлади. У зўрға: «Ҳа-а, ҳа, яхши, жуда чиройли экан!» деди-ю, ортига бурилиб ётоғига кириб кетди. Бироз ҳоври босилгач, ўзини уришди: «Арзимас бир тақинчокни деб ўзингга аччиқ гап сотиб олишнинг нима кераги бор? Ҳозир бир нима дейдиган бўлсанг, сенинг ҳам онанг қилсин эди, дейиши аниқ. Сиз қизингизга менинг неча йилдан бери йигиб юрган пулимга қилаяпсиз. Бу пул мен учун онамнинг сутидек ҳалол эди, десинми? Нима фойдаси бор?»

Айниқса, эрининг бездек бўлиб, пулни индамай онасига чиқариб бериши унга жуда алам қилди. Ўзи бу эркак қачон унга ёлчитиб бирон нарса олиб берган?! Одамларнинг эри хотинига ота-онасидан яшириб пул берса, бу!.. Қачон бўлса, мўлтираб онасининг кўзига қараб туради.

Бир аччиқ билан болаларини етаклаб, онасиникига кетиб колай деди. Яна шайтонга ҳай берди. Яхшиям кетмаган экан, бироз чарчаган бўлса ҳам тўй баҳона қанча қариндош-уруғларини

кўрди, еди-ичди, ўйнаб-кулди. Куёв томон ҳам зўр тўй берди. Куёвжўраси тушмагур кўзи билан еб қўймади, қўймади.

Энди кўзи илинган экан, кимдир елкасига қаттиқ туртди, чўчиб қўзини очди. Бошида қошлари норози чимирилган эри турарди:

— Туриб, онамга қарашибсанг бўлмайдими? Етмишга кирган кампир музлаб, идиш-товоқ ювиб ётибди, сен бўлсанг, ялпайиб!..

Хона анча салқин эди, устига ҳеч нарса олмай ётиб қолган экан, бироз мизғиганигами, эти жунжикди. Эрининг юзига бир қараб, керишиб олди. Сўнг ўрнидан туриб ўтирди:

— Бунча ваҳима қиласиз? Киз туғиб, қиз узатган бойбичча ишлайди-да. Ичингиз ачиётган бўлса, ўзингиз ювинг ўша идиш-товоқларни.

— Хей-й! Ўзингдан кетма, хотин! — хотини жанжал ковлаб турган бўлса-да, ўзини босди. — Чой-пой қил, меҳмон келди.

— Уф-ф! — Нозиманинг ростакамига жаҳли чиқиб кетди. — Яна меҳмонми? Бу уйда тинчлик борми ўзи? Кечаги меҳмондорчиликнинг жойини тозалаб улгурмасингдан янгиси кириб келаверади. Тўйиб кетдим ҳаммаларингдан!

— Э-эй! Менга қара! — Сардорнинг жаҳли чиқиб кетди. — Сенга ўзи умуман одам иси ёқмайди. Есанг, ётсанг, солланиб кўчама-кўча юрсанг! Кун бўйи телефонга осилиб, онанг билан фийбатлашсанг! Дангаса!

— Онамни тинч қўйинг, онамга тил теккизманг!

— Онанг билан қўшмозор бўл! — Сардор жаҳл билан хонадан чиқиб кетди.

Нозима анча вақт ўзига келолмай ўтирди. Зарда билан тўшакка чўзилиб ҳам олди, аммо

уйқуси бузилиб бўлган, чарчоғи ҳам бир қадар ёзилган эди. Ҳеч ким уни йўқлаб келмаслиги га кўзи етгач, ўтириб-ўтириб ўрнидан турдида, ошхонага ўтди. Қайнонаси жавраб-жавраб қозон ковлар, эри пиёла артар эди. У беихтиёр эшик ортида туриб қолди: «Майли, болам, майли. Икки боласи бор. Индама. Бир кун рўзгор ўзига қолса, одам бўп қолади». «Э-э, шуми? Ҳеч қачон ўзгармайди. Ўзгарса, шунча йилдан бери ўзгаради. Сиз ўлиб кетсангиз, бу эшикдан на бир ошнам, на бир қариндошимни олиб кира олмасам керак. Чивинини қўришга эринади. Шу икки бола ёзиламан деса, балога қолади. Гўдаккиналар қўрқанидан сизнинг олдингизга келади. Ўзининг боласи ёқмаган одамта сиз билан менинг меҳмоним ёқармиди?» «Майли, болам, майли. Хозирча ўзим бор. Мен ўлиб кетсам, меҳмонларингни ресторанларда кутаверасан. Топмай ўтирган жойинг йўқ». «Э-э, она, кирқقا кирсам ҳам шунингизни ҳайдаб, бошқа уйланаман». «Тавба де-е! Гулдай болаларингнинг бошига ўгай ота, ўгай она зулмини солмоқчимисан? Хотининг ҳали ёш, бирор тўққизида бош бўлар, бирор ўттизида ҳам ёш бўлар. Бўлади-да. Қилмайди эмас, қилади. Бир итфеъли бор, бир умр ҳамма нарсадан норози бўлиб юради. Бироз ношукур, шунча йил яшаб, бундан кейин ҳам бир умр яшаши керак бўлган уйга ҳеч меҳр қўймади. Фақат «онамнигига» деб туради. Шунисига доғман, болам, майли, инсофини берсин!»

«Ха-а, уйлан! Илоё, уйлан! Мен ҳам сенинг ювиндингга зор бўлиб ўтирганим йўқ: Икки боламни ойдинда оёғим билан бокаман. Шу болаларинг уст-бошидан ҳам қизғониб, йигиб юр-

ган пулларимни синглингга ҳадя қилиб юбордиг. Аблах!» У шартта ортига бурилиб, ҳовлига чиқди. Намхуш ҳаво ловуллаб қизиб кетган юзларига урилди. Хўлқаси тўлиб, йиғлагиси келди. Ҳовлининг адогига қараб юрди. Қайнонаси уни деразадан кўриб қолди, шекилли, увиллай бошлади:

— Нозима-юв!

«Худди ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч нарса демагандай!»

— Ҳа? — норози тўнғиллади у.

— Соат беш бўлди, болалар ҳам боғчада илҳақ бўлиб ўтиришгандир. Уларни олиб кел, болам.

Қайнонаси ҳар доим шундай қиласи. Бир умр элни бошқарган аёл-да. Тулки! Бир гап айтса, эътиrozга ўрин қолдирмайдиган қилиб айтади. Ҳозир: «Келин деган ҳам шунча ётадими?» деганда, ҳаққи борми-йўқми, бир бобиллаб, хумордан чиқарди. Бу «болаларингни олиб кел» деяпти.

Бунга нима дейди? Бола ўзиники бўлса! У индамади, лекин барибир изига қайтмади. Индамай ҳовлининг адогига ўтди. У ерда қайнотаси яхши кўрадиган жой бор. Болта ўтмаганидан кўп йиллардан буён дарахтлар орасида кўндаланг бўлиб ётган ўрик танаси. Қайнотаси кўпинча ўша ерда ўтириб чекади, ҳовлини томоша қиласи, невараларига ўйинчоқлар ясад беради. Бу ерни Нозима ҳам яхши кўради, ҳовлини йиғиштириб, супурганда, шу ерни ҳам сунуриб қўяди. Куюқ дарахт шохлари орасидан бу ерда ўтирган одам кўринмайди, аммо у ерда ўтириб, ҳам боғни, ҳам ҳовлини бемалол томоша қилиш мумкин. Унинг бироз эти жунжикди, боғнинг ичи салқин эди, ёқаларини кўтариб, кўлларини кўкраги устига

ковуштириб олди. Кўнгли жуда ғаш эди. Эрининг гаплари қулоқлари остидан ҳеч кетмасди. «Аблах!» Тўйдан аввал ҳам хафа килган эди: «Бунча ёпишдинг шу бриллиантга! Бриллиант тақиб юрган бойбиччанинг қизимисан?!»

Юзига тарсаки тортиб юборгандай бўлди. Буларнинг ҳар гапи икки бошли тўқмок. Тўқмоқнинг бир учи унинг бошига тегса, бир учи, албатта, онасининг бошига мўлжалланган бўлади. Тўғри, унинг онаси олмос тугул ёкунт ҳам тақмаган. Лекин онасининг йўли бошқа, замони бошқа. Саккиз бола билан қандай ўзига каарди шўрлик? Бу эса шунча ойликчининг ичидаги яшайти. Озгина эркинлик беришса, ҳамма нарса олиши мумкин. Аммо қайнонаси ҳамманинг пулини ҳисоб-китоб килиб, ҳали таъмир бошлаб юборади, ҳали гилам кўтариб келади, ҳали сигир савдо қиласди. Унинг кичкинагина маоши ҳам шу катта-катта харажатлар ичидаги кумга сингтан сувдек сингиб, йўқ бўлиб кетади. Шу харажатлардан кисиб-қимтиб йириб юрганини!

— Нози, Нозимаюв-в!

Қайнонаси яна чақира бошлади. «Уф-ф!..» Афтидан боққа кириб кетганини кўрган, шекилли. У индамай ўрнидан туриб, дарвоза томон юрди. Энди бормаса, қўймайди.

... Болаларнинг косачаларидаги овқатларини бидонга йиғаётган боғча опа уни кўриб, ғалати бўлиб кетди. Хижолат бўлганини сездирмаслик учун кулиб, ўзини оқлашга тушди:

— Ҳаммаси денг, бойваччаларнинг боласи. Богчанинг овқатини емайди. Емасанглар еманглар, дедим. Товукларим бир мазза қилсин.

Аёлнинг ялтоқланиши ғашини келтирди. Бир гап қилиб, чақиб олай деди-ю, яна индамади. Йўлда ўғлидан сўради:

— Нима овқат беришган эди?

Үғил бурнини жийирди:

— Гуручли овқат. Гуручларининг орасида чўплари, тошлари ҳам бор. Егимиз келмади.

— Мен едим, қорним роса очқаб кетган эди. Ҳаммасини еб қўйдим, — деди қизчаси онасининг мақтоворидан умидвор бўлиб.

— Қандай единг, чўплари, тошлари бўлса?

— Чўплариниям еб қўйдим. Мен чўпларни ҳам ея оламан, — яна мақтанди қизча.

«Шугиналаримни товукларга бериладиган хўракларга teng қилиб ишлайман. Топган пулим кимларнинг кунига ярайди».

Ёнларидан физиллаб ўтган машина йўл ўртасида кўлмак сувини шалоплатиб, уларнинг устига сачратиб ўтиб кетди. Яп-янги халатига лойқа сув чапланди. Яна эрини ёзғирди: «Беш дақиқалик йўл! Мехмонларининг оғзига қараб ўтирмасдан, болаларни машинада олиб келса бўларди! Йўқ, у онасини хафа килиши мумкин эмас. Хотини, болалари нима бўлса бўлсин. Онасининг дили ранжимаса бўлди!»

Қайнонаси меҳмонларини кузатиб бўлган шекилли, кўлларини белига қилиб, дарвоза олдидаги турган экан.

— Боғчага кетган-кетмаганингни билмай, энди ўзим борсамми, деб турган эдим.

Болалар момосига ёпиша кетди.

— Момо-о! Аммам келдими?

— Аммам уйдами?

— Энди аммангнинг уйи бошқа ёқда. Энди ўша ёқда яшайди.

— Нега, нега?! Нега аммам бизни ташлаб кетади? Мен ҳам аммамникига бораман! — Санжар ерга чўнқайиб ўтириб олганча йиглай бошлади.

— Тур-э, тентак! — Нозима боласининг қилиғидан аччиқланиб, костюмининг елкасидан тортид. — Тур, бор, кийимларингни алмаштир!

Санжар ўрнидан туриб, онасига ёпишиб, юмдалай кетди:

— Ҳаммаси сизни деб бўлди. Сиз аммамни ёмон кўрардингиз, у шунинг учун кетиб қолди.

— Нима? Нима дединг?! — Нозима ўғлиниңг юзига қарс этикизиб тарсаки тортиб юборди. Бола мувозанатини йўқотиб, чайқалиб кетди. Кўркқанидан бошини билаклари орасига яшириб, ўтириб олди. Нозима уни бир тепиб, ҳовлига ўтиб кетди: «Юзинг қурсин, сендей боланинг!»

Робия хола турган жойида тахтадек қотиб қолди: «Бу келин чиндан ҳам кутурибди». Санжарниң миттигина вужудига ҳар зарба текканде худди ўзининг елкаларига қамчи тупғандек бир сесканиб, то изиллаб йиглаб қолган болани бағрига олгунча қалтираб қолди:

— Хай, эси йўқ болам-а, нима қиласан онангга гапириб? Амманг йўқ бўлиб кстмайдими? Сенга амма нимага керак?

Бошқа нима ҳам десин? Бир нарса деса, бу келиннинг ҳамиша тугуни тайёр. Онаси ҳам беўй хотин. Ҳеч қачон: «Икки болали бўлдинг, энди сабрли бўл», демайди. «Кел, болам, тор қорнимга сиққан, кенг уйимга ҳам сиғасан», дейди. Буёғи ўғил ҳам тўнини тескари кийиб турибди. Ҳозир бир нарса деса, ҳеч ўйлаб ўтирмайди: «Она, олдини қайтарманг, кетса, йўқолсин. Қачонгача шундай яшаш мумкин? Унга на сиз ёқасиз, на бирон қариндош-уругим. Фақат мен бўлсам. Мен ҳам тилсиз-жағсиз, кундузи пул топиб, кечқурун идиш-товоғини юви-иб ўтирсан! Э-э!. Чарчаб кетдим, она!»

Айвонда яна телефон жириングлади. Кимдир симини улаб қўйган шекилли. Яна Нозима тўғри келди. Дарвоза олдидаги мажаронинг қахри билан ўқдек учиб хонасига ўтиб кетаётган эди, атрофга хавотир билан бир қараб олиб, қўркибгина гўшакни олди:

— Алло, эшитаман.

Гўшакдан қўшиқ эшитилди:

— Энди мен кўнглимни узолмайман, ҳижронли кунларни чўзолмайман...

Зим-зиё кўнгил уйининг дарчасидан бир қатим нур сизиб киргандай бўлди. Атроф ёришиб кетди. Хузур қилиб чуқур нафас олди, аммо бу қўшикни охиригача эшита олмайди. Афсус... У бир сўз демай, гўшакни ўрнига кўйди. Болаларини эргаштириб хонасига кириб кетган қайноасининг эшигига кибрли қаҳр билан бир қаради-да, телефоннинг симини узди. Сўнг ҳовлига чиқди. Фарбга караб оғиб бораётган баҳор қуёши ҳам унинг кайфиятига монанд бесаранжом ҳовлига майнин нур сочиб турарди. Ошхонага кириб, ювуқли-ювуқсиз идиш-товоқлар уюлиб ётган столнинг ёнбошида осиевлик турган пешбандини олиб, олдига боғлади. Газ ўчоқда бир човгум сув қайнаб турган экан. Ҳамма идиш-товоқларни аввал ишқорлаб, сўнг иссиққина тоза сувда ювиб-артиб, токчаларга жойлади. Сўнг столларни, газ ўчоқни ялтиллатиб артиб, ошхонани ҳам супуриб чиқди. Ҳовлини супура бошлаганда, эри уйдан чиқиб, стол-стулларни бир четга тахтай бошлади.

Куёш сўнгги нурлари билан уфкни лола рангга бўяганда бедалояга ўрнатилган қозон-ўчоқлардан қолган кул изларини айтаса, ҳовли яна осо-  
йишта ҳолига қайтган эди. ~~SAMARQAND OTKAZOQ  
Soyu Xotiri birligiga ishlashgan~~  
Бўлса-да, бир-бира га ~~SA SERVIS INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI~~

ташламади, бунга ҳар иккаласида ҳам заррача рағбат, хохиш йўқ эди. Нозима ҳар-ҳар замон қандайдир интиқ хавотир билан телефон турган айвон деразасига қараб-қараб қўярди. «Ишқилиб, биронтаси яна телефонни улаб қўймасин-да. Бу йигит мени киз бола деб ўйладимикин? Топган қўшиқларини қаранг». Шундай хаёллар билан фимирсиб юриб, баъзан эрига кўзи тушиб қолар, унинг уюлган қовокларини кўриб, яна асаби бузиларди: «Ҳа, ҳамма менинг эримдек соков қарға эмас-да! Онам ҳам ўлсин, «бой-бой» деб шуларга берди. Бой эмиш, қачон қарасанг «вой-вой». Шунинг ҳам кўнгли бор, деб бирон нарса қилиб беришнинг ўрнига, «Ҳали ойлик олмадингми?» деб ўтиришади». Болаларнинг уст-боши, боғчаси-ку, тўлиқ унинг елкасида. Маош теккан куни индамай болаларини бозорга олиб чиқади-да, бош-оёқ кийинтириб қайтади. Қайнонаси урушмайди-ку, лекин бир тўнфиллайди: «Болаларнинг эски-туски ичида катта бўлгани яхши, кўз-пўз тегмайди. Ҳали катта бўлишса, кияверишади». Баъзан ўзича хижолат ҳам бўлиб қўяди: «Болам, рўзғор деган ҳеч тўлмайдиган фор бўларкан. Бир умр эру хотин ташиб-ташиб тўлдира олмаган эдик. Энди Сардор билан сен қўшилдинг. Харажату орзу-ҳаваслар ҳам шунга яраша ортди. Майли, болам, Шоҳистани узатиб, эсон-омон эгасига топшириб олайлик, кейин топганимиз ўзимизники. Еймиз-ичамиз. Кимматбаҳо кийимлар оламиз. Санаторийларга борамиз», — деб қолади. Нозима бу гапларга сира ишонмайди. Шу кампир тирик турса, ҳеч қачон эшкакни уларнинг қўлига бериб қўймайди. Ҳали у, ҳали бу харажатни ўйлаб то-паверади. Ҳар йили нимадир қуради, кейин ўзи фахрланиб юради.

«Ўшанда ҳам бир нарса чиқиб қолади», деб түнгиллайди Нозима. Кампир эса қулади: «Тирик одамнинг орзу-ҳаваси тугармиди? Бир кун ўлиб кетсам, мен тежаб-тергаб курдирган бу ҳовли-жойларда маза қилиб яшайсизлар. Ўшанда мени эсламайсизлар ҳам». «Ким аввал ўлиши ёлғиз Аллоҳга аён. Одамзод бугунини ўйлаб яшапши керак», яна түнгиллайди у. Унинг бу уйдагиларнинг раъйига қарамай қўйганига кўп бўлган. Бошида ҳамманинг кўзига қараб туради. Ичи йиғлаб турса ҳам, жилмайиб юрарди. Бу жуда оғир эди. Шу японлар бир умр табассум билан, тавозе билан юриб, қийналиб кетса кераг-ов, деб ўйлар эди ўз ҳолига ўзи ачиниб. Шу минғир-синғир кампир билан шу қозонтоворқ умрбод бўйнига тузхалта қилиб осилганини англаб етган кун жуда сикилиб кетди: «Э-э, бор-э!» ва юзидаги табассумни кераксиз буюм мисол илиб отди. Бу ёқда онаси ҳам бир нарса деса: «Болам, камбағалсан деб хўрлашларига йўл қўйма. Ҳеч иккиланмай қайтиб келавер. Қўлингда дипломинг бўлса, болаларингга ўзим қарайман. Ҳеч замонда хор бўлмайсан», — дер эди. Одамзод гапи қўр сийшини, атрофдагиларнинг нозик жойини билса, истаса ҳам ўнг гапини айта олмай қолар экан. Бу миянғи кампир эса нёвараларини жуда яхши қўради, чин тўлганда бир тошмаса, жим!.. Ҳатто ўғлига ҳам бир оғиз бир нима демайди. Шундай бўлгач, унинг ўзини йириштириб олишга ҳаракат қилиши шартми? Ўзи, умуман олганда, хаёт унинг учун жуда ёқимсиз машғулотга айланди: на уйда рўшнолик бор, на ишда! Одамларнинг уйи ғурбатхона бўлса, ишга бориб, кўнглини ёзиб, яйраб келади. Буларнинг мактаби ҳам жинниҳонанинг ўзи! Ҳамиша юраги зирқиллаб ишга боради, бир амаллаб дарсини тутатгач, яна юраги зирқиллаб уйга қайтади.

\* \* \*

Одатда тўй ўтказганлар ишга чиққанларида тўй дастурхонидан қатлама-патир, қанд-курс, иссиқ-совуқ ичимликлар дегандай, бир тугун қилиб борарди. У ҳам ҳеч бўлмаса ўзининг «тилчи»ларига ул-бул қилиб борай деди-ю, яна юрагига сизмади. У ишга боргандা, ўқитувчилар хонасида ҳеч ким йўқ эди. Гир теварагига қинғир-қийшиқ ўриндиқлар териб чиқилган катта хонанинг ўртасида беўхшов қўққайиб турган узун столнинг бошида унга ёпилган сиёхранг ёпинчиқقا бир зум тикилиб турди-да, журнални ҳам олмасдан хонадан чиқди: «Ишга чиқдим деб ўринbosар хонимга бир оғиз айтиб қўяй».

Қабулхонада компьютерга тикилиб ўтирган котиб йигит уни кўриб, салчиб ўрнидан турди:

— Келинг, опа!

Нозима овоз чиқармасдан директорнинг хонасига ишора қилди: «Шу ердами?» Котиб эса ўринbosарнинг хонасини кўрсатди: «Бу ёқда». «Уфф!..» Бир умр шундай!.. Қачон қарасанг, бирга ўтиришади. Муаммонгни ҳам, узринингни ҳам бирга эшитишади! Индамай ортига бурилган эди, ичкаридан «Ки-им?» деган шангиллаган овоз эшитилди. Котиб «иложсизман» дегандек унга бир қараб, ичкарига товуш берди:

— Нозима опа келган эди.

— Кирсин.

Опа — эти қочган коп-қора юзининг ярмини ялтироқ гардишли кўзойнак ёниб олган ўринbosар аёл хонанинг тўрида, бир уюм қоғозлар ортида чиройли финжонда буёланиб турган хушбўй қахва хўплаб ўтиради. Қахва шуичалар тотлимиди ё ҳамсухбатидан бирон ширин сўз эшиттаними, унинг кўзлари масур сузилиб турарди:

— Кел, Нозима!

Опадан қуирикда ўтирган директор унга караб ҳам қўймади, индамай қаҳвасини ичаверди: «Хонимчасидан қўрқди!»

— Келдим, — бемаҳал кириб қолганидан хижолат бўлди у. — Ишга чикдим деб бир оғиз айтиб қўяй, дегандим.

— Яхши, тўйларни яхши ўтказиб олган бўлсанг, энди файрат қилиб ишла. Бугун мактабимизга вазирликдан одам келаркан, — унинг кўзларига синовчан табассум қалқди. — Бир чирайли дарс ўтиб бермайсанми?

Нозиманинг ранги ўчиб кетди: «Хатто конспект ҳам ёзгани йўқ. Кўргазма ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бир ҳафтадан буён тўй ташвишлари билан юриб, журналлар ҳам тўлдирилмаган. Бу... нархини ошириш учун жўрттага қармоқ ташлаяпти. Ялиниб, жилпанглашини истаяпти!» У зўрға қаҳрини ичига ютди. Ҳамон илжайиб турган Опанинг кўзларига илтижо билан қаради:

— Розиман, фақат бошқа сафар! — бирдан ич-ичида нимадир узилиб кетгандай бўлди. На ўзининг, на атрофдагиларнинг хурматини қила олмаган бир енгилтак аёлнинг олдида чорасиз, ожиз одамга айланганидан уялди. — Бир ҳафтадан бери тўй ташвишлари билан юриб...

— Айбини бўйнига олади ҳам, яхши! — боядан бери гапга қўшилмай ўтирган директор унга қаҳр билан бир караб, чақиб олди.

Нозима индамади.

Опа маънодор танглай қоқиб, бош чайқади:

— Майли, боравер.

Қабулхонада ғазнабонга дуч келди:

— Бердикулова! Как раз сизни излаб юрган эдим. Сиз тўйлаб юрган кунларингизда биз учта

комиссия кузатдик. Бугун яна комиссия келар экан. Икки минг сўмдан саккиз минг сўмга қўл кўйинг.

У узундан-узоқ рўйхатнинг бош-охирига қараб ҳам ўтирмади: «Кафандикларингта буюрсин! ғазнабон кўрсатган жойга индамай имзо чекди.

— Э-э, раҳмат опа! Ҳамма сиздай мард бўлса экан. Арзимаган икки минг учун ётиб ёқалашади-я, одамлар...

Биринчи соати 7«а» да эди. Бу синфга ҳамма ўқитувчилар ҳайиқиброқ киради. Чунки синфга фақат бадавлат одамларнинг болалари йифилган. Уларга ҳар йили энг яхши синфхона, энг мулојим ва тажрибали ўқитувчилар ажратилади. Аммо ўша яхши ўқитувчилар ҳам уларга ҳеч қаҷон ошиқча гап қила олишмайди, аксинча, ота-онасидан қўрқиб, баъзилари дурустроқ совсалом умидида уларга очикдан-очик хушомад килишади. Чунки ҳокимнинг ҳам, прокурорнинг ҳам, бозорқўмнинг ҳам боласи шу синфда. Бу болалар учун дуппа-дуруст бир муаллимни бадном килиш ёки орадаги тафовутни унутиб ялтоланиб ташаккур билдирав даражада қимматбаҳо совға келтириш ҳеч гап эмас. Нозима эса улардан сира қўрқмайди, совға ҳам кутмайди, олиб келишганда ҳам олмаган: «Ордона қолсин!» Фақат бир парча болаларнинг эгнидаги энг сўнгги урфдаги қимматбаҳо кийимларга қараб, ичи ёниб кетар эди. Ўзи камхарж оиласда ўстган эди, энди бой оиласа тушиб ҳам ўқувчиларича кийина олмаса. Синф уни одатдагидек шовқин-сурон билан қарши олди, уларнинг саволларга кўмиб ташлашлари учун жиндеккина баҳона керак:

— Малим, тўй яхши ўтдими?

- Шоҳиста опа чиройли келин бўлдими?
- Нечта машина келди?
- Куёв чиройли йигит эканми?

Нозима синф журналини қўксига босганча бир оғиз бир нарса демасдан қошларини чимириб, доска ёнида болаларнинг тинчишини кутиб тураверди.

Дўстона мулоқотга эриша олмасликларига кўзи етган болалар аста-секин тинчib қолди. Шунда ҳам орқа партада ўтирадиган бир-икки бетамиз: «Нега кайфиятинг йўқ, а?», «Сени кимдир хафа қилганга ўхшайди, айт, ким хафа қилди?» — деб бир-бирларига пичинг отишди.

Нозима бу пичингларни эшитмаганга олди: нима ҳам дейди, бу бетамиз андишасизларга?!

Дарс бошланди.

— Хўш, ўтган дарсда кандай мавзу ўтилган эди?

— Мен айтай, — ўрнидан сапчиб турди биринчи партада ўтирган бозорқўмнинг ўғли.

— Қани, Мирзаев?

— Ўтган дарсда тўй бўлган эди, — у жавобни дўндиргандек мутлако жиддий оҳангда гапирди.

Синфда дув этиб кулги кўтарилиди.

Фақат Нозима кулмади.

— Ўтир, Мирзаев, яна бир марта шундай қониқарсиз жавоб берсанг, қониқарсиз баҳо журналга ҳам тушади. Хўш, сизларнинг эсларингдан чиқсан бўлса, мен сизларга қарашиб юбораман. Тўйгача бўлган дарсимиизда «равиш» ҳақида гаплашган эдик. Қани, Жаҳонгир, — ҳали юзидағи мамнуният ифодаси тарқамаган бозорқўмнинг ўғлини доскага чиқарди. — Равиш деб нимага айтилади? Иккита гап тузиб, таркибидаги равишни топиб бер.

Жаҳонгир бироз қаловланиб қолди:

— Малим, мен бу мавзуга ўтган дарсда тайёрланиб келган эдим. Бугун эсимдан чиқиб қолди.

— Кеча ўқиган нарсамиз бугун ёдимииздан чиқиб кетса, ўқиганимиздан нима фойда? Сиз шундай ўқишингиз керакки, ўргангандарингиз бир умр эсдан чиқмасин. Ўтириш, икки! — у журналга ҳам «2» қўйиб қўйди.

— Сайфиддинов, — энди прокурорнинг ўғлини доскага чиқарди — қани, равишнинг қоидасини сен айт-чи!

Бола бироз ерга қараб турди-да, сўнг муқаррар журналга тушадиган «2» нинг олдини олмоқчи бўлдими, ўзича исён кўтарди:

— Малим, мен хуқуқшунос бўлмоқчиман. Менга равишнинг қоидаси умуман керак бўлмайди.

— Жуда яхши, Сайфиддинов, сен хуқуқшунос бўлавер. Аммо шуни билиб қўйки, хуқуқшунослик институтига топширадиган шаходатномангда ўзбек тили фанидан ҳам баҳо бўлиши керак. Бу баҳо эса шу фандан олган билимингга қараб қўйилади. Равишни билмайсанми, ўтириш, «2»!

Синфга сув қўйгандек жимлик чўқди. Ҳар доим кимнидир масхара қилишга шай чехраларда қовоқлар уюлди, қошлар чимирилди: «Шошмай тур, ҳали кўрасан!», «Худога шукур, мендан сўрамади», «Бугун ҳақиқатан ҳам кайфияти йўқ. Эри билан урушганми?», «Директордан гап эшитган бўлса керак»...

— Хўш, дарсга тайёрланиб келган бирон одам борми? Йўқ! Демак, қолганларга оғзаки «2», янаги дарсда бу баҳони тўғирлашларинг керак. Акс ҳолда, бу «2»лар журналга тушади. Энди, янги мавзуга ўтамиш...

Нозима бу синфнинг унга нисбатан «чегара»ни босиб ўтишига ҳеч қачон йўл қўймаган. Болалар ҳам ҳамиша ҳаддини билишарди. Бугун Нозиманинг руҳиятидаги тушкунлик, болаларнинг кайфиятидаги баҳорий қўтариқилик тўқнашиб, ана шундай дилхираликни келтириб чиқарди.

Катта танаффусда ҳовлиқиб Мастура дугонаси келди.

— Опа шу йил бир тўйиб сумалак емадим, дебди. Наврўзда ҳам ўтирган эдик. Сумалак қилинар экан, ҳар бир кишидан йигирма минг сўмдан йиғишмоқчи. Кўшиласанми?

— Ё, тавба, — Нозима ёқасини ушлади. — Йигирма мингдан юз ўқитувчининг пули икки миллион бўлади. Икки халта ун юз минг бўлса, қолган бир миллион тўққиз юз минг сўм пулни нима қиласар экан бу еб тўймаслар?! Бирорвонинг ҳақидан ҳеч ҳазар қилишмайди-я, ноинсофлар!

— Кўйсанг-чи, осмондан тушгандай гапирасан-эй. Ахир, сумалак бир кеча-кундуз қайнайди. Кечки пайт базм дастурхони ёзилар экан. Тандир-кабоб, кола, фанта, дегандай.

Базмни эшитиб, Нозиманинг баттар орқаси тутди:

— Кўй, дугона! Ўша даврада ўтириб, яна бир марта хўрланишни сира ҳам истамайман.

— Нозима, қўйсанг-чи! Мен ўша катта оғиз бойбиччалар билан уларнинг лаганбардорларига умуман эътибор қилмайман. Муштдеккина қорним бор, бир бўлак пишлок билан бир ликоп салат есам ҳам тўйиб қоламан. Кейин маза қилиб ўйнайман. Сен бундай бўлма. Ҳамма нарсадан кир ахтараверсанг, ўзинг ҳам кирланиб қолсан.

Нозима чукур хўрсинди:

— Мен бошқача бўла олмайман, беихтиёр ўша бойбиччаларга, уларга алоҳида ташилаётган сергўшт, ёғли-ёғли таомларга қарайвераман. Уларнинг тўрда ўтириб олиб, бизнинг ризқимизни е-еб, яна бизга беписандлик билан қараб ўтиришларини кўргани қўзим йўқ. Хатто, уларнинг дастурхонига қўйиладиган идиш-товоқлар ҳам бизнидан бошқача, қимматбаҳо бўлади.

Аслида Нозима юз карра ҳақ эди. Бу мактабда одамга эрининг мартабаси, уст-бошига қараб муомала қилишар эди. Шунга қараб муаллимлар гурӯҳларга бўлинган. Амалдор, пулдор кишиларнинг хотинлари бир гурӯх, дунёни сув босса тўлиғига чикмайдиган ёшлиар бир гурӯх, Нозима билан Мастирага ўхшаш ўртамиёналар бир гурӯх. Щубҳасиз, ҳамиша ҳар қандай давранинг тўри, эътибори бойбичча хонимларники эди. Директор ва ўринbosар опа, яна бир-икки ёши ўтиб қолган «закунчи» ўрис-татар муаллималар ҳам уларнинг ёнида эдилар. Уларга ҳаммани мухокама қилиш, ҳаммага танбех бериш ҳуқуқи берилган. Ҳамма улардан қўрқади, ҳамма уларга хушомад қиласди. Бир куни Нозима тўртта узук тақиб келган эди. Эри ички ишларда қандайдир катта лавозимда ишлайдиган тошкентлик ойимча уни атай ёнига чақириб, танбех берди:

— Нозимахон, бу нима юриш? Ҳаммаёфингиз тилло бўлиб кетибди-ку. Бу ер тўйхона эмас, мактаб! Сиз эса отарчи эмас, ўқитувчисиз, — аёлнинг чимирилган пайваста қошлари, кишига ўқдек қадалувчи сурмали кўзлари, бағбакалари ҳам зеб бўлиб турган ажинсиз оппоқ юzlари, хуллас, бутун турқ-тароватидан чак-чак этиб заҳар томиб турарди. Нозима беихтиёр унинг каттакон олмос кўзлари ловуллаб турган зирағи билан узутига каради.

— Бундай узуклар кимда йўқ, балки менда бир ховучи бордир. Бор деб, боримизни бармоғимизга илиб, ўқувчиларнинг олдида ялтирултири қилиб юришимиз шартми?

Аёлнинг қаҳрли кўзлари олмосдан ҳам ўткир эди, Нозима қип-қизил ёқут кўзлари бакрайиб турган узуклар тақилган қўлларини тиззалари орасига олди. Унинг ноўрин каттачилигидан қаҳри келди, аммо ўзи неча йиллардан бери интилиб ета олмаган тақинчоқлар қулоқ ва бармоқларида ялтиллаб турган аёлга ўтказиб бирон нарса дея олмади.

Ўша кунги мулоқотдан сўнг неча пайт ўзига кела олмай юрди. Ўша «тергов» эсига тушса, ҳалиям мазаси қочади.

— ... Йўқ, дугон, мен бу базмга қатнашмайман.

— Қатнашсанг, қатнашмасант, ойликдан йигирма минг ушлаб қолаверади. Ундан кўра қатнашайлик. Еб-ичиб, ўйнаб-кулиб...

— Мен, барибир, қатнашмайман.

Унинг бунчалар кайфиятсиз эканлигига дугонаси хайрон бўлди:

— Нима бўлди? Яна қайнонанг билан жиқиллашиб қолдингми?

— Э-э... йўқ! Ўз-ўзимдан сикилиб кетаяпман.

— Сен ўзинг тилчи бўлсанг, бошқаларга нисбатан тарбиявий нарсаларни кўпроқ ўқийсан. Шукур қилишни ўрганиш керак. Нима дейди, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, фурбат излаганга фурбатдир дунё. Бошингда эринг бўлса, болаларинг бўлса! Қасрдек уй-жойинг бор. Қайнонанг ҳам ёмон хотин эмас.

— Жонимга тегиб кетган ҳаммаси. Минг яхши хотин бўлса ҳам ҳар кун пешонангда бир киши қараб турса, тўйиб кетасан. Ҳар кун бир хил ҳаёт: иш — уй, уй — иш, супур-сидир, пишир-куйдир,

юв-чай, дарс, конспект — жонимга тегди ҳаммаси. Ҳеч тинмайсан, лекин ҳеч биринг икки бўлмайди. Ўрни келганда, бир ўқувчингча кийина олмайсан.

— Э-э, қўй-е! — уни астойдил уришиди Мастура. — Бугун чап ёнинг билан туриб келгансан шекилли. Шукур қил, дугон. Қаноатда гап кўп. Мана мен, ҳик-ҳиқлаб эримни Россияга жўнатдим, энди еганим ичимга тушимайди. Юбораётган пуллариям кўзимга кўринмайди. Айниқса, кечкурун овқат маҳали болаларимнинг кўзига қарашга уяламан. Ҳаммаси соғинган. Пулимиз ошиб-тошиб ётмаса ҳам бош эгамиз бор эди, бағримиз бутун эди. Ўйлаб қарасам, эримнинг қорасиям қора тоғ әкан. Энди «Софмикин? Тинчмикин?» деб ҳиқиллаб умрим ўтаяпти. Кўнғироқ қилиб қолса, дунё топган тентакдек суюниб кетамиз.

— Лекин эрим пул топаман деб Россияга кетса, мен сира хафа бўлмас эдим!..

Дарслари тугагач, икки дугона бирга чиқишиди. Айни пешин бўлгани учунми, ҳаво исиб кетган, «Азиз момо»нинг уч кун олдинги қаҳридан номнишон қолмаган. Бироз кечикиброқ гулга кирган бодомлар яна тўй саргузаштларини, кўшиқчи куёвжўрани ёдга солди. Мастура ёток мебели олган әкан. «Бир кўр-чи», деб уйига бошлади. Чоққина ҳовлидаги сокинликка ҳаваси келди:

— Қандай маза! Уйингда ошикча одам йўқ. Хоҳласанг ётасан, хоҳласанг турасан. Қайнонайкайнота эмас, эримни ҳам кўргим келмаяпти. Бизнинг уй штаб! Бировини кузатсанг, иккинчиси «ассалому алайкум» деб келиб туради. Шундай чарчаб кетдимки! Болаларим кўшинининг боласини эргаштириб келса ҳам ёқмайдиган бўлиб қолган. Қани икки хоналигина уйим бўлса!.. Ётсам, тур-

сам, ўзим истаган ишни қилсам!.. Бирор менинг кун тартибимни тузиб бермаса!

— Бунинг ҳеч иложи йўқ. Бандаларининг кун тартиби бир умрлик қилиб Аллоҳ томонидан тузиб қўйилган бўлади. Масалан, тонг отади, бирор «тур» демаса ҳам, ўзингният эҳтиёжларинг учун турасан. Корнинг очади, овқат қиласан. Овқат қилиш учун масаллик керак, масаллик топиш учун эса қаердадир ишлаш керак. Хуллас, ўша қайнона-қайнота бўлмаса ҳам, тирик экансан, тирикчилигингни қилаверасан.

— Барibir!.. Ҳеч бўлмаса, бирорнинг назоратида эмас, ўзинг учун, ўз ихтиёринг билан қилсанг, у бошқача бўлади.

— Кўй-е, дугон, душманларинг хақида гапиргандай гапирма.

Мастуранинг мебели жуда чиройли экан. Кўшиси болаларини боғчадан олиб келиб берди, у овқат қилди. Ҳеч уйига қайтгиси келмади, шу ерда кечгача қолиб кетди. Қайнонаси билганини қилсин, ўғлиният қайта уйлангиси келаётган бўлса, овқатини ҳам ўзи қилиб есин. Болаларни қайнотаси олиб келади.

Эртаси куни биринчи соатдан директор чакиртираётганини айтишди. Кеча айтган гапи ёдига тушиб, кўнгли беҳаловат бўлди: «Менга комиссия олиб кирманг, деб дурустроқ илтимос қилсам бўлар экан».

Одатдагидек директор Опанинг ёнида экан. Одатдагидек саломига алик ҳам олмади. Опа эса бирдан бобиллаб кетди:

— Эй, сен нима қилиб юрибсан? Бутун бошли бир синфга «2» кўйишга нима ҳаққинг бор? Ўзингга ҳам баҳо қўйганмисан? Бутун синфдан бирон болага «2» дан зиёд билим бера олма-

ган муаллимнинг баҳоси «1» бўлади, билдингми? Сенларнинг шунча комиссияларингга пеш бўлиб юрганим камлик қилгандай, энди прокурорнинг олдида тик туриб, сўрок беришим керак.

Нозима кўзларини чақчайтириб, оғзидан тупук сачратиб бақираётган Опага қараб қўрқиб кетди. 7 «а» га қўйилган «2» лар анчадан сўнг ёдига тушди:

— Опа, у синф... — синфнинг уни қандай масхара қилганини айтиб, ўзини оқламоқчи эди, Опа гапини бўлди:

— Олдимга туш, сени прокурор чақирайти!

Унинг оёқларидан жони чиқиб кетгандай бўлди, лекин бирдан қайсарлиги тутди:

— Менинг дарсим бор, болаларни ташлаб кета олмайман.

— Ҳей! — сумкасини қўлтирига қисиб, олдинга тушган Опа ортига қараб бир ўшқирди. — Олдимга туш деяпман сенга!

Энди тайсаллашнинг фойдаси йўқ эди. Синфхонага кириб, сумкачасини олиб чиқди.

Прокурор — соchlарига оқ оралаган, лекин лўппи юзларидан ҳали қирқقا ҳам кирмагани кўриниб турган ёқимтойгина киши экан. Ям-яшил гилам тўшалган кенг хонасида нозик ҳидли франги атирнинг хушбўй иси кезиб юрарди.

— Хўш, муҳтарама Бердикулова сиз бўлсангиз керак-а? — биринчи бўлиб унга қўл узатди прокурор. — Қани, ўтиинглар-чи? Аҳволлар яхшими? Бизнинг болалар сизни қийнаб қўймаяптими?

— Йўғ-э, Абдурашид ака, сизнинг болаларингиздек бола борми мактабда? Сизнинг болаларингиз мактабимизнинг фахри-ку. Улар буни эмас, бу ноўрин талабчанлик билан болаларни қийнаб

юради баъзан, — унинг ўрнига жаги-жагига тегмай ялтоқлана кетди Опа. — Ўзиям қилган ишидан пуштаймон, қечирим сўрагани келдик.

Прокурор Опага мамнунлик билан бир қараб қўйди-да, яна Нозимага юзланди.

У ёнбошда турган темир шкафни шараклатиб очди-да, кора елим қоғозга ўроғлиқ муштумдай нарса олиб, Нозиманинг сумкасига солиб қўйди.

— Сиз... нима қилаяпсиз? — ҳайрон бўлди Нозима.

— Кеча йигитлар бир аёлни ушлашган экан. Ўша аёлнинг сумкасидан чиқди бу кора ажал. Кўрсангиз бинойидай аёл... Ўзини қамоққа олишди, буни ашёвий далил сифатида олиб қўйгандим.

— Мен уни нима қиласман?

— Сиз?.. — кулди прокурор. — Ҳозир иккита милиционерни чақириб, сизни текшириб кўришларини сўрайман. Сумкангиздан манови матоҳ чиқади. Опангиз эса жиной ҳаракатни асослаб ёзилган баённомага кўл қўяди. Ўқитувчи, аёл, она эканлигиниз ииобатга олинган тақдирда ҳам, сизнинг барча орзуларингиз, келажагингиз барбод бўлади.

— Ие, мен!.. — Нозима шошиб сумкасига ёпишиди.

Прокурор уни оҳистагина нари суриб қўйди, унинг кўллари жуда бақувват эди:

— Шошманг! — кескин буйрук берди у, сўнг сумкага солинган тугунчани олиб, яна темир шкафига солди. — Энди ўтиринг, мана сумкангиз.

Нозима сеҳрлангандек бўлиб ўриндиққа чўкди. Прокурорнинг ўткир нигоҳларига дош бера олмай, ерга қаради.

— Лекин мен бундай қилмайман. Мен ҳар қандай инсоннинг орзусини хурмат киласман, қўлимдан келганча ўша орзусига етишишига ёр-

дам бераман, ҳеч бўлмаса, халақит бермайман. Болаларимизнинг ота-оналарига қиласиган энг зўр совғалари бу – уларнинг баҳоларидир. Менинг ўғлим етти йилдан бери бирон марта «4» баҳо ҳам олиб кўрмаган эди, ўзича менга қизил шаҳодатнома совға қилишни орзу қилиб юрган экан. Сизнинг кайфиятсизлигинги бир мурғак қалбнинг беғубор орзуларини чилпарчин қилди.

– Йўқ, Абдурашид ака, уни тўғрилаймиз. Янги журнал олиб, қайтадан ёзиб чиқамиз, – шошиб-пишиб топағонлик қилди Опа.

Прокурор Опага қарамади ҳам.

– Хўш, ўқитувчи сифатида мана шу ҳаракатингизни нечага баҳолаш мумкин? Қани, ўзингизга ҳам баҳо қўйинг-чи? Сиз ўқитувчисиз, сиз боланинг қалбida янги орзулар туғилишига сабабчи бўлинг, бор орзулар томирига болта урмасдан. Шундай ўқитувчилар бор – каттанинг боласи деб фақат хушомад қиласи, натижада болани талтайтириб юборади. Яна бир тоифа ўқитувчилар бор – амалдорларнинг болаларига ота-онасининг ҳавоси билан бурни қўтарилиган, деб нафратланаб қарайди. Хушомад ҳам, нафрат ҳам керак эмас. Бола – кимнинг фарзанди бўлишидан қатъи назар, ўқувчи. Унга сиз билимдан аввал меҳр беринг. У билан, мен ўқитувчиман, деб масофа сақлаб гаплашманг, аксинча, дўст бўлинг. Мен жуда қатиккўл прокурорман, лекин болаларимга дилкаш дўстман. Қизим ҳам мен билан бемалол сирлаша олади. Агар мен хукуқшунос бўлмаганимда, албатта, яхши ўқитувчи бўлар эдим.

Хонага ёқимсиз жимлик чўқди. Анчадан сўнг бу жимликни яна прокурорнинг ўзи бузди.

— Ха, яна бир гап: ўқувчим прокурор отасига шикоят қилибди деган хаёлга борманг. Мен кечаги дарснинг тафсилотларини яна бир «2» олган боланинг отасидан эшидим. Каттачилик қилиб идорасига чақирди, деб ҳам ўйламанг. Прокурор Бердиқуловани урушгани келибди, деган хаёлга боришлиридан сақландим. Энди бораверинглар...

— Узр, минг бор узр, — Опа қўлини кўксига қўйиб, қайта-қайта кечирим сўрарди. — Ўзим бошида туриб ҳаммасини тўғрилатаман, ўғлингизга ҳам ўқитувчининг хато қилганини тушунтираман. Фақат сиз биздан хафа бўлмасангиз бўлди.

— Раҳмат... — Нозима бошқа ҳеч нарса дея олмади. Хонадан чиқаётуб, бурчакда қаққайиб турган оппоқ темир шкафга кўрқибгина бир қараб қўйди, сўнг сумкачасини қўлтирига янада маҳкамроқ қисиб олди.

Опа мактабга боргунча жавраб борди:

— Худога шукур қил, Сайфиддинов золотой одам. Бошқаси бўлганда, жавобгарликка тортириб юбориши ҳеч гап эмас эди. Прокурор учун бир одамнинг тақдири нима деган гап? Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими? Сенга қилмаса, эрингами, акантгами бир тухматни ёпиширади. Минг пушаймон бўласан, аммо кейин фойдаси йўқ. Сайфиддиновни чақириб гаплашасан, кечирим сўрайсанми, хушомад қиласанми, нима қилсанг қил, лекин кўнглини топ. Янги бир журнал бераман. Эртадан бошлаб 7 «а»нинг журналига ўгирасан. Ҳаммасини бирма-бир кўриб чиқасан.

Бошқа пайт бўлганда, ҳеч бўлмаса, ўз хукукини даъво қилиб, ўзини тарозига солиб кўрарди. Аммо бугун... Опанинг ёши ўтиб қолган бўлса-да, жуда тез-тез юрар, унинг даккиларини индамай эшишиб бораётган Нозима унга етиш учун изидан деярли

югуриб борарди. Шу шошқин ҳолатида ҳам күз ўнгидан боягина сумкага кириб-чиққан елим түгунча сира кетмас, құлтиғига маңкам қисиб олган сүмкачасини дам-бадам ушлаб-ушлаб қўярди.

Шунча ўйласа ҳам англай олмади: бу одам ким әди? «Жон орритган дўст бўлмас», дейишиди. Унинг кўнглига солган қўркув юракларини тилка-пора қилиб ташлади. Бу дўстнинг ишими? Аммо унга ҳеч нарса қилмади, на уришди, на сўқди. Фақат тушунтирди. Мураббийлардек. Мураббий, лекин сабоги жуда аччиқ мураббий әди у. Гапнинг индаллюсини айтганда, прокурор батамом ҳақ әди. Унинг бу болалардан нафратланиши ҳам рост. Шунинг учун ҳам уларнинг эркаликлари, ҳазиллари жуда малол келади. Шунинг учун ҳам улар билан дўст бўла олмайди. Нозима уларнинг бола эканлигини унуган әди. Энг катта хатоси ҳам шу әди.

\* \* \*

Оллоқул ака табиатан бўйни бўш одам. Унинг отаси шундай одам әди. Отаси бироз қотайсин, деб армияга юборди, институтда ўқитди. Лекин сут соғувчи онасидан кейин колхоз раисининг сўзини ерда қолдиролмай, хотини биргад бўлиб кетди-ю, беш йил ўқиб, эришган касбини эсдан чиқаришга мажбур бўлди. Бир умр хотинининг етовида юрди, унинг хизматини қилди. Онаси ҳеч қўймас әди: «Хотинингни изидан қолма, менга «фалончининг келини ана ундей, мана бундай» деган гаплар керак эмас», — дерди. Аслида шу одам бўлмаса, Робия ҳоланинг биргад бўлиб, бир нималарга эришиши кўп душвор әди. «Дадаси, трактор керак», «Дадаси, бу кеча сув навбати-

миз экан, қулокнинг бошидан кетманг», «Дадаси, комбайн керак»... Аввалига узукнинг кўзилик аёлини ҳар жойда, ҳар кимга сарғайтирмаслик учун юрди, кейин ёшлари ўрта бўлгач, «хоримасин, толмасин», деб юрди. Хуллас, бригадирликнинг номи Робия холаники бўлса ҳам, бор ташвиши Оллоқулбойники эди. «Эр эмас, югурдак», деб кулганлар ҳам бўлди. Лекин қўпчилик: «Гулдай хотинни вақти-бевакт ёлиз қўймаган маъкулда. Шу биргаднинг оти Робияники бўлса ҳам, даромади Оллоқулбойниги киргандан кейин юраверсин-да», дер эди.

Ҳалиям шу: Нима гап бўлса, шу аёлнийг оғизига қараб туради. Робия хола ундаи эмас, бундай дедими, тамом, у айтгандай бўлади. Ўша куни Робия хола кун бўйи йўқ бўлиб кетди. Вакт асрдан ошганда шошиб етиб келди. Юзкўзларидан шодмонлиги қўриниб туради.

— Ха, лотареянга мосин чиқдими, кампир? — деди Оллоқулбой яхши бир гап умидида.

— Мoshиндан ҳам зўр нарса чиқди, дадаси.

— Нима гап? Одамнинг ичини қизитмай, тезроқ айтсанг-чи?

— Ҳаж!.. Дадаси, бугун ҳокимиятга борган эдим, навбатларингиз келди, тайёргарликларингизни кўраверинглар, деди. Қаранг, биз, барibir, Аллоҳнинг суйган бандалари эканмиз, охирги фарзандни ҳам уйли-жойли қилиб, эгасига топширгандан сўнг, навбатимиз етиб турганини қаранг. Аллоҳга шукур, минг шукур!

Оллоқулбой ҳам хурсанд жилмайди:

— Ха, Аллоҳга шукур, бўлмаса сен намозингни ўки, мен бориб болаларни олиб келай. Йўлйўлакай момоси билан келишармикин, деб индамай ўтиргандим.

Бу янгилик кечки овқатнинг устида ҳаммага эълон қилинди:

— Энди, болаларим, охирги қарздан ҳам қутулдик, кенжা қизни эгасига топширдик, — одатда, бундай вазифалар Робия холанинг зиммасига тушарди, бу сафар ҳам ич-ичидан тошиб келаётган қувончни оиласига ўзи етказишни истади. — Анчадан бери орзу қилиб юрган эдик. Болаларнинг ҳаммасини жойлаштиrsак, ҳажга борамиз, деб. Мана, ҳаммаларингни уйли-жойли, дипломли, касбли-хунарли қилдик. Энди, Сардорбой ўғлим, отанг билан менга тегинмайсан. Рўзгорнинг аравасини ўзинг тортасан. Биз, насиб этса, келгуси йил ҳажга борамиз. Беш йил аввал ариза ташлаб қўйган эдим. Бориб учрашсам, кейинги йилга навбатимиз келиб турган экан. Роса суюндим. Аллоҳ насиб қилган бўлса, умрнинг қолганини тоат-ибодатта баришлайман.

Сардор негадир шошиб қолди, бироз ранги ўчди. Афтидан унинг ҳам рўзгордан бошқа қандайдир режалари бор эди. Аммо она ҳажга бораман деб турганда, нима дейди? «Ҳажга нима бор? Мана бу ерда ўтириб, менинг оиласими бокинг», дея олмайди-ку. «Эҳ, тинчимаган кампир!.. Ҳар кун бир нарса ўйлаб топиб туради». Аммо Сардор сир бой бермади. Орзидаги луқма томоғига тиқилиб қолаёзди, бир амаллаб ютди.

Нозима индамади: «Бу уйда ҳамиша кимнингдир орзу-ҳаваси учун яшаш, ишлаш керак. Энди бутун оила ҳаж сафарига, ҳожи тўйларга пул йиғади!»

Робия хола ён-атрофидагиларга қараб, айтган гапи ҳеч кимга маъқул тушмаганини кўрди. Очиги, дили оғриди, нималардир алам қилди. Болам деганинг ҳам бекор экан. Бир умр бола-

чақа деб яшади, елкасидан рўзгор халта тушмади. Эру хотин икки қизни тўрт қизнинг сепи билан узатди, тўрт ўғилга тўрт уй қуриб берди, тўрт машина олиб берди. Энди қариган чоғида ҳам топганини шуларга едириб-ичириб ўтиrsa!..

Еб ўтирган овқатига пашша тушгандек кўнгли хижил бўлди. У табиатан жуда қайсар эди, ўғлиният бефарқлиги кайфиятини туширган бўлса, ҳамон кўнгил қувончига бир маҳрам изларди. Хонасига кириб, катта акасига кўнфироқ қилди.

— Акажон, мени табрикланг.

— Ҳа, тинчликми?

— Мен ҳажга кетаяпман. Бугун денг, таваккал қилиб, ҳокимиятга борсам, шундайгина навбатим келиб турган экан. Тайёргарлигинги кўраверинг, келгуси йил борувчилар рўйхатининг бошида турибсиз, дейишиди, — у янгиликни айтар экан, яна ҳаяжонланди, юрак ютиб, иккинчи томондан «Ў-ўў!» дегандай хайратли қувончларга тўла хитобни кутди.

— Ҳа-а, яхши, — акасининг овозидаги совуккина оҳангда на қувонч, на хайрҳоҳлик бор эди.

Робия хола шу ерда акасига ёқмаган мавзуга нуқта қўйса бўлар эди, аммо у ўзини тўхтата олмади:

— Чолу кампир бир йиллик нафақамизни йигсак, бемалол етар экан.

— Яхши!

Шу билан «янгиликлар» тафсилоти ҳам, эҳтиёжи ҳам тугади. Яхши кўрган ўйинчоғини синдириб қўйган боладек шумшайиб қолган Робия хола оғринганини билдириласлик учун гапни янгага, болаларга бурди:

— Янгам ҳам яхши юрибдиларми? У кишига гап йўқ, шу ёшида тиниб-тинчимайди.

— Ха-а, худога шукур. Кўй энди десам ҳам, «Болаларни жойлаштириб бўлайлик», дейди. Бўлмаса, олтмишдан ошган аёлнинг икки жойда ишилаши осонми?

Ака хотинининг фазилатлари ҳақида гап бошлигач, очила қолди.

Робия хола ижирғанди: «Буларнинг хотинини мақтаб турсанг, сендан яхши одам йўқ. Эй, кўнгил учун: «Ў-ў! Баракалла, синглим. Зўр иш бўпти, табриклайман. Аллоҳ йўлингни очгани рост бўлсин», деб кўй. Бир оғиз хайрхохлик шунчалар қимматми?»

Эртаси куни онасининг ёнига борди. Болалиги ўтган қадрдон ҳовли-жой йиллар ўтиши билан тўкилиб, худди кекса онаси каби мунғайиб, ерга қапишиб бораётган бўлса ҳам, Робия холани ҳамиша оҳанрабодай чорлаб турар, дарвоза олдидаги кичкинагина хонада қачон борса, тикиш машинасининг ёнида ниманидир тикиб ўтирадиган кампир онаси кўрганда кўнгли кенгайиб кетгандай бўларди. Бориши билан «чарчадим, энажон» деб ўзини онасининг каравотига ташлар, онаси эса тикишини давом эттиради. У ўтган жойида онасига гап берар, дарду ҳасратларини айтар, онаси «ҳа, ҳм-м» деб ишини қиласерар, бекордан-бекор унинг вакти ўтиб кетаверар, кекса онаси эса бу вактда ниманидир битирар эди. Баъзан Робия холанинг аччиғи келар эди: «Шу ёшингизда икки букилиб тикиш қилишнинг нима кераги бор?» Онаси унинг қаҳрига парво ҳам қилмайди: «Бу машина менинг олтмиш уч йиллик дугонам. Ҳовли супура олмасам, ер чопа олмасам, шу машина билан вакт ўтганини билмайман. Кеча Холбиби келган экан, қизининг сепига деб еттита еллигич бердим. Бечора хурсанд бўлиб,

яна ўнта тикиб берасиз, деб ўтгиз беш минг сўм бериб кетди. Ўн беш минг қўшдим-да, бир қоп ун олиб келтирдим».

«Вой, эна-ей, саксонга кириб ҳам шу болангизнинг нонини кўтаринг. Сиз зерикканингиз учун эмас, нон ташвиши билан тикиш қиласиз».

«Унисиям, бунисиям. Мен ҳам шуларнинг дастурхонидан нон есам, қараб ўтираманми?»

Робия хола бу мунозарада кўпинча онасига ён беради. Нима бўлганда ҳам, онаси ҳақ. Бу кампир саккиз бола туғиб, қаторга қўшган. Ҳаммаси ўқиган, топармон-тутармон, лекин биронтаси йилда бир марта бир қоп ун ёки икки килогина гўшт олиб, онамнинг кўнглини олай, демайди. Ҳаммасининг ўз ташвиши ўзига зиёда. Робия холанинг ўзидан қиёс, ҳали тўй қилади, ҳали уй қилади. Баъзан ёлчитиб онасининг кўнглини ололмаётганидан куйиниб кетар эди: «Энажон, рўзгор араваси жуда оғир экан, дик-дик тинмайман, лекин хеч ўзимдан орттира олмайман. Илтимос, сиз ўлмай туринг, ўзимдан ортиб сизга нимадир қила оладиган қунларга етгунимча ўлманг. Майлими?»

«Майли», – дер эди кампир тишсиз оғизларини камшайтганча кулиб, худди қачон ўлиш унинг ихтиёрида экандек.

Энди қараса, у ўзидан орттириб онасиға нимадир қилгунича, онасининг ўзи кетмаса ҳам, ҳаваслари, эҳтиёжлари тугаб борар эди: «Йўқ, ёғли овқат ея олмайман, ичимни суриб юборади», «Йўқ, жуда ширин экан, керак эмас», «Йўқ, нефтдан қилинган кийим баданимга ёқмайди. Менга пахталиккинаси яхши...»

Хуллас, бу кампирга энди кўп нарса керак эмас эди. Шундай бўлса-да, Робия хола илтимос

қилаверади: «Энажон, ўлмай туринг». Бойси, бу дунёда bemалол дардини айта оладиган ягона инсон шу кампир эди.

Кампир ҳар доимгидек тикиш қилиб ўтирган эди. Хонадан аччик тер ҳиди анқиб турарди. Робия холанинг хайфи келди: «Қарисанг мендай бўл, қора ердай бўл», деганлари шу-да. Қандай озода аёл эди энагинам. Энди... ўтирган жойида ҳам нон, ҳам кўнгил топади, лекин вақти-бевакт ҳовли адодидаги ҳаммомга биргина бориб, ювениб кела олмайди».

Робия хола кўнглидаги тугуларини бир-бир ечиб, аввал янгилигини айтди, сўнг ўғлидан, акасидан ҳасрат қилди: «Кўнгил учун, э-э, зўр бўпти», деб қўймади-я. Кампир унинг гапларини эшишиб, на суюнди, на қуюнди, олдидаги тикишдан кўзини узмай:

— Ҳа, бинойи бўпти, — деб қўйди.

Шу билан анча вақт жим қолди. Тикаётган нарсасининг нимасидир ёқмадими, игна тагидан чиқариб олиб, гоҳ у ёғини ағдариб, гоҳ бу ёғини ағдариб текширди, сўнг чокини сўтишга тушиб кетди. Кампирнинг бу ҳаракати Робия холанинг юрагини сиқиб юборди.

— Уф-ф, эна-ей! Ойда-йилда бир келаман. Шунда ҳам «ҳа, болам, дардинг нима?» деб сўрамасдан, тикишингизга ёпишиб ётасиз-а? Нимага келдим ўзи?

— Кулогим бекор, ҳамма гапингни эшишиб ўтирган бўлсан, нимага ўпкарайсан, — момо қизининг кўзларига қаради. — Кечагина «дод-вой» қилиб қиз чиқардинг. Ҳажнинг харажати каттагина дейишади-ку. Бир рўзбордан икки киши кетмоқчи бўлсаларинг, қандай эплайсизлар? Сўрадингми, неча сўм керак экан?

Харажатни эшитиб, кампирнинг ранги гезариб кетди:

— Эх-хе! Бу ахир бир қоп пул дегани эмасми? Шунча пулни бир ўзингнинг хожи бўлишинг учун сарфламоқчимисан? Атрофингда қанча бева-бечора, касалманд-камхарж одамлар бор. Тентак пулинг кўп бўлса, шуларга бўлиб бер. Ана, сенга ҳожилик савоби. Вой-вой, болам-эй, эсинг йўқ экан-ку, сенинг. Ўн олти ёшимдан бери тик-тиқ. Рўзгорнинг ташвиши билан тинмайман, қайнона-қайнота, қайинсингил, қайнука, эр, болалар!.. Ёшлиқда намозни ўрганишга вақт топмадим, қариганда ёдлай олмадим, хуллас, шундай катта савобдан бебахра қолдим. Яқинда бир ўқимишли отинчадан сўрадим: «У дунёда одамнинг рўзаю намозлари сўралар экан, мен энди нима жавоб айтаман?» дедим. Халиги отинча: «Момо-ёв, бир одам ҳеч бир фойдали иш қилмай, бутун умрини жойнамоз устида ўтказиши мумкин, яна бирор бола-чака ташвиши билан ўша ибодатни қила ол-маслиги мумкин. Менинг билишимча, ўша болачака ташвиши билан яшаб, намоз ўқий олмаган инсон жаннатга кўпроқ ҳақли. Чунки у ўзини ўйламади, фарзанд ўстирди, эрининг, болаларининг хизматини қилди, умрини жойнамоз устида ўтказган одам эса фақат ўзини ўйлади, жаннатга тушиб иниятида фақат намоз ўқиши билан машғул бўлди ва бу машғулотидан ўзидан ўзга ҳеч ким манфаат кўрмади», — деди.

— Эна-а! — унинг кампирни эшитгиси келмай қолди.

— Нима, эна? — кампир ўқимаган, оми аёл бўлса ҳам, ҳеч гапини олдирмаган қайсаргина аёл эди. — Тўғрисиям шу-да. Одам фақат ўзини ўйламаслиги керак, умрингдан бир кун қолган

бўлса ҳам, одамларга фойданг тегсин. Илгари бир одам ҳаж учун йиққан пулини иложсизликдан ҳаром ўлган молнинг гўштини болаларига едириб ўтирган қўшнисига «Менинг ҳажим шу бўлсин», деб инъом қилиб юборган экан. Ҳайитдан сўнг дўконида кавуш ямаб ўтиrsa, бир таниши келиб, «Э-э, ҳожи, сиз қандай қилиб биздан олдин келдингиз? Сиз ҳам биз билан баравар ҳаж қилиб юрган эдингиз-ку», дебди. Шундай қилиб, ямоқчи уйда ўтириб ҳожи бўлган экан. Наҳотки сенинг бир ямоқчича ақлу фаросатинг, химматинг йўқ бўлса?!

Робия хола анграйиб қолди. Одам кексайганда шундай бешафқат, беандиша бўлиб қоладими ёки онасининг кайфияти йўқмиди, бир далда, тасалли, олқиши умид қилиб келган Робия холани ит олган тулкидай тит-пиг қилиб ташлади. Онаси аллакимлардан эшитиб, чала-чулпа қилиб айтиб берган ривоятларни у ҳам ўқиган, билади. Аммо ямоқчи билан унинг вазияти бутунлай бошқа-бошқа. Шунча фарзандни туғиб-ўстириб, улгайтириб, ҳаммасини уйли-жойли қилиб, наҳот ўзи топган маблағнинг бир йиллик даромадига ўзи арзимаса? Шу узок умри давомида у ҳам неча кишига ямоқчи қилганча яхшилик қилгандир. Аммо ўзи, ўз оёғи билан Аллоҳнинг уйига бориб, унинг муборак байтида саждага бош қўйишни орзу қилди. Бунинг учун бирордан бир сўм сўрамади, бир сўм тиламади, лекин унинг орзуши ҳаммага, ҳатто тукқан онасига ҳам малол келди! Лекин у онасига ҳеч нарса демади, айтганларингиз маъқул ҳам демади, номаъқул ҳам демади, келин ёзган дастурхонига ҳам қарамади. Кўнглига келганларни гапириб-гапириб, яна тумтайганча тикиш машинасининг устига мук тушиб

олган онасининг ёнида бироз шумшайиб ўтирдида, сўнг ўрнидан қўзғалди:

- Хўп, мен борай.
- Яхши бор, Оллоқулни сўра.

«Йикқан пулимни бир қоп қилиб, ривоятдаги ямоқчига ўҳшаб, шу кампирга олиб келиб берсам!.. Кампир унинг ярмини ови юрганда ҳам дови юрмайдиган кенжা ўғлига берса, ярмини бир уй бола-чақа қилиб қўйиб, ўзи ичкиликдан бўшамайдиган укасига берса!.. Гўё бирининг ишёқмаслиги, иккинчисининг нафсини тия олмайдиган пиёнисталиги учун Робия айбдор! Ўсли билан келинига ёмон кўриниб, емай-ичмай, бир тийинлаб йиғса-ю, ўлиб йикқанини бир ишёқмас билан пиёнистага бериб, «Менинг ҳажим шу» деб ўтираверса. Аллоҳ ҳам сўрар, кимга бердинг, нимага бердинг, деб? Вой энам тушмагур-эй, унга мен ҳам бола эканлигим ёдидан чиқиб кетган, шекилли!»

Кечга яқин онасининг қишлоғида яшайдиган синглиси келди. У ҳам аллақачон янгиликдан хабар топган эди. Робия хола бунисининг ҳам бир нарса деб дакки беришидан кўркиб, индамай турган эди, сингил опасини бағрига босиб, кутлай кетди:

— Илоё, ниятларингизга еting, опажон. Шунча йил тупроқ кечиб, кесакка суриниб, офтобда жиззиқдай куйиб, шу бола-чақа деб бир кун ором нималигини билмадингиз. Энди ўзингизни ҳам, охиратни ҳам ўйладиган вақт келди. Гўр, гўр, танҳо гўр, ишонмасанг, бориб кўр, дейишган. Бир кун ўлар бўлсангиз, ҳеч ким сизга қўшилиб гўрингизга кирмайди, Мункар-Накирнинг гурзисига бошини тутиб бермайди. Шундай экан, ният қилдингизми, пулинни топдингизми, ҳалолингиз

бўлсин: боринг, кўринг, фарзингизни адо этиб келинг.

Робия холанинг кўнгли бўшашиб кетди. Кутилмаганда қўшилишиб қувонадиган бир меҳрибон тоғанидан ҳамма хўрликлари ёдига тушиб, кўзлари намланди, бақириб йиғлаб юборгиси келди:

— Билмасам, бири у дейди, бири бу дейди. Бу ёқда энам, у ёқда акам...

— Э-э, опажоним, ҳеч ким билан ишингиз бўлмасин. Бировидан бир сўм сўраётганингиз йўқми? Бўлди-да. Кеча янгам билан гаплашган эдим. Икки йилда икки тўй қилиш осон эмас, биламан. Аммо бола ўстираётган она томоғидан, кийим-бошидан қийиб, бир сўм, икки сўм йиғиб юриши керакмиди? Чўнтағида бир сўм пули йўқ, бир бойнинг қизига совчи кўйди. Улар рози бўлишгач, шошиб қолишди. Тўй-тўлик қарзхавола билан ўтди. Тўйни ҳам бой қудага кулги бўлмаслик учун жуда катта қилиб юборди. Уям майли, лекин қарзлардан қутулмасдан қизга нон ушатишининг нима кераги бор эди? «Яхши жойдан чиқди» эмиш. Ҳозир ўғил уйлантиришдан қизчиқариш қийин бўлиб кетган. Қудалар: «Мебелни тузук қилсин, бир умрлик буюм», дейишибди. «Фалон дўконда бир яхши мебель кўрдик, ўшани бориб бир кўришсин», дебли. Энди қандай қилиб бўлса ҳам ўша мебелни олиш керак. Буларнинг эса бир тийини йўқ. Янгам: «Робия ҳажга бориб юргунча, жиянининг мебелини кўтарсан. Ана ҳаж! Дуо қиласиз. Савоб бўлади», деди. «Янгажон, мебелни қиз туккан бойбичча қилади. Шу ёшингизда ўн саккиз ёшли қиздай бўлиб ялтир-юлтир кийиниб юргунча, аввалбошдан ғамлаб қўйинг эди», дейин дедим-у, акамдан балога қоламан деб индамадим.

Робия хола хўрланган боладек ерга қаради, негадир ўзини жуда бехол хис қилди. Хўлқаси тўлди, синглиси яна бир оғиз гапирса, йиғлаб юборарди:

— Ё, тавба! Бой топса, қуллук бўлсин, камбағал топса, қаердан олдинг, деганлари шу-да? Мен шўрлик ўз шулимга ҳажга бормоқчи бўлдим-у, балога қолдим. Бири у дейди, бири бу!..

Сингил юпатди, далда берди:

— Ҳеч кимга қараманг, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солманг. Пул сизники, уни истаган жо-йингизга ишлатасиз.

— Э-э!.. — энди у ҳажга бораётганлиги учун қувониш ўрнига хижолат торта бошлиган эди.

Кечга яқин Оллоқул ака кўчадан тажант ҳолда келиб, айвонга кириб кетди. Телефон турадиган токчанинг олдида бироз ғимирсиб турди-да, сўнг ҳовлига чиқиб, Сардор билан келинга бақирди:

— Қайси биринг телефоннинг симини узиб қўяверасан, мен улаб сарсонман, бирпас ўтиб карасам, яна узилиб турган бўлади.

Тахта супага жой ташлаётган Нозиманинг қовоги уюлди:

— Кимдир ўйнаяпти, уланиб турса, фақат телефонга югуриш керак.

Бу гапни эшишиб, ўғли билан ўйнаб ўтирган Сардор сергак тортди:

— Ким, қачон ўйнаяпти? Аперидител-ку, номенини бермайсанми, ўйнамайдиган қилиб қўймайманми?

Нозима индамади.

Оллоқул ака супага ташланган кўрпачага бориб ўтиргди.

— Кампир, кам-кўстингни айт, эрта саҳар бир бозорлик қилиб келай. Тошкентдан меҳмон келади.

Ҳамма ялт этиб Оллоқул аканинг оғзига қаради. Бу хабар ҳеч кимга ёқмаган эди. Бу хонадон эскидан карвонсарой эди, бирор кетса, икков келиб ётарди. Робия хола ишда бўлса, кўзи ожиз қайнона билан болаларнинг ўзи қутиб, ўзлари кузатиб ўтиришаверарди. Энди Робия холанинг белидан мадор кетиб, супур-сибир, пишир-куйдирдан чиқиб қолгандан буён одатдаги беташвиш кунларда ҳам тумтайиб юрадиган келиннинг кўзларига қарайдиган бўлиб қолган. Келинга эса одам ёқмайди. Буни қайнота-қайнона ҳам, эр ҳам, ҳатто кўшнилар ҳам билади.

— Ким келар экан, — ҳамманинг помидан Робия хола сўради.

— Жуманазар аканинг яқин одами экан. Асли тоҷикистонлик, лекин кўп йиллардан буён Тошкентда ишлар экан. Ўша одамнинг амакилари Термизда қамоқقا тушиб қолибди. Шулардан хабар олиб туриш учун суд ўтиб бўлгунча сизларницида туриб турсин, деди. Неча кундан бери телефон қиласман, ҳеч тушолмаяпман, дейди. Охири Эшкуватга қўнғирок қилиб, шу Оллоқул бор бўлса, менга бир телефон қиласин, дебди, — Оллоқул ака анқайиб туриб қолган келинига қаради. — Иккинчи телефонни узиб қўйманглар.

Келин одатдагидай на «ҳа» деди, на «йўқ», индамай нари кетди. Робия хола оғир бир сўлиш олди. «Суди ўтгунча! Ўх-хў, у суд қанча вақтда ўтади! Бир неча ойлаб кўриладиган ишлар бўлади. Шунча вақт бегона бирорни уйда саклаш... Бу уйда ўзим ошиқчага ўхшайман баъзан. Энди бу келин ўзини осиб қўйса кераг-ов...» Аммо эрига сир бой бермади:

— Биноий, дадаси. Мехмон келар эшикдан, ризки келар тешикдан. Одам бор жойга одам

келади-да. Жуманазар аканинг бизга қанча яхшиликлари ўтган, шу одамнинг орқасидан болаларимиз олий маълумотли бўлди, — у бу гапларни Жуманазар акадан жуда миннатдор бўлгани учун эмас, келинининг қовоқ-тумшуғини бироз очиш учун айтиётган эди, аммо келин уни эшитмади ҳам, зипиллаб ичкарига кириб кетди.

— Кампир, Қаландар деган оқловчини танийсанми?

— Танийман, энамларнинг маҳалласида яшайди. Илгари милисада ишлар эди, милисадан урилгандан сўнг оқловчи бўлиб кетди. Уни нимага суриштираяпсиз?

— Жуманазар ака ўша одам билан гаплашиб беринглар, деяпти. Судланаётган одамнинг адвокати экан ўша Қаландар деганлари.

— Дадаси, ўзи нимага қамалган экан, — холанинг кўнглига хавотир тушди. Бу тожикистонликлар ҳеч тек юришмайди. Бир ёмон ишга аралашиб қолмайлик яна...

— Билмасам, телефонда бижиллатиб ўтирумайсан-ку. Тўхмат, деди, эгаси келсин-чи, суриштирамиз-да. Вахима қилаверма.

— Қизиқсиз, дадаси. Билишимиз керак-да, уйимиздан кимга жой бераетганимизни. Бошқа давлатнинг одами экан, давлатга қарши бирон иш қилганми? Қорадори билан қўлга тушганми? Ишқилиб, бу афғон билан тожик ҳам бошга битган бало бўлди.

Хотинининг тергайвериши Оллокул акага ёқмади, ҳали ўзи ҳеч гап билмайдиган одамлар ҳакида нима ҳам дея олади:

— Кампир, ўзингни бос. Ким бўлса ҳам, ҳар ким ўз иши учун ўзи жавоб беради. Оқ қўйни ҳам, кора қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар.

— Ҳа, шундай бўлсин-да. Ишқилиб, одамгарчилигимиз қимматга тушмаса бўлди. Ўрмонга ўт кетса, хўлу қуруқ баравар ёнишини ҳам унутманг. Ким билан гаплашган, ким билан юрган, кимнинг уйидан бошпана топган, деган гаплар ҳам бўлади.

— Уф-ф! Конимга ташна қилма, ќампир. Нима қилай? Жуманазар акага нима дейин? Болаларинг ўқишга келгандা мен керак эдим, энди керак бўлмай қолдимми, деса, неча пуллик одам бўласан?

— Э-э, қўйинг, эски яраларимни тирнаманг. Менинг болаларим ўқишга ўз билими билан кирди. У кишим ўртада туриб, пул ишлаб олди, холос.

— Нима бўлганда ҳам ўша пулни ялиниб-ёлвориб ўзинг олиб бориб бергансан. У сенинг олдингга келиб, «Шу пулни берсанг ҳам берасан, бермасанг ҳам берасан», деб туриб олгани йўқ.

Шу билан мунозарага нукта қўйилди. Ҳолбуки, уни истаганча чўзиш мумкин эди. Аммо қанча чўзилмасин, Робия холанинг алами босилмасди: «Эсиз, ўли-иб топган щунча пулим! Ол, инсоғ билан ол! Йўқ, бу кишим алифни калтак дегувчилардан ҳам, менинг болаларимдан ҳам бир хил олади. Эси бўлса, аралашганиям йўқдир. Бор-йўқ қилган иши биздан пул шилиш бўлган!..»

У бу гапларни минг марта, бакириб-бақириб айтган, аммо фойдаси нима? Ўзи қўшқўллаб олиб бориб берган пулларни бирор қайтариб берармиди? Энди араз-дуразларни бир четга қўйиб, у кишимнинг меҳмонини кутиб олиш керак. Неваралар ҳам ҳали-замон ўқишга бориши керак, балки энди ёрдами тегиб колар. Бу тожикистонликлар нима каромат қўрсатишган экан? Ишқилиб, худо беобрў қилмасин.

Жуманазар аканинг одами кирқ йиллик қирғиндан қолғандек озғин, ранглари заҳил, каттакатта кўзлари ич-ичига кириб кетган, сочла-ри тўкилиб кетганидан юзининг ярми пешонадан иборатдек кўринадиган ўрта ёшлардаги киши эди. Келган вақти айни пешин эди, изн сўраб намозни ўқиб олди. Бошидаги дўпписига, йўлхалтасидан чиқарган ихчамгина жойнамозига қараб, Робия холанинг кўнгли бироз таскин топди: «Мўмингина одамга ўхшайди». Яна қўрқиб кетди: «Ваҳобийлардан бўлмасин яна!»

... Ошдан сўнг дастурхонга иссиққина чой билан қанд-курс, икки-уч хил мураббо қўйилди. Робия хола эрига: «Овқатдан кейин қариндошлари қандай айлов билан қамалганини сўранг», деб тайинлаган эди. Мехмон ошни тузук емади. Оллокулбой хотини тайинлаган гап бутунлай ёдидан чиқиб кетгандай меҳмонга чой қуиб қўйиб, бамайлихотир ўзи ҳам хўриллатиб чой ҳўплаб ўтиради, охири Робия хола дастурхонни тартибга келтириш баҳонасида эри томонга ўтиб, эрининг биқинига яхшилаб бир туртди. Оллокулбой кутилмаган зарбадан чўчиб, хотинига қаради: «Ҳа?» Хотин унга жавобан ковоғини уйди. Оллокулбой шундан сўнг топшириқ ёдига тушдими, гап бошлишга мажбур бўлдими, меҳмонга юзланди:

— Қани, меҳмон, яқиндан танишайлик. Кимсиз, нима ташвишлар билан юрибсиз? Бизлардан қандай ёрдам керак?

Чойнакнинг қопқоғига боғланган ола ипни gox эшиб, gox бўшатиб ўтирган Робия холанинг бутун вужуди кулокка айланиб, меҳмонга қаради. Меҳмон нимагадир бироз иккиланди, чойдан бўшаган пиё-

ласига тикилиб, анча вакт жим қолди. Узоқ давом эттан ёқимсиз сукунатдан сўнг, чукур хўрсинди:

— Шу-у... ака, йўқ жойдан оғир савдоларга қолиб кетдик. Тогамнинг уч ўғли бирикиб, бир «Камаз» олиб эди, шу мосин билан Россия, Қозоғистон томонларга юк ташиб, рўзғор қилишар эди. Охирги марта «Лимон бор» деб, буюртма беришибди. Юк ортилиб бўлгач, мижозлар: «Кутиларнинг тагида анавиндан бор. Эсономон олиб борсанг, бир умр еб ётишингга етадиган ҳақ оласан. Бирор-яримга сотадиган бўлсанг, бола-чақанг билан қириб юборамиз», дейишишибди. Жон ширин, ортида ҳаёти гаров бўлиб, бола-чақа қолаяпти, мажбур бўлиб йўлга чиқибди. Сурхондарёда қўлга тушишибди. Саккиз юз етмиш килограмм героин экан...

Мехмон ерга қараб гапира-гапира, гапи туга-гунча ерга сингиб кетгандай бўлди. Мезбонларнинг ҳам нафаси ичига тушиб кетди.

— Саккиз юз етмиш килограмм, дейсизми? — анчадан сўнг қўрқув ва ҳайратга тўла кўзлари катта-катта бўлиб кетган Оллоқулбой меҳмондан қайта сўради.

— Ха.

— Ахир бу салкам бир тонна дегани-ку! Бунча заҳар билан бутун бошли мамлакатни гиёхванд қилиб ташлаш мумкин-ку.

— Шундай.

— Сиз ўзингиз ўша тоғаваччаларингизнинг «мажбур бўлишгани»га ишонасизми? Балки улар ҳамтовоқлардир, — ич-ичини ёндириб бораётган алнга бўрзига тиқилди, бутун дунёси ёниб кетгандай бўлди. «Хотиннинг кўнглига солган эканда, кечадан бери жовиллайди-я». — Энди, меҳмон, ҳеч ким шунчак пуллик «мол»ини биринчи учра-

ган хайдовчига, бунинг устига, олмайман деб турган бегона бир одамга мажбурлаб топширмайди. Бу бир «Камаз» пулни дарёга оқизиш билан баравар-ку, ахир.

Мехмон худди ўзи айбдордай бошини янада қуйироқ эгди:

— Мен у болаларни яхши биламан, ака. Бирга ўсганмиз, бирга ҳаж қилиб келганмиз. Улар ҳожи одамлар. Мажбур қилишмаса, бу ишни бўйинларига олишмас эди.

Бу баҳона ҳеч кимга маъқул тушмади: «Ҳожи одамлар» эмиш, Робия холанинг-ку, тамом мазаси қочди. Мехмон эса ерга қараганча гапида давом этди: «Келишга келди. Энди муддаосини айтмаса, бўлмайди!»

— Энди, биродарлар, худо йўлига бир кўмак сўраб келдим. Йигитлар ҳали ёш, ҳали оналарининг кўзлари тирик, бу ёғи бола-чақа, дегандай. Бир тухматнинг қурбони бўлиб кетмасин, дейман-да. Бу шаҳар кичкинагина шаҳар, бу ерда ҳамма бир-бирини танийди, бир-бирининг сўзини ерга ташламайди. Қариндошлар: чиқмаган жондан умид. Бир боргин, дейишди. Адвокати ҳам қариндошларинг келиб менга учрашсин, дебди.

«Оббо, Қаландар меш-эй! Бекорга одамлар унга «меш» деб от қўйишмаган экан-а. Шунча заҳри қотилни яшириб кетаётган одамларни муқаррар ўлим кутаётганини қонундан умуман бехабар киши ҳам яхши билади. Бу бўлса, умидвор қилиб, «қариндошларинг учрашсин», дебди. Нафсинг қурсин. Булар қўрқмайди ҳам, ҳазар ҳам қилмайди. Индамасанг, ўликнинг кафанилигини ҳам ечиб олишади», — Робия хола эрига қаради: «Кўраверасиз энди».

Оллоқулбой ерга қаради. Иложи борича меҳмоннинг кўнглини оғритмасликка уринди:

— Тўғри, меҳмон, Термиз кичкина шаҳар. Адвокатингиз янгангизнинг онаси билан бир маҳаллада туради. Учраштирамиз, хафа бўлманг-у, аммо бу вазиятда худодан бошқа ҳеч ким ёрдам бера олмайди, деб ўйлаяпман. Салкам бир тонна наркотик! Мен ҳали бунча наркотик олиб йўлга чиқсан одамларни эшитмаганман. Уларга энг оғир жазо — ўлим жазоси беришлари аник.

Меҳмон кескин бир шаҳд билан бошини кўтариб, мезбоннинг кўзларига норози тикилди:

— Ака! Ўлим худонинг иши. Бандаси бандасининг жонини олишга ҳаққи йўқ.

Оллоқулбой ноўрин гап айтиб, меҳмоннинг кўнглига тегиб қўйганидан хижолат тортди. Робия холанинг аччиғи келди, аммо меҳмоннинг иззатини қилиб, кўнглидагиларни ичига ютди, «Миллионлаб кишини оғулаб, заҳарлаш, йўлдан уришга бандасининг ҳаққи борми? Бу оғу қандай балойи офат эканлигини Термизда яшаганингда билар эдинг! Аффондан ўтгани ҳам, Тожикистондан ўтаётгани ҳам шу ерда бир тўхтаб, бир қисм заҳарини пуллаб кетади. Булар эса бир умр юрак ҳовучлаб яшайди. Айтмоққа, у бир умр далада юрган аёл, аммо шу болаларни ўйлаб бир умр юрак ҳовучлаб яшади. Бир кунда йигирма марта уйига қўнфироқ қилас эди: «Мансур мактабдан келдими?», «Махмуд нима қиласяпти?», «Сардор репититордан келдими? Телефонга чакиринг, бир гаплашай». Кечқурун уйга қайтгач, ухлаб ётган болаларини бир-бир хидлаб чиқар эди, худди корадорининг ҳидини биладигандай. Уларнинг хоналарини, фаладон, сумкаларини, чўнтакларини титкилашдан сира эринмас

эди. Кўшнисининг халқаро танловларга қатнашиб юрган ўғли гиёҳванд бўлиб қолганини эшитиб, баттар юраги ёрилди. Ҳеч кимга гап бермайдиган Улдана чеварнинг ўғли ҳам гиёҳванд бўлиб қолибди. Қайноасининг айтишига қараганда, Маҳмуддан уч-тўрт марта пул олган экан. Маҳмуд қарзини қистаса, шу арзимаган пул учун мунча тирғалдинг, юр, шу пулингнинг ҳаққига бир маза қилдириб келаман, деб фоҳишаҳонага олиб бормокчи бўлибди. Ўшанда Маҳмуд энди тўққизинчи синфда ўқир эди. Бу гапни эшитиб, Робия ақлдан озай деди. Нима қилишини билмас эди. Бориб, Улдана билан гаплашай деса, ўғли қасдлашиб болаларини гиёҳванд қилиб қўйса-чи, деб кўркди. Бир чора қўлламаса, чеварнинг бекорчи ўғли эртадан-кечгача дарвозаларининг олдига қўйилган ёғоч ўриндикдан тушмайди, ўтганнинг ўроғини, кетганинг кетмонини олиб, ҳаммани гапга тутиб ўтираверади. Шу кўчадан кўчиб кетмаса, бу фалокатдан кутулишнинг иложи йўқ эди. Шаҳардаги шароитлардан баҳраманд бўлайлик деб, қишлоқнинг шаҳарга туташ ҳудудидан ер олиб, кенжасига атаб уй кўтартган эди. Энди минг пушаймон еяпти, ўша адир устидаги пастаккина келинлик уйи минг марта афзал эди.

Учинчи ўғли ҳар эрта стадионда югураман, деб уйдан чиқиб кетадиган одат чиқарди. Табиатан танбалроқ бўлган боланинг ярим кечасигача телевизор кўриб, яна соат бешда туриб, стадионга кетиши унда шубҳа уйғотди. Бир кун эрталаб туриб, ўғлининг изидан стадионга борди. Ҳамма жойини янтоқ босиб ётган стадионда ҳеч ким йўқ эди. Тирамоҳнинг муздек шабадаси юзларига урилди, у бор-будидан айрилган нотавон кимсадек ҳайрон туриб қолди, кўзларига ишонмай

яна аланг-жалаң атрофга қаради. Йўқ, ҳеч ким йўқ эди. Бу стадионда яқин орада бирон одам шуғулланмаган. Унда унинг боласи қани, қаерда? Ҳар тонг у қаерга бориб юрибди? Ҳар кун уни уйқудан воз кечишга нима мажбур қиласанти? «Наркотик!» хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам қўрқиб кетди. «Ха, наркотик, фақат шу нарса одамни шу даражада девона килиши мумкин. Уни кимдир йўлдан урган. Туни билан хумор қилиб чиқади-да, тонг отиши билан ўша наркотик сотувчининг олдига югуради. Ох, шўрим қуриб қолди-я, менинг. Аҳмоқ бўлмасам, тўрт ўғилнинг тақдирини бир кўр кампирга ишониб, ўзим эртадан-кечгача далада юраманми? Энди нима қиласан? Қаердан ахтараман бу шўрпешона, шумтакдир болани?»

Стадиондан уйига етиб келгунча нақ бир йил вақт ўтиб кетгандай бўлди. Ўзича оёқлари юраётгандай эди, аммо ҳеч йўли унмас, уйларига етиб бора олмас эди. Бир амаллаб етиб келганида томоқлари қақраб, ранглари қумдек оқариб кетган эди. Унинг ахволини кўриб эри ҳайрон бўлди:

- Сенга нима бўлди? Қаердан келаяпсан?
  - Собир... Собиримиз йўқ.
  - У югуришига кетган, нимага бунча ҳовликасан?
  - Стадионга бориб келдим. Ўғлингиз у жойга ҳеч қачон бормаган.
  - Қаерга боради бўлмаса?
  - Билмадим, дадаси...
- Шу пайт темир эшик гийқ этиб очилиб, Собир кириб келмаганда, бу аёлнинг ҳоли нима кечиши биргина худога аён эди. Бироз ҳорғин ҳолатда гуноҳкорона илжайиб кириб келган ўсмир саволларнинг тагида қолиб кетди.

— Сенинг бирон гапингга ишонмайман. Сен наркаманларга қўшилганмисан, бир балонг бор, — тинмай жавраётган она охирги гапини айтди. — Бўлинг, дадаси, буни наркодиспансерга олиб борамиз. Ўша ерда ҳақиқатни аниқлаймиз.

— Майли, боравераман, лекин мен ҳақиқатан ҳам стадионда эдим. Фақат бу стадионда эмас, 9-мактабнинг стадионида югураман.

— Нега?

— Чунки... У ерда шароит жуда яхши.

— Йўқ, мени алдаяпсан.

Ўғил ҳар қанча тавалло қилса ҳам ишонмади. Шу куни тонгти йиғилишга ҳам бормади, шаҳарнинг нариги бошидаги наркология диспансерига боришиди.

Диспансернинг бир қарашда ниҳоятда саранжом-саришта ҳовлиси ранг-баранг гулларга тўла, дарахтларга шакл берилган, бирон жойда кўндаланг ётган бирон чўп кўринмайди, лекин дарахтлар орасидан кўриниб турган осмон бу жойнинг гардишли қопқоғидек, ҳовли ниҳоятда дим, бошдан-оёқ қандайдир қўланса ҳид анкиб ётарди. Айниқса, қаршингиздан чиқаверадиган кўзлари маъносиз ола кийимли bemорлар одамнинг юрагини сиқиб юборарди. Ҳали иш куни ҳам бошланмаган экан. Бош шифокорни пича кутишга тўғри келди. Бу одамнинг уларга озрок қариндошлик жойи бор эди.

Оллоқулбой билан Робия хола шундай жойда бола эргаштириб юрганидан хижолат бўлди, аммо бош врач заррача ҳам ҳайратга тушмади. Худди уларни анчадан бери кутиб юргандек ёки ҳар қун кутиб-кузатадиган bemорини қарши олаёттандек бамайлихотир, ҳайриҳоҳлик билан қарши олди. Улар анча вакт гапни нимадан бошлашни бил-

май, у ён-бу ён қараб туришди. Эридан бирон садо чиқавермагач, сиқилиб кетган Робия холанинг ўзи гап бошлади:

— Дўхтири бова, минг бор узр, фақат айбга буюрманг. Бизга ёрдам беринг-у, лекин бизнинг бу ерга келганимизни зинхор бирор-яримга айта кўрманг. Шу ўғлимиэнинг юришлари бизга ҳеч ёқмаётир, бир текширирайлик, деб келдик.

— Бемалол, опа, доим хизматингизга тайёрмиз, — бош врач қўнгиригини босган эди, қабулхонада ўтирган қизча кирди. — Норимхол, бу йигитни Анна Сергеевнага олиб бор, наркотикка текширсин, — сўнг яна меҳмонларига юзланди. У мижозларининг сафи шундай довруғли одамлар ҳисобига кенгайганидан хурсандга ўхшаб кўринди. — Сиз, опа, сира рам еманг. Бу ерга қандай одамлар келмайди. Тагида «Мерседес», юрганда ер титрайди, минбарга бир мушт урганда, минг кишилик аудитория қалқиб кетади, лекин ёлғизгина ўғил — гиёҳванд. Бечора қон йиғлаб келади: «Ёрдам беринг, жон ука!» Албатта ёрдам қиласиз. Бу бизнинг вазифамиз, аммо фалончиевнинг ўғли ундинай, фалончиевнинг ўғли мундай, деган гашни ҳеч қачон айтмаймиз.

Эшик очилиб, эни-бўйи баравар семиз рус аёл кирди, унинг ортида нимагадир ранги ўчиб кетган Собир илжайиб туради. Ҳамма аёлнинг оғизига тикилди.

— Эргаш Аҳмедович, всё чистий.

Эргаш Аҳмедович негадир ишонқирамади:

— Да? Хорошо проверяли?

— Да.

Сўнг бош врач «гап тамом» дегандай ноилож ўрнидан туриб, қўлларини икки томонга ёзди:

— Хеч гап йўқ экан-у, вахима қилиб юрибсизлар. Аммо ҳали суюнишга вақт эрта, ўғлингиз эндинга ўн бешга кирибди. Оддинда бутун бошли умр бор. Қирқ беш ёшгача одам гиёхванд бўлиб кетиши мумкин. Доим хушёр бўлинг.

Робия хола кўчага чиқишгач, эрига қаради:

— Ҳай, менга қаранг, бу қариндошингиз ўғлимиз гиёхванд чиқмаганига хафа бўлиб қолганга ўхшади-я?

Оллоқулбой елка қисди:

— Кўй-е!

Собир кулди:

— Битта ёғли мижозга эга бўлдим, деб суюниб ўтирган эди-да. Эсиз...

— Ҳе, юзинг курсин сенинг, — Робия хола ўғлининг елкасига бир муштлади. — Одамнинг юрагини ёрдинг. Ўзинг югурадиган стадионга олиб борасан бизни.

— Э-эй, эна, қўясизми, йўқми? У ерда бир қиз бор. Биз... дўстмиз. Стадиондан дарвозасининг олди кўриниб туради. Ҳар кун мен юргани бораман, у кўчасига сув сепиб, сунургани чиқади. Бор гап шу.

Оллоқулбой кулиб юборди.

— Э, ота ўғил, шундай сарсон бўлиб юргунча, айтмайсанми, белгисини қили-иб қўярдик. Гаплашиб юраверардинг, вақти келганда тўйни қилиб, олиб келиб берардик.

— Сизга гап бўлса! — онаси бунга ҳам рози бўлмади. — Ҳар қандай гапни гапираверманг. Оддин билайлик, у қандай қиз, кимнинг қизи?

Розия хола эртаси куниёқ ўғлининг танловини бекор қилди: «Кўй, болам. Улар бизга тўғри келмайди. Ота-онаси маъкул одамлар эканку-я,

аммо акаси гиёхванд бўлиб қолган экан. Бошқа гаплашма, кўнглига умид солма. Ўзинг ҳам хаёлингни ҳар нарсага чалғитмай, ўқи, болам. Шу ёшингда ўқишни ташлаб, қизга эргашиб юрсанг, уят бўлади, майлими, ўғлим?

Собир ноилож бош иргади: «Хўп».

Аммо ўша данакдай қиздан воз кечиш қийин бўлди. Буни она юрак-юраги билан хис қилди ва шукур қилди: «На билагидан, на белидан бир ушламаган қизга шунча ўрганиб қолган экан, агар дори-порига ўрганиб қолганда, нима қилар эдим?»

Шунинг учун ҳам дорифурушларни жуда ёмон қўради. У отасини ўлдирган одамни, ҳатто онасини ўлдирган одамни ҳам кечириши мумкин. Одамзод жаҳл устида не бир жиноятларга кўл уриши, хатоларга йўл қўйиши мумкин, деб ҳисоблайди. Лекин оғуфурушларни сира кечира олмайди. Уларни кечиришнинг ўзи жиноят, деб билади.

Бир тонна оғуни ортиб кетаётган одамларни ҳимоя қилиш учун юрт ошиб келган кишига аёл боши билан бу нарсаларни тушунтириб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Тўгри, ўғилларини бир амаллаб катта қилиб олишди, аммо неваралар бўй чўзиб бораяпти, ҳар ўғилда икки-учтадан ўғил бор. Илгари эскилар қиз ўстириш қийин, дейишар эди. Ҳозир ўғил ўстириш қийин бўлиб бораяпти. «Хизбут таҳрир» деган балойи оғат чиққан. Уям кўпроқ йигитларни йўлдан урармиш. Хуллас, сал фаромуш қолсанг, не бир умид билан ўстирган болангни илиб кетувчилар кўп.

Жой-ку, беришади. Одамгарчилик. Ўзи бир чимхўр мардумга ўхшайди, еганда оту туюни ермиди? Аммо оти ёмон. Бир тонна наркотик билан кўлга тушганларнинг қариндошлари шуларнинг

уида ётди, деган гап ёмон. Одамлар дарров тўқиб-бичишади: «Бир гапи бўлса керак-да!»

Эртаси қуни Робия хола ўғлиниң машинасида меҳмонни адвокатурага олиб бориб, Қаландар мешига учрашириб кўйди. Меш гап нимадалигини эшитгач, узок ҳайрон бўлди, бир ҳамشاҳарларига, бир меҳмонга қаради. Охири сўради:

— Кечирасиз-у, Оллоқул ака, бу кишиларнинг сизга қандай танишлиги бор? Булар тожикистонлик бўлса...

— Бу киши Тошкентдан, институтда домулла. Бир домулла хешимиз билан бирга ишлашар экан. Шу одам орқали бизни излаб топибди. Бегона шаҳарда бир бошпана, дегандай...

— Ҳа, яхши, яхши! — сўнг меҳмонга синовчан тикилди. — Сиз институтда ишлайсизми?

Робия хола уларнинг ёнида ортиқ туришни истамай, ошигич хўшлашиб кўя қолди:

— Биз жуда шошиб турган эдик, сизлар бафуржа гаплашиб, ишларингизни бажараверинглар, сўнг меҳмонга юзланди. — Ишингиз тугагач, уйга ўтаверинг. Уйда одам бўлади.

Кечки овқат маҳали меҳмоннинг олдига ҳам кирмади. Дастурхонларни Сардордан киргизиб юборди, кўргиси келмади ўша домуллани, ҳовлида шиқирлатиб офтоба кўтариб юриши ҳам ғашини келтирди. Телевизорга қараб ухлаб қолган экан, эри бир маҳал ёнига келди:

— Ҳай, ухлаб қолдингми?

— Ҳа, нима қиласай бўлмаса? Меҳмонингизга алла айтиб, ухлатиб қайтдингизми?

— Гўрда ухлайди. Жойини солиб қайтдим, у намозга тутинди.

— Үф-ф!.. Худонинг ўзи кечирсин, лекин шу одамнинг намози менга малол келяпти.

— Э-э, шошма, гапнинг бүёни эшит,—  
Оллоқулбой хотинининг ёнига ўтириб олиб, ши-  
вирлаб гапира кетди. — Меш ундан минг доллар  
пора сўрабди. Илтимос, шу пулни сиз олиб бориб  
берсангиз, дейди.

— Ўх, жонинг қурсин-эй! — Робия хола ҳам  
ўрнидан туриб кетди. — Нима бўлса, сиз бўлинг.  
Героин ташувчиларни қутқариш учун чет эл ва-  
лютасида пора таклиф қилган, деб қамалиб ке-  
ting. Лекин у кишим: «Ўлим худонинг иши»  
деб ҳаммадан норози бўлиб, намозини ўқиб  
ўтираверсин. Вой, писмиғ-эй, унинг олдида нима  
гуноҳингиз бор эдики, ўзига аталган қопқонга  
сизни итаради.

— Қопқонми, йўқлигини ҳеч ким билмайди  
хали.

— Лекин қопқон бўлиши мумкин деб ўйла-  
япти. Ўзини асраб, сизни рўбарў қилаяпти. Бир  
тақводор, ҳожи одам учун бу иш гуноҳ эмасми?  
Ифлос! Ўзининг ахлатига ўзи ботиб ўлсин. Ҳали  
сиз болаларингизга кераксиз, энди отаси қамалган  
деган номга teng бўламиزم? Мехмонингиз ўтиrsa,  
тинчгина ўтиrsin. Кавушини тўғрилаб қўймайин  
яна!

— Бу мешниям кара-да, кампир! Буларнинг  
отилишини билиб туриб, шунча пул сўрабди,  
ўликдан кафан тилагандай... Қойил-эй, юз ҳам  
эшак терисидан қалин бўлса керак. Қандай  
сўрайди, қандай олади, сўнг қандай ҳазм қиласи?

Эрининг ёш боладек ҳайратланавериши ҳам  
ғашини келтирди:

— Вой-войлайверманг, оладиям, қиладиям. Чи-  
роқни ўчириб, теэрок ётинг.

Орадан икки кун ўтиб, эрталаб чиқиб кетган  
мехмон бир аёл билан уч бола етаклаб келди:

— Опа, минг бор узр, булар шошилинч Тожикистонга ўтадиган бўлиб қолишибди. Бир кўриб ўтайлик деб Термизда тўхташибди. Жуманазар aka ҳам бораверинглар деб манзилни берган экан, бошлаб келавердим.

Робия хола ҳеч қачон бунчалар худбин, безбет одамни учратмаган эди. Ҳафталаб тўй бериб, уй-ховли тўлдириб ўрин солиб ҳам шу қадар меҳмондан безор бўлмаган эди. Аммо бу одам!..

Унинг ичи ёниб кетди, аммо сир бой бермади:

— Бемалол, меҳмон келса, бош устига, — бориб аёлга қучоқ очди. — Келаверинг, синглим. Чарчамадингизми? Қани, ичкарига.

Хожи хушнуд жилмайди.

— Қани, болаларим, момога салом берингларчи?

Хожининг аёли очиққина экан. Кечки овқатдан сўнг эркакларнинг олдида ўтиришга иймандими, Робия холанинг ёнига чиқди. Ичи ҳасратга тўлиб кетган экан:

— Қайси бир нокаслар учун бекорга сарсон бўлиб юрибди. Бу кишим жуда қийналиб ўсган, отаси ўлиб, қайнонам бошқа эр қилиб кетган, булар тўрт бола бир кекса кампирнинг кўлида қолган. Институтда ўқиб юрганимизда бир сафар курсдошлар билан уйларига бордик. Олди айвон икки хоналигини чўпкори уй, ҳудди эртаклардагидек қариб кетган қоқсуяқ кампир. Уй қаттикроқ шамол эssa ҳам ғичир-ғичир чайқалаверар экан. Ўша оқшом кўнглини очди: шу қоқсуяқ кампир билан чўпкори уйдан бўлак ҳеч нарсам йўқ, менга тегсанми, деди. У курсимиздаги энг аклли, энг тарбияли йигит эди, уни ҳамма қизлар яхши кўрарди. Мен унга турмушга чиқдим. Биз жуда баҳтли эдик, лекин ҳаётдаги энг арзимас эҳтиёжларга

хам жуда кийналиб етишдик. Бизни қўллаб-куватловчи, ёрдам берувчи ҳеч ким йўқ эди. Илм қилиб, уйлар олиб, обрў-эътибор топгач, бир кун онаси пайдо бўлди. Тоғалар келиб-кетадиган бўлди. Бизларни ҳам қўярда-қўймай уйларига олиб кетиши. Билсангиз, итининг ялоғи хам тилло эди, десам, ишонаверинг. Аммо у тиллолар биз учун худди беҳиштнинг ошидек, кўрмок бор-у, емок йўқ. Бу кишим уларни тухмат билан ётибди, ўша наркотикларни мажбур бўлгани учун машинасига юклаган, дейишганига ишониб юрибди. Мен сирам ишонмайман. Уч ака-ука бир «Камаз»ни такси қилиб, бунчалар бойиб кетиши сирам мумкин эмас. Бу йигитлар бир умр шу иш билан шуғулланиб келган. Хотинларини кўрсангиз, ўзлари бир пуллик аёллар, «болаларни инглиз тили бўйича репититорга берган маъқулми, английский бўйича боргани маъқулми», деб ўтирадиган, ўқимаган, оми аёллар, аммо димогидан қурт ёғилиб туради. Болаларини Тошкентга прописка қилдириш учун бизни излаган экан. Бўлмаса, бу тоғаларни бир умр танимай, билмай ўтиб кетган бўлармидик.

— Танимай ўтсанглар, бирон нарса йўқотармидинглар?

— Аксинча, шуларни таниғанимиз учун тинчлигимизни йўқотдик. Онамнинг тоби йўқ экан, болалар ҳам таътилга чиқишиган, бир бориб келай, дегандим. Икки кўзим орқамда денг, қанд касаллари бор, борган жойимизга ёқмасам ҳам бир қўриб ўтмасам бўлмайди, деб келавердим.

— Йўғ-э, келаверинг. Бир кеча бошпана бериб, кўнглингизни топа олган бўлсак бўлди. Бизнинг уйга кимлар келиб-кетмаган, лекин сизга очишини

айтсам, эрингизнинг ўша төгаваччаларини ҳимоя қилиб юриши менга аввалбошдан ёқмаган.

Аёлгина әрта тонгда узр сўрай-сўрай, йўлга тушди.

Робия хола фалати бўлиб қолди.

Суд яна бир ҳафта чўзилди. Ҳукм ўқилишига икки кун қолганда икки юз минг доллар сўрабди. Ҳожимиз ўша куни уйга келмади.

— Қишлоғига пул ахтариб кетди. Уйма-уй юриб бўлса ҳам айтилган пулни йифиб келаман, деб кетди, — деди Оллоқулбой.

— Икки юз минг доллари нима бало? Шунча пулни қаердан топади? Бу меш ҳам бутунлай эсини еб қўйибди. «Лимоннинг ичидан чиқсан героин» деб телевизорда минг марта кўрсатди. Бу жиноятни бутун дунё эшилди. Энди ким ўша жиноятни қилган одамлардан пора олиб, ўлимдан асраб қола олади? Бу ҳеч бир ақлга сигмайдиган иш-ку! — жиғибийрон бўларди Робия хола. — Бу ҳожингиз аниқ ҳамтовоқ экан, йўқса, шунча пулни топа оламан, деб йўлга чиқмас эди.

Ҳожи эртаси куни шомдан кейин келди, унинг кўли бўм-бўш эди. «Олиб келиб, мешга топшириб келганмикин? Шунча пулни-я? Наҳотки бу тоғаваччалар омон қолса?»

Ҳожи суддан худди ўзи отишга ҳукм қилингандек фаромуш бўлиб қайтди. Рухсизгина сўрашиб, таҳорат олгани кетди. Сўнг узоқ намоз ўқиди.

Оллоқулбой билибми-бilmайми, унга ўзининг сўзлари билан тасалли берган бўлди:

— Ҳа, ўлим худонинг иши.

Ҳожи ҳам зарда билан шу гапни қайтарди:

— Ҳа, таксир, мен ҳам шундай дейман, ўлим худонинг иши.

— Ха, иним, Аллоҳнинг амри бўлмаса, кўзингиздан бир киприк узилмасмиш. Аллоҳ пешонага солади, бандаси кўтаради. Худонинг ишида, — деди Робия хола ҳам кўнгил кўтарган бўлиб. Ҳожининг қовоқ уйганини кўриб, аччири келди: «Тавба, худойим ўша тоғаваччаларингизнинг олдига келиб, пешонасига тўппонча тирасинми? Аллоҳ қилади, бандаси бир-биридан кўради».

Ҳожи эрта сахар кетаётib, мезбонлардан рози-ризолик сўради. Тошкентдаги уйининг манзилини, телефон рақамларини берди. Шу кунгача бу одамнинг сухти-сумбатидан озору безор бўлиб ўтирган Робия хола унинг афтода сиёқига қараб, беихтиёр раҳми келиб кетди: «Соддалик ҳам ёмон экан-да». Ҳожи эса, унинг: «Хафа бўлмай кетинг, иним. Яхши-ёмон гаплар қилган бўлсак, уэр», деган гапига: «Мен, албатта, ўша лимон ортган мижозларни топаман», деб жавоб қилди. Негадир Робия холанинг кўзларига ёш қалқди.

\* \* \*

Кулранг костюм-шим кийиб, қалин соchlарини орқага тараб олган баланд бўйли, олифтанамо йигит директорнинг олдига бир кириб чиқди-ю, мактабнинг бир кунлик дарс жадвалини ўзгартириб ташлади. Театрга ҳеч ким кирмай қўйган эмиш. «Сиз бир маънавияти бой инсонсиз. Сиз режамизни бажаришга ёрдам бермасангиз, кимдан умид қилишимиз мумкин», дебди. Кимнинг нима дарди бўлса, мактабга ёпишади. «Шунча ўқитувчи, шунча ўқувчи бор!..» — дейди ҳаммаси. Худди шунча мур-малаҳ беко-ор ётгандай! Директорнинг ҳам бирор манфаати бордирки, осонгина рози бўлади. «Етмишга ўттиз қиласиз» деган бўлса, бўлди-да. Ҳа, чўнтакка кирадиган пул турган-

да болаларнинг саводхонлигини ўйлармиди? Ди-ректор дарров йиғилиш чақириб, эълон қилди: Ҳамма бола минг сўмдан пул олиб келсин. Соат ўнда бошланғич, соат ўн бирда бешинчи синф-дап еттинчигача бўлган болалар, соат ўн иккida юқори синфлар боради. «Тамом, демак, шу кун мактабда дарс бўлмайди».

Синфи бор ўқитувчилар болаларни олиб, би-рин-сирин театрга кетиши. Нозима юқори синф-лар театрга кетгач, уйига қайтди. Кечаси билан ёғиб чиқкан ёмғирдан сўнг ҳаво тозаланган, дов-даражтлар ним яшил тўн кийган, мовий осмонда сузиб юрган укпар-укпар оқ булатлар ёнига чор-лаётгандай эди. Ростдан-да, унинг уйга боргиси келмаётган эди! Баҳор, бутун дунё ўзгарайти, янгиланаяпти. Факат унинг ҳаёти ўша-ўша! Ҳеч ўзгармайди. Уй – иш, иш – уй. Етти йилдан бери супуриб-сидириб, тозалаб охирига етолмаган уй-жойи. Суқма қошиқдай ҳар ишга аралашиб тура-диган қоқбош қайнонаси, лапашант, шўртумшук эри! «Уф-ф! Улардан қанчалар чарчадим, қанча-лар безор бўлдим! Қанийди, бир жойларга бош олиб кетиб, янгидан ҳаёт бошлишнинг иложи бўлса!» Ўшанда ҳеч қачон ёлғиз ўғилга, кенжа ўғилга турмушга чиқмас эди. Айниқса, унинг эри-га ўхшаб, ҳар гапда ота-онасининг оғзига қараб турадиган, ўзининг мустақил фикри бўлмаган ла-пашант йигитга!

Муюлишдаги зулукдай қоп-қора машинага суж-ниб турган йигит кўзига таниш кўринди. Йигит ҳам худди уни кутаётгандай Нозимага қараб турарди. Эслади: куёвжўра! Бу ёқимтой йи-гитнинг ошкора шилқимликлари бироз ҳамиятига теккан бўлса ҳам кўнглида ёқимли бир туйгулар уйғотган эди. Уч кун қайта-қайта кўнғироқ қилиб

хол-жонига қўймаган йигитнинг бирдан жимиб кеттанига аввал ҳайрон бўлди, сўнг ўз-ўзидан хавотирлана бошлади. Ҳозир ҳам дўплида турғанини кўриб, кўнглида энг яқин одамларига нисбатангина ҳис этиш мумкин бўлган ғалати бир туйгуни туйди. У машина тўғрисига келгач, йигит йўл четидаги ариқчадан сакраб, унинг ёнига ўтди. Мунғайибгина салом бериб, кўришиш учун кўл узатди. Синикқина овозда аҳвол сўради.

— Ўзингиз яхшимисиз? Тинчликми? — у қанча уринса ҳам кўнглидаги хавотирни яшира олмади.

— Амакимнинг ўғли... — йигит ерга қаради. — Бирга катта бўлган эдик. Тўрт кун аввал Россиядан майитини олиб келдик, кеча «етти» эди...

— Қандай қилиб?

— Хеч нарсани аниқлай олмадик. Бегона юрт!.. Индамай олиб келавердик. Кўли гул уста эди. Эшигининг олдида машиналар қалашиб ётарди. Пул ишлаб, хусусий устахона очаман, машина оламан, деб чилласи ҳам чиқмаган келинни ташлаб, Россияга кетиб қолди. Кетаётган куни ҳам кун бўйи машина созлаган. Неча киши: «Менинг машинамни ҳам созлаб беринг, кейин кетасиз», деб ялиниб қолган. Бу бўлса, «Хой, биродарлар, кўлимда билетим бор, мени тинч қўйинглар», деб чала-чулпа ювиниб, аэропортга чопган. Ҳамма «Ажалига шунчалар шошган экан-да», деялти. Онаси бечора, «Болам, борига шукур қил, шундай касбинг бор, ризқ-насибанг ўз оёғи билан келиб турибди. Кетма», деб қанча ялинди. У: «Она, менинг хунарим — менинг имконим. Бундай имконият билан чет элларда қўш қаватли устахоналарга эгалик қилиш мумкин. Илтимос, менинг йўлимни тўсманг», деди. Она шўрлик: «Мусулмончилик астачилик билан-да, болам. Бўлади

аста-секин. Майли, рўзғорга бир тийин берма, тоғганингни йиғиб, устахона кур, машина ол. Ўзингдан орттиргунингча рўзғорни ўзимиз қилиб турамиз», деди. «Йўқ, йўқ», деб кетиб қолди. Ўтган ҳафта бирга кетган ўртоғи мазаси йўқ, деб кўнгироқ қилибди. Амаким билан етиб боргуни мизча жони узилибди. Шунча олис йўллардан ўз оёғинг билан келиш қийин, тобут кўтариб келиш ундан ҳам қийин экан. «Ҳар эхтимолга қарши, дори-дармонга керак бўлиб қолар», деб беш-олти сўм олиб чикқан эдик. Йўқса...

— Бечора...

— Сизни ҳам излай олмадим, ўзим билан ўзим бўлиб қолдим. Хафа бўлмадингизми?

— Йўғ-э, нега хафа бўлишим керак, — Нозима боядан бери ўртадаги чегарани унутиб, шунча ноўрин ҳазиллар қилган бутунлай бегона йигитнинг оғзига тикилиб ўтиргани ёдига тушиб қолди. — Мени излашингиз умуман шарт эмас.

Йигит ерга қараб чукур хўрсинди. Бир зум тин олиб, сўнг Нозимани машинага таклиф қилди:

— Юринг, уйингизга олиб бориб қўяман.

— Йўғ-э, — астойдил рад қилди Нозима. — Озгина қолди, ўзим кетавераман.

— Ҳали анча бор-ку. Илтимос, йўқ, деманг, кўчаларингизнинг бошига олиб бориб қўяман-у, кетавераман. Йўлим ҳам ўша ёққа эди. Хўп дея қолинг. Ўзим жуда сиқилиб турибман, ҳеч ўзимга кела олмаяпман. Сизни кўриб, сал кўнглим ёзилди. Юринг энди...

Нозима бир зум иккиланиб қолди. Ич-ичида нимадир «Бор, бор!» деб, машинага ундан турарди. Бир машинага, бир қаршисида оёқларига йиқилгудай бўлиб турган хушсурат йигитга

қаради. Борар манзили ҳам узок әди. Уям ариқчадан сақраб ўтди...

Дид билан безатилган машина салонида хүшбүй атир ҳиди димокқа урилди.

— Машинамни ундан бошқа ҳеч кимга күрсатмас эдим. У менинг машинамда юришни яхши күрарди. Энди шу машинани унга совға қилиб юбормаганимга армон қиласман. Агар шундай қилганимда, у Россияга кетмасми?

Йигитнинг жигарига аталган самими мөхри, тотли ифорлар кезиниб юрган юмшокқина машина, йўл четида «зип-зип» этиб, ортда қолиб кетаётган ним яшил дунё — ҳамма-ҳаммаси Нозимага тобора ёкиб борарди. Уйларига буриладиган муюлиш бирпасда кўрина қолганидан хафа бўлди: «Бунча тез!..»

Йигит муюлишга яқинлашганда машинасини оҳистагина йўл четига тўхтатиб, орқага бурилди:

— Мана, уйингизга ҳам етиб келдик... Бирон жойга бориб, бир пиёладан чой иссак-ку, яхши бўлар эди. Аммо сиз... рози бўлмайсиз-да.

Нозима бош чайқади:

— Бунинг ҳечам иложи йўқ. Раҳмат, соғ бўлинг.

Сўнг шошиб машинадан тушди-да, ортига ҳам қарамасдан тез-тез юриб кетди. То кўчаларига бурилгунча уни бошдан-оёқ кузатиб турган ўтли нигоҳни ҳис этганидан оёқлари неча бор чалишиб, ўзи қора терга тушиб кетди. Ҳаяжондан юраги гуп-гуп урар, ҳар қанча уринмасин, йўли унмас, тўрт қадам наридаги уйига ета олмас эди. Дарвоза олдида қайнотасига тўқнашиб кетишига сал қолди:

— Ё, пирим! Нимага бунча ҳовлиқиб юрибсан? — деди Оллоқул бобо ҳайрон бўлиб.

— Ўзим... — хижолат бўлганидан бирон тайинли жавоб ҳам топа олмади.

Хонасига кириб, эшникни ичкаридан илгаклаб олди-да, ўзини каравот устига ташлади: «Бунчалар келингган, бунчалар ёқимли йигит экан-а!..»

Анча вақт кўчалик кийимларини ҳам ечмасдан шу ахволда ётди. Ётиб-ётиб зерикди. Кўнгли кўзларига илтижо билан боқиб тургувчи ўша хушсурат йигитнинг сухбатини кўмсади: «Бир айланиб келсан бўлар экан. Нимагаям шу фурбатхонага шошдим. Бу ерда менинг ҳеч кимга керагим йўқ».

Кечқурун Мастура қўнфироқ қилди. Қанийди, юрагига сифмай бораётган кечинмаларини унга айтишининг иложи бўлса эди! Ноилож бўғзига тиқилиб турган ҳиссиётларини ичига ютиб, ундан ахвол сўради:

— Томоша яхши бўлдими?

— Нима десам экан? Ўкувчи қизларнинг ролини ўттизга кирган актисалар кўкракларини лорсиллатиб ўйнаб ётибди. Мактаб формасини кийдириб, сочига бантинк тақдиргани билан ўттиз яшар аёл ўн тўрт ёшли қизалокқа айланниб қолмайди-да. Эркакларимиз роса кулишди: «Шундай ўкувчиларимиз бўлса, жуда қийин бўлар эди, дарс ўтолмас эдик», деб.

— Номардлар! Театрда роль бўлиш ҳам мактабда дарс бўлишдай гап-да. Ким режиссёрга яқин бўлса, неча ёшда бўлишидан қатъи назар, роль олаверади-да.

— Шундай бўлгач, бу театрга ким киради?

Орадан уч кун ўтиб, йўл четида тўхтаб турган таниш қора машинани кўриб, кўзлари ёниб кетди. Ўзидаги бу холатдан ўзи уялиб кетди. Худди кўрмагандай ерга қараб ўтиб кетмоқчи

бўлди. Аммо қарписида пайдо бўлган йигит ҳамма «режа»ларини барбод қилди.

— Ассалому алайкум. Ахволларингиз яхшими? — у ҳали саломига алик олиб ултурмасдан кўришган қўлидан ушлаб, машина томон торткиласди.— Йўлим шу ёқка эди, юринг, уйингизга ташлаб ўтаман.

— Йўқ, ўзим боравераман,— юраги бўғзига тиқилигудек гупиллаб уриб ётган бўлса ҳам астойдил рад қилди Нозима.— Сиз овора бўлманг.

— Э-э, овораси бор эканми? Юринг энди, янга!

Нозима ноилож қолди, у ўзини рад қилса ҳам, қўлинни қаттиқ сиқиб олиб «янга»лаётган йигитни рад эта олмади.

Улар машинага ўтиришгач, йигитнинг кайфияти кўтарилиб кетди:

— Э-э, раҳмат. Энди, янга, икки оғиз сухбатингизга кўнгил кетди. Хўп десангиз, бир ажойиб жой бор, бироз гурунг қилиб қайтамиз. Қаранг, ҳаво қандай яхши, атроф гўзал. Мен эса ўзимни қўйгани жой топа олмаяпман. Уйга ҳам боргим келмаяпти. Илтимос...

Унинг ҳам сира уйга боргиси йўқ, аммо ҳамманинг олдида ошкора кўз қисган бегона йигит билан аллақаерларга бориш...

— Йўқ, тўхтанг! Тўхтатинг деяпман сизга!

Йигит машинани йўл четига оҳиста тўхтатиб, орқа ўриндиққа ўгирилди: кўзларида минг йиллик гина.

— Нима бўлди сизга? Шунчаки, кўнгил икки оғиз сухбатингизни истаган эди, холос. Олма эмассиз-ку, оғзимга солиб еб қўйсам, — у астойдил хафа бўлган эди.

Нозима ерга қаради.

— Йўқми? -- сўради йигит.

— Бирор-ярим кўриб қолса... Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди.

— Э-э, Нозимахон, сиз билан кимнинг неча пуллик иши бор? Хўп дессангиз, шундай бир жойга олиб бораманки, у ерда сизни хеч ким танимайди. Жуда гўзал жой, маза қиласиз. Гарантия! Ярим соат вақт ажратсангиз, бўлди. А-а? Розимисиз?

Нозима хавотир билан атрофга қаради. Бирорнинг машинасида бу хил ўтириш юришдан ҳам шубҳали эди.

— Бўлти, қўймадингиз сиз ҳам!

— Бу бошқа гап! О, есть! — йигит газни босди, машина чийиллаб ўрнидан қўзғалди. Бир зумда олдиндаги машиналарни қувиб ўтиб, шаҳар ташқарисига чиқди. Темир йўл ёқалаб кетадиган хилват йўлда анча юришгач, бир тепаликдан ўтиб, қўм-қўк кўл бўйида жойлашган мўъжазгина дала ховлига етиб келишди. Ёши ўтиб қолган соч-соқоли ўsic бир одам, афтидан, коровул бўлса керак, Нозимага бир қараб қўйиб, дарвозани очди. Йигит у билан қучоқлашиб қўришди:

— Бирон нарсангиз борми, тоға?

Тоға хушнуд жилмайди:

— Ҳамма нарса бор. Хўжайнин ҳозиргина меҳмонлари билан чиқиб кетган эди. Меҳмонхонага кираверинг, ҳозир дастурхон тузайман.

Йигит кулди:

— Сал эртароқ келсам бўлар экан, дадамни келинлари билан таништириб қўярдим.

Тоға жилмайиб, ўчоқхона томон кетди, Нозиманинг қовоғи уюлди. «Бу бола нима деб

ўйлаяпти? Телефон рақамимгача аниклаган-у, икки болам борлигидан бехабармикин?»

Улар узун йўлакдан ўтиб, кенг, ҳашамдор меҳмонхонага киришди. Уларнинг изидан патнис қўтариб кирган тоға бирпасда дастурхоннинг устини тўлдириб ташлади.

— Овқат ҳам сузайми?

— Ярим косадан.

Ўртадаги стол жудаям узун ва энли эди. Йигит Нозимани ўтиргизган ўриндиқнинг ёнига жойлашди.

— Сиздан узоқ бўлиб кетмайин. Қани, тезроқ ичинг, кўл бўйига олиб тушаман. Қайиқ бор, истасангиз, қайиқда айланамиз.

Хонадаги шоҳона жиҳозлар, стол устидаги анвойи ноз-неъматлар, ёнида тавозе қилиб турган хушкалом йигит — барча-барчаси унинг хизматига шай эканлиги Нозиманинг кўнглини тўлдириди: «Қандай яхши!»

— Ҳа, айтмоқчи, сиз менинг исмимни биласизми? Шунча қўшиқ айтдим, шунча ҳасрат қилдим, лекин исмимни айтмабман. Исмим Ҳамдам. Отам сув хўжалигида ишлайди, онам ҳам отам билан бирга ишлайди. Олтита опам бор, сизга ўхшайдиганини топа олмаганим учун халигача уйланганим йўқ.

У исмини айтаётган пайт Нозиманинг қўлини ушлади ва кейин қўйиб юбора олмай қолди. Нозима ҳам индамай ерга қаради: ҳамма-ҳаммаси унга жуда ёқиб турган эди.

— Бўлди, ортиқ чидай олмайман,— у шаҳд билан Нозиманинг белидан ушлаб, бағрига тортиди.— Мен сизсиз яшай олмайман,— ютоқиб унинг юз-кўзларидан, бўйинларидан ўпа кетди. Авва-

лига «вой» деган Нозима худди шунга илҳақ бўлиб тургандай йигитнинг қайнок бағрига сингиб кетди. Ҳамдам эса уни даст кўтариб, тўрда эшиги ичкарига очиладиган хоналарнинг бирига олиб кирди. Бу деразасига қалин дарпардалар тутилган, ўртада пуштиранг чойшаб ёпилган икки кишилик диван ястаниб ётган ётоқхона эди...

— Нозима, нега бунчалар чиройлисиз? — анчдан сўнг, эҳтирослар қонгач Нозимани саволга тутди йигит. — Шу пайтгача сизсиз қандай яшаган эканман, билмайман. Аммо билганим шуки, энди сизсиз менга ҳаёт йўқ.

Бахтдан сармаст Нозима кўзларини юмди, у бу лаззатли онларнинг янада узокроқ чўзишлишини, тердан хўл бўлиб кетган пешона соchlарини бармоқлари билан тараб, намчил юзларидан оҳистагина ўпиб, эркалааб ётган йигитнинг қучоғида янада кўпроқ қолишни истар эди. Аммо...

— Ҳамдам, — деди у қўрқибгина, — нега тақдир бизни олдириқ учраштиrmади. Масалан, мен турмушга чиккунимча... Биласиз, менинг эrim, болаларим бор.

— Бунинг нима аҳамияти бор? Биз шундай киламишки, эрингиз бизнинг учрашишимииз учун ўзи шароит яратиб беради.

— Қандай қилиб?

— Масалан, мен унинг энг яқин дўстига айланаман. Истаган пайтингиз мен билан исталган жойга боришингиз мумкин бўлади.

Йўқ, Нозима истаётган нарсани Ҳамдам тушунмади. «Қанийди... Қанийди улар ётти йил аввал учрашишганида, шу келишган ўқтам йигит йўлларини пойлаб юрганида ва бир умр факат уники бўлиб қолганида! Бир умр!»

Бирдан уйи ёдига тушиб, юраги сиқилди. Ҳамдам ҳам бурчакдаги телевизор устида турган соатга кўзи тушиб, «Ўҳ-хў-ў!» деди-ю, шкафдан бир сочиқ олиб яримялангоч ҳолда ташқарига чиқди. Бирпасда қайтиб келиб, Нозиманинг кўлига ҳам сочиқ тутқазди: «Қўшни эшик – ванна. Тез бўлинг, яна уйингизга киргизмай қўйишмасин».

Улар йўлда деярли гаплашишмади. Орқа ўриндиқнинг нимкоронги бурчагига тиқилиб олган Нозима машинани учирив бораёттан Ҳамдамни бир нарса деб чалғитишдан қўркар эди.

Ҳамма уйда, болаларни аллақачон боғчадан олиб қайтишган эди. Қайнонаси қовоқ-тумшук билан саломига зўрға алик олди. Қайнонасининг одати шундай, унча-мунчага гапиравермайди. Хафа бўлса, қовоқларини уюб олиб, индамай юраверади, иш ҳам буюрмайди, қилмадинг ҳам демайди. Эри эса остона ҳатлар-ҳатламас, заҳрини сочди:

– Ўша мактабингда ётиб қолсанг ҳам бўларди!  
Ё уйинг борлиги ёдингдан чиқиб кетдими?

Нозима аччиқни аччиқ кесар қилди, уям эрига бобиллаб берди:

– Мен ўйнаб юрганим йўқ. Эртага вазирликдан комиссия келаркан, хужжатларимни тартибга солдим.

– Э, ўша комиссиянгга қўшиб!..

– Илтимос, очман, чарчаганман. Асабимни бузманг, – у эрини йўлидан нари суриб, кийимлар туродиган шкафнинг ёнига ўтди. Шкафдан уйда киядиган кўйлак-лозимини олиб, эрининг чиқиб кетишини кутди. «Худди бегоналардек. Кўнглимда заррача илиқлиқ йўғ-а...» ҳайрон бўлди ўз-ўзига. Сардор ошкора зарда билан чи-

мирилиб турган хотинига бир ўқрайиб, ташқарига чиқиб кетди.

Нозиманинг кўнгли хавотирга тўлиб турган бўлса ҳам, жуда баҳтиёр эди. Айни пайтда дунёда унинг кайфиятини буза оладиган куч йўқдек. Кийимини алмаштириб, ўринга чўзилди. Кўлларини бошининг тагидан ўтказиб, маза қилиб керишиб олди. Ҳеч ким ҳеч нарса демаса, сўрамаса, индамаса, ётса, ётаверса ўз хаёллари билан!.. Хонани аста-секин коронфилик эгаллади, кун ботиб борарди. Деразадан чироқнинг ёруғи тушди. «Чироқни ёқиши» . Эшик гийқ этиб очилди. Нимадандир ҳайикиб ўғли кирди:

— Она, овқат сузаркансиш?

— Бўлти!.. — жеркиб жавоб берди у. «Отасининг ўзи!»

Бола ниманидир сўрамоқчи шекилли, остоңада мўлтайиб туриб қолди:

— Бор, боравер. Нимага серрайиб турибсан?

Хозир бораман дедим-ку.

— Она!

— Ҳа-а? Яна нима?

— Мен учта ҳарф ўргандим, — боланинг кўзлари ёлқинланиб кетди. — Мен сизга «Она» деб ёзиб берайми?

Нозима шундагина боланинг қўлидаги дафтаркаламни кўрди.

— Уф-ф! Бошимни оғритма. Бор, кет дегандан кейин кетавермайсанми? — «Ўттиз икки ҳарфни билган отанг нима каромат кўрсатаяптики, сен уч ҳарфни билиб, тоғни эндириб берармидинг?»

Бола йиғлаб юбормаслик учун пастки лабини тишлаб, бир зум остоңада туриб қолди, сўнг индамай ортига бурилди.

Нозима ўрнидан турди, нимагадир бадани жунжиқди. Иссиқ халатини кийиб, бошига рўмол танғиб олди. Узун айвондан ўтаётиб, телефон аппарати турган дераза токчасига бир қараб қўйди. Юраги ғалати ҳислар билан орзиқиб кетди. Ке-йин шошиб, ошиғич бир хавотир билан атрофга қаради. Қархисидаги эшикдан қайнонаси чиқиб келди. Нозима кўнглидаги ўйлар ошкор бўлиб қолгандай юzlари дув этиб қизарди.

Қайнонаси қозонни тўлдириб мастава қилган экан. Ҳаммага бирдек сузиб, дастурхонга қўйди. Гуручлари эзилиб, бўтқага айланаёзган маставани кўнгли тортмади, аммо эри «қаерда қорин тўйғазиб келдинг?» деб тўнғилламаслиги учун ўзига ҳам бир чўмичгина сузиб, хонтахта ёнига чўкди.

— Мен бундай овқат емайман. Менга тухум қовуриб беринг! — биринчи бўлиб ўғли косасини нари суриб қўйди.

— Менга ҳам тухум! — қизи ҳам қошигини хонтахтага бир уриб, ўзи орқага сурилиб ўтирди.

Момонинг кайфияти тушиб кетди. Уларни эркалаб, инсофга чақира бошлади:

— Йўқ, болажонларим, эрталаб иккитадан тухум еган эдиларинг. Бугунга бўлади. Яна есанглар, оғирлик қиласи, касал бўлиб қоласизлар. Ким овқатини охиригача ичиб қўйса, эртага мен билан аммасиникига боради.

Момо овқатининг нархини ошириб юборди:

— Ростданми, алдамайсизми?

— Боғча-чи?

— Бир кун боғча сизларсиз тура қолади.

— Ур-ре!

Болалар косаларига ёпишиб кетишли.

Нозима косасини ушлаб олганча иштаха билан чапиллатиб овқат еяётган қайнонасига қараб ғаши келди: «Худди боли бордек!» Кампир овқатини охирigача ичиб, кейин қўрсаткич бармоғи билан косанинг гирдини сидириб олди. Сўнг ўртада турган тузламанинг сувидан мириқиб симирди. Шўр сув кўнгил хуморини охирigача қондирмадими, катта бир помидор олиб, эринмасдан пўстлоғини шилиб, сўнг бутунича оғзига олиб борди. Нозиманинг «дод» деб юборишига бир баҳя колди, лекин «уф» тортишдан ўзини тия олмади. Кампир ялт этиб, аввал келинига, сўнг неваралари га қаради. Болалар индамай овқат ейишар эди. Унда «уф» нима учун? Келинига бу уйда кўп нарсалар ёқмаслигини момо яхши билади. Ўзиям очиқ айтган, «Онамниги борсам, шу уйга сира қайтгим келмайди», деб. Онасининг уийи билан ора ярим соатлик йўл. Эрталаб кетиб, кечгача дунё-дунё гийбат қилиб, меҳри қониб, қайтиб келиши мумкин, аммо у уч кунсиз қайтмайди. Онасининг уйига борадиган бўлса, мактабдаги ишлар ҳам бемалол бўлиб қолади.

Бунчалар ёқмас экан, нега турмушга чиқдинг? Сени илгариги замонлардагидек қилиб, паранжи-чачвонда чимилдиқقا киргизиб, кейин эринг билан кўришганинг йўқ-ку. «Қачон қарасангиз, кулиб салом беради, шу қизни бир суриштиринг», деган эди ўғли, «кўз остига олганинг бўлса, айт» деган-да. Қизнинг қармоғи кулиб карагани-да. Ўзи қармоқ ташлаб, тегиб олди. Энди!..

Кампир қанча ўйласа ҳам келинининг ошкора фижиниши сабабини топа олмади. Ичи қизиди, яна индамади. Ке-е, қўй! Яна бир нарса деса,

шусиз ҳам совиган ошдек кўнгилни яхлатиб турган рўзгор заҳар-заққумга айланиб кетиши мумкин.

Иккинчи бўлиб Сардор косасини бўшатиб, нон бўлаклари билан коса гирдиаги овқат юқларини сидириб ейишига қараганда, корни тўймаган. Келин эса индамай косасини эрмак килиб ковлаш билан овора. Келин бўлиб тушган кундан буён одати шу. Дастурхон бошига бир ўтирилгандан сўнг, бирон-бир зарурат учун ўрнидан туриш унинг учун ўлим билан баробар. Дастурхон ёзib бир ўтирдими, тамом. Кейин факат дастурхон йиғиш учун туриши керак. Энди келин бўлиб тушган кунлари Сардор учалалари ўтиришган эди. Кўлсочик керак бўлиб қолди. Сардор лип этиб туриб, сочик олиб келди. Келин сочикка кўлини арта-арта гапирди: «Дастурхон бошида қайта-қайта туришни жуда ёмон кўраман». Сардор унга тушунтирди ўзича: «Сен бу ишни ёмон кўрма, севиб кол. Ахир сен келинсан. Акс ҳолда, сенга ҳам, бошқаларга ҳам қийин бўлади». «Хечам-да, менга ҳеч қачон қийин бўлмайди. Мен факат ўзим ёқтирган ишларни килиб ўргангандан. Бошқаларга қийин бўлса, ўзидан кўрсин», деди. Ўшанда Робия холанинг оғзи очилиб қолган эди. Сардор ҳам нима дейишини билмай қолди. Бир нарса деса, бир ҳафталик келин, ҳали қараб-қараб ҳуснига, ҳидлаб-ҳидлаб бўйига тўймаган. Демаса... Демади. Демай кўя қолди.

Камил ўғлининг косасига қўл узатди:

— Ке, болам, яна бир чўмич сузивелайин.

Сардор онасининг кўлини нари суреб кўйидида, бўшаган косани тўқ эткизив, Нозиманинг олдига кўйди.

— Эгаси сузивелайин.

Үртага совуқ жимлик чўқди. Нозима бир зум косасига қараб турди-да, худди ҳақорат қилингандек, чимирилиб ўрнидан турди. Ўзининг ҳам, эрининг ҳам косасини олиб, ошхонадан чиқиб кетди.

— Она, бунингиз ҳеч қачон одам бўлмайди.

Кампир индамади.

Шу пайт эшикдан коса кўтариб кирган Нозима заҳрини ичига ютиб:

— Сизга одам эмас, ҳали сочик, ҳали қошиқ узатиб турадиган робот керак, — деди.

Робия хола ялт этиб эрига қаради. Келиннинг бу одобсизлиги, энг аввало қайнотасига нисбатан бехурматлик эди. Оллокул aka эса индамай аллақачон бўшаган косасига энгашди. Сардор ғижиниб хонтахтага мушт урди. Нозима эса ҳеч нарса бўлмагандай овқат сузилган косани дастурхоннинг бир четига қўйди-да, индамай чиқиб кетди.

Кечаси эр-хотин жикқамушт бўлиб уришди.

— Лаш-лушларингни йиғ-да, эртага эрталаб уйдан чиқиб йўқол. Кечкурун келганимда қорангни ҳам кўрмайин! — қатъий гапирди Сардор.

— Сизнинг ҳам қорангизни кўраман деб ўлиб турганим йўқ. Ҳайдамасангиз ҳам кетмоқчи бўлиб юргандим. Ҳаммаларингдан тўйиб кетдим. Шу уйни ҳам, шу уйда яшовчиларни ҳам ҳеч қачон кўрмасам деб орзу қиласан.

— Орзуингга етгин, илойим. Лекин болалар мен билан қолади.

— Тушингизни сувга айтинг. Бола ҳар қандай вазиятда она билан қолиши керак.

— Ҳали сен онамисан?! Шу болаларга ҳеч оналик меҳри бердингми? Иштонини булғаса,

ўзингни осиб қўйгудек бўлар эдинг-ку. Уларни онам катта қилди-ку, кўрнамак! Она! Она эмиш бу киши.

— Хар нарса деб лақиллайверманг, алимент тўламасликнинг йўлини ахтараяпсизми? Алимент хам тўлайсиз, бизга алоҳида уй ҳам олиб берасиз. Тўкқиз ой қорнида кўтариб юрган, кўкрагидан сут берган ким?

— Э-э, ит ҳам туғаверади. Сенга бола керак эмас. Шу болаларни деб беш-олти сўм пул ундиранг, уй олдиранг! Олиб кетсанг ҳам сен уларга қарамайсан. Онангта осиб қўясан. Бечора болалар ака-укаларингнинг болаларидан таёқ еб, хору зор бўлиб ўсишади.

— Менинг онам билан жиянларим ўгай оначалик зулм ўтказишмас. Мен тирикман-ку.

— Э-э, бор-э! — Сардор ёстиги билан ёгинич кўрпасини олиб, меҳмонхонага чиқиб кетди: «Турқингни кўрмай. Сендай ахмок билан яшагандан кўра, бир умр ёлғиз ўтганим афзал. Бунга иш ёқмаса, одам ёқмаса! Бир умр ҳаммадан норози!»

Аммо Нозима кетмади. «Кетаман», деб эри билан баб-баравар тиллашган бўлса ҳам, онасининг қўш келинли тор-танқис уйига икки боласини етаклаб кириб боришни ўзига эп кўрмади. Сал нарсага «келавер, болам», деб турадиган онасига ҳам уч киши бўлиб кўчиб борса, ёқмаслиги тайин. «Кани алоҳида уий бўлса! Икки хоналигина бошпана бўлса ҳам майлийди. Эртаю кеч шу қайнота-қайнонанинг қовоғига қараб, уларнинг меҳмонини кутиб яшаш жонига тегди. Болалари боғчага қатнайди, ўзи янаем қўироқ дарс олади. Толгани ўзиники, нима истаса, шуни олади. Качон қаёққа боришни хохласа, ўша ёққа боради.

Афсуски, ўша икки хонали бошпана ҳам йўқ.

Эрта билан туриб, ҳеч нарса кўрмагандай ҳовли супурди, офтобаларни илиқцина сув билан тўлдириб қўйди, нонушта ҳозирлади, лекин эрининг ёнига кирмади.

Сардор ҳам шакароб қилиб сув сепиб, супурилган ҳовлида ғимирсиб юрган хотинини кўриб, кўнгли таскин топганини ҳис қилди. Бу аёлдан қанчалар кўнгли қолган, у билан орни очишни қанчалар истаётган бўлмасин, айни пайтда унинг болаларни етаклаб, ҳовли-жойни ҳувиллатиб, ҳамма ишни кекса онасига ташлаб кетиб қолишидан жуда қўрқар эди. Аммо ичидан хотинининг «қолгин» деб ялинса ҳам ортига қарамай кетиб қоладиган кунларини кутиб яшарди. У, барибир, кетади. Кетсин, фақат ўзи хоҳлаб, ўзининг айби билан кетсин, токи бир кун келиб, болаларингни етим қилдинг, дея Сардорнинг юзига ҳеч ким таъна қилмасин. Кетсин, Сардор уни аҳдидан қайтаришнинг иложини топлмай қолсин. Шунда ҳаммага яхши бўлади. Сардорнинг ҳам виждони қийналиб юрмайди.

Нозима енгилгина нонушта қилди-да, қайнонасиға: «Болалар туришмади, боғчага бобоси олиб борар», дея ишига жўнади. На кеча ҳайдаб солаётган эр бир нарса деди, на «ўламан саттор, кетаман», деб турган Нозима бир нарса деди.

«Ўзи, ўзи кетсайди! Оёқларига йиқилсан ҳам ортига қарамасдан, болаларга ҳам этак силкиб кетиб қолсайди!..»

«Икки хоналигина бошпанам бўлсайди, шуларнинг башарасини кўрмай эркин яшасайдим!..»

Бир замонлар иккаласининг иш жойи бошқабошқа томонларда бўлса ҳам, Сардор ҳар эрталаб Нозимани мактабига олиб бориб қўярди.

Кейин-кейин: «Бензиним камроқ эди», деб узр сўрайдиган бўлди. Бора-бора ҳар ким ўз йўлига, ўз ҳолича кетадиган бўлди.

Нозима энди муюлишга етганда эри машина-да гув этиб ёнгинасидан ўтиб кетди. Ҳали анча барвакт бўлишига қарамай кўча тўла одам, ҳамма қаергадир шонған, бегам, беташвиш дунё эрталабки баҳор эпкинидан роҳатланиб, баҳор гуллари билан безанганд ям-яшил либосини кўз-кўз қилар эди. Нозима турмуш ташвишларидан, уйидагилардан ҳар қанча безган бўлса ҳам, уларга хиёнат қилишни сира хаёлига келтирмаганди. У бошқарилашдан, кузатилишдан, назоратдан, бир хилликдан, хуллас, яна кўп нарсалардан жуда чарчаган эди. У онасининг уйидагидек эркинликни қўмсарди. Ўзи истаган пайти ётса, истаган пайти турса, истаган ишини қилса... Йўқ, онасининг уйида ҳам шу иш, шу ташвишлар. Жойи келса, онаси ҳам ундей қилма, бундай қилма, деб танбех бераверади. Аммо онасининг уйидаги юмушлар ҳам, онасининг даккилари ҳам унга сира малол келмайди. Қайнонасининг эса яхши гапи ҳам ёқмайди. Айникса, гап талашиб қолишса, болаларини олиб кетиб қолмасин, деб тилёғламалик қилишга ўтиб олса, кўзига тўнфизга ўхшаб кўринади. Бутун аъзойи баданига тамаки, тер ва ўткир атирларнинг омухта ҳиди ўрнаб кетган эри билан яқинлик қилишга сира тоқати йўқ. Унинг ёнида кўнгли айнийди ва буни яшириб ҳам ўтирмайди. Очикдан-очик бурнини жийириб, «Ювииб юрсангиз бўлмайдими?» деяверади. Баъзан рад қилинган эр ҳафталақ жойини бўлак қилиб, дуруст гаплашмай юради. Унинг рашкини кўзғатиш учун кеч келади. Нозима эрини билмаса экан, ўз хотинининг кўнглини

топа олмаган эркакка ўйнаш йўл бўлсин. «Билтанингни қил», деб икки кишилик кенг каравотда маза қилиб ётаверади. Кейин она-бала ўртасида фўнғир-фўнғир мунозара бошланади: «Она, шунингизнинг жавобини бераман. Тўйдириб юборди». «Кўйсанг-чи, болам. Икки боланинг уволига қолма. Ҳамма хотин бир хотин. Яна бировни олсанг ҳам шу ғалва, шу ташвиш. Болаларингнинг бошига ўгай она зулмини солганинг зиёда бўлади, холос. Тинчгина ўтири».

Шундаям қайнонасига кўнгли илимайди. Чунки кампир уни эмас, болаларни ўйлаб, ўғлини муросага чакираяпти. Ҳеч қачон: «Хой, ўғлим. Шуям одам боласи. Ундаям кўнгил бор. Жонидан бирон иссиқ-совуқ ўтган жойи бордир. Бир кўнглини сўра, нимадан норози, нима истайди? Бир жойларга айлантириб кел. Ёш нарса, кўнгли ёзилади», демайди. Қачон қарасанг, «Боласи бор!», «Болалар бор!» Гёё дунёда боладан бошка ҳеч нарса йўқдек. Фақат бола, бола!

«Ба-апп!» этган сигнал товушидан чўчиб тушди. Юраги орзиқиб, товуш келган томонга қаради. Яраклатиб ювилган зулукдек машинада Ҳамдам «бопладимми?» дегандек илжайиб туарди. Юзлари лов этиб ёниб кетган Нозима юраги унга томон потирлаб турган бўлса-да, бош иргаб салом берган бўлди-да, йўлида давом этаверди.

«Ие, бу нима қилгани?!» Ҳамдам машинадан сакраб тушиб, Нозиманинг изидан қичқира бошлиди:

— Ҳей, янга! Янга-а!

Нозима тўхтади: «Ҳа, қайнинбаччам? Мунча шовқин қиласиз?»

— Мактабингизда ишим бор эди. Юринг, олиб бориб ташлайман.

Нозима ён-верига каради. Бахтига ўтиб-қайтаётгандарнинг орасида биронта ҳам таниш учрамади. Ҳамдамнинг айтганини қилмаса, «Янга, янга»лаб бўлса ҳам машинасига судраб киргизадигандай кўринди. Бу ёқда кўнгли қурғур ҳам: «Бор, бор, ҳеч ким йўқ-ку!» — деб турарди.

— Ие, нега бундай қиласиз, янга? — машинага ўтиргандан кейин ҳам Ҳамдам ўпкаланишини қўймади. — Ўзи тонгни зўрға оттирган эдим. Юрагим ёрилиб кетай деди-я.

— Билмасам, қайнбаччам, ўзингиз шунчаки кўча томоша қилиб тургандирсиз, деб ўйлабмизда, — нозланиб кулди Нозима.

— Ҳа, ёндирасиз, куйдирасиз, кул қиласиз!

— Ҳай, менга қаранг, Ҳамдамбек, иккинчи мундай қилманг. Мен оилали аёлман. Беобру бўлиб қолишим мумкин. Хўпми?

— Иложини тополмасам-чи?

— Илтимос, Ҳамдам. Менинг ўрнимга опангизними, синглингизними қўйиб кўринг. Яхши иш қилмаётганимни ана шунда тушунармидингиз... — бу гапларнинг ҳаммаси шунчаки йўлига, ўзининг нархини ошириш учун айтилаётганини Нозима ҳам, Ҳамдам ҳам яхши биларди.

— Яхши, тушундим ҳам дейлик. Аммо бу билан нима ўзгаради, — пешойнадан Нозимага тикилди. — Учрашиб турсак, бунинг нимаси ёмон. Кеча... ёмон бўлдими? Одам дунёга бир марта келади, жоним, тўрт кунлик дунёнинг лаззатларидан фойдаланиб қолиш керак. Эрингиз масаласига келсак, унга ким бориб суюнчи сўрайлти. Озгина ҳушёр бўлсак, олам гулистон.

Унинг баҳоси жуда тушиб кетди. Тўрт кунлик дунёнинг кўнгилочар эрмаги!..

— Ҳамдам, сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? — бе-ихтиёр ўзини оқлай бошлади Нозима. — Кеча ўзим ҳам билмаганман бу ҳолатга қандай тушиб қолганимни. Энди мени тиіч қўйинг.

— Янга-а! — Ҳамдам овозини баландлатиб шўписа қилган бўлди. — Аразлайверманг, энди. Агар яна бир нарса десангиз, мактабингизга кираман-да, ҳамма ўқитувчиларни йиғиб, «Мен Нозимани севама-ан!» деб бақираман. Ҳар кун эрталаб эшигингизнинг олдида, тушдан кейин мактабининг олдида машинамни кўндаланг қилиб туравераман.

— Хўп, хўп, ўйлаб кўраман. Машинани тўхтатинг! — улар мактабга яқинлашиб қолган эди.

— Фақат қискарок ўйланг, ўй одамни қаритади. Бунинг устига жуда соғинганман. — Ҳамдам хушнуд ҳолда машинани четга олар экан, Нозиманинг қўлига кичкина қоғозча узатди. — Бу ерда менинг қўл телефоним ёзилган. Вақт топиб, менга телефон қилинг, қачон, қаерда учрашишимизни келишиб оламиз. Сизга ажойиб соврам бор.

Нозима шошиб қоғозни олди-да, буклаб-буқлаб сумкасининг энг ички чўнтағига солди, ўзи машинадан тушди-ю, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, ура қочди.

«Бу йигит мени қўймайди. Энди нима бўлади? Шаҳарнинг ярми эримнинг кариндош-урури. Биронтаси қўриб қолса!.. Бўлди, энди гаплашмайман».

Туриб-туриб юраги ҳаприқди:

«Нима совға олган экан-а? Тилло бўлса керак. Албатта, тилло! Шундай йигит арзимас атир-патирни совға деб юармиди? Қанака тилло экан? Э-э, керак эмас тилло-пиллоси. Энди гаплашмайман».

Дарсни қандай ўтганини билмайди. Журналлар «5» ва «4» баҳоларга тўлиб кетган эди. Катта танаффусга қўнғироқ чалингач, енгил нафас олди: «Йигирма дақиқагина ўз хаёлларим билан қола оладиган бўлдим-а». Болалар синфдан чиқиб кетгач, сумкасидан секингина ҳалиги қофозчани олди: «Йиртиб ташлайман». Аммо қофоздаги рақамлар бир қарашдаёқ юрагига ёзилиб қолган эди: «Барубир қўнғироқ қилмайман. Йўқ, қўнғироқ қилиб, бошқа овора бўлмаслигини тушунтираман».

... Уйда ҳеч ким йўқ экан. Қайнотаси боғчага кетган, қайнонаси у келгач, қўшниникига чиқиб кетди, эри ҳали ишдан қайтмаган. Вактдан фойдаланиб, қўнғироқ қилди: «Орани очиб кўя колайин. Эртага яна йўлимни тўсиб юрмасин».

Ҳамдамнинг овози ғала-ғовур шовқиннинг орасидан зўрга эшитилди. «Ха, ошина, сизмисиз? Йўқлаганингиз учун раҳмат. Эртага соат бир яримларда «Нафис моллар» дўконининг ёнида сизни кутаман. Хўп, соғ бўлинг. Дуд-дуд...»

У бир оғиз гап айтишга ҳам улгурмади. Дуддлаётган телефон гўшагини лабларига босиб туриб, айвон деразасидан ҳовлига қаради. Етти йилдан бери истаб-истамай супуриб-сидириб юрган ҳовлиси кўзига бир файзли, айни дамда, бирорвга қолиб кетаётган омонатга ўхшаб кўринди: «Бекор бўлди ҳаммаси...»

Эртаси куни йўл устидаги «Нафис моллар» дўконининг ёнида турган Ҳамдамнинг машинасига индамайгина ўтириди: Ҳамдам жуда хурсанд эди. Машина сал силжигач, орқага бир ўгрилиб жажжигина қутича узатди:

- Тақиб кўринг-чи?
- Нима бу?
- Очиб кўринг-чи.

У қўркибгина қутичани очди: оппоқ фианит тошлар билан безатилган нозиккина билагузук!

У қўркиб кетди ва секингина қутичани ёпиб қўйди:

— Мен айтмоқчи эдимки, муносабатларимизни шу ерда тўхтатсак. Бу ишлар менга муносиб эмас. Буни эса олиб қўйинг.

— Менга қаранг, Нозима! Ҳар бир америкаликнинг у оиласими, йўқми, бундан қатъи назар, вақти-вақти билан учрашиб турадиган камидা учта дўсти бўлар экан. Бу уларда нормал холат ҳисобланади. Сиз ахир ўқимишли, гўзал аёлсиз, салгина замонавий фикр юритишни ҳам ўрганингда. Кўриб турибман, мен ҳам сизга ёқаман. Сизку, жонимга балосиз. Ҳозир бир жойга олиб бораман, сизнинг ҳам кўлингизда битта калит бўлади. Келишилган пайтда ўзингиз бориб ўтираверасиз. Мен ўз йўлим билан боравераман. Ўша уйнинг деворларидан бўлак ҳеч нарса, ҳеч қачон бизни бирга кўрмайди. Бўладими?

Нозима индамади.

— Совғам ёқмаган бўлса, деразадан улоқтириб юборинг. Мен уни кимга бераман?

Шахар четидаги кўп қаватли уйларнинг бирига боришиди. Иккинчи қаватда жойлашган уй анча вақтдан бери ёпиқ тургани учунми, иссиқ ва дим эди.

Ҳамдам дарҳол деразаларни очиб ташлади. Қалин пардалар орасидан тоза ҳаво оқиб кирди, аммо хоналардаги қимматбаҳо мебеллар ва юмшоқ гиламлар устини қоплаган чанг киши кўнглини хира қиласарди.

— Биронтасини олиб келиб, бир тозалатишим керак экан, — узр сўради Ҳамдам. — Энди бу ерга тез-тез келиб турамиз-ку, а?

Қайноқ әхтирослар бўғзиларига тиқилиб қолган бўлса-да, улар тез қайтишди. Эртага Робия кампирнинг туғилган куни эди. Ҳамдам ҳам қаёққадир шошиб турарди. Шундай бўлса-да, норози бўлди:

— Уф-ф, бунча тез! Йўқ, бунақаси кетмайди. Ҳеч бўлмаса бир кеча тонг отгунча бағримга босиб ётмасам, сира хуморим қонмайди. Онамнинг уйида ётиб қоламан, деб бир кеча келинг, илтимос. — Ҳамдам остоңада Нозиманинг белларидан ушлаб бағрига босди. Нозима эркаланиб, олтин билагузук ялтираб турган қўллари билан оғзини ёпди:

— Асалнинг ҳам ози ширин, қўп талтайиб кетманг!

Кечки пайт қайнонасини бузоқ судраб кетди...

Нозима ҳар доим сигирни соғиб бўлгач, бузоқни бўшатиб, изига қайтиб келаверарди. Сигирни катта оғилхонага, бузоқни алоҳида оғилхонага боғлаш бобонинг иши эди. Шўрлик сигирни айланиб, сути йўқ елинини нуқул тишлаб чўзғилаётган бузоққа қараб, Робия холанинг юраги эзилиб кетди, чидай олмай, Санжарга бақирди:

— Бобонг қай гўрга йўқолди. Анави бузоқ сигирнинг елинини чўзғилаб еб қўяди-ку. Бор, бобонгни чақириб кел.

— Бобомни Дилмуроднинг бобоси чақириб кетди. Ўзим боғлаб қўяйми бузоқни, момо?

— Сенга бош берармиди бу ҳўкиз? Шошмачи! Бобонг келгунча, сигирнинг елинини яра қилиб қўяди, — деб инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди. Шу пайт Нозима чеҳакдаги сутни сузгичдан ўтказиб, қазноқнинг тагига қўяётган эди. Бир кўнгли шу кампирни довдиратмай, бузоқни ўзим боғлаб келай, деди. Яна... ҳажга бораётган

бойбиччанинг ўзи боғласин, бир бузокни эплай олмаса, хажда нима қилади, деди-да, индамай ошхонага кириб кетди.

— Мома-а! — Санжарнинг овози дарвоза олдида мулгиб ётган итни ҳам чўчитиб юборди. — Она-а, момом! Момомга қаранг!

Нозима ошхона деразасидан аста энгашиб, ўғлининг овози келаётган томонга қаради: бузоқ оғилхона олдида кампирни судраб, шаталоқ отиб чопиб бораарди.

— Она-а! Она-а-а! — сигирнинг ёнида турган Санжар изиллаб йиғлар эди.

«Уф-ф, ўзи ўлай деб ётибди-ку, арқонга ёпишиб олганини! Кўйиб юбор, арқонни. Шу бузоқ сигирни еб қўйса, еб қўйсин».

Нозима олдидаги пешбандини ечиб, ҳовлига чиқди. Олди тўсилганидан қўрқкан бузоқ йўлини орқага бурди. Агар қўшнининг яқиндагина ҳарбийдан қайтган ўғли Санжарнинг овозидан хавотирланиб чиқмаганда, кампирнинг ҳоли нима кечиши бир худога аён эди.

Кампирнинг кўлига ўралиб қолган арқонни бир амаллаб бўшатишиди. Кўшни йигит билан Нозима кампирнинг икки қўлтиғига кириб, ўрнидан турғазишиди, аммо кампир оёғини боса олмай, «дод» деб юборди. Шу орада ҳовлиқиб етиб келган Оллоқул ака ичкаридан бир стул олиб чиқиб, кампирни стулга ўтиргизиб, икки киши стулнинг икки ёнидан кўтариб, ичкарига киргизишиди.

Уй бирпасда одамга тўлиб кетди. Ҳамма айб Нозиманинг устига ағдарилди:

— Кекса одамни молнинг тагига юборишнинг нима кераги бор эди?

— Шундай катта уйдан битта бузокни боғлайдиган одам топилмадими?

Сардор хотинининг юзига бир шапалоқ туширди:

— Нима иш қилсанг, думи хуржунда қолади. Кимдир изингни тозалаб, тўғрилаб юриши керак. Онамга бир нарса бўлса, мен сени ўлдираман!

— Ўлдирмоқчи бўлсангиз, ҳозироқ ўлдирақолинг, — нақ суякларигача зириллаб кетган Ноизима йиглаб юборди, — Мен онангизга бузокни боғланг деб буюрганим йўқ.

— Буюришинг шарт эмас, сен боғламаганингдан кейин ўзи боғламай нима қиласди?

Намозшом қуёши алвоиранг этакларини аллақачон йифиб олган бўлса-да, тоғлар ортидан таралаётган нур атрофни вира-шира ёритиб турарди. «Тез ёрдам» машинасида келган қотма шифокор надомат билан бош чайқади: «Олиб кетмасак бўлмайди. Кон босимлари жуда ошиб кетибди. Аҳвол жиддий».

Момони бир амаллаб замбилга солиб, машинага чиқаришди. Бутун уй ғала-ғовур қўшиллар билан момонинг изидан касалхонага кетди. Уйда Ноизима қизи билан ёлғиз қолди. Бирпасда ҳувиллаб қолган ним қоронғи ҳовли ҳам унга «сен айборсан» деб таъна қилаётгандек эди. Йўқ, бузокни ўзи боғламагани учун эмас... Келин бўлиб тушган йили улар билан яшайдиган қайнораси бир татар аёлга илакишиб қолди. Овсини изиллаб ҳар кун кўчадан бир гап топиб келади, қайнонаси ўғлини бурчакка қамаб, жанжал киласди: «Бола-а! Кўзингга қара, бизга ҳаром ёқмайди!» Бир куни ўша қайноғасининг уч яшар қизи акаси билан қувлашмачоқ ўйнайман деб кир ювиш учун қайнатиб кўйган бир челак сувга ўтириб қолди. Қанча елиб-югуришмасин, қизчани саклаб қолиша олмади. Овсин эрини кўчага ҳайдади: «Сенинг гуноҳинг

норасида боламга урди». Бугун, эҳтимол, Нозиманинг гунохи қайнонасига ургандир... Шўрлик...

Телефон қўнғироғидан чўчиб тушди. Биқинига тиқилиб мультфильм қўриб ётган қизига хавотирланиб бир назар солди-да, сапчиб туриб, телефонга югурди:

— Алло-о!

— «Севсам ўлдуурлар, севмасам ўлам!..» — гўшақдан Ҳамдамнинг хушнуд хиргойиси эшигилди, — Ҳа, пари-и, ҳаммани касалхонага ҳайдаб, ёлғиз ўзингиз ўтирибсизми?

— Сиз қаёқдан эшита қолдингиз? — ҳайрон бўлди Нозима.

— Биз бечораларни фақат сиз бегона санайсиз. Куёвингиз билан синглингиз менсиз касалхонага боришармиди? Қайнонангизни бузоқ судраб кетган бўлса, сизни мен судраб кета қолай, деб қўнгироқ қилаяпман. Нима дейсиз?

— Э, қўйинг-э!

— Рост айтаяпман. Уйдагиларингиз ҳали-бери қайтишмайди. Диidor ғанимат-да. Болаларингизни қўшниникига ташланг-да, мен касалхонага бораяпман, деб ўзингиз кўчанинг бошига чиқинг. Икки марта бағримга босаман-да, сўнг қайтариб юбораман.

— Қўшнимга нима дейман кейин?

— Такси бўлмади, қўрқдим, дейсиз. Э-э, қўнгилда бўлса, баҳонадан қўпи борми? Фақат истак бўлиши керак. Сизни кутаяпман.

— Қўйсангиз-чи! Шундай кунда кўча-кўйда юришим эп эмас, — Нозима бу сўзларни чин юракдан айтди, аммо шу жавоб баробарида юрагининг туб-тубида бир интиқ иштиёқ ҳиссини туйди: «Нима қипти? Бирпасга борадиу қайтади!»

— Беш дақиқа етадими?

— Ҳамдам!..

— Нима? Озодбек айтгандек, куйингизда хормиз, зормиз ва лекин кўчангизда бормиз, сизни кутаверамиз.

— Уф-ф, ёмон шилқимсиз-да! — у таслим бўлган эди. — Балки ростдан ҳам касалхонага олиб бориб келарсиз. Бутун оила ўша ерда бўлганда, ёлғиз ўзим уйда қолишим яхши эмас. Бўлмаса, сал нарироқда туринг. Бирпасда чиқаман.

Бу Ҳамдам учун эмас, ўзи учун айтилаётган баҳона эди.

У боргандада Робия холани операцияга олиб кириб кетишган, ҳамма ўзи билан ўзи, унинг ким билан қандай келганини бирор суроштирумади ҳам. Фақат эри бир ўқрайиб, «Ноилани кимга ташладинг?» деб сўради, қўшниникида эканлигини эшитиб, ичкарига кириб кетди. Бирпас тургач, қайнинглисидан илтимос қилди: «Мени эрингиз олиб бориб қўйсин. Ноилани қўшнига бериб келган эдим». Шоҳиста «хозир», деди-да, Ҳамдамни излашга тушди: «Бизнинг машинамиз бузилган эди. Санжарни ҳам олиб кета қолинг. Бола чарчади». Санжар эса: «Мен дадамнинг машинасида қайтаман», деб унамади.

Шу орада қаердандир келиб қолиб, гапга қўшилган Аҳмад жўрасига: «Янгани бирга ташлаб қайтамиз», деб машинанинг эшиги томон юра бошлаган эди, Ҳамдам, «Жўра, мен қайтиб кела олмайман. Дадам уйга кел, деяпти», деб уни қайтариб ташлади.

Нозима Аҳмаднинг ранги ўзгариб кетганини кўрди, хаёлидан: «Ҳамдам жўрасига мақтаниб қўймаганмикин?» деган фикр ўтди. «Эркак зоти мақтанишни яхши кўради. Бекор келдим-да». Лекин энди кеч бўлган эди. У индамай машинанинг

орка ўриндигига ўтирди. Ҳамдам ҳам ҳеч нарса билмагандай: «Янга, эшикни ёпдингизми? Соғ бўлинглар», дея машинани қўзғатди.

Уйга эса ярим тунда қайтишди...

Ҳамдам жуда сўзамол, келишган йигит эди. Бобоси бахши ўтган экан, у ҳам хар сўзига қўшиқ қўшиб, асқия қўшиб гапирав, қуюқ қошлиари остида доим кулиб турувчи зангор кўзларига қараган киши беихтиёр унга асир бўлиб колар эди. У факат қадди-қоматини сириб турадиган торгина хорижий жинси шим ва спорт кўйлаги кияр, бу лиbosлар унинг кўркини янада оширав эди.

Нозима аллақачон ухлаб қолган қизини уйига олиб келиб, ўрнига чўзилар экан, юрагини аччиқ армон ҳисси ўртаб ўтди: «Эсиз, шундай барно йигит! Бунинг эри тўнгиллайдан бошқа нарсани билмайди. Ҳеч бўлмаса, ўзинг учун ўзингга қараб, ювениб юр! Йўқ, юраверади, тамаки билан тер сасиб!..»

\* \* \*

Операция узоқ давом этди. Дўхтирлар: «Операция яхши ўтди, лекин опа энди бир умр кўлтиқтаёқда қолиб кетади», дейишди. Эртаси куни Робия хола деворлари доғ-дуғ бефайз палатада ҳоргин кўзларини очганда, Шоҳиста онаси жаҳаннам эшигидан қайтиб келгандек йиғлаб юборди.

— Онажон! — бор дунёси тўкилиб онасининг сўлғин юзларидан ўпди. — Худога шукур, онажоним.

— Шоҳиста... — Робия холанинг лаблари қуриб қолган эди. — Сув...

— Хозир, хозир онажон! — у шошиб елим идишдаги сувга пахтани намлаб, онасининг лаб-

ларини артди, сўнг пиёлага бир ҳўпламгина сув қуиб, оғзига тутди. — Ҳозирча кўп сув мумкин эмас.

Робия хола қўлларини одеял остидан оёқлари томон узатди, белидан бошланган тошдек нам гипс тиззасигача давом этган эди. Ич-ичидан тошиб келаётган фарёдни чиқармаслик учун пластки лабларини қаттиқ тишлади. Кўзларидан тирқираб оқаётган ёш икки чаккасидан тўкилиб ётар эди.

— Онажон, — Шоҳиста онасининг озгин ел-каларидан кучиб, юз-кўзларидан ўпди. — Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз, йиғламанг. Энг муҳими ўлмай қолдингиз, бошқа ҳаммаси бекор, сиз... сиз ўлиб қолганингизда мен нима қилар эдим, она?

Робия хола яна сув сўради, Шоҳиста ёнидаги тумбочкадан сочиқча олиб, онасининг юз-кўзларини артди.

— Ай, болам-а, шунчалар гуноҳим кўпмидики, Аллоҳга менинг ниятим малол келиб, ўзимдан тиндим, энди ҳажга бораман, деган жойимда оёқсиз қилиб қўйди. Нега, қайси гуноҳларим учун?!

Унинг илтижолари Шоҳистанинг юрак-баррини ўргаб юборди:

— Нега ундей дейсиз, она?! Сизнинг гуноҳ қилишга вақтингиз бўлганми ўзи? Олти бола, эр, колхоздаги энг катта биргад! Аллоҳ бандаларини дунё бериб, мансаб бериб, дард бериб синайди, дер эдингиз-ку, ўзингиз. Мана, сизга дард бериб синаяпти. Ҳеч нарса эмас, оёғи синган бир сиз эмас, ҳали тузаласиз, кўрмагандай бўлиб кетасиз. Ҳажларгаям бориб келасиз.

Уни уйга ҳам замбилда олиб қайтишиди...

Ўша куни кун бўйи ёмғир ёғди. Бир неча кунлик жазирама иссиқдан кейинги намгарчилик худди Робия холанинг шу кунги холатидек юракни эзар ва нафасни бўғар эди. Шоҳиста онасининг ёнида уч кун қолиб кетди. Робия хола шу қизини ҳамма болаларидан бошқача бир меҳр билан яхши кўрар эди. Шунинг учун ҳам отаси: «Онанг янги ҳаётига кўниккунча бир-икки кун ёнида бўлиб тур», деб илтимос қилди. Эри: «Уйда келин бор, отанг бор. Кундузлари келиб, хабар олиб турамиз», деса ҳам унамади. Унинг юраги ғаш эди. Кайвони онасининг бир умр ҳамма нарсадан норози бўлиб, бир оғиз гапга ҳам уч кун аразлаб юрадиган келиннинг қўлига қараб, муҳтоҷ бўлиб қолишини ҳеч ҳазм қила олмас эди. Институтда ўқиб юрганларида бир ўқитувчиси бўлар эди. Жаҳлини чиқарганларни «Хе, тирик ўлик!» деб сўкар эди. Ўшанда бу ҳақоратнинг мазмунига эътибор бермаган эди. Энди ўйлаб кўрса: кўзлари очиқ, дунёни кўраяпти, тирик – ейиши, ичиши ва ҳожат қилиш керак, аммо худди ўликдек қўлидан ҳеч бир юмуш келмайди. Яхшиям отаси бор экан, йўқса, бечоранинг ҳоли нима кечар эди-я?!

Ҳамма ўзича куйди: «Уф-ф!», «Аф-ф!», «Ох!», «Ўх!»

Аммо Робия хола жуда иродали аёл эди. Тунлари ёнбошида ётган қизининг гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ағдарилаётганига қараб, бир мартагина ёнбош ётсам, елкаларимга шамол тегса эди, деб орзулаб ётган бўлса ҳам тақдир пешонасига ёзган ёзигига кўнди ва шукур қилди. «Менинг ўрнимда болаларимдан биронтаси бўлганда, нима қилар эдим? Майли, мен бир бекорчи кампирман. Бу дунёдаги ҳамма ишларимни бажариб бўлганман.

Энди ётган жойимда тоат-ибодатимни қилиб ёта-вераман. Ўзингга шукур, Аллоҳим».

Фақат келди-кетди бироз чарчатди, тўғрироғи, ҳар меҳмон келганда келиннинг гезариб кетадиган афт-ангори чарчатди. Бир умр элнинг устида юриб, ҳамманинг иззатига етиб юрган кайвони аёл эмасми, эшитган одам борки, бир келиб ҳабар олар эди. Робия хола: «Келинга ҳам оғир бўлиб кетмасин», деб катта ўғлининг қизини чақиртирди. Уйнинг ҳамма юмушлари шу қизнинг зиммасига ортилди, лекин келиннинг чимирилган қиёфаси ёзилмади.

Ўша куни бир умр савдода ишлаган дугонаси синглиси билан келди. Ётганига бир ойдан ошган эди. Бирон юмушга уринмай уй ичида ётган бўлса ҳам бутун аъзойи бадани қуруқшаб, қат-қат кирланиб кетганга ўхшар эди. Невара қизнинг латта намлаб артиши ҳаммомнинг ишини бажаарармиди? Робия хола дугонасининг ялтиллаб турган юз-қўлларига ҳавас билан қараб: «Кеча ҳаммомга кирган бўлса керак», деб ўйлади, кейин яна фикрини ўзгартирди: «Жони соғ. Ҳар кун ҳаммомга кирса керак».

Меҳмонлар узок ўтирди. Келин уйда эди, чимирилиб дастурхон ёзи, қанд-курс, кечадан шўрва... Робия хола жуда сергак аёл эди, ҳадеб эшикка қараётган меҳмонларнинг нимадандир безовтами, норозими эканлигини сезди, аммо бу ҳолатнинг сабабини тушунмади.

Меҳмонлар кетишгач, Санжар билан Ноила юргилаб унинг ёнига киришди. Иккаласининг ҳам қўлида муштдек-муштдек сап-сарик нок бор эди. Санжар хонага кира солиб, ўзини момосининг бағрига отди:

— Моможон! — боладан гупиллаб манти хиди келди.

— Нималар еб юрибсан, болам? — беихтиёр сўради у.

— Манти! — мақтаңди бола. — Бояги момолар шундай ширин манти олиб келишган эканки!.. Сизга ҳам олиб келайми?

Унинг ҳам манти егиси келиб кетди.

— Майли...

Санжар югуриб хонадан чиқиб кетди. Бирпастдан кейин кичкинагина ликопчанинг устига иккита манти қўйиб кирди.

— Онам билан Гулзор олам ҳаммасини еб қўйибди, шугина қолибди.

Дастурхон йиғиштиргани кирган Нозима ўғлининг бошига бир туширди:

— Ҳа, биз едик, сен емадинг-а?

Робия хόла бир мантига, бир келинга қаради. Мехмон нега безовталанганини тушунди: «Бемор иссигида есайди» дейишган бўлса керак. Келининг очкўзлигидан хижолат тортди:

— Эгаларига ҳам тўрттагина қўйиш керак эди, — совуққина қилиб танбех берди.

— Ўзи камгини экан. Мехмонларга олиб кирсам, сизга ҳам беришим керак эди. Жуда ёғли, қўй гўштига қилинган экан, ичингизни суриб юборади, деб ўйладим. Бўлмаса нима, жуда манти егимиз келиб ўлиб турганимиз йўқ эди, — Нозима қайнонанинг бир оғиз танбехига юзта иддаони қалаштириб ташлади.

Санжар эса мантили ликопчани момонинг оғизига тутиб туради:

— Момо, олинг... Ҳеч бўлмаса биттагинасини енг.

Мантидан жуда хушбўй ҳид таралиб туарди. Робия хола беихтиёр мантига қўл узатди. Унинг иссири кетмаган, илиққина эди. Ўзи азалдан хамирли овқатни яхши кўрарди. Кўли хамирдан чиқмас эди. Маза қилиб мантиларни еди, манти ҳақиқатан ёғлигина экан, бутун вужуди ёғлангандек бўлди.

Кўп ўтмай ташқаридан шанғиллаган овоз эши-тилди:

— Санжар, тарелкани олиб кел!

«Шу мантини еганим унга ёқмади. Бирпас туриб ўзим ейман, деганими?»

Момосини меҳмон қилганидан мамнун бўлган Санжар ликопчани олаётиб, шивирлади:

— Ҳозир мен сизга нок олиб келаман. Маза қиласиз.

Аммо сал ўтмай куруқ қўл билан сўнпайиб қайтиб келди.

— Момо, нокларни яшириб ташлабди. Жуда кўп нок бор эди, ёлондан тугади, деяпти. Яшириб қўйган. Сиз ўзингиз сўранг. Уларни сизнинг дугоналарингиз сизга олиб келган-ку.

Момо ғалати бўлиб кетди. Неварасининг қовурғалари саналиб турган нозик елкаларига қокди, соchlарини силаб-сийпади:

— Майли, ўғлим, тугаган бўлса, тугагандир. Биласан-ку, мен нокни унча хуш кўрмайман.

Мантидан кейин чой ичгиси келди, қани, о-о биттагина шоколад ҳам бўлсайди. Илгари овқатдан сўнг иссиқ чой билан қимматбаҳо шоколадлар ейишар эди. Кандай хузурбахш эди ўша кунлар! Ҳозир ҳам бордир ширииликлар. Шунча одам келиб-кетаяпти, ҳеч ким куруқ қўл билан келмайди, албатта. Аммо... Ҳа, майли, шу кунлар ҳам пешонасида бор экан, бундан баттарини кўрсатмасин, борига шукур.

— Болажоним, боя меҳмонларга дамланган чойдан бир пиёлагина олиб кел.

Санжар чопиб ташқарига чиқди.

Бирпасда Нозиманинг шанғиллаган овози эши-тилди:

— Ҳой, бола, пиёлани жойига қўй.

— Момомга чой олиб бораяпман.

— Қўй-е, бурнингни артиб ол, аввал, — у шанғиллаган кўйи Санжарнинг қўлидан олиб қўйган пиёлани қайнонасининг бошига қўйиб кетди. — Шуни ўзимга айтсангиз бўлади-ку, чой иссиқ бўлса, куйиб қолади, кокилиб кетса, пиёла синади. Бир парча болага буюриладиган ишми шу?!

Робия хола келинига бир оғиз ҳам жавоб қайтара олмади. Нима десин? Бола уники. Бирининг қайноналигини, бирининг келинлигини инобатта олмаса, айтганларининг ҳаммаси тўғри. Аммо кенжা боласи тенги келиннинг бу хил юзига ёпишиши унга жуда алам қилди. «Қарисанг мендай бўл, қора ердай бўл» деганлари шу-да, аслида. Уям қора ердай бўлиб ётибди, ҳамма, ҳатто юзига тик қарамаслиги лозим бўлган келин ҳам bemalol кўксидан босиб ўтмоқда.

У жуда чанқаган эди, етиб келгунича тўқилиб, ярим бўлиб қолган чойни ичмади, ичкиси келмади. Тўрт қадам нарида ошхона, тўрт қадам юриб бориб, битта гугурт чақсанг, кифоя, бир зумда бикирлаб бир човгум чой қайнайди. Кейин маза қилиб чой ичиш мумкин. Фақат оёқлари соғ бўлса!..

Бола деганлари ҳам бекор экан. Ўғил еб ўрга кетар, киз еб қирга кетар, деганлари рост. Ҳаммасининг ўз иши бор. Бу ерда Робия хола бир қултум сувга зор бўлиб ётибди.

Она деганлари ҳам бекор экан. Ўтирибди ўз уйида ўз ташвишлари билан. «Сеникида нима киламан, қўш қайнона бўлиб? Кўлимдан бир ёрдам келмаса!» Қай дарахтга ўт тушса, ўзи ёнади, ўзи ўчади.

Бир пайт пешоб қистади. Бахтга қарши эри дорихонага кетган, невара қиз ҳам неча кундан бери «уйимизга бир бориб келай» деб юриб, бугун кетган эди. «Келиб қолишар». Тиқ этган овоздан умид қилиб, тишини тишига қўйиб ётаверди. Вакт ўтган сайин қовуғидаги танг ҳолат бутун вужудига ёйилиб борарди. У чуқур-чуқур нафас олди, аммо фойдаси бўлмади. Дам-бадам дарвоза томонга қулоқ тутар, аммо аксига олиб, хаммаёқ сув қўйгандек жимжит эди. Ахволи дақиқа сайин оғирлашиб борарди. Бирдан кўзи ёстирининг ёнида тахланниб турган сочиққа тушди. Уни тахлангац кўйи бутларининг орасига олди: «Озгина бўшатиб олай». Билдики, тўшакка ҳам ўтиб кетди: «Э-э, нима бўлса бўлди!» Шу пайт эшиқдан Санжар кўринди.

— Болажоним, ҳовлига сув сепадиган чељакни олиб кел.

Чељак билан кирган боласининг изидан кирган Нозима шалоп этиб чељакка тушган қўл сочиқни кўриб, қичқириб юборди:

— Вой, хола, нима қилиб қўйдингиз? Сочиққаям сиядими одам? Чељак ҳам ҳаром бўлди!

Бўшаниб, енгил тортган бўлса ҳам хўл бўлиб колган тўшагидан ижирғаниб ётган Робия холанинг қаҳри келиб кетди: «Хей, кимсан ўзи? Бу ерга чељак олиб келганмидинг?!»

— Овозингни пасайт. Сочиқ ҳам, чељак ҳам ўзимники. Кўлингни ҳам урма, бобой келиб ўзи ювади.

Бир ойдан бери кўзлари жовдираб, нима қилса маъқул топиб ётган кампирнинг важоҳатини кўриб, Нозима чўчиб тушди. Қайноаси дунёни пойи-пиёда кезиб юрган соппа-соғ пайтида ҳам унга бундай бақирмаган эди. Энди... Ётган жойида... «Э-э, билганини қилмайдими? Нари борса, ўғлига айтиб ҳайдатиб юборар. Ўзимам безор бўлдим шу фурбатхонадан».

— Сочиғингиз ҳам, челягингиз ҳам ўзингизга буюрсин, хола. Мен сочиғингизни уйимга олиб кетмоқчи эмасман. Бир оғиз айтсангиз, ўзим ёзилтириб олар эдим. Фу-у, ҳамма жой сашиб кетибди, — у эшик-деразани очиб ташлади. Остонада челяк кўтариб, анқайиб турган ўғлига бақирди. — Нимага серрайиб турибсан, бор, ташқарига чикар.

Робия хола пешоб тўкилган тўшагида илондек тўлғанди: «Шунчалар гуноҳим кўпмиди, Аллоҳ! Менин кимларга муҳтож этдинг!»

Елвизакда қолган танасини одеялга ўраб ётиб, момосининг жойнамоз устида қиласидиган илтижоларини эслади: «Ё қодир эгам, бирорга муҳтож қилма. Ўлгунимча ўзимнинг хизматимга ўзим яраб юрай», дер эди доим. «Биргад», «депутат» невара момонинг устидан кулар эди. «Факат ўзингизни ўйлайсиз-а, момо». Момо эса худбин тилагидан заррача хижолат тортмас эди: «Болам, ўзини қўллаган авлиё ҳам зўр авлиё. Ўлгунимча ўзимнинг суюгимни ўзим кўтариб, ўзимнинг хожатимга яраб юрсам бўлди».

Мана бугун ўз кунига ярай олиш ҳам катта бахт эканлигини англаб ётган эди.

Айникса, энди ҳеч қачон мустақил юра олмаслигини эшитган кун дарди дунёси қоп-коронги бўлди. «Майли, ҳеч бўлмаса, тезроқ мана шу

гипсдан қутулиб, күлтиқтаёқда бўлса ҳам ҳовлига чиқадиган бўлса эди!» Аммо бу ҳасратли кунлар чўзилган сайин қайнона-келин ўртасидаги муносабатлар чолғучининг созланаётган торидек тобора таранглашиб борарди. Робия хола уйнинг бир честида харакатсиз ётган кампир бўлса ҳам, ўғли билан келинининг муносабатлари маъқул эмаслигини, хатто, уларнинг гаплашишмаслигини билиб олди. Санжар отаси билан онасининг жойи ҳам алоҳидалигини айтди:

— Дадам меҳмонхонада ётади.

Бир холи вакт топиб, ўғлига гина қилди:

— Нима гап, болам? Тинчгина яшасанглар бўлмайдими? Менинг яримжон бўлиб қолганим камлик киласяптими? Шу ахволимизда келин хайдаб, болаларни чирқиратиш етмай турибдими?

Сардор бир муддат ерга тикилиб қолди. Робия хола қаҳр билан жавоб кутиб, ўғлига қараб тураркан, Сардорнинг бошидаги мош-гуруч сочларни кўриб ҳайрон бўлди: «Бунинг сочи қачон оқариб улгурди? Елкалари ҳам ихчамгина бўлиб қолибди. Устидаги кўйлаги тарафт бўлиб турарди, ҳалвирабгина қолибди».

— Эна, мен бу билан яшай олмайман.

— Нега? — бу савол мутлақо ўринсиз эди. Шундай бўлса ҳам қайсарлик биланми, нималардантир умид қилиб ўғлининг оғзига тикилди. Сардор чуқур хўрсинди:

— Эна, мени қийнаманг, илтимос. Унга менинг, сизнинг, болаларнинг умуман кераги йўқ. Унга «эри бор» деган ном, бир бошпана керак. Уйига қайтиб борай деса, икки бола билан кўш келин бола-бақраси билан буни сифдирмайди. Иложисизликдан шу ерда турибди. Агар жой топса, бир кун ҳам бу жойларда қолмас эди.

— Кўй, болам.

— Бир ой бўлди жойимиз бўлак бўлганига. Нега бундай бўлаяпти, эрим бирон ўйнаш-пўйнаш тониб олгани йўқмикин, деб хавотирга ҳам тушмайди. Унга деса, изим қумдан ошиб, бутунлай йўқ бўлиб кетмайманми? Унга барибир. Хуллас, бироз ўзингизга келиб олинг, ажрашаман.

— Ўзимга келганимда ҳовли супуриб, кир юва олармидим? Болаларингга ким қарайди?

— Хавотирланманг, эна, қарайдиган одам то-пилади. Сизнинг қўлингизни совуқ сувга ҳам урдирмайман.

— Кўй, болам. Беш кунлигим борми-йўқми, шу пайтгача бола-чака дедим, давлатнинг иши дедим, қариган чоғимда бу фалокатни топдим. Ер юзида чиритма мени. Аёл кишининг қўнгли нозик бўлади, юмшокроқ гапир, қўнглини ол, бир нарсалар совфа қил. Лекин зинхор ажрашаман деган гапни айтма. Болаларни ўйла.

— Э-э, эна, шундай деманг. Болаларни деб ўзимни шунчалар хор қилиб қўяйинми? Хотин бўлса, сидирға хотин бўлсин, бўлмаса, йўқ бўлсин. Сиз ҳеч хавотирланманг, ҳаммаси жойида бўлади.

Сардор дадил-дадил гапираётган бўлса ҳам, ич-ичидан синиб, тўкилиб, қуруқ суратга айланаб бораётгани кўриниб турарди. У онасининг устига эгилиб, оҳистагина юзларидан ўпиб қўйди: «Бирон нарса керак бўлса, айтарсиз. Бугун ўзим уйдаман».

Хаво унчалик иссиқ бўлмаса ҳам бутун вужуди оловли исканжада қолгандай қизиб кетди. Баданининг гипс қоплаган жойларида нималардир ўрмалаб юргандай вижирлай бошлади. Ёнбошидаги турган узун симни олиб, гипснинг

орасига тиқиб, жонини аямай қашлади. Лекин, ўрмалаётган нарсалар борган сари сим етмайдиган жойларга ичкарилаб кетаётгандек эди. Унинг юраги сиқилиб кетди: «Э-э, худо, нега она қилиб яратдинг?!»

Шу кундан Робия холанинг ичига бир ўт кирди. Эртаю кеч келиннинг кўзига қарайди. У ўлгур ҳам чимирилиб бир киради-ю, эшик-деразани шарақ-шуруқ қилиб очиб, уйни бир супуриб чиқади-да, шарпадай сидирилиб йўқ бўлади. Етти йилдан бери бирон марта ёнига келиб, «Хола-ёв, анави мановдай экан», деб гурунг қилган одам эмас. Буёни ўзига яраша келди-кетди, бирор келиб, бирор кетиб турибди. Келин билан холи қолиб икки оғиз гаплашиши нари турсин, ўзи билан ўзи қолишга ҳам имконият йўқ. Аммо кунора невараларини сўрокқа тутади:

- Даданг кечаси қайси хонада ухляяпти?
- Мехмонхонада. Кийимларини ҳам меҳмонхонага чиқариб олган.
- Даданг билан онанг гаплашишяптими?
- Йў-ўқ, улар факат уришишади.

Робия холанинг оёқлари юрмай қолгандан буён бор куч-қуввати кўзлари билан қулокларига жойлангандек эди. Ёнига ким кирса, кўзига қарайди, тиқ этган овоз чиқса, бутун вужуди қулокқа айланади. Илгарилари ҳам шундаймиди ёки кампир ётиб қолганидан буён эътибор қиласяптими, негадир телефон кўп жиринглайди. Бобо ёки болалар олса, ҳеч ким гапирмайди. Келини олса, гапиради. Келини ҳам негадир жуда наст овозда, бир нарсадан чўчиётгандек жуда кисқа гаплашади. «Онаси! Ҳар кун бир ахборот сўрамаса, бўлмайди. Эси йўқ тўқол. Кизим борган жойда ботиб, шуники бўлиб қолсин демайди

хеч. Қачон қарасант, йириңг ковлаб, бузғунчилик қилиб туради. Онаси «эрингдан ажраш, энди бир умр қасал кампирга тувак тутиб ўтмайсан», дея-ётган бўлса керак».

Неварасидан келинини чақиртирди.

Келин идиш-товоқ юваётган экан, шекилли, ёғли қўллари билан эшикдан қаради:

— Ҳа? — унинг бетакаллуф назари кампирнинг суюкларини зириллатиб юборди.

— Шоҳистага бир телефон қилсанг. Эртага эрталаб бир келсин.

Келин на «хўп» деди, на «йўқ» деди. «Нима ишингиз бор эди?» деб ҳам сўрамади. Индамай бурилиб, чиқиб кетди. Момонинг кўнгли хижил бўлди. Бир арзимас иш учун шу бехайр келинга сарғайганидан эзилди: «Тезроқ гипсини еча колсайди. Кўлтиқтаёқда бўлса ҳам эшик-орага чиқиб, кўлидан келганча ўз юмушини ўзи қилиб юрсайди».

Орадан анча вақт ўтгач, айвондан келинининг овози эшишилди:

— Яхши ўтирибсизларми? Эртага эрталаб бир келиб кетаркансиз. Билмадим, онангиз айтаянти. Бир келиб кетсин, деди.

«Онангиз!» Ў-ӯ, бу келин ростдан ҳам айнибди.

Кун айни намозшом эди. Кундузги иссиқдан лоҳас бўлган борлик кечки дим хавода зўрға маррага етиб қелган қариядек ҳансираф турарди. Ҳатто кушлар ҳам оғринибгина чуғурлашаётгандек эди. Робия момо тўлиқиб деразага қаради. Осмоннинг юзи қорайиб борарди, худди унинг кўнглидай.

Шоҳиста нонуштагача ховлиқиб етиб келди. Ҳали хона йиғиштирилмаган, хавоси оғир, невара қиз ётган тўшак ўртада ёйилиб ётарди. Шоҳиста

онасининг тўшак билан битта бўлиб ётган елкала-  
рини бағрига босар экан, йиғлаб юборди:

— Бошиңгизда шундай ишлар бор экан, мени  
эрга бериб нима килар эдингиз? Аллакимларнинг  
чўрилигини қилиб, гапини эшишиб юргунча, сиз-  
нинг хизматингизни қилиб юраверардим.

— Кўй, болам, ундан дема. Отамнинг ўлишини  
билсам, бир қоп кепакка алмаштириб юборар-  
дим, деган экан бир бечора. Йиқилишимни туш  
кўрибманми? — кампирнинг кўзларида ҳам ёш  
филтиллади.

— Тинчликми, эна, нимага чақиртирдингиз? —  
Шоҳиста онасининг кўзларини артиб, оғзига ти-  
килди.

— Ўзим, сени соғиндим, — кулимсиради кам-  
пир.

— Йў-ўқ, сиз соғинганингиз учун қиз чақириб  
ўтирадиган хотин эмассиз, сизни билмасам экан.  
Чой-пой ичдингизми? — Шоҳиста сумкасидан  
кичкинагина тугунча чиқарди. — Йўлдан икки  
сих қиймали кабоб олган эдим. Иссиққина, шуни  
еб олинг. Гулзор қайси гўрга йўқолди, жойини  
йиғиб кетмайдими?

У кабобни онасининг қўлига тутқазиб, хонани  
йиғиштиришга тушиб кетди. Эшикни ёпиб, дер-  
зани очиб қўйди. Деразадан хонага муздек тоза  
ҳаво кирди. Кампирнинг юраги кенгайиб кетган-  
дек бўлди. Кабоб юмшоққина, жуда мазали эди,  
биттасини невараларига илинди.

— Бунисини олиб қўй, корним тўйди.

— Корнингиз тўйдими, невараларингизни ўй-  
лаб, томоғингиздан ўтмай қолдими?

— Йўғ-э, невараларим емай ўтирибдими? Ўзинг  
егин бўлмаса?

Шоҳиста кулди:

— Майли, энажон, невараларингиз ея қолишин, — у деразадан бошини чиқариб, болаларни чақирди. — Санжар-ув! Ноила-а!

Севимли аммаларининг келганидан бехабар колган болалар тапир-тупур келиб, аммасига ёпишиб кетиши. Аммаси уларнинг чўнтакларини ялтироқ конфетларга тўлдирди:

— Аввал кабобни икки бўлиб еб олинглар, кейин конфет ейсизлар, — у бирпасда саховатли сеҳгарга айланиб қолган эди.

Бобо уларни бир амаллаб аммасидан ажратиб, боғчага олиб кетди:

— Амма, биз келгунча уйингизга кетиб қолманг.

— Агар, алдасангиз, кўрасиз...

Хонада болаларнинг изидан бир ёруғ кайфият қолди.

— Хоним кўринмайдилар, — анчадан сўнг пи-чинг билан сўради Шоҳиста.

— У ишга эртароқ кетади. Биринчи соат дарси бўлса керак. Шу Гулзор келмагандан қийналиб қолар эдик.

— Э-э, қўйинг, эна, одамнинг кўнглида бўлса, ҳаммасига улгуради. Унинг кўнглида йўқ. Аввал мен бор эдим, менга қараб, қўлини совук сувга ургиси келмай юрарди. Энди Гулзорга қараётгандир-да.

— Билмасам, болам. Аканг билан оралари ҳам соз эмас. Менимча, ажрашаман деб юрибди. Ҳар кун телефонда онаси билан пичир-пичир қиласди. Онасини ҳам биласан-ку. Ажраш деяётган бўлса керак. Худонинг берган куни онасиникига югуради. Уйда касал қайнонам бор, келди-кетди бўлиб турибди, демайди. Кетса, бир кечадан қайтмайди.

— Вой, мегажин-эй. Шундай ҳам ношукур, бехайр инсон бўладими? Уйинг, жойинг, бошингда эринг, хизматкор чолу кампир бўлса, ойдек касбинг бўлса, яна нима керак унга? Шу келингизга ҳеч тушуммадим-тушуммадим, эна.

— Шунга... — овозини пасайтирди кампир.

— Нима «шунга»?

— Анави телефонни олаётганимда сотувчи, «истасангиз, сиз йўқ пайтингизда телефонингизда бўлган гурунгларни ҳам ёзиб олишингиз мумкин», деган эди. Ёзиб оладиган тутмачасини босиб қўй, шуларнинг ғийбатларини ёзиб олиб, онасини бир қизартирай, дегандим. Отанг билан акантни аралаштиргим келмади. Гап болалаб кетмасин, дедим.

Шоҳиста онасини биринчи марта кўриб тургандай қизиқсиниб қараб қолди. Улар болаликдан онасини ҳамма нарсага кодир, кудратли суюнчик деб ўсишган бўлишса-да, кейинги ойлар ичидагачон қелса, жовдираб турган нигоҳларга тўқнашавериб, онасининг бегоимлигини эсидан чиқариб қўяёзган эди.

— Хўп, эна! Аммо ўша қудангиз билан келингизнинг қизаришини билмадим-ов. Бу жуда кийин масала.

Шоҳиста телефон аппаратини узиб келди. Бир дақиқада момо айтилган ҳолатга келтириб қўйилди, ҳатто синаб кўриш учун катта опасига қўнғироқ қилиб, кейин сұхбатларини эшитиб кўришиди.

— Ё кудратингдан! Магнитафоннинг ўзи экан-ку, бу, — ёқасини тутамлади Робия кампир.

— Кичкина магнитафонли телефон бу, — онасини тўғрилади, — ўзиям анча цулга олгандирсиз?

— Биласан-қу, чиройли нарсаларни яхши кўраман. Нархиям пича бор эди, қарасам, жуда чиройли экан, кўзимни чирт юмдим-да, олавердим.

— Эсиз... Шундай уй... Бу уйда шунчаки олинган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма жихоз бир санъат асарӣ. Лекин доим норозимиз... — Шоҳиста кўзларини юмиб, афсус билан бош чайқади.

— Кўявер, болам. Бир кўнглига етмаган жойимиз бордир-да. Гинсларни олдирай, бир чўмилтиринглар. Кейин ёнимга олиб, бир гаплашаман. Ҳафа қилган, ўтказган жойларимиз бўлса, айтсин. Ҳатоларимиз бўлса, униям айтсин. Аммо рўзгорларининг бузилишига йўл қўймайман.

— Энажон, мен ишга боришим керак, — Шоҳиста йиғиштирина бошлади. — Менга бошқа гапингиз йўқми?

— Сен орадан уч кун ўтказиб, янганг ишда бўлган вактида бир кел. Аnavининг магнитафони ни эшитиб кўрамиз.

— Хўп, энажон!..

Робия хола болаларини «Менинг «хўп»чи болаларим», деб суяр эди. У «хўп» деган сўзни яхши кўрарди. Бир умр каттага ҳам, кичикка ҳам «хўп» деб яшади. Болаларига ҳам шуни ўргатди. Ҳозир ҳам элликка кириб, соч-соқоли оқарган ўғилларига бир иш айтса ҳам «хўп, энажон», дейишади. Келини бўлса, айтилган ишнинг фақат тескарисини қилишга ҳаракат қилади.

«Омон-омон» кунларда ҳам «Нозима, бугун бир чучвара қил», деса, «Э-э, чарчаб кетаяиман, чучвара жуда майда иш», деб бошқа овқат қилар эди. «Бир ош егим келаяпти» деса, у «менинг сира ош егим келмайди», деб бурнини жийирарди.

Чолу кампир аллақаерлардан машинани тўлдириб бозор-ўчар қилиб келганини кўрса, қайноаси: «Нозима, манавиларни ташишгин» деса ҳам ниманидир баҳона қилиб, ичкарига кириб кетар эди-да, то бозор-ўчар ташиб бўлинмагунча ташқарига чиқмас эди. Шундай пайтлари Сардор онасига қараб, «Биз сизнинг буюрганларингизни қилмасликка, «хўп» демасликка қасам ичганмиз. Минг яхши гапираверинг, ҳеч ўзгармаймиз», дер эди пичинг қилиб. Кампир эса қўл силтаб кулиб қўярди: «Майли, болам. Чарчаб, ҳолдан тойиб бораётганинг йўқ, ташийвер».

Аммо бугунги режаси шунча йилдан бери эрка келинининг ҳамма камчиликларидан кўз юмиб, амал-тақал қилиб қурган салтанатни вайрон қилиб ташлашини билганида сиражам бу ишга қўл урмаган бўлар эди.

Шу куни Оллоқул бобо ҳам кампирини нёвара қизга ташлаб бозорга кетган эди. Шоҳиста одатдагидек онасига икки сихгина қиймали кабоб олиб келган экан. «Шошманг, ўша фийбатларни эшитасиз-да!..» дея аввал кабобни едирди, сўнг чой дамлаб келиб, онасига бир пиёла чой ичиргач, телефонни узиб олиб келди.

— Мана, энди мирикиб ўзингиз ҳақингиздаги фийбатларни эшитинг, — ёзувли тасмани бор овози билан қўйди.

— Асалим, қандайсиз? — Эркак кишининг овозини эшитиб, она-бала ҳанг-манг бўлиб қолишиди.

— Яхши, она. Ўзингиз яхши юрибсизми? — иккинчи томондан Нозиманинг хавотирли овози эштилди.

— Ҳах, одобли қизимдан-да, — эркак киши масхара қилгандай ҳиринглаб кулди. — Кунингиз қаттиқ сизнинг. Узук ёқдими?

- Ҳа, жудаям, раҳмат сизга.
- Куруқ раҳматта қорин тўймайди. Ҳақини қачон берасиз?
- Номарддан қарз олма, қарз олсанг ҳам харж қилма, дейишган.
- Тўғри айтишган, — эркак қулди. — Сизни деган чоғ мен номардман. Сабр-тоқатим тугаб бораяпти. Тезроқ бир чорасини топиб, онамникига деб чиқасизми, дугонамникига деб чиқасизми, икки соатта келиб кетинг.
- Кўраман, она.
- «Кўраман»ни чўнталингизга солиб қўйинг. Менга «хўп бўлади, бегим» денг.
- Хўп бўлади, сал туриб ўзим қўнфироқ қиламан. Ўйдагиларга салом айтинг.
- Ҳах, жонидан. Сиз ўқитувчи эмас, актиса бўлишингиз керак эди.
- Шоҳиста титраб турган бармоқлари билан телефоннинг тугмачасини босиб қўйди:
- Ахир, бу Ҳамдам-ку! — унинг ранги девордек оқариб кетган эди.
- Ҳамдаминг ким? — қулоқлари шангиллаб қолган Робия хола бир ютиниб, танглайига ёпишиб қолган тилини зўрга ажратиб, сўради. — Ким у, Ҳамдам?
- Эримга куёвжўра бўлган бола!
- Шоҳиста ўрнидан сакраб турди, у бир зумда ярадор шерга айланган эди:
- Эна, мен уларни ёриб ташлайман. Ифлос, қанжиқ, қандай журъат қилди бизнинг юзимизга оёқ қўйишга?! Мен уни ўлдираман, ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман. Ҳамдамни ҳам ўлдираман. Кейин эрим билан ажрашаман. Унинг ҳамма гапдан хабари бўлган. Ҳар доим: «Янганг жуда чиройли-да, бизнинг оциналарни юрагидан

уриб қолган», деб пичинг қилас эди. Билиб туриб, индамаган, айтмаган! Күшмачилик қилган! Униям ўлдираман! – унинг кўзларидан тиркираб ёш оқарди. – Эна, ўғлингизнинг кўзи кўрми, наҳотки хотини бизни шунча шарманда қилиб юрганини билмаса? Сиз қўлидаги узукни кўриб, сўрамадингизми, қаердан олдинг, деб. Шундай ҳам лапашанг бўласизларми?

Кизининг ахволини кўриб, келинининг хиёнатини ҳам бир нафас унутган она жон-жаҳди билан Шоҳистани тинчтишга уринар эди:

– Э-э, узуги бошидан қолсин. Менинг олдимга узук тақиб киравмиди у. У куни Гулзор: «Янгамга онаси янги узук олиб берибди», деган эди.

– Онаси! Вой содда энам-а! Шунда ҳам ҳайрон бўлмадингизми? Унинг онаси битини сотиб, қизига узук олиб берадими?

Робия момо ётган жойида узалиб, қизининг этагидан ушлади. Унинг кўзлари тўла филт-филт ёш эди. Ютинди, лекин гапира олмади. Қўллари билан «ўтири» деб ишора қилди: «Ўтири, ўтири-а, жувормаг, манглайи қора! Эрга тегмай ўлгин, сен бадбаҳт. Эшигимга кимларни эргаштириб келдинг?»

Шоҳиста онасининг рангига қараб, бирдан жим бўлиб қолди, сўнг югуриб ташқаридан бир пиёла муздай сув олиб келди:

– Эна, бир ҳўплам ичинг.

Хола бош чайқади: «Керак эмас!»

Шоҳиста пиёлага бармоқларини тиқиб, онасининг юзларига сув сепди.

Робия момо анчадан сўнг ўзига келди. Шундаям бехол, bemажол эди, кўп гапирмади: «Сен, болам, жим ўтири. Акангта ҳам айтиб ўтирма. Ўзи қизиқкон, хотинини бир нарса қилиб, қамалиб

кетмасин. Нозима («янгант» дейишига тили бормади) билан ўзим гаплашаман», — у ҳансирааб зўрга нафас олар эди.

Шоҳиста яна йиғлаб юборди:

— Нимасини гаплашасиз, эна? Ҳали уни олиб қолмоқчимисиз? Акам билан яшатмоқчимисиз?

— Болалар бор, болам, — чукур хўрсинди кампир.

— Эна-а-а!.. Эна!

— Жим, болам. Бош ёриги дўппи остида. Уларнинг ўртасида нима бўлганини бирор кўриб тургани йўқ.

— Эна, балки биз ҳаммадан кейин эшитгандирмиз бу гапларни. Балки одамлар аллақачон устимиздан қулиб юргандир. Эрта бир кун юзимизга ҳам солишади. Ўшанда неча пуллик одам бўламиз, қандай бош кўтариб юрамиз?

— Тухмат, деймиз. Душманларимиз тўкиб чиқаришган, деймиз. Мен болаларни етим қила олмайман, қизим.

Кампир зўрга гапираётган бўлса ҳам, сўзларида шундай бир қатъий оҳанг бор эди, унга қарши чиқишига Шоҳистанинг журъати етмади. Ҳакикатан ҳам Нозимани бир нарса қилиб қўйиб, акаси қамалиб кетса, онаси уни ҳеч қачон кечирмайди. У қўзларини бир нуқтага тикканча, тиззаларини қучоклаб ўтириб-ўтириб, сўнг бир сўз демай ўрнидан турди-да, ҳовлига чикиб кетди.

Онаси ҳамиша Амир Темур навкарларининг рўзгорини сақлаб қолиш учун ўйлаб топган тадбирни қойил қолиб гапириб юрар эди. Эмишки, саркарда узоқ давом этган жанглардан қайтаётиб, ҳамиша бир оқшом навкарларини шаҳар ташқарисида сақлар, уларга келганиликларини маълум қилиш учун гулхан ёқишини бую-

рар экан. Бундан мақсад, эри жангда юрганида ўзини тута олмай хиёнат кўчасига кириб кетган аёллар бўлса, эрининг қайтганидан хабар топиб, орқа-олдини йиғишириб олсин, ёнида жазмани бўлса, жавобини бериб юборсин, дер экан. Бирон навкар ярим тунда уйига қайтиб бориб, тўшагида бошқа эркакка дуч келиб, шунча қирғинбаротлардан эсон-омон қайтиб, ўз уйидагу руҳан шаҳид бўлмасин, деб шу ишни қиласиз экан.

Онаси гаң келиб, шу тадбирни айтса, акасининг жаҳли чиқиб кетар эди:

— Эна, бу билан нима демоқчисиз? Аёллар эрларига хиёнат килаверсин, факат эрлари билиб қолмаса бўлди, демоқчимисиз?

— Йўқ, болам. Амир Темур қандай доно, тадбиркор бўлганини айтмоқчиман. Хотинини хиёнат устида ушлаган навкар ҳеч качон олдингидай жасорат билан жанг қила олмайди, жисми бутун бўлса ҳам, руҳи бир умр майиб бўлиб қолади. Демак, саркарда битта навкаридан ажralади. Бундан ташқари, одам кечиримли бўлиши керак.

— Нималар деяпсиз, эна? Бировнинг қўйнида ётган хиёнаткорни кечириш керакми? — тутокиб кетади Сардор ўзини навкарнинг ўрнига қўйиб.

— Кўй, болам, айтдим қўйдим-да. Ўша даврда ҳар бир навкар ҳисобли бўлган.

Шохиста аввалги сафар келганида Нозиманинг қўлида яраклаб турган билагузукни кўриб, ҳайрон бўлган эди. Ҳазиллашиб, «Ҳа, янга пошшо, биздан беркитиб юрганларингизни энди тақаяпсизми?» деди. Нозима ҳам: «Беркитиб юрганларимизни ҳам йигиб-териб олиб кетдингиз-ку, яна ганирасиз. Бир-икки кун тақай, деб, кўнглим

кетиб, дугонамникини олган әдим, шуниям кўриб қолдингизми?» — деб чақиб олди.

Энди шўрлик онаси нима қиласар экан? Икки бола бор. Ўлса ҳам ажратмайди. Аммо хиёнаткор келинни қандай килиб ўғлининг қўйнида, уйининг тўрида саклайди?

Шоҳиста ҳовли ўртасидаги супанинг темир панжарасига суюниб, узок туриб қолди. Ҳамиша соғиниб, шошиб келадиган қадрдан уйи қўзига жуда ивирсик ва бефайз кўринди. Келиннинг кайфияти ҳовлидан ҳам кўриниб турарди. У ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсадан воз кечганга ўхшар эди. Йўлакларнинг четларида кўрпа бўлиб ётган ажриқлар, ҳовлининг у ер-бу ерида тўнқайиб ётган бўш челаклар, ҳар доим ялтиллаб турувчи офтобаларнинг бўғиқ ранги... Кўча томондан отасининг томоқ қирганини эшишиб, хушёр тортди. Дарвоза очилиб, икки халта бозорлик билан отаси кириб келди. Уйларига меҳмон келиши керак эди. Бирпасга деб чиққан эди, қайнонасидан балога қолади энди. Отаси билан шошиб сўрашди-да, ичкарига кирди. Куёш кўтарилиб, хона исиб кетган, онаси кўзларини шипнинг аллақайси бурчига тикканча, жим ётарди.

— Эна!

Кампир индамади.

— Эна, ўзингизга ташладим. Менга қолса, сира кечирмаган бўлар әдим. Дунёнинг ярми қовушиб, ярми ажрашиб ётибди. Бир сизнинг ўғлингиз ажрашган билан ҳаёт тўхтаб қолмайди. Болалар ҳам йўлини толиб кетади. Ҳаммамиз қарашамиз. Яна ҳам ўзингизга ҳавола, сизга ақл ўргата олмайман, ўзингиз ҳал қилинг.

Кампир яна индамади.

— Мен энди кетаман. Уйга мөхмөн келиши керак эди. Сиз сиқилманг.

— Хўп, болам, яхши бор.

— Отам ҳам келди.

— Билдим, — кампир хона ўртасида қўққайиб турган телефон аппаратига ишора қилди. — Манавини кўзимдан йўқот.

Шу куни Робия момога ҳеч ким, ҳеч нарса керак эмас эди. Кимсасиз бир дашту биёбон бўлса, дунёни бошига кўтариб, ўкириб-ўкириб йиғласа, йиғлайверса!.. Ҳеч ким «нега йиғлайсан?» деб сўрамаса. Ахир нима дейди? Бу саволнинг жавоби оғир, жуда оғир. Ич-ичидан тошиб келаётган фарёд бўғзидан чиқиб кетмаслиги учун лабларини қаттиқ тишлаб, қўлларини мушт қилиб олди, аммо кўзларини идора кила олмади. Кўз ёшлари юзининг икки чеккасидан қуишлиб кетаверди, кетаверди, қулоклари ҳам ёшга тўлиб кетди. Аммо, йиғласанг дардинг енгиллашади, деганлари бекор гап экан. Момонинг юраги жуда бехаловат бўлди. Ётиб қолгандан буён тезрок куннинг кеч бўлишини, уйда оила аъзоларининг жам бўлишини яхши кўрар эди. Бугун эса кун кеч бўлиб, ҳамманинг йиғилишидан юраги чўчиб турарди. «Энди қандай қилиб келинининг юзига қарайди. Гаплашиб олмокчи, аммо қандай қилиб гаплашади? Нима дейди у нобакорга? Эсиз!.. Ҳа-а, манглайи қора, бадбаҳт тўқол! Бошида шундай эри бўла туриб, эр танлаб, шу ишни қиласа-я. Икки боланг бўлса, муаллим деган отинг бўлса, мусулмон фарзанди бўлсанг! Э-э, бешарм, бехаё!»

Нозиманинг келганини бетон ерга урилган пошна овозларидан билди. Так-тук овозлари айвон остонасига келиб тинди, фийқ этиб эшик

очилди-да, кирган одам енгилгина юриб, уйнинг нариги томонига кетди. «Нозима». У анча пайт хонасида қолиб кетди. «Дам оляяпти, шекилли». Анча вактдан сўнг аввал айвонда, сўнг ҳовлидан шовур эшилди: «Турдилар. Бир кириб, тил учида бўлса ҳам, яхши ётибсизми, деб қўйса, ҳаққи кетиб қоладигандай. Бетарбия, на кетаётиб хайр дейди, на келиб салом беради».

Кампир ётган жойида келинининг чимирилган қиёфасини кўз олдига келтирди. Ишдан ҳорибтолиб келган ҳолида шуларнинг ҳовли-жойини йифиштиришим керак, кирини ювиб, овқатини қилишим керак, сигирини соғишим керак, деган иддао билан юргандир, албатта. Авваллари кампир соғ пайтида кекса бўлса ҳам кўлидан келганча ҳаммаёкни саранжомлаб, енгилроқ овқатларни килиб ўтиради. Энди кампирнинг ўзи ҳам иш бўлди.

Шу билан Нозима кампирнинг хонасига кечқурун кирди. Худди кимdir бўйнига иш солиб мажбурлаб олиб киргандай, дилтанг қиёфада салом бериб, хонадаги идиш-товоркларни йифиштириб кетди, кейин невара қиздан лаби учган косада яrim косагина овқат киргизиб юборди. Унинг лаби учган идишни жуда ёмон кўришини яхши билади. Билиб туриб... Бир чақиб олиш учун... Нима қилсин, индамайгина ётган кампир билан шанғиллашиб уриша олмаса... Бу кампир ҳам ўлмаса, йитмаса, оёғи йўқ, бирон жойга бош олиб кетмаса... Дардисар, ейди, ётади!

Робия кампир юрак ҳовучлаб эрта кунни кеч қилди. Олдига ҳали униси, ҳали буниси кириб, чиқаяпти. Нозиманинг ўзи келмаса ҳам чақиртиришга имкон бор эди. Журъат қила олмади. Аввал айтмокчи бўлган гапларини кўнглига

тахлаб чиқди. Сўнг ўзини бирин-кетин баҳоналар билан алдади: овқатини қилиб бўлсин, сигирини соғиб бўлсин, ҳовлини йиғиштириб бўлсин... Неваралари, ўғли келгандан сўнг бугун учун имкониятлари батамом тутаганлигидан негадир енгил нафас олди: «Бундай гапларни холи гаплашиш керак».

У овқатга қўл ҳам урмади. Идишларни невара киз олиб чиқиб кетди. Ўзича: «Нега овқат емадингиз?» « деган саволни кутди. Йўқ, ҳеч ким ҳеч нарса демади. Эри билан ўғли унинг косасини кўрмаган, келинга эса барибир. Косадаги овқатни шартта ювинди чеълакка ағдарган-қўйган.

Робия момонинг ёнида чоли ўтирган эди. Айвонда яна телефон жириングлади. Кампирнинг юраги кинидан чиқиб кетай деди. Бутун вужуди кулокқа айланиб, айвон томонга қаради. Бобонинг гапини ҳам тўхтатиб қўйди: «Бирпас жим туриңг. Ким телефон киласяпти?» Бобонинг аччиғи келди: «Ким бўларди, қудағайнингдир-да. Нозима шу атрофда юрибди, ўзи олади». Ҳақиқатан ҳам телефон кўнғироғи ўчиб, айвондан Нозиманинг истиғноли овози эшитила бошлади: «Ха, онажон. Яхши, онажон. Хўп, она. Ҳеч қўймадингиз-да, она, хўп дедим-ку. Эртага дарсим йўқ, олдингизга ўтаман. Хўп, онажон, соғ бўлинг».

Кампирнинг эшиги ёпиқ бўлса ҳам деворлар шунча юпқамиди, ё кампирнинг кўзлари шунчалар ўткирмиди, Нозиманинг сўзларидағи эмас, кўзларидағи нозу фироқни ҳам аниқ кўриб турарди: «Диёнатсиз. «Онажон» эмиш».

Гурунги бўлинганидан хафа бўлган чол қудасини ёзғирди:

— «Бу қудағайнинг ҳеч қўймайди. Қачон қарасанг, чақириб турган куни. Сен бирорнинг уйи деб, битта телефон қилишга ҳам тортинардинг,

у бўлса, эртаю кеч «жилинг-жилинг». Кўл телефонлари ҳам арzon бўлиб қопти, баъзи уйларда ҳар бир одамда бир телефон эмиш. Келининг ҳам шу телефондан битта олса, кейин кечаю кундуз онаси билан гаплашиб, уйдаги ҳамма ахборотларни етказиб туради.

— Уялинг-э, эркак бошингиз билан келинни фийбат қилгани, — кампир ўзича эрини уришган бўлди, аммо қўл телефонлари ҳақида янгиликни эшишиб, юраги шув этиб кетди: «Курибина кетсин, илойим. Айвондаги гурунглар-ку, назоратида эди. Аммо қўл телефони олса... Олади. Тилло узук олиб берган бойвачча телефон ҳам олиб беради-да. Шарманда! Ўша йигит ҳам аҳмоқ экан. Бу тасқаранинг нимасига учган? Икки болали бироннинг хотинига осилгунча, ўзингга муносиб бирон бўй қиз топ. Қиз зотига кирғин келмагандир, ахир. Кўча тўла қиз. Йўқ, йигитлар қизлардан қўрқади. Қиз боланинг жавобгарлиги бор. Эрли хотин бўлса, беш-олти кун эрмак килиб-қилиб, жонига теккач, э-э, бор-э, деб ташлаб кетаверади. Виждонсиз!»

— Фийбат эмас, бор гап. Келининг ҳам шу онанинг боласи. Телефон жириналаса, оғзидағи оғзида, қўлидаги қўлида қолиб кетади. Учиб бориб, телефоннинг ёнида пайдо бўлади. Хей, анави ерда эрим турибди, манови ерда қайнотам турибди, демайди.

— Қўйинг, — кампир оғир юқ остида қолгандай чуқур хўрсиниб, устидаги кўрпани олиб ташлади, нешонасига тепчиган терларни артди. — Эртага қўл телефони олса, гаплашганини ҳам кўрмайсиз.

— Э, кампир, билганини қилсин, — бобо бе-хафсала қўл силтади. — Сен билан биз ўтиб кетадиган одам. Шу, эртаю кеч қовок-бошини уюб

юрадиган ичи қора одамларни ёмон кўраман. Нима дардинг бўлса айт, қўлимиздан келганча ёрдам берайлик. Йўқ, қачон қарасанг, қуюндай тўнтарилиб юргани юрган. Қараб турсам, эрига ҳам ҳеч ўнг гапини айтмайдиганга ўхшайди. Сардорга ҳам қийин бўлди.

Кампир чолига ҳайрон бўлиб қараб қолди. Ҳеч замонда бировнинг нағибати, на сифатини қилмайдиган одамнинг гаплари уни даҳшатга солди: «Ха, Сардорга ростдан ҳам қийин бўлди».

Оллоқул бобо ўрнидан туриб, деразанинг пардасини суриб қўйди. «Озроқ тоза ҳаво кирсин». Бир пиёла чой қуиб, кампиригининг ёнига қўйди. «Манави шоколаддан биттагина еб ол, устидан чой ичсан», битта конфетни арчиб, оғзиға олиб борди. Кампирнинг юпқагина лаблари титраб кетди, кўзлари ёшга тўлди.

Чол индамай кампиригининг мижжаларини арти, кейин ёнбошида турган қўлини кафтлари орасига олди:

— Сиқилма, онаси. Сенга бу гапларни айтмаслигим керак эди. Ётган жойингда ҳам ҳаммасини кўриб-билиб ётибсан, биламан. Бир гап келганда айтиб юбордим-да, мен ҳам. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, ёш-да, булар. Фойда-зиёнини билмайди.

Кампир индамади.

— Икки кундан сўнг гипсларингни ечамиз, — чол кампиригининг кўнглини кўтариш учун яхшиликларни ёдга олди. — Қизларингни чақираман, яхшилаб чўмилтиришади. Сўнг ўтириб, овқатингни ейдиган бўласан, кейин аста-секин юриб кетасан. Аввал қўлтиқтаёқда, сўнг ўзинг... Шунча эркалик қилиб ётганинг етар, кейин қозон-товоқни ўзинг қиласан. Сенинг овқатларингни соғиниб кетдим. Хўлми?

Кампир кўзларини юмиб-очди: «Хўп».

— Энди йиғламайсан-а? Мен бир ташқарилаб келай.

— Бораверинг, — унинг овози ниҳоятда хаста эди.

Чол остоңадан ортига қайтди:

— Хей, сенинг жуда мазанг йўққа ўхшайди-ку. Дўхтир чақирайми? Қон босиминг ошиб кетган бўлмасин яна. Ё юрагинг безовта қиласяптими?

— Билмасам... Нима бўлганда ҳам ўлмайинда. Мен ўлсам, Сардор билан икки неварамнинг ҳоли нима кечади.

— Менга қара, — Оллоқул бобо кампирининг кўзларига яна синчиклаб қаради, — Мазанг йўқ бўлса айт, дўхтир чақираман.

— Майли, чақиринг, — кун бўйи давом этган асабий ҳолат кампирни бутунлай ҳолдан тойдирган эди. Худди оёқларидан жони чиқиб кетаётгандек бўлди.

Бирпасда «Тез ёрдам»нинг дўхтиrlари етиб келди. Бошига оқ қалпоғини бостириб кийиб олган ўрта ёшлардаги дўхтир: «Э-э, момо, бу нима ётиш? Кўйинг-э, бу эркалик сиздек донгдор биргадга ярашмайди», дея ҳазил-хузул қилиб, қон босимини ўлчади, юрагини эшишиб кўрди. Сўнг ёрдамчисига қандайдир дориларнинг отини айтиб, укол килишни буюрди. Момоларининг бошида юрак ҳовучлаб, дийдираб турган невараларни ташқарига чиқариб юборди. «Нима бўпти, дўхтир ука?» деб қайта-қайта ўсмоқчилаётган бобонинг кифтига қоқиб, тинчитган бўлди дўхтир. Уколлар қилиб бўлингач, яна момонинг ёнбошига ўтири:

— Озгина қон босимингиз кўтарилибди. Пича толикқан кўринасиз. Бир умр елиб-югуриб юрган

одам ётиб қолса, ёмон. Аммо сиз жуда кучли аёлсиз. Беш-олти кун ётганингизга сиқилманг.

— Икки кундан кейин гипсни ҳам олиб ташлашади, — изоҳ берди бобо.

— Мана кўрдингизми, икки кун сабр қиласангиз, ҳаммаси ўтиб кетади. Ўзи, ака, биз дўхтирмиз, бизга бундай гапларни айтиш яхши эмас, — у Оллоқул акага юзланди. — Лекин беморлик ҳам яхши бир давр. Соғ-омон елиб-югуриб юрганда на худони, на бандани ўйламаймиз. Беш-олти кун ётиб қолсак, Аллоҳ деймиз, тавба қиласиз, ҳаётнинг, соғлиқнинг қадрига етамиз, ҳеч кимни ётгулик қиласин-у, аммо беморликнинг шундай томонлари ҳам бор. Энди, буни момо яхши биладилар-у, шундай бўлса-да, бир айтдим-да. Аллоҳ суйган бандасига дард берар экан.

— Шундай, — маъқуллади Оллоқул бобо.

— Шундай бўлса, рухни туширмасдан, олға! Ҳали сизларнинг бу ҳаётда қиласидиган ишларингиз кўп. Болаларни жойлаштиридик, бўлди, деманглар. Неваралар бор. Боланики ўсгунча, невараники ўлгунча, дейишади. Так что!.. Вперёд!

Чол-кампир қулишди:

— Маъқул.

Дўхтир кетгач, яна ҳамма ёпирилиб, момонинг хонасига кирди:

— Энди яхшимисиз, эна?

— Момо, чой дамлаб келайми?

— Момо, сизга нечта укол қилди?

Фақат Нозима на ёнига кирди, на аҳвол сўради.

Уколдан кейин бироз танаси юмшади, бошидаги оғриқ тарқагандай бўлди. Бобо ҳаммани ташқарига ҳайдади: «Озгина дам олсин». Робия хола девордаги тунчироқнинг заифгина нуридан фира-шира ёришиб турган хонада кўзларини шил-

га қадаб ётиб, яна келинини ўйлади: «Бир кириб ахвол сўрамади-я. Мен унга бир оғиз ёмон гапирган бўлмасам... Шундай ифлос йўлларда санғиб юрган одам айбини яшириш учун атрофдагиларга хушомад қилиб туриши керак эмасми? Ёки мен ҳаётни билмайманми? Балки келинимни билмасман. Балки унга барибир бўлиб қолгандир. Эрини ажрашаман, дейиш даражасига олиб борган хотиннинг ўзи аввалроқ ажралишга қарор қилиб кўйгандир. Нимадир бу қарорнинг амалга ошишига ҳалал бериб турибди. Нима экан ўша нарса?»

Дўхтир анча кучли дори берган экан шекили, кўп ўтмай уйқу элитди.

Эрталаб тиникиб уйғонди, яхши дам олган эди. Очик қолган деразадан кираётган муздек ҳаво баданини жунжиктирди. Турли-туман қушларнинг чуғур-чуғури болга тўлиб тургувчи боғларни ёдига солди. Ерни, осмонни, боғларини кўрмаганига қанча бўлди. У ётганидан бери дарахтлари яна ўсиб, чиройли бўлиб кетгандир-а. Ҳаммаси ўсган, ўзгарган, факат у ер билан яксон, чилпарчин бўлиб ётибди. У «чилпарчин» деган сўзни ҳаётида минг марта ишлатгандир, аммо бу сўзниң маъноси ҳақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган экан. Чиндан қирқ парчин дегани-да, асли. Яқиндагина Робия Соатова бўлиб элнинг устида юрган аёл бугун қирқ эмас, минг бўлакка бўлиниб, минг парча бўлиб, ерга сингиб, ер бўлиб кетди. «Оҳ, шўр бўлган шўр жоним-а! Шунчалар ёзуғинг кўпмиди сенинг?»

Ховлидан молларнинг мўърагани эшитилди, изидан Оллоқул бобо томоқ қирди. «Ҳар ким эгасига арз-ҳол қиласди-да. Оҳ, мен кимга арз-ҳол қиласай, Аллоҳ? Юракларим ёниб кетди, кимга

дардимни айтай? Ох, эгасини шармисор этгувчи дардим-а!»

У ёнида терлаб-пишиб қалин кўрпага бурканниб ётган невара қизини уйготди:

— Тур, болам. Мактабга боришинг керак. Ҳовлиларга бир сув сепиб, супуриб, чиройли қилиб қўй. Бирор-ярим келиб қоладими? Бирдан жойингни ҳам йифиб кет. Бобонг кирганда ёйилиб ётса, яхши бўлмайди.

— Хўп, моможон, — қиз уйқусираф туриб ҳам хонани бирпасда саранжом-саришта қилиб чиқиб кетди. Бироздан сўнг юз-қўлини ювиб, супурги кўтариб кирди:

— Момо, бир супуриб чиқайми?

— Майли, болам, — кампирнинг зимистон кўнглига бир қатим нур сизиб киргандай бўлди. — Ўзимнинг дастёр қизимдан айланай. Кейин ҳовлини ҳам супур. Ошхонага қара. Янганг тургандан сўнг, айт, менга бир қарасин.

Орадан анча вақт ўтгач, эшикнинг пушти ранг пардаси сурилиб, келиннинг боши кўринди: у аллақачон кўчалик кийимларини кийиб, пардоузандоз қилиб олган эди.

— Ассаломалайкум, — бу салом бир-бирига ёпишиб қолган лаблари орасидан зўрға чиқди. — Ҳа?

Кампир бир зум саросимага тушиб, каловланниб колди:

— Сенда гапим бор эди, — овозидаги ялинчок оҳангдан ўзи нафратланиб кетди.

— Нима гап? — келин парданинг ичкари томонига ўтди. Овозида заррача такаллуф ёки қизикиш йўқ эди. Шунчаки сўради: «Нима гап?»

— Ишларингни бир ёкли қилиб, болаларни борчага жўнат. Кейин гаплашамиз.

— Менинг борадиган жойим бор.

— Қандай жой у? — аччири чикқанидан овози-  
га бироз жон кирди.

— Онамниги бормоқчи эдим.

— Онангники бугунча туриб туради. Ундан  
мухимроқ иш бор.

— Нима иш экан у? — Нозиманинг жаҳли  
чиқди. «Ётган жойида менга хўжайнлик қили-  
шини!...»

— Кейин биласан, — кампир «энди бор, бора-  
вер» дегандек, юзини терс буриб олди.

Нозима бирпас остоңада серрайиб турди-да,  
сўнг индамай чиқиб кетди.

Ҳамма кампир билан бирин-кетин хўшлишиб,  
ўз юмушига кетди. Нозима ҳаммадан кейин кир-  
ди, у кўчалик кийимларини ечиб, эгнига янги  
гулдор халат кийиб олган эди. У хонага кириб,  
кўлларини орқасига қилганча, дераза токчасига  
суяниб туриб олди:

— Тинчликми?

— Ўтири, — кампир унинг оёқлари остидаги  
кўрпачага ишора қилди.

— Менга шундай қулай, туравераман.

— Нозима!

— Ҳа?

— Мен ҳаммасидан хабардорман. Билсанг,  
сен гаплашадиган телефонни мен сотиб олганман.  
Сотган одам ҳамма амалларини айтиб сотган эди.  
Мен сенинг пичир-пичирингдан гумонсираб, ёзиб  
оладиган ускунасини ишлатиб қўйган эдим.

Нозиманинг ранги ўчиб кетди. Кошларини чи-  
мириб ерга қаради.

— Сендан нимани кутсам ҳам, бундай аҳмоқ-  
чиликни кутмаган эдим. Нима хаёл билан бу кўчага  
кирдинг, билмайман. Лекин икки бола бўлмаса,  
ўғлим хотинсиз ўтиб кетса ҳам, ҳаммасидан воз

кечиб юборар эдим. Аммо мен невараларимни кўчага ташлаб қўя олмайман. Сен ё бу ўйинларни тўхтатасан, ё уйдан чиқиб кетасан.

Нозима ерга қараганча, анча вақт жим қолди. Лекин бошини кўтарганда кўзларида заррача саросима йўқ, мутлақо хотиржам эди.

— Бу ерда сиз ўйлаган нарса йўқ. Биз у йигит билан шунчаки дўстмиз. Ўзи ёш бола, ҳатто уйланмаган ҳам. Ҳазилкаш. Сиқилиб юрган вақтларим у билан гаплашсам, кўнглим ёзилади.

— Тилло тақинчоқларни ҳам ҳазиллашиб олиб берганмиди?

Ёлғонлари бефойда эканлигини англаб етган Нозима юзидаги энг сўнгги пардани ҳам йиртиб ташлади:

— Э-э, менга қаранг, мақсадингиз нима?! Мени хайдашми? Биламан, шу уйга келганимдан буён сизга ёқмайман, мени йўқотиш учун баҳона излаб юрасиз. Уч ойдан бери ётқизиб, овқат берганимнинг мукофотига шу тухматни ўйлаб топдингизми? Кетишимни жудаям истаётган бўлсангиз, ҳар хил нарсаларни тўкиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўзим зўрга юрган эдим. Шундай ҳам кетавераман.

Кечадан буён ичи заҳар-зақумга тўлиб, азоб билан илондек тўлғаниб ётган бўлса-да, мақсад муроса эди. Бу беҳаё эса!.. Ҳам гарлик, ҳам шарлик экан-да... Кампир ичи ёниб турган бўлса-да, яна муросага чақирди:

— Болалар-чи? Болаларга нима дейсан?

— Буни сиз ўйланг. Онангиз бузук аёл эди, шунинг учун ҳайдаб юборганман, десангиз, ҳарқалай, сиздан миннатдор бўлишмаса керак. Қолаверса, болаларни деб шу фурбатхонада бир умр

яшаш ҳеч ақлга түғри келмайди, -- у шундай деди-ю, зиниллаб хонадан чиқиб кетди.

Робия момо ётган жойида ҳанг-манг бўлиб қолаверди. Югуриб бориб тўхтатай деса, оёғи юрмайди, изига қайтар деса, унинг инсофи йўқ.

\* \* \*

Нозима қайнонасининг олдида ўзини ҳар қанча бамайлихотир тутган бўлса-да, хонадан чиққунча адойи тамом бўлган эди. Бу «ўлгур қари қаламуш» нималардандир ис олиб юрганини сезар, ўзига ҳам ёқмаётган турмуши ниҳоясига стиб бораётганини ҳис этар, аммо бу сезгилари уни унчалик чўчитмас, ҳаётидаги бир хиллик, садоқатли келин ролини ўйнаш жонига теккан эди. У азалдан йўлларининг, йўлдошларининг янгиланиб туришини, сафарларга чиқишни, янги-янги саргузаштларни яхши кўрарди. Тенг-тўшлари чет элларга чиқиб, жарак-жарақ пул топиб кела бошлаганида онаси уни аллақачон узатиб юборган эди. Ҳар кимнинг юришидан бир нуқсон топадиган қайнона, кўр кўзлар очилганда ҳам қовоги очилмайдиган эр, болалар унинг юрар йўлларини батамом беркитиб қўйди. Баъзан қизлар билан ўтирганда: «Оҳ, бошимда дардисар эрим бўлмаганда борми, бу ерларда овора бўлиб юрмас эдим. Дунё кезар эдим, ҳам саёҳат, ҳам тижорат. Ҳам дунё кўрар эдим, ҳам пул ишлар эдим», дер эди доим. Бир қўшниларининг қизи саккиз йилдан бери Грецияда юрибди. Ўзи Грецияда, буёқда унинг учун қаср қурилди, энг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланди. Бир иосқовоқдай қиз бутун ака-укаларнинг ҳомийсига айланди, қайсинасига уй олиб берган, қайсинасига маши-

на олиб берган. Ҳар келганды Грецияга қыз олиб кетади, ўзи одамларни ишга жойлаштиришдан бошқа юмуши йўқ экан. Грецияда ҳам уй-жойи, меҳмонхонаси бор экан. Ана, ҳаёт! Нима, Нозима шунча ақли, шунча ҳусни билан ўша носқовок эплаган ишни эплай олмайдими? Жуда эплайди. Фақат аввал манави «тоштурма»дан чиқиб олиши керак, кейин ўз-ўзидан йўллари очилиб кетади. Лекин бу ёқда Ҳамдам ҳам бор. Бу бойвачча йигит ҳеч нарса ваъда бермаётган бўлса ҳам, у билан бирга бўлиш унга жуда ёқар эди. Эҳтимол, Нозима унинг ҳаётидаги ягона аёл эмасдир, шунчаки кўнгилхуши учун уни излаётгандир, лекин барибир, бир гапириб, ўн куладиган бу дилбар йигитнинг мафтунига айланган эди.

Агар чет элга кетса, ундан воз кечиши керак. Бу эса жуда қийин. Ҳамдам бу режасидан хабар топса, тиш-тирноғи билан қарши чиқиши аниқ. Унда нима қиласи, Термиизда қолаверади. Шаҳарнинг ҳар бурчагида отасининг биттадан уйи бор бойвачча йигит уни чет элга юбормаса, битта уйини беради. Уйланмаса ҳам таъминлаб қўйса бўлди, яшайверади, ўзи хон, ўзи бек бўлиб!

Лекин қайнонасининг билиб қолгани ёмон бўлди. Эри билан бирон жанжал чиқариб, уйдан чикиб кетиши керак эди. Энди овсин-ажинлар эшигади, улардан қўни-қўшнилар, бошқа қариндош-урӯлар... Юзи шувут бўладиган бўлдида. Яхшиси, кириб кечирим сўрагани маъкул, «Ҳакиқатан ҳам орамизда ҳеч гап йўқ. Ўзи шилқимлик қилиб юрибди. Шу дақиқадан орани очаман. Мен ота-онамнинг юзини ерга қаратишни истамайман», дейди. Кейин Ҳамдам билан гапни бир жойга кўйиб, борадиган ери аниқ бўлгач, эри билан бир жанжал чиқаради-да, болаларини

олиб, уйдан чиқиб кетади. Бирор бир нарса деса, «Эрим одам әмас, еб қўйди. Қайнонам ҳам ётган жойида заҳарли илондек чақиб, қўзимни очирмади», дейди. Ишонган одам ишонсин, ишонмаган ўзи билади.

Тушга яқин қайнонасининг олдига чой дамлаб кирди. Кампир кўзларини юмиб, лабларини қаттиқ қимтиганча, чалқанча ётарди. Қадам товушларини эшитиб, кўзларини очди, унинг кўзлари қизариб кетган эди, оғриқли нигоҳларида надоматга ўхшаш бир ифода пайдо бўлди. Нозиманинг негадир унга рахми келиб кетди. Чойни кампирнинг ёнбошига қўйиб, ўзи каравотнинг ёнига тўшалган кўрпачага чўккалаб, қайнонасининг серажин қўлини кафтлари орасига олди:

— Мени кечиринг, холажон. Ҳақиқатан ҳам бизнинг орамизда сиз ўйлаган нарса йўқ. У шунчаки бир шилқим йигит. Ўзи ёш бола, ҳатто, уйланмаган. Ҳазил-хузул қилиб юради. Бир узук бергани ҳам рост. У жуда бой, унинг учун бир узук бир кути гугуртдек гап. Туғилган кунингизга деб қўймади, олдим. Аммо шу дақиқадан бошлаб орани очаман. Фақат бу гап икковимизнинг орамизда қолсин.

Унинг тавбаларини тинглаётиб, кўзларидан тирқираб ёшлар чиқиб кетаётган қайнонасига қараб, ҳақиқатан ҳам босиб ўтган барча йўлларидан, оромини ўғирлаган орзу-ниятларидан буткул юз ўгиришни истаётганини ҳис қилди. Ҳақиқатан ҳам одамлар ўзимга бир бошпана қурай, бир машина олай, деб чет элларда сарсон-саргардон бўлиб, ким қулликни, ким фоҳишаликни бўйнига олиб, азоб-уқубат чекиб юради. Унинг шундай уйи-жойи бўлса, машиналари ҳам бор, эрига ўнг тапирса,

эр ҳам, машина ҳам хизматида бўлади. Бир чолу кампирнинг икки косасини ювишдан қочиб, шундай маломатларни бўйнига олиши шартми?

Кампир қўлини унинг кафтлари орасидан чиқариб олиб, қўллари устига қўйди ва оҳистагина силаб, бош иргади:

— Хўп, боравер.

Лекин Нозима қайноасининг олдидан қўнгли хижил бўлиб чиқди:

«Илоннинг ёғини ялаган, жодугар! Ишонмади менга. Ўзлининг рўзгори бузилиб, неваралари етим бўлиб қолмаслиги учун ўзини ишонгандек кўрсатди».

Аммо шу куни ҳеч қаерга чиқмади. Телефоннинг симини бутунлай узиб қўйиб, уйларни бир бошдан тозалаб чиқди.

Қайноасининг уст-бошини алмаштириди. Кир ювди. «Бир кун эрта-кечининг фарқи борми? Гипсларини бугун ола қолсин. Бугун чўмилтирамиз. Бир танлари яйрайди», деб қўярда-қўймай эрини дўхтирга жўнатди. Ўзи орада телефонни улаб, Шоҳистага қўнфироқ қилди: «Бир келиб кетинг. Холамнинг гипсини олишади бугун. Гулзор билан икковларингиз чўмилтирмасаларингиз, мендан тортинади. Ҳаммомни ёқиб, сувларни иситиб қўйдим». Шоҳистанинг олдида одам бормиди, гапни қисқа қилди: «Бўпти, ўтаман».

Аммо уйга келганида унинг қарашларидаги совук ифодани кўриб музлаб кетди: «Ҳаммасидан хабардор экан-да, бу кишиям. Оҳ, бу ёсуман кампир дўст эмас, дўст бўлса, шу гўдакнинг сирини яна бировга айтиб нима қиласан, дерди. Бу дарров эрка қизини чақириб, гийбат қилган!»

Гипс олинадиган кунни момолари билан бирга орзиқиб кутиб юрган Санжар момонинг аҳволини

кўриб, йиғлаб юборди. Кампирнинг бутун аъзойи бадани яра-чака бўлиб кетган, уч ой ичида танаси янги ҳолатга мослашиб қолган, на бели, на тиззаси букилар, туриб юриш нари турсин, ҳеч бўлмаса, оёқларини осилтириб каравотида ҳам ўтира олмас эди.

Ерга икки кават одеял тўшаб, унинг устига момони замбилда кўтаргандек чойшабда кўтариб, одеялнинг устига олишди. Сўнг худди майитни ювгандек ётган жойида у ёқ-бу ёққа ағдариб, чўмилтириб олишди. Сўнг яна бир чойшабга ўраб, иккинчи чойшабга замбилдек ётқизиб, каравотига чиқаришди. Кампир, барибир, анча енгил тортди. Аммо Санжарни юпатиш қийин бўлди, у момосининг бошида ўтириб йиғлади: «Гипсни олгандан кейин юриб кетаман, деган эдингиз-ку. Сиз мени алдадингиз». Унга қараб, Нозимадан бошқа ҳамманинг кўзи ёшланди.

— Нега алдайсиз, эна, шундай катта одамни ҳам алдаб бўладими? — масхара қилди Шоҳиста.

— Алдаганим йўқ. Бугун юрмасам, эрта-индин албатта юриб кетаман. Аста-астачилик билан-да, болам, — астойдил ўзини оқлар эди момо.

— Алдайсиз, алдаяпсиз, — яна йиғлади бола.

— Э-э, бўлди-е, бунча шўрқиллайсан, — Сардор ўғлини уришиб ташлади. — Момонг бир балодан қутулди деб ҳаммамиз хурсанд бўлиб ўтирасак, кайфиятни бузасан. Жим бўл, бўлмаса, ҳозир ташқарига чиқариб ташлайман.

Санжар отасига бир қараб, кўзларини артди, сўнг бурнини торта-торта орқа томондан момонинг кўрпасига кириб, қучоқлаб олди.

Нозиманинг режалари Шоҳистани кўрган дақиқадаёқ ўзгарган эди: «Кетаман. Салтанати ўзларига буюрсин». Шоҳистани кузатиб ҳам кўй-

мади. Кизчасини олиб, хонасига кирди-да, ётиб олди: «Эртага Ҳамдамни топиштим керак!» Масалани кўндаланг қўяди. Уни деб рўзғори бузилаяпти. Унинг мақсади нима? Уйланмоқчи бўлса, уйлансин. Бўлмаса, бир бошпана толиб, уни болалари билан ўз ҳимоясига олсин. «Ростда, на юргани, на тургани қўйди. Иккита тилло тақинчоқ билан бир инсоннинг қора чапланган номини оқлаб бўлмайди».

Ҳамдамни топишдан осони йўқ эди. У «Нифис моллар» дўконининг ёнида икки йигит билан гаплашиб турарди. Нозимани қўриши билан уларга хайр-хўш қилиб, унинг ёнига югуриб келди:

— Ҳа, янга, яхши юрибсизми? Кеча акам келаман деган эди. Келмади, тинчликми? — у атай атрофдагиларга эшиттириб баланд-баланд овозда галирарди. — Роса хавотирландим.

— Бугун соат ўн иккиларда бораман, деяётган эдилар. Бориб қолсалар керак, — деди Нозима ҳам ва «хайр» дегандек бош иргаб, йўлида давом этди.

Ҳамдам ундан бироз кейинроқ келди, бир қўлида майда-чуйда солинган елим халта, иккичи қўлида яримлаган «кола». Эшикни ўзининг калити билан очиб, остоңада Нозиманинг пойафзалини кўриб, суюнганидан хиргойи бошлаб юборди: «Чорламасам келмадингиз, кутганимни билмадингиз, ойми ё кунмидингиз, ўзингиз севгилим».

Бошқа пайт бўлганда Нозима ўрнидан сакраб туриб, минг бир ноз-истифно билан ошиғининг қўйнига кириб, қўлидаги «кола»ни юлқиб олиб, остоңадаёқ бир тўйиб симирарди. Аммо бугун йўлакдан киравчи эшик кўриниб турадиган крес-

лода оёқларини чалиштирганча қовоқларини уюб, индамай ўтираверди.

Хамдам ичкарига кириб, қўлидагиларни столнинг устига кўйди. Хонага тандирдан янги узилган сомсанинг totли хиди таралди. Нозима шунда ҳам ўрнидан кўзғалмади.

— Ие, — Хамдам унинг ёнига ўтиб, елкаларидан қучди. — Ойдан ҳам, кундан ҳам гўзал экан-ку, бизнинг севгилими. Бу нима ўтириш? Қандай бурга чақди сизни?

— Сизга ҳазил-мазах бўлса бўлди?

— Нима килай бўлмаса? Оҳ, жуда ёмон бурга чаққанга ўхшайди-да, ўзиям. Лекин шўрлик бургаям сизни чаққандан сўнг жойида тил тортмай ўлган бўлса керак. Ўлай агар, сизнинг захрингизга мендан бошқа ҳеч бир жонзот дош бера олмайди.

— Э-э, — Нозима елкасидан Хамдамнинг қўлини олиб ташлади, — сизга бало уармиди? Йўлимни тўсиб, кўчадан ўтказгани қўймадингиз, уйингизга олиб бориб қўяман деб, аллақаерларга олиб қочиб кетдингиз. Энди менинг отим ёмонга чиқиб, қайнонам уйдан ҳайдайман, деб ўтирибди.

— Нима? — Хамдамнинг юзидағи табассум ўрнини саросима эгаллади. — Қандай килиб? Қайнонангиз қаердан билибди?

— Бир антиқа телефонлари бор эди. Ётган жойида мендан гумонсираб, шу телефоннинг запис қиласиганини ишлатиб қўйган экан...

— Ие! Кейин нима бўлди? Нима деди?

— Нима дейди? Сизнинг кимлигингизни ҳам аниқлаб олибди, — Хамдамни яхшилаб қўрқитиш учун ёлғон ҳам қўшиб қўйди. — Шармандангни чиқармасимдан уйдан чиқиб йўқол, деяпти. Кеча гипсини олишди. Кетмасанг, ўша йигитнинг ота-

онасининг олдига бораман, деяпти. Ўша уйда бир дақиқа ҳам тургим йўқ, аммо борадиган жойим йўқ менинг. Онамнинг уйида қўш келин, бир этак невара, бир-бирининг гўштини еб ётади. У ерга борадиган бўлсам, бошим ғалвадан чикмайди. Ундан кўра болаларни етимхонага топшириб, чет элга кетганим яхши.

— Кўйсангиз-чи! — Ҳамдам уни биринчи марта кўраётгандай ҳайрон бўлиб қараб қолди. — Чет элга! Сизга чет элда нима бор? Сизга уй керакми? Мана уй! Истаганча тураверицингиз мумкин. Кейинчалик ўзингизга бирон уй олармиз. Ҳозирча шу ерда туриб туринг. Болаларни етимхонага топширгунча, оталарига ташлаб келинг, бобоси, момоси бор, қарайверади.

— Нима?! — Нозиманинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди. — Икки дунёда болаларимни уларга бермайман. Уларга бергунча бўғиб ўлдириб ташлашим мумкин, аммо бермайман. Мен ёмон, болам яхшими? Мен уларни шу болаларнинг тирнофига зор қиласман.

— Бу ёғи ўзингизга ҳавола, — Ҳамдам дарров ён босди, Нозимани тинчтиши учун. — Иш, икки бола билан ўзингиз қийналиб қоласизми, дейман-да.

— Сиз-чи? Сиз ёрдам бермайсизми?

— Менинг қўлимдан нима иш келади? Оналарини бағримга босиб, тишлаб-тишлаб олишдан бошқа ҳеч нарса ваъда килолмайман, — Ҳамдам аста-секин хотиржам тортаётган Нозиманинг юзларини силади. — Ана борингки, рўзгор қилишга ёрдам бераман, лекин мен уларни боғчага олиб бориб, боғчадан олиб келиб юра олмайман.

— Боғчага олиб бориб юришингиз шарт эмас. Бозор-ўчаримизга қарашиб турсангиз бас, қолганини ўзим эплайман.

Ҳамдам Нозимани бағрига олиб, кулди:

— Қандингни ур, Ҳамдам! Аҳмаднинг тўйида айтган гапимга фаришталар «омин» деб юборган экан-да.

— Қандай гап? — Нозима ўша тўйдаги можарони сира эслашни истамас эди.

— Кўтарасига савдо қиласиз, деган эдим, эсингиздами? Мана, кўтара савдо бўлди-қолди. Икки болангиз билан кўшиб оляяпман.

«Оляяпман» деган сўз Нозиманинг кайфиятини кўтариб юборди. Бошини Ҳамдамнинг қўксига кўйиб, кўзларини юмиб олди.

— Лекин бир нарса ёдингиздан чиқмасин, — гапида давом этди Ҳамдам. — Сиз бу уйда ижарада турибсиз, кўшнилар ёки бизнинг уйдагилар келиб сўраб қолишса, ижарачиман, дейсиз. Онам рус бўлса ҳам, опаларим фирт ўзбек, уларни момом тарбиялаган. Жойи келса, отамга ақл ўргатишади, онамга танбех беришади. Шунинг учун эҳтиётроқ бўлишимиз керак.

Нозиманинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди:  
«Оляяпман, эмиш!»

Бир қарашда ҳаммаси жойида, уй-жойи бўлади, қарашиб, кўнглини олиб турадигани ҳам бўлади. Лекин буларнинг ҳаммаси турли хил ранглар билан товланиб турган совун кўпигидек омонат эканлиги кўриниб турарди. Нозиманинг кўнгли ғаш бўлди, аммо ўзидан тўрт ёш кичик, уйланмаган йигитдан бундан ортиқ нима ҳам талаб қилиши мумкин. Тўғри, Ҳамдам уни ҳолжонига қўймади, ёш қизни олиб қочгандай олиб қочди, тилло тақинчоқлар олиб берди, аммо ҳеч қачон: «Сенга уйланаман. Увол-савобингга ўзим жавобгарман», деган гапни айтган эмас. Бу йигит ундаи нарсани билмайди, бундай гапларни ҳеч

кимга айтмайди ҳам. Ўзбек кампир тарбиялаган бўлса ҳам – ўрис! Ҳатто шу ўрисга ҳам зиммасига тушаётган масъулият унча ёқмади, гарчи ҳазилхузул қилиб, Нозимани эркалаган киши бўлиб ўтирган бўлса-да, гаплари ҳам, харакатлари ҳам унчалик қовушмаётгани кўриниб турарди. Нозиманинг батамом руҳи синди: «Ўйнашга ишониб, эрсиз қолганвой бошим!»

Елим халтада хушбўй ҳид таратиб турган сомсалар турган жойида совиб қолди. Иккисида ҳам сомса ейишга рағбат бўлмади. Кўп ўтмай иккиси ҳам қайтмоқчи бўлиб қолди:

— Қайнонам уйга киргизмай қўймасин яна, тезроқ кета қолай.

Ҳамдам унга ҳайрон бўлиб каради:

— Ҳали сизда уйга кириш имконияти борми?

Нозиманинг аччиғи келди:

— Нима қилишим керак, кет деса, югуриб кетиб қолмайман-ку. Ҳамма гапингиз тухмат, дедим.

— Маладес!

Унинг мақтовига жавобан Нозима бир ўқрайиб кўйди: «Энди мендан қутулиш йўлини излайди бу».

Эртаси куни мактабга Шоҳиста борди. Худди атай қилгандай бўш соатида борган эди. Улар мактаб ҳовлисининг адогида оқадиган кичкина ариқ бўйига борищди. Бу сокин бурчакда мактабнинг меҳнат дарси ўтиладиган синфхона, парталар таъмирланадиган устахона жойлашгани учун меҳнат муаллими ариқ бўйига баҳо кўйиш баҳонасида бир неча узун-узун ўриниклар қилдириб ташлаган эди. То ариқ бўйидаги ўша ўриниклардан бирига жойлашмагунларича иккаласи ҳам бир оғиз сўзлашмади. Ариқнинг суви

лойқа, юзи хас-хашакка тўлиб оқар, аммо сув четидаги дараҳтлар ҳисобига ён-атроф салқин ва баҳаво эди.

— Мен эрим билан уришдим, — анчадан сўнг гап бошлади Шоҳиста, — у ҳаммасидан хабардор экан.

Нозима ерга қаради.

— Тўй куни уни сенсираб масхара қилганингиз ёдингиздами? Ўша куни йигитлар билан баҳс бойлашган экан: «Изимдан итдек эргаштирмасам, отамнинг боласи эмасман», деб. Эримга: «Биз энди божа бўламиз», деб мактанибди. Эрим, «Ундај дема, қайноғам жуда яхши йигит», деса, «Хотини хам яхши нарса экан, хотин кишига масхара бўлиш менга тўғри келмайди», дебди.

Нозима яна индамади.

— Хей, менга қаранг, эрли, икки болали кап-катта хотин бўла туриб, укангиз катори уйланмаган йигит, юр деса, етаклашиб кетавердингизми? Майли, эрингизни, бизни ўйламанг, ҳеч бўлмаса, ўзингизни ўйласангиз бўлмасмиди?

Нозима тамом бўлди: «Наҳотки?!» Аммо қайн-синглисининг кўзларига тик қараб, бош чайқади:

— Ҳаммаси тухмат! Биз у билан фақат дўстмиз. Орамизда ҳазил-хузулдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Сиз онангиз билан мени ҳайдамоқчисизлар. Аммо болаларимни етим қилиб, ҳеч қаерга кетиш ниятим йўқ менинг.

Шоҳиста ҳанг-манг бўлиб қолди:

— Эсингиз жойидами сизнинг? Қандай тухмат? Хей, менинг қўлимда телефондан ёзиб олинган овозларингиз бор. Ҳозир директорингизнинг олдига кириб, ўша ёзувни столига кўяман. Болаларига таълим-тарбия бераётган ўқитувчисининг кимлигини билиб қўйсин.

— Сиз бундай қила олмайсиз, — ғазабдан унинг кўзлари қисилиб кетди. — Бундай қилишингизга йўл қўймайман. Агар шундай қилсангиз, икки боламни ҳам ўлдириб, ўлимимизга қайнинглим сабабчи, деб хат қолдираман-да, сўнг ўзимни осаман. Кейин кўрамиз ҳолингиз нима кечишини. Онангиз билан акангиз сизни кечирармикин?

Шоҳиста ўрнидан туриб кетди, қани, ёш бола бўлишса, ёнида турган манави чўлтоқ супургининг сочини битталаб юлиб, ўзини ариқнинг лойка сувига отиб юборса!..

— «Кийшиқ мўридан сассиқ тутун чиқади», деганлари шу-да. Сизнинг қўлингиздан фақат шундай ишлар келади. Чунки онангиздан зўр тарбия олгансиз.

— Онамга тил теккиманг. Мен сизнинг онангизни гапираётганим йўқ. Умуман, мени тинч қўйинг, менинг ҳаётим — бу менга тегишли, унга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — «шу билан гап тамом» дегандек Нозима ҳам ўрнидан турди.

— Хей, менга қаранг, сизда на юз бор, на виждон, на нафсоният! Акамнинг юзига оёқ қўйдингиз, лекин акам Ҳамдам ҳезалакка ўхшаб гаров бойлашиб, сизнинг номингизни булғамаган. Сиз энамнинг айтганларига учманг, энам «ўзимиздан бошқа ҳеч ким билмайди, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверади», деб калта ўйлаб юраверади. Эркак зоти бир хотиннинг билагидан ушласа, белидан ушлаб, қучоқлаб ўпдим, индамади, деб мақтанади. Ҳамдам ҳезалакни мен билмайманми, хотинчалиш! Дунёда қиз башара эркакни ёмон кўраман. Тфу! Айтиб, мақтамаган одами қолмагандир, Робия Соатованинг келинини ундаи қилдим, мундай қилдим, деб.

— Бўлди, бас қилинг. Бу сизнинг фантазиянгиз. Менда бошқа гапингиз йўқми?

— Гапим шу — кетасиз. Энам Санжарни жуда яхши кўради. Санжарни ташлаб кетасиз.

— Вой, кўнглингизнинг кўчасидан-эй! — Нозима қайнинглиси масхара қилиб кулди. — Санжар менинг болам, уни мен тукканман.

— Ҳали шошмай тур, сенга сичқоннинг инини минг таңга қилмасам, Шоҳиста отимни бошқа қўяман, — Шоҳиста тез-тез юриб, мактаб дарвозаси томон кетди.

— Кўявер! Билганингни қил! — қичқирди Нозима шаллақи аёлларга ўхшаб. Қайнинглиси бурилиб кетиб қолгач, ели чиққан пуфакдек бўшашиб, яна ўриндиқقا ўтириб қолди. Шоҳиста то дарвозадан чиқиб, кўздан ғойиб бўлмагунча, ундан кўзини узмай қараб ўтираверди. У жуда қайсар қиз эди, ҳар дақиқада фикрини ўзгартириб, изига қайтиб, мактаб директорининг олдига кириши мумкин. Ана унда Нозиманинг ўзини осишдан ўзга йўли қолмайди.

Янги дарсгача ҳали вақт бор эди. Нозима ариқ бўйида узоқ қолиб кетди: «Наҳотки?! Бу эҳтирослар, куйиб-ёнишлар — барча-барчаси гаровда ютқизиб қўймаслик учун, қасд олиш учун уюштирилган саҳна бўлган бўлса?! Наҳотки?.. Кимни нимага алмаштирдинг, бадбаҳт Нозима?!» У атрофга қаради, кирлигидан асл ранги кандайлигини ҳам билиб бўлмайдиган даражага келиб қолган бир кўйлак кийган фаррош аёл у билан кулиб сўрашди:

— Ҳа, Нозимахон, нимага хилватда хаёл суреби ўтирибсиз?

Аёлнинг ҳазили унга жуда ботди: «Тавба, бўлганинг бир фаррош, мени ўзига тенг кўриб,

гап қотишини қара!» У аёлга бир ўкрайиб қараб қўйди-да, индамай юзини бошқа томонга бурди. «Кани ўркраб-ўкраб йиғласанг, атрофингда ҳеч ким бўлмаса, йиғлаётганингни ҳеч ким кўрмаса. Ҳеч ким юпатмаса сени, ҳеч ким устингдан кулмаса!..» Чиқиш қўнғироғи чалинди, мактаб ҳовлиси бир зумда қий-чувга тўлди. У судралиб синғ томон кетди. Айни пайтда унинг кўзлари кўрмас, қулоқлари ҳеч нарсани эшиитмас, бутун фикр-хаёли Шоҳиста айтиб кетган гапларда эди. Кани имкони бўлса, ҳозироқ Ҳамдамни топиб, орани очиб олса-ю, юзига тупуриб, сўнг ҳаётини янгидан бошласа. Кетади, гапдан қолмаслик учун Шоҳистага кетмайман, деди-ю, аммо энди кетмаса бўлмас. У тоғнинг тепасидан пастга қараб югуриб эмас, юмалаб кетаяпти, энди то ўзи бирон тошга урилиб тўхтамагунча, тўхтай олмайди. Жараён бошланган. Ортга йўл йўқ.

Талабалик йилларида ҳам шунга ўхшаш бир воқеа бўлган эди. Курсдошлар йиғилиб, тоққа чиқадиган бўлишди. Электричкадан тушишлари билан тиник осмоннинг юзида қора-кура булутлар айланиб, ёмғир ёға бошлади. Улар ёмғирдан қўрқадиган ёшда эмас эдилар. Тоғ ёнбағирлари келиб-кетувчиларнинг оёқлари остида эзилиб, хунук бўлиб колган эди, бу ерда лола тугул, қадростлаб турган бир гиёҳни ҳам учратиш маҳол кўринди.

— Болалар! Ҳеч кимнинг оёғи тегмаган чўққилар томон олва!

Йигитлар озиқ-овқатлар солинган сумкаларни кўтарди, қизлар уларга эргашди.

— Бир кучоқ лола термагунча қайтиш йўқ, — аҳд қилди Нозима ҳам.

Ёмғир кучайгандаң-кучайди. Энг ички кийимлар ҳам, елим халталарга солинган озиқ-овқатлар ҳам сувда ивиб кетди. Уст-бошларидан сизиб тушаётган ёмғир сувлари пойафзалларини ҳам түлдириб юборди: «ғарч-ғурч!» Аммо лолали чўққилардан дарак йўқ эди.

— Болалар! Биз лола териб бориб, бизнес қиламиз, деб чиққанимиз йўқ-ку. Қўйинглар шу лолаларни, улар ҳув — қорли чўққиларнинг нариёғидадир балки, у ерга чиқиш учун вертолёт заказ қилиш керак. Биз дам олиш учун чиққанимиз. Шу ерда тўхтаб, дам олайлик. Коринлар ҳам таталаб кетди. Овқатланганимиздан сўнг, истовчилар гул терсин, хоҳлаганлар ётиб дам олсин, — курс сардори болаларни тўхтатиб, мурасага чақирди.

Ҳамма чарчаган эди. Унинг таклифи ҳаммага маъқул тушди. Шу атрофда форга ўхшаш бир ўнгир топиб, унинг ичига жойлашишди. Дарҳол филичилаб кетган пойафзаллар, устки кийимлар ечилиб, дастурхон ёзилди. Корин тўйгач, йигитлар ёнбош ташлаб, қарта ўйинига тушиб кетди, қизлар гул тера бошладилар, Нозима ҳаммадан кўп гул терди.

Бир пайт сардор яна ваҳима қилиб қолди: «Тез йиғиширинглар, ҳали-замон электричка келиб қолади».

Ҳамма норози бўлди:

— Ҳали икки соат вақт бор-ку. Энди жойлашган вақтимизда...

Сардор уларнинг инжиқликларини қатъий рад килди:

— Йўқ, тез йиғиширинглар! Чикишдан тушиб қийин!

Тушиш ҳақиқатан қийин бўлди. Ёмғир ҳамон ёғарди. Бир соатлик ҳордик пайти селгиган кийимлар яна жиққа хўл бўлди. Пойафзаллар яна қўшиғини айтади: «ғарч-ғурч!» Уларнинг гуруҳида Доно исмли бир қиз бор эди. Ўзи жуда чиройли, исми ҳам Доно, аммо ақли сал анақароқ қиз эди. Шу қиз баъзан ария айтар эди, овози ҳам жуда ўткир, ўзидек гўзал эди. Шу ерда кимдир туртки бердими ёки туманлар ичра қад кериб турган чўққилар орасида илҳоми келиб кетдими, қўлларини икки ёнга ёзиб куйлай бошлади: «О-оо-о-а! О-оо-о-а!» Чўққилардан акс садо қайтди: «Хо-оо-о-а!» Ариячи Доно қиз бундан янада завқланди: «О-оо-оо!» Донони азалдан Нозиманинг жини сўймасди. Ҳамманинг уст-боши жиққа хўл бўлиб зўрга келаётган бир пайтда, настга олиб тушадиган торгина сўқмоқда туриб олиб, «О-о»лагани асабини бузиб юборди. Йўл ёмон, ҳамма бир-бирини ушлаб зўрга келаётган эди. Нозима қўлларини икки ёнга ёзиб, завқ билан куйлаётган Дононинг елкасига қаттиқ нукиди: «Коч-э, йўлдан. Ария айтадиган вақтини қара, сенинг!» Ўзи олдинга ўтиб олиш учун икки қадамни тезоброқ ташлади, кейин ўзини тўхтата олмай қолди, эниш йўл югуртириб кетди. Каердадир нимагадир қоқилиб, ииқилиб тушди. Шу қўйи бир амаллаб терган гулларини маҳкам бағрига босганча, қандайдир баҳайбат тошга урилмагунча думалайверди-думалайверди...

Сўнг болалар уни кўтариб, электричкага солишди. Икки ҳафта жойидан қимиirlай олмай, шипга қараб ётди. Тентак Доно келиб кечирим сўради. «Ҳаммасига ўзим айборман», дея олган-

ди ўшанда у мардона, лекин, барибир, ич-ичидан Донони айбларди: «Агар шу ёмғир остида ария айтмагандай!..»

Энди-чи, энди? Ортга йўл йўқ. Худди ўшандагидек то бир харсангга урилмагунча думалагани думалаган. Лекин бу ўпқондан омон қолса, Донога айттани каби, «Хаммасига ўзим айбдорман» деган иқорни айта олармикин? Йўқ, бу сафар иқрор бўлиш осон эмас.

У гарчи бу хеч нарсани ҳал қилмаса ҳам тезроқ Ҳамдам билан кўришиб, Ҳамдамнинг иқорини, тўғрироғи, ўзини оқлашини эшитишни истар эди. Аммо бугун Ҳамдам билан учрашиб бўлмайди. Кеча салгина кеч қолгани учун қайнонасининг қовоқ-тумшуғи осилиб кетган эди. Яна бугун ҳам кеч борса, яхши бўлмайди. Бироз сабр қилиб тургани маъкул. Ҳамдам ҳам юрак олдириб қўйганми, ўтган икки кун ичидан бир марта ҳам қўнғироқ қилмади. «Нафис моллар» дўқонининг ёнида ҳам қорасини кўрсатмади. Катта танаффус вақти директорнинг қабулхонасига кириб қўнғироқ қилди: «Онажон, яхши юрибсизми? Бугун соат ўн иккиларда бормоқчи эдим. Уйда бўп туриңг».

Иккинчи томоннинг гапини эшитиб ҳам ўтирумади. Дарҳол гўшакни ўрнига қўйиб, оғзига қараб анграйиб турган котибга раҳмат айтиб хондан чиқиб кетди.

Унинг асаблари жойида эмас эди, бутун бошли мактаб ўқувчилари сиғадиган кенг йўлакда Махбуба Султоновнага урилиб кетди. Опанинг кўзлари чақчайиб, пешонасини қоплаган реза-реза терларни кафти билан сидириб ташлар экан, унга нафрат билан қаради:

— Эс-хушиңг жойидами сенинг?! Шунча кенг йўл турибди-ю, нега менинг устимдан юрмоқчи бўляйпсан?

— Узр, Опа, хаёл олиб қочибди.

— Узрингни пишириб е! Йиқилиб кетсам, нима бўларди?

Опа жуда семиз аёл эди, этакларидан чикиб турган кичкинагина оёклари юм-юмалоқ гавдасини зўрга қўтариб турарди. Йиқилса, соғ-омон тура олмаслиги аниқ эди.

— Билмай қолдим, Опа...

— Шу ахволда бунга халқнинг боласини топшириб ўтирганимизни қара, тўғри йўлдан юра олмайдиган меров!

Буниси энди ортиқча бўлди! Нозиманинг жазаваси тутди. Бир четда гуноҳкорона қўлини кўксига қўйиб турган эди, беихтиёр икки ёнига тушган қўллари мушт бўлиб тугилди, Опанинг устига энди ростакамига бостириб борди:

— Оғзингизга қараб гапиринг. Сизга ҳеч ким одамларни ҳақорат қилиш ҳуқуқини бермаган. Билмасдан урилиб кетдим, бунинг учун узр сўрадим. Ҳаддингизни билинг. Йўқса, ҳақоратингизга муносиб иш қилиб қўйишим ҳеч гап эмас.

Унинг важоҳатини қўриб, Маҳбуба Султоновна ели чикқан пуфакдек бўшашиб қолди, ранги гезариб, шартта орқага бурилди-ю, фудурлаганча жўнаб кетди: «Сенинг масалангни педкенгашга қўйдирмасам, псих!..»

Тўртинчи соати 7 «а»да эди. Эркатой болалар чиройли муаллималари билан эркин сухбатлашгиси, эркаланиб ҳазиллашгиси келар, опаларининг эса юрагига қил сифмас эди. Туриб-туриб шу эркатойларга дардини айтгиси келиб кетди. Журнални столнинг бир четига қўйиб, синфга юзланди.

— Болалар, бутун менинг бироз кайфиятим йўқ. Илтимос, мендан ҳеч нарса сўрамасдан, менинг кайфиятимни кўтаришга ёрдам беринглар. Майли, бу иш қўлларингдан келмаса, ҳеч бўлмаса, кайфиятимни буткул бузмасликка ҳаракат қилинглар.

Биринчи бўлиб прокурорнинг ўғли қўл кўтарди:

— Уйга берилган вазифани «аъло» даражада тайёрлаб келганман. Хўп десангиз, битта анекдот ҳам айтиб бераман.

Болалар ҳақиқатан ҳам беғубор халқ эди. Ҳам дарс бўлди, ҳам ҳазил-мутойиба. Нозиманинг кўнглига ботиб турган тош эримади, аммо, барибир, охирги соати муаммосиз, тинч ўтганига шукур қилди. Лекин... Ўзи истаб-истамай яна бир катта муаммони бошлаб қўйди. Энди Маҳбуба Султоновна педкенгашга масала тайёрлайди. Маърузасини унинг тилло тақинчоқларидан бошлиши аниқ... Бир келса, қўш-қўш, деганлари шу-да. Эҳтимол, бу юртларда ризқи тугаб бораётганининг белгисидир бу ҳам. Бирори уйдан хайдаяпти, бирори ишдан ҳайдамоқчи...

Ҳамдам бу сафар ҳам ундан кейин келди. Узок қолиб кетиш нияти йўқ, шекилли, қўлида «кола»дан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Аммо эшикдан кира солиб, пойафзалини ҳам ечмасдан бир сакраб Нозима ўтирган креслонинг ёнига ўтди-да, минг йил кўришмагандек ютоқиб ўпа кетди. Нрафаси қайтиб кетган Нозима уришиш учун келганини ҳам унтиб, жони оғриганидан типирчилаб, уни ўзидан итарар, елкаларига муштлар эди. Нозима бир амаллаб унинг қучоғидан бўшалиб чиққач, стол устидаги «кола»ни олиб, ярмини симирди-да, сўнг ўзини Нозиманинг ёнидаги креслога ташлади:

— Аммо-лекин, сиз жуда ботир аёл экан-сиз, — чуқур нафас олиб, ўтирган жойида Нозимага юзланди. — Энди сизни ҳеч қачон кўра олмасам керак, деб қўрқсан эдим. Уч кундан бери ўзимга ўзим аза очиб, итдек азобланиб юрган эдим. Бугун овозингизни эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Ишонсангиз, кўчада юрибман, энг ёмон, энг хунук одамлар ҳам қўзимга бир чиройли кўринади-ей...

— Нега? — қошларини чимирган кўйи унинг гапини бўлди Нозима. — Энди менинг сизга нима керагим бор? Менга эришдингиз, гаровда ютдингиз ёки яна бирон нарса деб гаров ўйнаганмисиз?

Ҳамдам унга хайрон бўлиб қаради:

— Тушунмадим, қандай гаров тўғрисида гапирайпсиз?

— Шоҳистанинг тўйи куни менинг устимдан ўйнаган гаровни айтаяпман. Ё ёдингиздан чиқиб кетдими?

— Э-э, бунча ваҳима қилманг. Одамнинг юрагини ёриб юбордингиз-ку. У шунчаки гап эди. Шунга шунчами?

— Изимдан итдек эргаштирмасам, отамнинг боласи эмасман, деганингиз ростми? Аҳмадга: «Биз энди божа бўламиз, зўр нарса экан», деганингиз ҳам рост. Шунинг учун менинг йўлимни тўсиб чиқкансиз, шунинг учун менга севги изҳор қилгансиз, шундайми? — Нозима ўрнидан сакраб турди. — Сиз мени аҳмоқ қилдингиз, эрмак қилдингиз. Ўзингизнинг зўрлигинги намойиш қилиш учун менинг номимни булғадингиз. Сиз ифлос, пасткаш одамсиз. Мен содда сизнинг чиройли уст-бошларингизга, чиройли гапларингизга маҳлиё бўлиб, «севги» деганлари шу экан-да,

деб оиласми, ор-номусимни оёқ ости қилиб, етти қават осмонда учиб юраверибман. Суф, сизга! Энди хайр, мени бошқа изламанг. Нимагаям излайсиз, ишингиз битди. Уч ой изингиздан итдек эргаштиридингиз. Бўлди-да, — унинг кўзларидан тиркираб оқаётган ёш юзларини юварди.

Ҳамдам шошиб қолди. Ўрнидан салчиб туриб, Нозиманинг йўлларини тўсди, елкасидан қучиб, зўрға ўрнига ўтиргизди:

— Менинг бир оғиз гапимни эшитинг. Кейин нима қилсангиз ҳам ўзингиз биласиз. Аммо мени эшитмас экансиз, мен сизни ташқарига чиқармайман.

— Бўпти, унда эшиттаним бўлсин. Айтинг, гапларингиз армон бўлиб қолмасин, — Ноэима тумтайиб ўтириб олди. Ҳамдам муроса учунми, қўлларининг устига кафтини қўйган эди, силтаб ташлади. — Гапиринг.

— Ҳаммаси рост, Ноэима! Сизга тўғри етказишибди.

Нозима ялт этиб Ҳамдамга қаради.

— Унда... нега мени йўлимдан қайтараяпсиз?

Ҳамдам ерга қаради:

— Мен ортиқ сизни алдашни истамайман. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Ўша биринчи учрашувимизгача мен сизни ёмон кўрардим. Шунгача одамларнинг олдида сен-сенлаб, обрўйимни тўқди, ундан қасдимни олишим шарт, деб ўйлар эдим. Кейин... Сизни яхши кўриб қолдим. Ишонмасангиз, ихтиёрингиз, мен сизни чин юракдан яхши кўриб қолдим ва ўша тўйда айтган гапларим бутунлай эсимдан чиқиб кетди. Ўша куни қайнонангизнинг гапларини эшитиб, тамоман ўзимни йўқотиб кўйдим. Тўғри, мен ҳозир сизга уйлана олмайман. Аммаларим, опаларим нақ аждархонинг ўзи.

Икки болали аёл сенинг тенгинг эмас, деб туриб олишади. Улар сизни бурда-бурда қилиб ташлашади. Яқинда улар мени ўзларига ёқкан бир қизга уйлантиришмоқчи. Майли, уйлантиришсин, кейин менинг йўлим очилади. У уйда ўтиради. Мен сиз билан яшайвераман.

Унинг гаплари жуда самимий эди. Бу гапларга Нозиманинг жуда ҳам ишонгиси келар, ҳаётини алғов-далғов қилиб ташлаган, эртанги кунидан сираям умиди бўлмаган мана шу йигитдан сира ҳам ажралишни истамас эди.

— Жуда ишондим-да, ўзиям. Тўйдан кейин ўн саккиз ёшли нозанинни ташлаб, боши ғалвадан чиқмайдиган мен шўртумшукни излаб юришингизга ким ишонади?

— Ишонмасангиз, ўзингиз биласиз. Менинг бир ошнам икки болали татар аёлни яхши кўриб қолди. Ўзиям грузинларга ўхшаган роса келишган йигит эди. Ота-онаси шу татардан ажратаман, деб бир гўзал қизни олиб берди. Ошнам ота-онасини хафа қилмади, уйланди, қизнинг иззатини ҳам жойига қўйди, аммо татар хотинни ҳам ташлаб қўймади. Бир кун хотини, иккинчи хотинингиз бор экан, деб жанжал кўтарган экан, «Иккинчи хотин сенсан, агар истасанг, кетаверишинг мумкин, сен айтиётган аёл сенгача ҳам бор эди», дебди. Шу билан ҳаммаси жойига тушиб кетди.

Нозима ерга қаради, кўнгли бироз таскин топган эди. Ҳамдам унинг қўлларидан тутди:

— Мени ташлаб кетманг, илтимос.

Нозима ёш қалқиб турган кўзлари билан кулди:

— Ҳақиқатан ҳам ёш болага ўхшайсиз-а. Орамиздаги фарқ баъзан шундай билиниб қолади-

ки, — Нозима худди укасини эркалагандек юзларига охиста шапатилаб қўйди.

— Нима? — унинг эркалари йигитни завқлантириб юборди. — Ким ёш бола? Ҳозир мен сизга кўрсатиб қўяман ёш болани!..

Улар ҳар уч кунда тушлик вақти, ярим соатгагина учрашишга келишиши:

— Бу жуда кам, — дод деб қолди Ҳамдам, — уч кун кутиб, ярим соатгина кўраманми сизни?!

Булар ҳаммаси Нозимага хуш ёқса-да, ўзи ҳам билмаган ҳолда улкан бир мавхумотнинг қаршишига келиб қолганини англаб турарди. Ҳамдамнинг муҳаббати ҳам, ўзича тузган режалари ҳам Нозима орзу қилган жаннатга бошлиб бормайди. Тўғри, рўзгорида қайнота-қайнона бўлмас, аммо, нари борса, икки хонали бир катадек уй ва икки-уч кунда ўғридек писиб келиб кетадиган эр! Бундан ташқари, бу муҳаббатнинг умри қанча-ю, унинг режалари қай даражада амалга ошади — бу ҳам номаълум. Лекин унинг шундай қайсар феъли бор эдик, бир йўлга тушдими, уни ҳеч ким, ҳеч нарса, хатто ўзи ҳам қайтара олмас эди. Мана, ҳозир ҳам нотўғри йўлда эканлигини англаб турибди, аммо сира ҳам Ҳамдамдан воз кеча олмайди.

«Баривир эримдан ажрашиб, чет элга кетаман. Кетгунимча кўришиб турай. Кейин шундай келишиган йигитнинг ўтли кучори ё насиб этади, ё йўқ.»

Йўл-йўлакай қизлари Грецияда яшаётган қўшнининг уйига кирди. Дилнозанинг телефон рақамини сўраган эди, хола унга ҳайрон бўлиб қаради:

— Четга чикмоқчимисан?

— Э-э, йў-ўқ, — уни тинчтди Нозима. -- Ишхонамиздан бир қиз сўраган эди. Дилноза билан олдиндан таниш экан.

— Қиз болага четда нима бор? — барибир норози бўлди хола. — Дилнозанинг йўриғи бўлак. Болалари билан укаларининг эшигига туртки еб юргандан кўра, тақдиримда борини кўраман деб кетди. У бир марта эшак бозордан ўтган, қиз боланинг эртага турмушга чиқиши бор, эрининг, одамларнинг олдида ўзини нима деб оклади. Унга ким ишонади? Сизлар ўйлайсизларки, чет элда нон топиш осон. Қизим: «Бир чиқдим энди, ҳамма камчиликларимизни битказиб олай», деб юрибди. Ўзига қолса, ўша ёқларда бир кун ҳам колмас эди. Ҳар келганда йиғлаб-йиғлаб кетади.

Холанинг гапи ҳали-бери тугайдиган эмас эди, аста ўрнидан қўзралди.

— Майли, хола, қайнонам йўлимга қараб ўтиргандир.

— Ҳа, бор, қизим. Шу рўзгорингдан, қайнонангдан қолма. Қайнонанинг тувагини тўккан келинга дўзах ўти ҳаром экан. Бош бурмай, хизматини қил, дуосини ол. Мендан ҳам салом айт.

— Хўп, хола. Энди ҳалиги қизга нима дейман? Телефонини берсангиз яхши бўлар эди-да. Боришибормасликни ўзлари ҳал қиласверишиди, — холанинг кўзларига умидвор қаради.

— Майли эди, қизим, лекин мен унинг телефонини билмайман. Мен унга ҳеч телефон килиб кўрганим йўқ, ҳар доим ўзи қиласади.

Йиғлаб-йиғлаб кетса ҳам ўзининг уй-жойи бор, долларларни тахлаб ташлагандир. У ҳам боради. Балки ўша ерларда бутунлай қолиб кетар. Ҳа, қолади. Гулжаҳон опанинг келини Америкага

боргандан кейин эри билан ажрашиб, ўзининг иш берувчисига тегиб олибди, никоҳдан кейин дарров фуқаролик ҳам олибди. Уям дурустроқ одам чиқса, ўйлаб ўтиrmайди, шартта тегиб, ўша ёқда қолиб кетади. Кейин «тата-пата» деб асабини бузувчи қайноасини ҳам, қоп-кора қоқсуяқ ўйнашининг оғзига қараб турувчи директорни ҳам ҳеч қачон кўрмайди.

Шу кеча негадир ҳеч ухлаёлмади. Тонга яқин кўзи илинган экан, алоқ-чалоқ туш кўрди. Аллақаерларда адашиб юрган эмиш, кийимлари дарахт шохларига илашиб, бирин-кетин тушиб, шир яланғоч бўлиб қолибди. «Тушда яланғоч қолиш яхши аломат эмас, тезроқ кийимларим топила колсайди», деб тушида тушини таъбирлаб ҳиқиллаб турган эмиш. Шу пайт қаердандир эри пайдо бўлибди-да, «Сен ҳаммамизни шарманда килдинг, сени ўлдираман», деб бўға бошлабди. У шундай қаттиқ бўғибдики, Нозиманинг нафаси қайтиб, уйғониб кетди. Агар бу туш яна бир дақиқа давом этса, унинг ухлаб ётган жойида ўлиб қолиши аниқ эди. У жиққа терга тушиб кетган эди, ўрнидан туриб атрофга қаради, аллақачон тонг отган, деразанинг ҳарир пардасидан тушиб турган оплоқ нур жимжит хонани фира-шира ёритиб турарди. Диванинг нариги томонида қизи гужанак бўлиб ухлаб ётар эди. Нозима пешонасидаги, бўйнидаги терларни артди, бўйнини артаётib ғалати оғриқни ҳис этди: «Тавба, ростдан ҳам тушмиди бу?» Ёки Сардор кириб, алам билан бўғдимикин? Йўқ, у аёл кишига қўл кўтара олмайди! Нозима шу кўйи анча ўтириб қолди. Хонага яна бир кур кўз ташлади. Бу хонага келин бўлиб тушган эди. Диванларининг бошига кўзмунчоқлар қадалган

чимилдиқ тутилган эди. Бу деворлар, бу эшик, бу деразалар қандай баҳтга, эҳтиросга тўла шивирларни эшитган... Сардор уни қанчалар яхши кўрарди. Бир нарсадан нолиса, дарров: «Сен унга бошқача кўз билан, меҳр билан қара, севиб қол, шунда ҳеч қийналмай қиласверасан», дер эди. Унга қолса, сигир соғишини ҳам, кунда уч маҳал қозон осишни ҳам, ҳар куни ивирсиб кир ювишини ҳам, рўзғорнинг ҳеч тўлмаслик қасалини ҳам севиб қолиш керак эди. Яхши-да, дер эди у завқланиб, ташийверасан, ташийверасан, ҳеч тўлмайди. Агар у тўлиб қолса, одамзод бекорчи бўлиб қолар эди. Бекорга уни ғор дейишмаган, дер эди. Нозима эса севолмади... Севишини истамади.

Ўша куни Ҳамдам билан учрашишлари керак эди. Мактабдан чиқиши билан таксига ўтириди. Машинага ўтирас экан, қандайдир савки табиий бир сезги билан кимдир унга қаттиқ тикилиб турганини ҳис қилди. Беихтиёр атрофга қаради. Йўлнинг нариги бетида турган оқ «Жигули»нинг орқасида шапкасини бостириб ўтирган одам юзини тескари томонга бурди. Бу одамнинг туриши кўзига иссиқ туюлди, кимнидир эслатди, лекин аниқ кимлигини эслай олмади: «Халитдан склероз бошланибди».

Кета-кета негадир орқасига қаради, яна ҳалиги оқ «Жигули»га кўзи тушди, у изма-из келаётган эди, лекин орқа ўринидикда шапкали одам кўринмади. Кейин «Жигули» улардан ўтиб кетди, лекин жуда секин юрди. Такси ҳайдовчининг аччиғи келиб, «Бу бобо бунча имиллади», деб тезроқ ҳайдаб, улардан ўтиб кетди. Ўтиб кетишаётганда, машинанинг орқасида кимдир ётганга ўхшади. «Мижозининг тоби қочиб қолган бўлса

керак. Шунинг учун секин ҳайдаяпти, шекилли», деб ўйлади Нозима. Шу билан на ҳайдовчи, на Нозима орқада қорама-қора судралиб келаётган машинага қарамади.

Нозима таксидан тушгач, одатдагидек қўни-қўшниларга дуч келмаслик учун шошиб иккинчи қаватга кўтарилиди. Ҳамдам ҳали келмаган эди. Сумкасидан ўзининг калитини чиқариб, эшикни очди. У эшикни очаётган пайтда пастдан қадам овози эшишилди. Йўлакка кимдир киргандай бўлди, бу уни яна ҳам шоширди: «Тезроқ кириб олай. Биров-яrim, таниш-билиш кўриб қолмасин».

Ичқарига кириб, энди ойнани очаётган эди, эшик қулфига калит солиниб, шарак-шуруқ буралди-да, даранг этиб, темир эшик очилди. Ҳамдам билан бирга йўлакдан хонага кабобми, мантими, аллақандай ширин таомларнинг хушбўй ҳидлари кирди. Нозима югуриб бориб, Ҳамдамнинг бўйнига осилди.

— Шошиманг, эшикни қулфлаб олай. Йўлакда бегона кишини кўрдим. Мен уни эрингизга ўхшатдим.

— Нима? Сиз эримни қаердан тапијисиз? — юраги қинидан чиқиб кетай деди Нозиманинг.

— Бир марта узоқдан кўрсатишганди. Яна билмадим, адашган бўлишим ҳам мумкин. Сиз қачон келган эдингиз?

— Ҳозиргина... — бирдан Нозиманинг ёдига «Жигули»да ўтирган шапкали одам тушди. Ахир у Сардор эди-ку. Одам ўз эрини ҳам танимаслиги мумкинми? Сардор ҳеч қачон шапка киймас эди, яна букчайиб ўтириб олган ва у қараши билан юзини нариги томонга бурди. Демак, касал бўлгани учун эмас, кузатаётганини сездирмаслик учун ётиб олган.

Улар дарҳол ичкари хонага киришди:

— Қайинсинглим сотган, — алам билан шивирлади Нозима.

— Ўзи изингизга тушган бўлиши ҳам мумкин.

— Эшикни очмаймиз.

— Хўп, қўрқманг, эшикни очмайман. Сиз ма-  
нави шкафнинг ичига кириб олинг.

Шкафнинг ичидагимнинг катта пальтоси илиғлиқ турган эди. У ана шу пальтонинг ичига кириб олди. Энди шкафни очса ҳам уни ҳеч ким топа олмайди. Унинг жойлашганини кўриш учун шкафни очган Ҳамдамга пальто ёқасидан бошини чиқариб, «Мени бу ердан ҳеч ким тополмайди,  
хайр», деди кулиб. Ҳамдамнинг ҳам кўнгли бироз хотиржам тортди.

Шу пайт эшикнинг қўнғироғи босилди. Ичкаридан жавоб бўлавермагач, тарақлатиб тепила бошлади:

— Ит эмган Ҳамдам, эшикни оч! Оч деяпман, мен икковингни ҳам шу эшикдан кириб кетганингни кўрдим. Очмасант, ҳозир маҳалла раиси билан участка нозирини чақириб, эшикни бузиб кираман. Яхшиликча оч деяпман.

Эшикни очмасликдан бошқа чора қолмаган эди. Шу тахлит бақираверса, ҳали-замон бутун маҳалла унинг эшиги ёнига йифилади. Иккаласини ҳам кўрибди, энди яширадиган ҳеч нарса йўқ. Ҳамдам ич-ичини ларзага солаётган титроқни зўрга босиб, эшикни очди:

— Тинчликми, ака!

Сардор эшикдан қуюндеқ ёпирилиб кирди:  
қархисида туриб қолган Ҳамдамни ёқасидан ту-  
тамлаб, бир четта улоқтириб юборди.

— Қани у, канжиқ?!

— Тушунмадим, кимни сўраяпсиз? — ўзича елка қисди Ҳамдам. Ичкарига аланг-жаланг қараётган Сардорнинг кўзи оstonада турган Нозиманинг туфлисига тушди. Туфлиларни алам билан Ҳамдамнинг ёнига тепиб юборди.

— Бу ёққа чик, ҳей қанжиқ! Чик бу ёққа! Чи-ик!

Ичкаридан ҳеч қандай садо эшитилмади, катта хонада фақат Сардорнинг ҳансирағ нафас олиши эшитилиб турарди. У бир сакраб ичкари хонага кирди. Бўм-бўш хонага бир қур назар солди-да, худди бирор кўрсатиб тургандай бурчакда турган шкафни очди ва пальтони суриб кўраётган кўллари Нозиманинг елкаларига тегиб кетди. Пальто сидирилиб кийим илгичдан тушдида, Нозиманинг усти очилиб қолди.

Сардор бир зум харакатсиз қотиб қолди. У жиққа терга тушган, ранги қоп-қора бўлиб кетган, чеккаларида ўқлоғдай кўм-кўк томирлар кўзга ташланиб турарди.

Иккаласи ҳам бир-бирига тикилган қўйи бир зум тек қотди. Бири ўзини оқлашга, иккинчиси юрагига тушган ўтни таърифлашга муносаб сўз топа олмас эди. «Хозир иккаласини ҳам бўғиб ўлдираман», деб иккинчи қаватга кўтарилган Сардор сўнгги дақиқагача, оstonада таниш пой-афзални, кресло четида хотинининг сумкасини кўрганда ҳам иккиланганди. «Ахир заводдан биттагина нусхада чиқмагандир хотинимнинг туфлиси ёки сумкаси». Аммо Нозиманинг жовдираб турган кўзларига кўзи тушиши билан бор дунёсини ютқазган қиморбоздай бирдан бўшашиб, шалвираб қолди. Онанинг оғзига қараб ўсан ҳамма йигитлар каби у одобли ва анча кўнгилчан

эди. Муштлари қаттиқ қисилди, баданидаги ҳар бир мүй тиши-тик бўлди, эҳтимол қорачиглари кенгайиб, олхўридек бўлгандир, аммо оёклари турган ерига гўё ёпишиб қолган эди.

— Суф, сенга! — ниҳоят ич-ичидан гулдираган овоз эштилди. — Талоқсан, ифлос! Уч талоқ, минг талоқ! Қайтиб юзингни кўрмай! Талоқсан, талоқ!

«Талоқ» сўзи айтилганда Аллоҳнинг аршдаги курсиси ларзага келар әкан, дейишар эди. Шу лаҳзада еру осмон ларзага келгандай бўлди.

— Талоқсан, талоқ! Уч талоқ, минг тало-о-оқ!

Шу сўзларни айтиб, шаҳд билан ортига бурилган эди, оstonада даг-даг титраб турган Ҳамдамга тўқнашиб кетди. Ичидан бир нарса узилиб кетгандай бўлди, тишлари бир-бирига қапишиб қолди. Бир кўли билан Ҳамдамнинг ёқаларини тутамлади, иккинчи кўли билан лунжига мушт туширди. Ҳамдам қалқиб кетди, аммо на қаршилик кўрсатди, на четга ўтди. Сардор бор қахрини яна муштига жойлаб, иккинчи лунжига туширди. Яна, яна, яна!..

Ҳамдам кетма-кет тушаётган зарбларга бардош бера олмай, бошини билаклари орасига олганча чўккараб қолгандан кейин ҳам Сардор ўзини боса олмади. Бурчакда ғужанак бўлиб ётган йигитни тепиб-тепиб, сўнг ташқарига чиқиб кетди.

Анчадан сўнг Нозима шарпадек судралиб ич-каридан чиқиб келди. Уни кўриб Ҳамдам бир амаллаб ётган жойидан туриб, деворга суянганча оёқларини узатиб ўтириб олди. Унинг ёқавайрон аҳволини кўриб Нозима чуқур хўрсинди, аммо ўзининг аҳволи ҳам унидан дуруст эмас эди, ич-ичидан ҳорғин бир нидо чиқди: «Шарманда

бўлдим». Бориб, Ҳамдамнинг ёнига чўккалади:  
«Энди нима қиласиз?»

Ҳамдам зўрга қўлини узатиб, уни елкасидан олди: «Ҳали ҳаммаси яхши бўлади».

— Яшириб кўйган пулларим, тиллоларим бор эди... Ҳаммаси уларга қолиб кетди.

— Онангизга айтасиз, олиб келиб беради.

Шу топда юраклари симиллаб, болаларини жуда-жуда соғинганини ҳис қилди:

— Болаларни беришармикан?

— Бермай нима қиласи? Бола ҳамиша она билан кетади.

Улар шу ўтиришда эшикларни ҳам қулфламасдан узоқ ўтиришди. Иккаласи ҳам хуфиёна учрашувларга кониқмай, қачон бир-бирларига таоман тегишли бўладиган кунлар орзусида яшар эдилар. Шундай кунлар ўз-ўзидан уларни йўқлаб келганда, интилган довонлари юракка қадалувчи тиконларга, илон-чаёнларга тўла дилозор бир мақон эканлигини кўриб, ҳафсалалари пир бўлди.

...Онаси пешонабандининг четларидан тўзғиб кетган оппоқ соchlари чиқиб, этакларини липпасига қистириб, дарвоза олдидаги бетон йўлка устида қўш гиламни ёйиб олиб, невара қизи билан ювишаётган экан. Бошқа пайт бўлганда «Оқбилак ойимларингиз қани? Энди шуларнинг шиптирларини ҳам сиз ювасизми?» деб, шартта ишни тўхтатган бўлар эди. Бугун индамади. Шўрлик онаси энди унинг шиптирларини ҳам қўшиб ювадиган бўлди.

Ирис хола кизининг ранг-рўйини кўриб, тинч эмаслигини билди, ичига илон киргандай бўлди. Ўзи кичкинагина гиламчалар эди, шуларни ҳам ювиб бўлгунча, кора терга тушди. Аксига олиб, нима ишга уринса, қўл солишиб турадиган катта

келини шу бугун онасиникига кетган эди. Кичик келинга-ку, бир парча бола битган, хўлқозик, баҳонаси шу, «лу-лу», «лу-лу», уйғоқ бўлса, қўлидан қўймайди, ухласа, қўшилиб ухлайди. Булар бола ухлаганда ишларимни қилиб олай, деб югуриб юришар эди. Ҳозирги ёшлар боласи ухлаганда ўзлари ҳам қўшилиб дам олиб олишлари керак.

Ёшгина бўлиб туриб, арзимаган ишлардан қочиб, болани баҳона қилиб, ўзларини ҳар ёнга ураверишидан фижини келади унинг. Бугун ўзича файрати жўшди, кирсода бўлса, сув шариллаб оқиб ётса, бир уринса ювиб ташлайдиганга ўхшаганди. Ёш ўтгандан кейин, барибир, қийин экан. Бу ёғи қизининг ранги ўчиб кириб келиши белини совитди. Амал-тақал қилиб, ишини охирига етказиб уйга кирганда, Нозима уйнинг қоронги бурчагига тўшалган кўрпачанинг устида тўнтарилиб ётарди:

— Ҳа, Нози, нима бўлди?  
— Ўзим... — унинг овози бўғиқ чиқди, кетидан бурнини ҳам тортди. У йиглаётган экан.

Ирис хола оқем бўлиб кетган қўллари билан терларини сидириб, қизининг бошига бориб чўнқайди.

— Бирон гап бўлдими?  
Нозима ўрнидан туриб, онасининг бағрига ўзини ташлади, сўнг ўкириб йиглаб юборди.

— Энажон, менга талоқ тушди. Эрим мени талоқ қилди! Мен хато қилиб қўйдим:

Ирис холанинг ҳуши бошидан учиб кетди. Хўнграб йиглаётган қизини бағридан ажратиб, юзларига қаради:

— Бу нима деганинг, бадбаҳт! Қанақа талоқ?  
Қанақа хато?!

— Эрим мени ушлаб олди, эна-а-а!.. Энди нима қиласан? Шарманда бўлдим!

Ирис холанинг нафаси ичига тушиб кетди. Беихтиёр савқи табиий хавотир билан эшик томонга қаради: «Келин-пелин изидан кириб, эшишиб қолмадимикин?» Сўнг ҳамон жазавага тушиб, ўкириб йиғлаётган қизига қаради:

— Ҳай, секин, секироқ ер юткур!

Аммо, айни пайтда, Нозима ўзини идора қиладиган ҳолатда эмас эди. Йиғлаб-йиғлаб толиккандан сўнг жим бўлиб колди, кўз ёшлари ҳам қуриган эди. Ним қоронғи хонада фактат унинг бурун тортган овози эшитилар эди. Она бола анча пайт шу зайлда ўтиришди. Нозиманинг бурун торгиши ҳам тугагандан сўнг Ирис хола унинг елкасидан ушлаб, ўзига қаратди:

— Энди гапир, бадбаҳт қиз, нима қилиб кўйдинг? Эринг ким билан ушлаб олди?

Нозима ерга қаради.

— Сен, бошингда эринг, олдингда болаларинг бўла туриб, қайси ақлинг билан шундай ишга кўл урдинг? Энди қандай бош кўтариб юрамиз?

Нозима яна йиғлай бошлади.

— Энажон, энди мен яшашни истамайман, ўзимни ўлдираман!

«Ичингдан чиқсан ола илон, ол-да, белингга бойла». Нима қилган бўлса қилган, қилиб бўлган, энди жонига қасд қилсинми? Ўғри ҳам, не-не каззоб-қотиллар ҳам сиқсан дунёга наҳот унинг шу бадбаҳт қизи сиғмайди?!

Ирис хола сурилиб, қизига яқинроқ борди, секингина елкаларидан қучиб, уни бағрига олди:

— Олдин мени ўлдир, болам. Сенларнинг ортингда қолгулик қиласин. Ўзингни кўлга ол.

— Мен тамом бўлдим, эна, — Нозима ич-ичидан тошиб келаётган ўкирикни сиртга чиқармаслик учун лабларини қаттиқ тишлаб, онасининг елкасига бошини қўйди. — Тамом бўлдим!

Нозима йиғлай-йиғлай, бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берди.

— Бўлди, қизим, энди дод-фарёдан фойда йўқ. Пешонангта нима ёзилган бўлса, кўраверасан. Отанг билан укаларинг билмагани маъқул, — у қизининг соchlарини силади. — Энди ётиб, пича дамингни ол. Менам бирпас чўзилай, юракларим тўкилиб, силлам қуриб қолди.

Она-бала уйнинг икки томонига солинган якандозга чўзишлишди, кўп ўтмай Ирис холанинг бир маромда пишиллаган овози эшитилди. Она-сининг бирпасда пинакка кетгани Нозимага алам қилди. Қайнонаси рост айтган экан: «Кези келганда она деганлари ҳам, бола деганлари ҳам бекор. Қайси янтоқقا ўт тушса, ўзи ёниб, ўзи ўчади». Мен ёнгинасида ёниб ётибман, бу кишим уйқуга кетдилар».

Бу воқеа шу бугуннинг ўзидаги мактабга етиб боради. Энди Маҳбуба Султоновнага яна кун туғади. Кенгашда мароқ билан маъруза қиладиган бўлди: «Биз халқнинг болаларини кимнинг қўлига бериб қўйибмиз. Бу қизнинг молпарастлигини олдиндан билар эдим. Ҳамма бармоқларини тўлдириб, ялтир-юлтир узук тақиб юрганларида онасидек бўлиб, бир неча марта насиҳат қилганман. Аммо насиҳатларимни олмади. Мана, натижада нафақат ўзининг, балки бутун мактабнинг юзини ерга қаратди. Энди ота-оналар бизнинг мактабда ўз фарзандларини ўқитишни истамайди, ҳоказо, ҳоказо...»

«Уф-ф!» У секин ўрнидан турди. «Ортиқ бундай яшаб бўлмайди». Ҳовлига чиқиб, супа четида турган офтобада юз-кўлларини ювди, сўнг секин оғилхонага кирди, димоғига ачимсиқ гўнг ҳиди урилди. Укаларининг тўйидан бери пул орттириб сигир ҳам қилишолмади. Шунинг учун бу хона кўздан пана бир омбор бўлиб қолган. Отаси жуда саришта одам эди, одамларнинг уйида ҳар жойдачувалалиб, думалаб ётиши мумкин бўлган нарсалар бу уйда жойини топиб, тартиб билан териб қўйилади, бир қозикда ҳар хил арқон, бир қозикда занжирлар, бир четда бел, кетмон, паншаха...

**«Ортиқ бундай яшаб бўлмайди!»**

Арқонларда таппи юклари қотиб қолган, кирва сассиқ эди. У бироз жирканиб, энг йўғон арқонни олди. Бир четда турган охурни ўртага суриб, унинг устига чиқди ва арқонни оғилхонанинг вассасидан ўтказиб, илмоқ ясади. Беихтиёр боши оғир бўлиб кетаётгандай бўлди, чукур «уф» тортиб, бошини чайқаб қўйди. Сўнг бир қўли билан арқонга осилиб, пастга қаради. Энди бошини шу илмоқка тикиб, оёқлари остидаги охурни тепиб юборса, кифоя. У секин илмоққа бошини тиқди ва шу дақиқада кеча кўрган тушини эслади, қанийди, шу сассиқ арқон эмас, тушида кўрганидек, Сардорнинг қўллари бўғиб ўлдирса эди. Афсус!.. У шаҳд билан охурни тепиб юборди... Шу чоқ қаердандир ёшгина жувоннинг шангиллаган овози эшитилди, кимдир оёқларини қучоқлаб олганча, дунёни бошига кўтарганча бақира бошлади. Унинг эса тобора нафаси бўғилиб борарди, кўп ўтмай хеч нарсани англамай қолди.

У касалхонада кўзини очди. Бошида онаси ҳиқиллаб ўтиради:

— Вой, болам-эй! Ҳаммамизни тириклайин гүрга тиқмоқчимисан? Бу нима қилганинг, ахир?! Яхшиям келин ҳовлида боласини күтариб юрган экан. Опам оғилхонада нима қилаяпти, деб эшикдан қараса!.. Вой, болам-а! Олдин мени ўлдир, кейин нима қилсанг, ихтиёр ўзингда.

Нозима бўйнида қаттиқ оғриқ сезди, секин қўлларини оғриётган жойга олиб борди. Бўйни бинт билан боғлаб қўйилган эди.

— Эна! — томоги оғриб қолгандай зўрға гапирди, — Бориб болаларимни олиб келинг. Шкафимнинг энг юқори токчасида тўртта пойафзал қути бор. Энг ичкарисидаги қутининг ичида пулларим ва тиллоларим бор. Шуларни, кейин кийимларимни олиб келинг.

— Э-э, болам-эй, пул билан тилло нима бўлар эди? Жонинг омон қолди, бўлди.

— Эна, кўп жавраманг, — у қийналиб, секин гапираётган бўлса ҳам нигоҳлари совуқ ва хотиржам эди. — Менинг яшашим учун пул керак. Шу бугун Нигорани олиб, бирга боринг-да, айтганларимни олиб келинг.

Ирис хола бир муддат жим бўлиб қолди, аслида кўпам орқа-олдини ўйлайвермайдиган аёл бўлса-да, айни пайтда кудаларнинг уйига боришга юзи чидамаётган эди.

— Болаларни беришмаса кераг-ов, улар. Робия кампир невараларини бергунча, жонини беради, — деди анчадан сўнг секингина, — яна билмадим.

— Беради! — Нозима қошларини кериб тарькидлади. — Бермай ҳам кўрсин-чи! Болалар ҳар қандай вазиятда она билан қолиши керак.

— Менга қара, болам, бундай қилсак-чи, — Ирис хола астагина қизининг қўлларидан ушла-

ди. — Ҳозир бориб, кийимларингни, пулларингни, тиллоларингни олиб келсам. Болаларга пича шошмай турсак. Беш-олти кун турса, ўзлари ҳам безор бўлишади болаларнинг ташвишидан. Уйда касал кампир бўлса, шунинг ташвишиям етарли бўлиб ётгандир. Бизнинг уйимизда, ўзинг билласан, икки келин, тўрт невара, уларга сеники ҳам қўшилса... Охири ажрашадиган бўлсанг, бир жой-пой тараддуд қил, кейин болаларни олсанг, бемалол бўлади. Нима дейсан?

Онасининг авайлабгина айтган андишаси унинг суюк-суюгидан ўтиб кетди:

— Энажон, нималар деяпсиз? Наҳотки икки гўдагим билан ота уйимга сифмасам? Шундай экан, ҳаётимни сақлаб қолишининг нима кераги бор эди? Ана, ўғилларингиз бола-бакраси билан ўтирибди-ку, пенсияларингизни е-еб! Ана ўшалар жой ахтарсин, белида белбори бор эркаклар! Уф-ф! — у алам билан бош чайқади, томогининг йўлида нималардир қаттиқ оғриди, қўлини бўйнига қўйиб, зўрға ютиниб олди. — Эҳ, эна, эна-я! Кўрқманг, жой топаман, кетаман, аммо сал ўзимга келиб олгунимча оналик қилиб туринг!

— Эҳ, болам-а, сени ҳеч ким хайдаётгани йўқку! — астойдил куюнди шўрлик она. — Албатта, ўзингга келгунингча ёнимизда турганинг маъқул. Менинг айтмоқчи бўлганим, манави янгалар эрта бир кун болаларингни туртса, орага совуқчилик тушади, эзиласан, деяпман-да. Ҳаётинг изга тушиб кетса, болаларни судлашиб бўлса ҳам қайтариб олаверасан.

— Йўқ, эна, — қатъий бош чайқади Нозима. — Мен уларни уйида бир кун ҳам рўшнолик кўрганим йўқ. Неча йилдан бери бриллиант узук-сирға оламан деб йигиб юрган пулимга синглиси-

га бриллиант олиб берди. Ландавур эрим отасига ўхшаб бир умр онасининг оғзига қараб яшади. Яна минғир-минғир қилиб миямни эговлагани эговлаган эди. Шуларнинг қош-қовоғига қараашдан тўйиб кетган эдим. Мен у ҳовлида нафас ололмас эдим. Ўзимга ҳаётдан бир ёруғлик, нур ахтариб, шу ишни қилиб қўйдим. Аслида хаммасига уларнинг ўзи айбдор. Ҳаммаси учун жавоб беришлари керак улар. Энди шу ахмоқларга болаларимни дастёр қилиб ташлаб кетаманми? А? Йўқ, хеч қачон! Болаларимни олиб келасиз. Менинг ўз уйим бўлади. Мени шу кўйга солгани учун эримдан ҳам, Ҳамдамдан ҳам қасд оламан. Ҳамдамнинг уч хонали уйи бор, шуни беради. Унгача болаларимга сиз қараб турасиз.

Ирис хола индамай бош ирғади: «Хўп». Унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди.

\* \* \*

Робия холанинг кўнгли эрталабдан ғаш бўлди. Тушлик яқинлашавергач, бу ғашлик яна ҳам ортди. Тиқ этса, эшикка қараб ётаверди.

Ўша воқеадан кейин то Нозима уйга келмагунча, кишибилмас йўл пойлайдиган одат чиқарди. Нозима так-туқ юриб, айвонга киргандан кейингина кўнгли хотиржам тортади. Нозима ҳам унинг кутиб ётганини сезадими, биринчи унинг хонасига бош сукади. Совуққина қилиб бўлсада, салом бериб, «мен келдим, хола», деб, сўнг ўзининг хонасига кетади. Аммо, барибир, кампирнинг кўнгли нотинч, ҳар кимнинг инсофини ўзига берсин, келин вақтида кетиб, вақтида келиб юргани билан, ким билади, дарс вақтида нима иш қилиб юрибди. Ўсли билан жойлари бўлак бўлса, гаплашишмаса...

Бир маҳал дарвоза шарақ этиб очилди, сўнг ховлидан қадам товуши эштилди. Қадам ташлашидан билдики, бу Нозима эмас, Сардор. Нега у бунча эрта қайтибди? Кампир эшикка қаради, аммо келувчи айвондан тўғри меҳмонхонага ўтиб кетди: «Ҳа, Сардор экан!» Бирпас ётиб, дили ўксиди: «Бир кирмадиям...»

Кун пешиндан оғди. Куёш унинг деразаси томонга ўтиб, хонани астойдил қиздира бошлиди. Оллоқул бобо келиб, деразанинг қалин пардасини тортиб кўйди. Хона бироз салқин бўлгандай бўлди, лекин, барибир, ҳаво иссик эди.

Кампир амаллаб тирсагига таяниб туриб ўтириди. Худди бир нарса тилаётган тиланчикдек чолининг кўзларига жавдираб қаради:

- Нозима келмадими?
- Йўқ, мажлис-пажлиси чиқиб қолганми?
- Боя келган Сардормиди? Нега бунча эрта қайтибди? Бир кириб сўрашмадиям...
- Билмасам, кампир, нимагадир гури йўқдек кўринди менгаям. «Ҳа?» десам, «ўзим» деди-да, уйга кириб қетди. Машинасини ховлига киритишгаям ҳафсала қилмади.
- Ишида бирон гап бўйтимикан-а, — баттар сикилди кампир. — Бир юришни ҳам ўргатмайсиз! Кўлтиктаёқда бўлсаям, бошига борар эдим, нима бўлди, деб сўпар эдим. Бу нима ўтириш энди? Уф-ф!
- Э-э, кампир, сен билан машқ қилиш учун бир бақувват йигит керак. Иложи бўлса-ку, икки томонингда икки киши тургани маъқул. Юргизаман, деб йиқитиб қўйиб, болаларингдан балога қолиб юрмай дейман-да, — бобо кампирига нафи тегмаганидан астойдил ўкинди. — Менга қолса-ку,

мўлтираб ўтиргандан кўра, секин-аста юраверганинг маъқул.

— Болалар ҳам омон бўлсин. Ўғил еб ўрга, қиз еб қирга кетар, деганлари шу-да. Олти боламиз неча олти бўлди, аммо бирори келиб, мен бечорага юришни ўргатай демайди. Ҳаммасининг иши кўп, иши зарил!.. Боринг, Сардорни чақиринг, мени юрдирсин.

— Индама, ухлаётган бўлса керак. Пича дам олсин, ҳамиша чарчаб юради.

— Боринг бўлмаса, Гулзорни чақиринг. Иккалангиз икки қўлтиғимдан кириб, қўлтиқтаёқда юришни ўргатасизлар.

— Сенга нима бўлди, мунча ториқдинг? Э-э, бесабр-эй. — Бобо бош чайқаб-чайқаб, Гулзорни чақиргани кетди.

Хали оғриқ жуда кучли экан, сал юрмай чарчаб, кора терга тушиб қолди. «Вой-вой, ушланглар, секинроқ ушланглар!» дея бақира-бақира, ётган хонасининг гирдини зўрға уч марта айланди.

Жойига ўтиргандан сўнг ўзидан мамнун бўлди:

— Шуям катта гап-да. Бугун уч марта айландик, эртага беш марта айланамиз. Сардорингизни кутиб ўтираверсам, умрим тўшакда ўтиб кетади. Энди ҳар кун икки маҳал Гулзор икковларингиз юргизасизлар.

Сардор анча кеч турди. Нозимадан эса дарак бўлмади. Болаларни боғчадан олиб қайтган бобо ҳам хавотирга тушган эди.

— Кампир, келининг келмаяпти-ку.

— Билмасам...

— Сигирни нима қилсан экан? Гулзорга айтаман-да, бир бало қиласиз.

— Сардорни буёққа айтиб юборинг, — Сардорни кўрса, Нозиманинг нега кечикаётганлигининг сабабини билиб оладигандай бўлаверди.

Сардор ҳақиқатан ҳам жуда кайфиятсиз эди. Ранги чўяндек қорайиб кетган, кўзлари қизариб турарди. У оғир жазога ҳукм қилинган маҳкумлардай судралиб хонага кирди. Индамай онасининг қаршисидаги кўрпачага чўккалади.

— Яхшимисан, ўғлим? Бу нима юриш?

Сардор елка қисди:

— Ўзим.

— Нозима қаерда?

Сардор ерга қаради, шу дақиқада унинг елкалари кичрайиб, жуда озиб кетгани сезилди: «Оҳ, шундай боламни эзив, сил қилди бу мегажин!»

— Нозима энди келмайди...

— Нега? — кампирнинг ётавериб ҳоврикиб кетган қўзлари катта-катта очилди.

— Мен уни талоқ қилдим.

— Қандай қилиб? Биз билан бир оғиз маслаҳатлашмай, ўзингдан-ўзинг ҳал қилиб қўявердингми? — кампирнинг кўнглига совуқ бир шамол урилди, бутун вужуди музлаб кетгандай бўлди.

Сардор онасининг қўзларига қараб, бир зум тараддуланиб қолди:

— Шундай қилишга мажбур бўлдим, эна. Менга болаларинг бор, деган гапни айтманг. Энди у гапга сира ўрин йўқ. Мен уни... ушлаб олдим.

Робия кампир бошқа ҳеч нарса сўрамади, Сардор ҳам ҳеч нарса демади. Фақат хонадан чиқиб кетаётиб, онасининг ранг-рўйидан хавотирландими, ерга осилиб турган оёкларига энгашди:

— Келинг, ётқизиб қўяй, пича дам олинг.

— Сардор! — ўғли остоңага етганды яна чакирди.

— Ха, эна? — унинг кўзлари аввалгидан ҳам қизарип кетган эди.

— Сен... уни уриб, ўлдириб... қўймадингми ўзи?

— Мен унга тирноғимни ҳам теккизганим йўқ, сиз сира хавотирланманг. У яшаши керак, эртага афсус қилиб, пушаймонлар ейиши учун ҳам яшаши керак.

— Худога шукур, ўлдириб қўймаган бўлсанг, бўлди.

— Мен машинани киргизай...

«Дада»лаб чопиб кирган болаларини бир-бир кўтариб, бағрига босди-да, индамай ташқарига чиқиб кетди.

Кампирни келинининг хиёнатидан ҳам бурун ўғлининг маҳзун ҳолати кўпроқ ташвишга солаётган эди. «Халиям боламнинг эси бор. Чавақлаб ташлаб, қамалиб кетганда мен нима қиласр эдим? Бу мегажинни эсини йифиб олгандир деб юрсам!.. Ха, жувормаг. Палақатинг ўзингдан бери келмасин, илоё».

Кампир нохуш янгиликка тез кўнди: «Қайтамга яхши бўлибди. Бир марта хиёнат қилган одамнинг кейин тўғри юриши қийин. Шундай даҳшатли сирни ўғлидан яшириб, ҳамиша ошига пашша тушгандай кўнгли хит бўлиб яшашнинг ўзи бўладими? Ўзи пиширган ош, ўзи танлаган такдир бу. Айланиб-ўргилиб ичаверсин».

Орадан икки кун ўтиб, чошгоҳ пайти кенжада қизи билан қудағай келди. Оллоқул бободарвозанинг олдидаги полдан беда ўраётган эди. Келганларни кўриб, ранги учди, лекин сипогина сўрашиб, ичкарига бошлади. Ҳамиша босган

ерим миннатдор, босмаган ерим гинадор, дегандай кибр билан солланиб юрадиган қудағай елкасини кисибгина ичкарилади. Қимтинибгина Робия кампир ётган хонага кирди. Кампир диваннинг устида оёкларини ерга осилтирганча, қўлтиқтаёқقا суяниб, телевизор кўриб ўтиради. Бу аёлнинг бугунми, эртами, шу тахлит кириб келишини билган, кутган бўлса-да, анчайин бир қўшнини кутгандай хотиржам қарши ололмади. Пир-пир учайдиган лаблари, тиззалари устида титраб турган қўллари унинг ичидаги ғалаённи айтиб туради. «Сенга ҳам, тарбия берган қизингга ҳам минг лаънат!» деган сўзларни бир амаллаб ичига ютди.

Улар, ҳатто сўрашишмади ҳам.

— Узр, опа, тақдирни қўшилмаган экан...

Кампир тутаб турган эди, қудағайнинг бир оғиз гапи билан лов этиб ёниб кетди:

— Уни сиз қўшишни истамадингиз. Қачон бўлса, зерикдим, соғиндим, болам, бир келиб кет, деб чақиришни қўймадингиз. Борган жойингда бот, ўша уй сенинг уйинг, унга меҳр қўй, дейишнинг ўрнига, кайнонанг ундей, эринг бундай, тор қорнимга сикқан, кенг уйимга сиёмайсанми, кел, келавер, деб йўлдан урдингиз. У бу ерда бир умр омонат яшади, бу уйга ҳам, унинг одамларига ҳам меҳр қўймади. Шу ифлос ишни қилмаса ҳам, у бир кунмас-бир кун, барибир, кетар эди.

— Хўп, опа, у касалхонага тушиб қолди. Ҳалиги, ўзини осмоқчи бўлиб... Шунга кийим-бошларидан бир-иккитасини олай, деб келгандим. Менинг қўйлакларим унга тўғри келмаса... Синглисинг халатини кийиб ётибди, уям тор...

— Менга деса, ҳаммасини олиб кетсин. Сенларга нарса керак. Ўзи бир мошин-пошин олиб келиб, кўрпа-тўшагини олиб бориб ташланглар,

деб тургандим. Ҳаммасини олиб кетинг, бу уйда уни эслатадиган ҳеч нарса қолмасин, — кампир туриб-туриб жазавага туша бошлади. Ирис хола ўтираверса, бундан ҳам баттар беобрў бўлишини ўйлаб, секин ўрнидан қўзғалди:

— Майли, биз борайлик.

— Ҳа-а!.. Ирис бойбичча, қизимни ажратиб оламан деб-деб, охири ниятингизга етдингиз. Такдир йўлларимизни туташтирган кунга минг лаънат. Қанийди, ўша кун менинг ҳаётимда бўлмаганида, манави икки гўдак тувилемаганида эди...

— Энди-и, қудағай, биласиз, қарс икки қўлдан чиқади. Бу ерда ким ҳақ, ким ноқақ, бир худога аён. Лекин эшигингизда қизимнинг чироий очилиб юрганини ҳеч кўрмадим.

— Мен ҳам етти йилдан бери шу қизингизнинг қовоғига қараб чарчаган эдим. Унинг бирор кун кўрган кунидан, биздан рози бўлиб, бизни эл билиб, очилиб-сочилиб ўтирганини кўрмадим.

— Опа, ўғлингиз нотўғри тушунган. Биз бир уй олмоқчи бўлиб юрган эдик. Бир ҳовлида икки келин билан қийналиб қолдик, бир уй суриштир, деган эдим. Қизим уй кўргани борган, ўғлингиз нотўғри тушуниб, «талок» деб юборибди.

— Э-э, қўйинг, Ирис бойбичча, — кампир кўзларини юмиб, хорғин бош чайқади. — Уй кўргани борган одамнинг қўлида калит нима қиласди, у эгасидан олдин уйга кириб ўтирадими? Менда қизингизнинг ўша жуворманг билан телефонда қилган гурунглари ёзилган тасма бор. Буни ўзига ҳам айтган эдим. «Ҳай, келин, менинг ҳаммасидан хабарим бор. Ўғлимга айтмайман, чунки болалар етим бўлиб қолмасин, деяпман. Орқа-олдингга қараб юр. Оиланг бузилиб кетмасин-а, дедим.

Нима бўлса ҳам ҳамма оғирликни ўзимга олган эдим. Мен сўзимда турдим, бўғзимга тиқилиб, кечалари ухлатмаган сирни ўғлимга айтмадим. Лекин қизингиз сўзида турмади».

Ирис холанинг бу гаплардан хабари йўқ эди: «Ерга солди, бу бадбаҳт! Аллақаердаги кетмончи нокасларнинг олдида тилимни қисик қилди».

— Биздан ўтган бўлса, узр, опа, — Ирис хола шу ердан эсон-омон чиқиб олиш ташвишида қўлларини кўксига қўйди. Кампир шу тахлит шангиллайверса, Оллоқулбой югуриб келиб, уларни қувиб солиши ҳеч гап эмас. Ҳали Нозиманинг кийим-бошларини йигиштириши керак. — Болами ҳам кечиринг, қарғаманг.

— Уни худо кечирсин. Мен ҳеч қачон ҳеч кимни қарғамайман. Ким қилмағай шул топмағай.

Ўз оёқлари билан юра олган одам қанчалар баҳтли. Ирис бойбичча шармандайи шармисор бўлиб ўтирган бўлса ҳам, юз карра, минг карра муттаҳам бўлса ҳам, унинг оёқлари юриб турибди. Айтар гапини айтиб-айтиб, ҳак гапи бўғзига тиқилган қудағайини шиптириши ҳиди ўриаб қолган дим хонага тапилаб чиқди-ю, кетди: «Аждарҳо! Оёғинг йўқ, шунча бўкирасан. Оёқларинг юрган пайтда қизимга кун бермаганинг аниқ».

Ирис бойбичча сириб боғланган икки тугунни ўзи, икки тугунни қизи кўтариб, уйдан чиққанда, Оллоқулбой бошини қуйига осилтирганча, ток соясидаги супанинг бир четида ўтирас эди. Бобо на бошини кўтарди, на тугун кўтариб олганларга бир нарса деди.

\* \* \*

Ирис хола уйга етиб келгунича, қиз тукканларига минг пушаймон еди: «Шундай қиз

туккунча, ит түсам бўлмасми? Кўнглинг йўқ экан, тинчгина ажрал. Одамларнинг қизига ўхшаб қайтиб кел. Беш-олти ой алоҳида туриб, ажралганинг элга маълум бўлгандан сўнг билган б... ингни еб юравермайсанми? Ох, мени ерга солди-я, бу қиз!

Катта-катта қизил гулли чойшабларга тугилган кийим-бошларни тарс этказиб хонанинг ўртасига ташлади. Ёқасига кўл тикиб, сийнабандидан рўмолчага ўроғлиқ тўрт тахлам пул ва беш-олтита тилла тақинчоқ чиқарди: «Ай, эси йўқ қиз-а, бу пул билан нима ишинг битиши мумкин. Яна икки болани ҳам ўзи боқар эмиш!»

Касалхонада ётган Нозима онасидан болаларни олиб келмаганини эшитиб, жазаваси кўзиди:

— Сиз бир парча нонингизни қизғаниб, атай олиб келмагансиз. Биламан сизни!

— Секин, хой, секин! Дўхтирларга томоша бўлишимиз шартми? Шунча шармандалик камлик қилаётими бизга? — қизини қайтариб ташлади Ирис хола. — Қайнонанг қирқ йиллик дардини айтиб, жавраб, еб қўйди. Агар болаларни олиб кетамиз, десак, у уйдан бир қил ҳам олиб чиқа олмас эдик. Орқаси тутиб, уриб ҳайдаб чиқаарди.

Бир томондан онаси ҳақ эди.

— Болаларнинг кийимларини ҳам олиб келдингизми?

— Ҳа, кўлга илашадиган бор нарсангни олиб келдим.

— Яхши. Касалхонадан чиқай, ўзим судга бераман.

Онаси бошқа гапирмади, бошидаги рўмолини ечиб, қайтадан боғлади-да, индамай хонадан

чиқиб кетди. Аслида бу шўрлик аёлнинг қўш келинили ғала-ғовур хонадонда ўзига тегишли биттагина хонаси бор эди. Эру хотин шовқиндан бе-зор бўлишганда шу хонага кириб, бирпасгина оёқ узатиб дам олишар, гурунг қилишар эди. Энди ўша сокин қўналға ҳам ке-етди!..

Касалхонадан чиқишидан бир кун олдин ҳовлиқиб Мастура келди. Бу пайтда Нозима-нинг бўйинбоғларини ечиб олишган, овози, ранг-рўйи ҳам анча ўзига келиб қолган эди. Мактабда «Маҳбуба Султоновна педкенгашга қўйдирман, дегани учун Нозима ўзини осмокчи бўлибди», деган гап тарқалиби.

— Бечора Маҳбуба Султоновна ўзини қаерга қўярини билмай, роса питирлаб қолди. Кейин эринг хайдаб юборганини эшитиб, пича ўзига келди. Нега урушдинг, эринг билан? — Мастура негадир унинг кўзларига ғалати бир синчковлик билан қаради.

— Ўзим...

— Ўзимни осаман, деб арқон излаб юргунча, шу қайнона билан эрнинг кўнглига йўл изласанг, ҳеч кам қилишмайди сени, дугон. Улар излаб келишдими?

— Йўқ, — кўзларини юмганча бош чайқади Нозима.

— Ҳалиям бўлса, кеч эмас. Иззатталаб бўлиб юрмасдан, касалхонадан чиқиб, тўғри уйингга бор, керак бўлса, кечирим сўра. Ойдай рўзғоринг, шундай келишган эринг бор, уни кимга ташлаб кетмоқчисан ва қаерга бориб, қандай жой олмоқчисан?

— Кўрамиз...

«Наҳотки, бутун дунё ахборотларидан боҳабар мактаб «дом»даги можародан бехабар қолган

бўлса?! Хабар топишгандир, фақат ўша можарода уларнинг Нозимаси шармисор бўлганини эшитмаган». Боиси, у «дом»да, асосан, руслар яшашар экан, кўпчилик бир-бирини билмас, танимас экан. Ҳамдам шунинг учун ҳам уни ўша «дом»га олиб борар эди. «Хайрият!» У ишимдан ҳам мосуво бўлдим деб ўйлаганди. Ҳозирча ишлаб тургани маъкул, қўлида бир-икки сўм пули бўлади. Энди Ҳамдамдан бир уй ундириб, болаларини олиб олса бўлгани.

Ҳақиқатан ҳам мактаб тинч эди. Ҳамма унинг бўйнига ўғринча қараб-қараб қўйса-да, ўзидан ҳеч нарса сўрамади. Бирон гап бўлиб, яна ўзини осиб қўймасин, деб қўрқишидими? Дарсдан чиқиб, тўғри прокуратурага борди.

— Бугун қабул куни эмас, — деди совуққина қилиб эшик ёнида турган қоп-кора зангидаи, билаклари енгига сиғмай, териси йилтиллаб турган йигит.

— Мен ўғилларининг ўқитувчисиман. Олдин ҳам бир марта келган эдим. Илтимос, кириб бир оғиз айтинг, ўғлингизнинг ўқитувчиси келди, деб. Қабул қилмасалар, кетавераман.

Йигит ўғил ҳақида гапиргандан кейин пича ўйланиб турди-да, иккинчи қаватга чиқиб кетди. Кўп ўтмай пастта тушиб, уни ичкарига киргизиб юборди.

— Э-э, сизмидингиз? Келинг-келинг, — прокурор уни ўрнидан туриб кутиб олди.

Кенг ва шинам хонада юмшоқ гиламларни босиб, унга қараб турган прокурор томон бораркан, ҳаяжон ва хижолатдан қоқилиб кетмасликдан бошқа нарсани ўйлай олмасди.

Прокурор у билан қўл олиб қўришди, столига тақаб кўйилган стол ёнидаги ўриндиқларга таклиф этди.

— Марҳамат, ўтиринг.

Нозима ортга чекиниб, хона гирдига айлантириб кўйилган стулларнинг бирига ўтирди.

— Аҳволларингиз яхшими? Бизнинг шумтакалар сизни чарчатиб кўйишмаяптими? Лекин улар сиздан жуда миннатдор. Яшанг, раҳмат сизга. Хўш, нима ташвишлар билан юрибсиз?

Нозима ерга қаради. Неча кундан бери миасида ишга тушган маржон янглиғ тизиб чиқсан сўзлари бирданига ёдидан чиқиб кетган эди.

— Биронтаси хафа қилдими? Тинчликми?

— Тинчлик. Менинг болаларимни олиб қўйишди.

— Ким, нега?

— Қайнонам билан эrim.

— Тушунмадим...

— Қайнонам жуда бой хотин, бир умр бригадир бўлган, олти боласининг ҳар бирига биттадан қаср қуриб бериб кўйган, — аста-секин унинг тили ечила бошлади. — Менинг ота-онам оддий ўқитувчи бўлгани учун бизларни ҳеч назарига илмасди. Камбағалсан, онанг сенга дуруст сеп қилмаган, деб ҳеч кун бермас эди. Охири тухмат ўюштириб, ўғлига айтиб, ҳайдаб юборди. Ўғлим билан кизимни ўzlари билан олиб қолди. Кампирнинг оёғи синган, уч ойдан бери туролмай ётиби. Менинг болаларимни яхши қўришгани учун эмас, кампирга қаратиш учун дастёр сифатида олиб қолишди. Илтимос, менга болаларимни олиб беринг.

Прокурор унга тикилган кўйи бир зум ўйланиб қолди.

— Хўш, исмингиз нима эди, Нозима? Ха, Нозимахон, бундай қилсак, мен эрингизни чақириб гаплашсан. Қайнонангизга Хотин-қизлар кўмитасининг раисини юбораман. Тушунмаган нарсаларини секин тушунтирамиз. Арзимаган сеп-сарпо деб, икки болали рўзгорни бузиб юбориш яхши иш эмас, ахир. Керак бўлса, қонун йўли билан озроқ пўписа ҳам қилиб қўйишим мумкин. Нима дейсиз? Болаларингизни олиб беришдан осон иш йўқ. Лекин рўзгорингиз бузилиб кетмасин, деяпман!

— Керак эмас. Улар менга тухмат қилишди, отимни бузукقا чиқаришди. Шундай номга тенг бўлгандан кўра ўлиб кетганим яхши деб, ўзимни осдим. Бахтга қарши бир тасодиф бўлиб мени кутқариб қолиши. Бир ҳафта касалхонада ётиб, бугун ишга чиқдим. Энди улар қабул қилишса ҳам, мен у хонадонга бормайман. Илтимос, болаларимни олиб беринг.

Прокурор ўрнидан туриб кетди. Худди ўзининг синглиси ҳакорат қилингандек қаҳри келиб, қалин қошларини чимиради.

— Унда бундай қиласиз, — деди у анчадан сўнг. — Ҳозир туман судига бориб ариза ёзасиз, раисга ўзим тайинлаб қўяман. Ҳеч қандай муаммо бўлмайди, — у «гап тамом» дегандай қўлларини икки томонга ёзди.

Нозима ҳам ўрнидан турди:

— Раҳмат сизга.

— Бизга яна қандай хизмат бўлса, bemalol келаверинг.

— Раҳмат.

Нозима прокуратуранинг биносидан чиққандан кейингина ўпкасини тўлдириб нафас олди: «Хотини жудаям бахтли аёл бўлса керак...» Проку-

рорнинг хонасидан уфуриб турган хушбўй ифор узоқ вақт димоғидан кетмай юрди.

Уйга келиб Ҳамдамга қўнғироқ қилди. У ҳар доимгидай қандайдир сершовқин жойда юрган эди:

— Ҳа, яхшимисиз, ошна? Нима гап?

Гап оҳангидан Нозима билан дурустрок гаплашиш нияти йўқдек кўринди. Бу Нозиманинг қаҳрини келтирди:

— Илтимос, ошна, шовқинли жойдан нарироқ ўтинг, — заҳарли пичинг қилди у. — Вактингиз бўлса, бир оғиз гапимиз бор эди.

— Хўп, хўп, ҳозир, — дарров ҳатосини тушунди Ҳамдам, бир дақиқадан сўнг шовқин-сурон эшитилмай қолди. — Энди гапираверинг, бошка хонага ўтдим. Тинчмисиз?

— Ҳамдам! — Нозиманинг жаҳли ҳали тарқамаган эди, яхши-ёмон деб сўрашиб ўтиргиси келмади. — Мен кўчада қолганимни, бунда сизнинг ҳам айбингиз борлигини биласиз-а?

— Биламан.

— Билсангиз, менга уй топиб беринг.

Ҳамдам анча вақт жим қолди.

— Нега индамайсиз. Ёки сизда ҳеч қандай масъулият йўқми?

— Йў-ўғ, нега ундей дейсиз, — Ҳамдам бироз дудуқланиб қолди. — Сизни кўчада қолдириш ниятим йўқ. Уй-ку, кўп. Факат иккинчи опам қаердандир сиз ҳақингизда эшитибди, Шоҳиста айтганми, ҳар бало деб ётибди. Бўлмаса, уйларнинг бирорига «ижарачи» деб кўяверардим.

— «Ҳар бало» деганингиз нима экан?

— Аёлларни биласиз-ку, «бораман, сочини юламан», «ундай-мундай», шу-да. Сизни уйимизга қўйсам, албатта, келиб текширишади. Кейин улар мени ҳам, сизни ҳам қўйишмайди.

— Унда мен нима қилай? Турган-битганингиз шуми?

— Йў-ўғ, мен уй топаман, фақат бир-икки кун сабр қилиб туринг. Ўзим сизга қўнфироқ қиласман.

— Мен сизни кўп кута олмайман.

— Тушундим.

«Эҳ, Шоҳиста!.. Шайтоннинг урғочиси! Шошмай тур, бошингга бир ўйинлар солайки, бу савдолар қаердан келганини билолмай тентак бўлиб юргин!»

Бирпасдан сўнг яна Ҳамдамга қўнфироқ қилди.

— Ҳа, тинчликми? — афтидан Ҳамдам танбех эшитишдан қўрқиб, холи жойга чиқиб, телефонни кўтарган.

— Менга қаранг, сиздан илтимос, шу Шоҳистадан биттагина қасдимни олиб беринг.

— Қандай қилиб?

— Эрига елимдай ёпишқоқ бир ўйнаш тошиб беринг. У шундай шаллақи бўлсинки, керак бўлса, келиб Шоҳистанинг сочини юлсин.

Ҳамдам «хо-хо»лаб қулиб юборди.

— Ох, сиз хотинлар! Сизлар чаток.

— Шундай номзод борми?

— Топамиз.

— Тезроқ топинг.

— Хўп, — Ҳамдам кула-кула телефонни ўчирди.

Нозима ҳам хаёлига келган фикрдан кўнгли ёришди: «Ҳали менинг совунимга кир ювмабсан!»

У суд бўладиган кунни ҳаяжон билан кутди. Қайноаси билан эри ҳеч қачон унинг хиёнатини элга ошкор қиласлигига ишонса ҳам, барибир қўркди. Чунки уни оналик ҳукуқидан маҳрум қилиб, болаларни ўзларида олиб қолишга шундан

бошқа асос йўқ эди. «Тухмат қилишяпти, деб туриб оламан. Ишқилиб, телефондаги ёзувларни олиб келишмасин-да. Йўғ-э, бунчалик пасткашликка боришмас».

Улар суд раисининг қабулхонасида учрашиди. Нозима энди келиб ўтирган эди, қабулхонанинг эшиги очилиб, аввал қайнотаси, сўнг қўлтиқтаёққа осилиб олган онасининг тирсагидан ушлаган эри кириб келди. Нозима беихтиёр ўрнидан туриб, салом берди. Аммо унинг саломига ҳеч ким алик олмади. Эри отаси билан онасини жойлаштиргандан сўнг, «Мен йўлакда бўламан, керак бўлсан чакиртирасизлар», деб ташқарига чиқиб кетди. Эрининг ранг-рўйи бир ахволда бўлса-да, оппоқ кўйлак, қулранг шим, тумшуғи узун чиройли туфли кийган, барваста қадди-қоматига кийимлари жуда ярашиб турарди. Беихтиёр унинг ортидан тикилиб қолгани эсига тушиб, хижолат тортди, котибага бир қараб қўйиб, юзини ҳар хил хонаки гуллар териб қўйилган дераза томон бурди.

Суд Нозима ўйлагандай, катта суд залида, қора костюмли салобатли раис, маслаҳатчилар иштирокида бўлмади. Уларни тўғридан-тўғри раиснинг хонасига таклиф қилишди. Бу хонада раис ва улар билан бирга кирган ғум-ғумалак қориндор йигитдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Раис Нозиманинг аризасини ўқиб эшиттиргач, бирин-кетин сўз берди. Сардор ўрнидан турғанда Нозиманинг бутун аъзойи бадани музлаб кетди. Беихтиёр ерга қаради. Шу чоқ бир ўтли хўрсиник ич-ичидан ёндириб ўтганини ҳис қилди: «Хато қилдим, эrim ёмон йигит эмас эди».

Ха, Сардор ёмон йигит эмас эди. У Нозимани умуман ёмонламади, ажрашишга рози экан-

лигини, лекин болаларга хотинининг уйида етарли шароит йўқлиги сабабли болаларни ўзлари ўрганган уйда, бобо билан момо тарбиясида қолдиришни илтимос қилди.

— Уларнинг уйида икки келин икки боласи билан, синглиси, ота-онаси туришади. Булар хам бориб қўшилса, бир уйда ўн бир-ўн икки киши бўлиб кетишади. Оналари ишга кетса, болалар тиқилинч, бегона шароитда, ўзлари ўрганган, меҳр қўйган яқинларини соғиниб қийналиб қолишади. Бизнинг уйимизда бобо билан момодан бошқа ҳеч ким йўқ. Бобо болаларни ўзи боғчага олиб бориб, ўзи олиб келади. Уйда бир жияним туради. У ош-овқат, кир-чир билан шуғулланади. Момолари болаларнинг тарбияси билан шуғулланади. Илтимос, болалар ўз уйларида қолсин. Онаси билан бирон учрашув кунини белгилассангиз, қўришиб туришларига сира қаршилигимиз йўқ.

— Катта неварам тўрт йилдан бери мен билан ётади, — бир амаллаб ўрнидан турган момо кўзига ёш олди, овозлари қалтираб, зўра гапиравди. — Болагинам бир кун хам менсиз ёта олмайди. Мен хам усиз яшай олмайман.

Бобо ҳеч нарса демади.

Лекин суд... «иккала томонни хам эшишиб», конуннинг «фалон-фalon» моддаларига асосланиб, «қарор қилди», «Даъвогарнинг даъвоси қондирисин».

Нозима учун шу дақиқада судьянинг хонасидан беҳавотирроқ жой йўқ эди. Ҳовлига чиқса, маломат тошлиари тагида қолиб кетишидан кўрқиб, ўтирган жойида қимиirlамай ўтираверди.

Сардор бир оғиз ҳам гапирмади. Лекин қайнонаси чиқиб кетаётуб, унинг рўпарасида тўхтади:

— Эй, менга қара, сенга шу болалар умуман керак эмас-ку. Ўзингдан ортиб, шуларга қараёлмаслигингни ҳам яхши биласан. Бизни қийнаш учун болаларни қийнашнинг нима кераги бор? Ахир сен уларнинг туқсан онасисан-ку. Наҳотки шуларга раҳминг келмайди.

Нозима индамади.

Сардор гапира-гапира йиглаб юборган онаси ning билагидан ушлаб, хонадан олиб чиқиб кетди.

Анчадан сўнг котиба кириб, уни ўз хонасига таклиф қилди.

— Янги иш кўрилиши керак эди, опа.

Нозима шундагина хона тўрида қаққайиб турган суд раисини кўрди.

— Кечирасиз, бугун оғир кун бўлди.

— Хечқиси йўқ, — деди раис, — Гулбаҳор, опангга чой-пой қилиб бер. Сиз хавотирланманг, болаларни ижро чилар олиб келиб беришади.

Болалар орадан бир кун ўтгач, изиллаб йиглаб келишди.

— Мен бу ерда турмайман, — бағрига тортаётган онаси ning кўлларини итариб ташлади Санжар. — Мен ўзимизнинг уйимизда яшайман. Мен бу ерни ёмон кўраман.

— Вой, болам, ундаи дема. Мен сени соғиниб кетдим. Сен мени соғинмадингми?

— Соғинган бўлсангиз, ўзимизнинг уйимизга юринг. У ерда момом билан бобом йиглаб қолди, — Санжар ўзи ҳам йиглаб юборди. — Мен сизни ёмон кўраман. Мен бу ерда турмайман!

— Ўғлим, сен йиглама. Эрта-индин бизнинг ўз уйимиз бўлади, кейин маза қилиб яшаймиз.

— Менга уй керак эмас, менга момом керак!

— Ана, — деди она-боланинг мунозарасини бир четда кузатиб турган Ирис хола. — Илоннинг боласи илон, чаёнинг боласи чаён, деб шуни айтадилар-да. Бу боланг ҳеч қачон сенга эл бўлмайди. Бу ўша кампирнинг тарбиясини олган.

Нозима онасиға ўқрайиб қаради.

Қизи индамай бағрига келди. Уни роҳатланиб бағрига босиб туриб, жуда-жуда ҳориганини хис килди.

— Она, энди биз ҳеч қачон уйимизга қайтиб бормаймизми?

— Борасан, болам, қачон уйни соғиндим, десанглар, юбораман.

— Бўлмаса, момом нега йиглади? Момом сизнинг юборишингизни билмаган-да. Сиз телефон қилиб, айтиб қўйинг, болаларингизни юбораман, йиғламанг, денг.

— Майли.

— Хўп. Олдин сенга ўзим тўйиб олай.

Ҳамдам ўзи айтганидан ҳам тезроқ уй топди. Кореяда ишлаётган бир ўрточининг пулни йўқотмаслик учун олиб қўйган икки хонали уйи бор экан.

— Жуда зўр бўлмаса ҳам ҳамма шароити бор. Телевизор, музлаткич, кондиционер, каравот... Эгаси жиҳозлари билан қўшиб сотган эди. Бироз чеккарор-у, лекин бўлади, зато тинч. Олдин бир кўрасизми, ё бирдан кўчиб ўтаверасизми?

— Эртага эрталаб бир такси юборинг, борадиган жойимизни ҳам ҳайдовчига тушунтиринг. Биз болалар билан кўч-кўронимизни олиб, ўзимиз бораверамиз. Ўзингиз ўша ерда бўп туринг.

Ҳамма жойини ўргимчак тўри ва чанг қоплаб ётган уйдан рутубат ҳиди анқиб турарди. Болаларнинг бирдан қовоғи уюлди:

— Она, биз энди шу хунук уйда яшаймизми, — дарров саволга тутди бижилдок Ноила. — Бундан момомнинг уйи чиройли эди-ку.

Нозима бир уф тортиб, индамай қўя қолди. Ўзига ҳам ёқмаяпти. Аммо нима қилсин?

— Оналаринг ҳозир ҳамма жойни супуриб, ювиб, чиннидай қилади. Кейин бу уй ҳам чиройли бўлиб қолади, — Ноилани юпатди Ҳамдам.

Нозимага Ҳамдамнинг гали ҳам ёқмади:

— Бориб машинадан юкларни олиб келинг.

Санжар ҳеч нарса демади. Гўё у кейинги бир неча кун ичида бир неча ёшга улғайиб, катта одамга айланиб қолган, ҳар нарсадан ўзича хулоса чиқариб, хулосасини ичига ютиб қўя қоладиган бўлган эди. У уйни ҳам, Ҳамдамни ҳам бир қарашда ёқтирмади, аммо чиқиб кетай, деса, онаси қўймайди, бирон четга ўтиб ўтирай, деса, бу исқирт уйда ўтирадиган жой ҳам йўқ эди. Ниҳоят, онасининг ўзи айниб қолди:

— Бўлмаса, болалар пастдаги скамейкаларда ўйнаб ўтириб туришсин, уйни йиғиштириб олгандан сўнг чақирамиз. Тағин узоққа кетиб қолманглар, бегона жойда адашиб қолишиларинг мумкин.

— Хўп, онажон.

— Хўп, — улар хурсанд бўлиб кетишли.

Болалар чиқиб кетишигач, Ҳамдам тумтайиб турган Нозимани оҳистагина бағрига олди, у ҳам бир сўз демай, йигитнинг елкасига бошини қўйди. Улар шу кўйи анча туриб қолишли. На униси, на буниси бир оғиз гапирмади, улар бир-бирини сўзсиз тушуниб туришган эди. Бошларига тушган синовлар қайсиdir маънода уларни бир-биридан

узоклаштирган бўлса, қайсиdir жиҳатдан бирбирига яқинлаштириди.

— Вақтни кетказмайлик. Бегона жойда болалар кўчада қолиб кетмасин, — биринчи бўлиб Нозима унинг елкасидан қўлларини олиб, қучоғидан бўшалди.

— Ҳа, тезроқ бўлиш керак, — уни дарҳол қўйиб юборди Ҳамдам ҳам.

Робия кампирнинг уйидаги ҳашамдор шароитга ўргантан Нозима яғири чиқиб кетган бу ғарибхонани тозалар экан, хўрлиги келди: «Мендан кечиб, кимга етдинг» дейдилар. Бу уйда бир уй бола билан бир сонсиз аёл яшаганлиги аник. Эшик, деворлар болаларнинг панжа изларидан доғ-дуғ бўлиб кетган, кимлардир ўзарича шарикли ручка билан ҳар хил расмлар чизган, ошхонадаги қўл ювгич ва газнинг олди ёғли доғ-дуғларнинг қалинлигидан сирпанчик бўлиб қолган эди. Телевизор деганлари гугуртнинг қутисидан салгина басавлат бўлиб, ичкари хонанинг тўрида мунфайибгина турарди. Кирлигидан сарғайиб кетган музлаткичининг ичида ҳам бирон токча йўқ, кийим иладиган шкафдек ҳувиллаб турарди. «Қайноаси умрини далада ўтказган бўлса ҳам, нима олса, асилидан, чиройлисидан олар эди».

Бу уйни астойдил тозаламоқчи бўлса, болалари кун бўйи кўчада қолиб кетишини ўйлаб, ичкари хонадаги ўргимчак тўрларини тозалаб, чангларини ювиб, артиб, болаларни уйга киргизди. Ҳали-замон болаларнинг қорни очади, уларга нимадир тайёрлаш керак. Шу пайтгача ҳеч қачон бозор-ўчарнинг ташвишини қилмаган Нозиманинг хаётида яна бир муаммо пайдо бўлди. Бироз хижолат бўлиб, Ҳамдамга қаради:

— Озрок бозор-ўчар қилиб келсангиз. Ҳализамон тушлик вакти бўлиб қолади. Мен уйдан кийим-кечакдан бошқа ҳеч нарса олиб келмаган эдим.

Ҳамдам унинг елкасига қоқди:

- Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.
- Ҳа.

Эртаси куни яна бир муаммога тўқнашди: болаларни кимга ташлаб кетади?

... Уйга ташлаб кетди, худо боксин, деб. Газларни ўчирди, гугуртларни баландроқ жойга қўйди. Жавдираб турган болаларига: «Мен дарров қайтаман, сизлар телевизор кўриб, қўрқмасдан ўтиринглар», дея тайинлади.

Нозима киртишлайвериб, уйни бироз очиб олди. Ўзлари ҳам очилди. Ҳамдам ҳам бироз ўзига келиб, олдингидай ҳазил-хузул билан кириб-чиқадиган бўлиб қолди, лекин у ҳеч қачон кечаси ётиб қолмас эди. Нозима тунлари унинг қўйнида ҳузур қилиб ётишни, болаларига «бу сизларнинг янги дадаларинг», деб эълон қилишни жуда-жуда истар, Ҳамдам эса, «ошикча муаммонинг нима кераги бор, шундайига ҳам яхши-ку», деб қолишга унамас эди: «Агар ётиб қолсангиз, муносабатларимизни болаларга очикойдин айтсак, кундузлари келганингизда болаларни кўчага ҳайдаб юбормасдик», «Икки соат кўчада ўйнаса, ҳеч нарса бўлмайди. Одамларнинг боласи кун бўйи кўчада юради. Менам эртадан-кечгача кўчада юрадим. Момом бечоранинг «Ҳамдам-ув, Ҳамдам-ув» деб чақириб юришлари кулоқларимда қолиб кетган. Чакираётганини эшитсан ҳам эшитмагандай ўйнаб юраверадим», «Барибир, ўз хохиши билан кўчада ўйнаб юриш бошқа, уйларига бир эркак келганда икки соатга

уйдан чиқиб туриш бошқа. Бу нарса бир умр уларнинг ёдидан чиқмайди». «Кўйсангиз-чи, биз уларга чиқиб туринглар, деяётганимиз йўқ, ўйнаб келинглар, деяпмиз».

Ўша куни ҳаво жуда иссиқ эди. Нозима мактабдан қайтиб, ичкари хонадаги диванга энди чўзилган эди, эшик тақиллади. Болалари жойидан кимиirlамади, бундай пайти ким келишини ҳамма билар эди. «Ҳамдам», деди Санжар фижиниб. Бир парча боланинг беписанд ижирғаниши Нозиманинг аччиғини келтирди. «Ҳамдам ака де, — бошига бир туширди ўғлининг, — бозорлик қилиб келинг, дегандим, обкелган нарсасини заҳарингга ейсан, яна «Ҳамдам» эмиш». Эшик яна тақиллади. Очигини айтганда, бу бемахал ташриф Нозиманинг ўзига ҳам ёқмаётган эди. Ишдан ўлгудай чарчаб келган. Ташқари ёниб ётибди. Шу пайтда болаларни кўчага чиқариб қўйишни сира истамасди. Буёғи қўшнилар ҳам ким кириб, ким чиққанини кўриб, кузатиб ўтиришибди. Жуда нокулай.

Оғринибина эшикни очди. Унинг юзидағи маломат Ҳамдамга ёқмади:

- Ҳа, на бўлди манинг нозли малагимга?
- Хеч гап. Ишдан ҳозиргина келган эдим, чарчаб...
- Менинг олдимда бундай шалпайиб турманг. Ўйнаб, кийикдай ўйноклаб туринг, тушундингизми?
- Уф!

У индамай Ҳамдамнинг қўлидаги елим халталарни олди. Ҳамдам эса, «Ай, манинг нозли ёrim, нозли ёrim» деб хиргойи килганча ичкари хонага кирди. Ерга думалаб телевизор кўриб ётган болаларни кўргач, унинг ҳам кайфияти тушиб кетди:

- Эҳ-хе, жамоат жам, битта биз кам-ку!  
Болалар ўринларидан туриб ўтириши.  
— Ие, салом қани, ўқитувчининг болалари  
хеч салом беришни ўрганмади-ўрганмади-да.  
— Ассалому алайкум.  
— Салом, — синглиснинг изидан эргашиб  
базўр оғиз қимирлатди Санжар.  
— Қани, телевизорни ўчириб, кўчага шагом  
марш.  
— Биз кўчага чиқмаймиз, қизиқ кино бўлаяпти.  
— Чиқмаймиз эмиш, ешё как чиқасан, шундай  
учиб чиқасанки, қандай чиққанингни ўзинг ҳам  
 билмай қоласан. Қани, бир, икки, уч деганимда,  
сизларни бу ерда кўрмай. Ие, одам тоза ҳаводан  
ҳам нафас олиши керакми? Кун бўйи уйда бикиб  
ётганларинг-ётган!  
— Кўяверинг, Ҳамдам, ўтираверишсин, — ош-  
хонада туриб уни қайтарди Нозима. — Кўча ёниб  
ётибди. Улар ҳали тушлик ҳам қилишгани йўқ.  
Бу ёққа келинг, муздай чалоп қилдим, биз ош-  
хонада гаплашиб ўтирамиз.  
— Йўқ, — Ҳамдамнинг ҳам қайсараги тут-  
ди. — Биласиз, гапимни қайтарганларни ёмон кў-  
раман. Ўзим чақирмагунча қайтмайсанлар. Қани,  
би-ир, икки-и, у-уч!  
Санжарнинг ранги қўкариб кетди, индамай синг-  
лиснинг қўлидан ушлади-да, уйдан чиқиб кетди.  
Нозима уларнинг шу кетишини аллақайси фильм-  
нинг фожиали якунига ўхшатди. Бирам мунгли,  
бираам ғариб эди уларнинг қарашлари, туришлари...  
— Оч эди-да, улар, бекор қилдингиз, — Нози-  
ма астойдил хафа бўлди.  
— Менга ундей гап қилманг, хоним, — Ҳамдам  
унинг ёнига бориб, бош бармори билан тумшуғининг  
тагидан кўтарди. — Сиз учун, сизнинг кўнглингиз

учун қаерлардан тилимни күндаланг тищлаб, шу хафа бўлмасин, шунииг оиласини бузиб қўйдим, деб келаман. Сиз бўлса, болаларингизни икки соат ташқарига чиқаришни истамайсиз. Хов, биласиз, кўча тўла қиз!.. Обкелинг, чалопни!

Омонат кулбага ҳам яна бир дарз кетди.

У чалопни симиргач, кўйлагини ечиб, эшикнинг тутқичига илди-да, ўзи ичкари уйдаги диванга бориб чўзилди. Нозима остоноада серрайиб туриб-туриб, унинг ёнига келди. «Бораверинг, ўша қизларга» деся олмади. Бир хўрсиниб, унинг яланғоч кўксига бошини қўйди. Ҳамдам унинг соchlарини силади: «Ундай эмас-да, жоним. Одамнинг бор шавкини сўндириб юборасиз».

Ҳамдам анча қолиб кетди, у кетгач, вужудида ғалати толикиш ҳис қилди. Юмишоққина тўшак ўзига оҳанрабодай тортаверди. Ювениб, салқинлаб олганиданми, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кетаверди. Болаларини чақириб, уйига киргизишга ҳам ҳафсала қилмади: «Ҳамдамнинг кетганини кўриб, ўзлари киришар». Шу ётганча котиб қолибди. Бир пайт қайноасининг шанғиллаган овозидан чўчиб уйғониб кетди. Қайноаси унга қўлтиқтаёғини ўқталиб, «Юзинг курсин, сен беҳаё, беномуснинг!» деб бақириб ётган эмиш. Ўрнидан сакраб туриб, атрофга қаради, ҳеч ким йўқ, на қайноаси, на болалари. «Ўзингнинг юзинг курсин! Хайрият тушим экан. Юрагимни ёрди-я, жодугар!» Кун тоб ташлаган бўлса-да, хона дим, у жикқа терга ботиб кетган эди: «Ие, болалар ҳалиям кирмабди-ку!» Унинг кўнглига нохуш хавотир ўрмалади, шошиб деразадан пастга қаради:

— Санжар, Санжар-ув! Ноила! Ноила-а!

Уйнинг олдидағи ўйин майдончаси бола-чақага тўлиб кетган, факат унинг болалари кўринмас

эди. Оёқларига шипагини илиб, ташқарига югурди. Йўлакнинг эшигидаги ранги аёздай заҳил, ҳамиша илондек заҳарга тўлиб юрадиган қўшни аёл — Шарофатга дуч келди.

— Ҳамсоя, менинг болаларимни кўрмадингизми?

Шарофат кинояли қулимсиради:

— Бечоралар ўтиришган эди уйларининг бўшашини кутиб. Бирон-бир шериксиз уй ахтариб кетиб қолишгандир балки.

Бошқа пайт бўлганда унга гап топиб берган бўларди, ҳозир бу чаён билан талашиб ўтиришга на вақти бор, на қуввати.

... Сўрамаган одами қолмади. Ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Ахир ҳамма салқин уйнинг тўрида жон сақлаб ётган пайт эди, ким ҳам кўрарди унинг болаларини. Онасиникига, милисаҳонага қўнғироқ қилди.

Охири юрак ютиб, қайнонасининг уйига телефон қилди. Телефонни қайнонаси олди:

— Эшитаман.

— Хола-а, бу мен, Нозимаман.

Иккинчи томон анча пайт жим бўлиб қолди:

— Хола-а, — йиғлаб юборди Нозима. — Мен болаларни йўқотиб қўйдим.

— Нозима! Сендан илтимос қиласман, болаларни бундай овора қиласман. Катта кўчада йиғлаб юришса, мени танийдиган бировга дуч келиб қолибди. «Биз Робия Соатованинг невараларимиз, шу кишини ахтариб юрибмиз» деса, худо ёрлақагур аллақаерлардан уйга олиб келиб берди. Бир ёмонларга дуч келса, нима бўлар эди? Яхшидир, ёмондир, етти йил тузимни единг. Сендан илтимос, сенга ҳеч қандай таъна қиласман,

қандай истасанг, шундай яша, лекин болаларга тегинма. Мен энди сенга болаларни бермайман.

Нозима бир зум ўзига кела олмай турди, боягина дунёларга сиғмай турган вужудига се-кин-аста хотиржамлик, ҳаловат инди: «Худога шукур-эй!» Аммо шу дақиқанинг ўзида кўнглида бошқа бир истак пайдо бўлди.

— Хола! Мен болаларимни кўчага чиқариб қўйганим йўқ. Бола, бола-да, сизни соғиниб, уйдан қочиб кетгандир. Бир оғиз айтса, ўзим обориб қўймасмидим, шунча йиғлаб ахтариб юргунча. Аммо мен ҳам болаларимни хеч кимга бермайман. Яхшиликча бермасангиз, яна судлашамиз.

— Ҳай, Нозима, ўзингни бос, қаҳримни келтирма. Мен яхши биламан, болалар сенга умуман керак эмас. Сенга бола керак бўлса, бир парча гўдакларни қоқ тушда иссиққа чиқариб қўйиб, ўзинг майшат қилиб ётмас эдинг? Сен бизга қасдлашиб, болаларни олиб юрибсан. Биз сенга нима ёмонлик қилдиг-у, болалар сенга нима ёмонлик қилди?

— Хола, у болаларнинг онаси менман. Аччи-фим келганда ургандирман, уришгандирман, ташқаригаям чиқариб қўйгандирман. Онаси сифатида уларни жазолашга ҳақли одамман, лекин уларнинг кафтига битта тикан кирса, менинг юрагим оғрийди. Чунки улар менинг юрагимнинг ёғидан бино бўлган.

— Сен ўша болаларни ўйлайдиган она бўлганингда, жимгина уйингда ўтирган бўлар эдинг. Сен факат ўзингнинг майшатингни ўйлайдиган аёлсан. Судга бер, мана кўрасан, олдин айтмаган бўлсам, энди айтаман бор ҳақиқатни!

— Билганингизни қилинг.

— Қиласман ҳам.

Икки томон ҳам келишгандек бир пайтда шарақлатиб телефонни қўйди. Нозиманинг қаршисида яна бир муаммо пайдо бўлган бўлса-да, кўнгли хотиржам тортган эди: «Топилди-ку, болалари! Ўтиришгандир тиззаларида чулчунглашиб... «Бизни онамга бериб юборманг», деб».

Аллақачон тун чўкиб, атроф қоп-коронги бўлган эди. Туриб хонанинг чирогини ёқди. Эшикни қулфлади. У жуда чарчаган эди. Болаларининг дараги чиққач, бирдан бўшашиб кетди. Ёстигининг тагидан тунги кўйлагини олиб кийдида, диванга чўзилди, аммо сира уйқуси келмади. «Ёлизликининг тунлари бунчалар дилгир!» Аслида у қачонлардан бери ёлғиз, эрининг уйида ҳам ёлғиз эдӣ. Лекин у пайтлар қўшни хонада кимдир уни интиқ бўлиб кутиб ётганини билар, бу ёлғизлик унга фурур ва лаззат барашлар эди. Энди у интиқ, интизор. Кутаётган одами ҳеч қачон уники бўлмаслигини билса ҳам, фурури оёқ ости бўлса ҳам индамайди, индаёлмайди. Чунки энди ундан бошқа ҳеч кими, ҳеч нарсаси йўқ. Ҳа, болалари бор. Кампир сенга бола нимага керак, дейдими? Ўзи она бўла туриб, менга шу гапни айтди-я. Наҳот, менда умуман оналик туйғуси йўқ, деб ўйласа? Унда мен аёл бўлиб, инсон бўлиб яшаб нима қилдим? Ҳатто мушук ҳам бир жойдан иккинчи жойга ўтса, болаларини тишида тишлаб олиб ўтади. Наҳот, ўша ҳайвонда бўлган оналик туйғусини менда йўқ деб ўйлайдилар? Ҳа, улар Нозимани ҳайвондан ҳам баттар деб хисоблашади, ҳали бунинг учун жавоб беришади!

У бир неча кун атая индамай юрди, ўзича бироз дам олмокчи бўлди. Эрта туриб болаларга нонушта ҳозирлаш, сўнг кўнгли хавотирга тўлиб, изига қарай-қарай ишга кетиш, «Болалар нима

бўлдийкин?» деб югуриб келиш, уларга тушлик, кечки овқат ҳозирлаш, тинимсиз «тек», «қўй», «жим ўтириб»лардан жуда чарчаган эди. Бу уч кунда ёмонликка Ҳамдам ҳам изламади. У ҳам телефон қилмади. Шу омонат ҳамроҳдан ҳам дам олмоқчи эди у. Туриб-туриб зериқди, ўйлаб қараса, шу болалар учун овқат ҳозирлар, шулар билан ўтириб ўзи ҳам нимадир ер, шулар уйни тўзғитар, у йиғиширип, шулар билан ҳаракат, ҳаёт бор экан. Баъзи оқшомлар чироғи ҳам умуман ёқилмади. Чироқ керак ҳам бўлгани йўқ, қаерда нима турганини билса... Бир ухлаб туриш учун чироқ ёқиш шартми? Лекин Ҳамдамни соғинди. Бу йигитнинг ҳеч қачон уники бўлмаслигини била туриб ҳам, уни ўйлашдан, уни кутишдан, узоқ тунлар уни соғиниб кўз ёш тўкишдан ўзини тийиб туролмасди. Бир кун келиб уни бутунлай йўқотиб қўйишини ўйлаганда, дунё кўзига зимистон бўлиб кўриниб кетарди. Ўзига-ўзи тушуна олмас эди. Бу нима? Севгими? Киарар ақли кириб, чиқар ақли чиқиб бўлган бир ёшда наҳот ҳеч қачон унга тегишли бўлмайдиган бир йигитни севиб қолган бўлса?! «Йўқ, унга ўрганиб қолган. Ҳа, шундай. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Ҳозир ундан воз кечишининг ҳам иложи йўқ, уй уники, чет элга чиқиш учун беш-олти сўм пул жамғарсин, кейин ўзига ҳам, уйига ҳам этак силкиб кетади-қолади». Бу гаплар ёлғиз қолган дамлар ўз-ўзига таскин учун айтиладиган шунчаки ёлғонлар эди, холос. Аслида бу йигитдан ҳеч қачон воз кеча олмаслиги аён ҳақиқат эди.

Тўртинчи куни прокуратурага борди. Прокурор Сардорни чақириб, бир вақтлар Нозимани қўрқитгани каби «кора дори» кўрсатганми, ё бошқа жиддийроқ гап қилганми, шу куниёқ икки

болани ҳам Нозиманинг онасиникига ташлаб кетиби.

Шу куни Ҳамдам ҳам келди. Бўлиб ўтган воқеаларни йиглаб-юпаниб гапириб ўтирган эди, синглиси болаларни етаклаб келиб қолди. Ҳамдам бўлиб ўтган ишларда ўзини айбор сездими, болаларнинг бошини силаб, «Сизлар ўтириб туринглар, бугун бир байрам қиласиз. Бир кило иссиққина тандир гўшт олиб келай, оналарингта шоколад, сизларга музқаймок ҳам олиб келаман», деб чиқиб кетди. Санжардан ташқари ҳамманинг юзига табассум югорди.

Ҳақиқатан байрам эди ўша кун Нозима учун. У дарров чой қўйиб, дастурхон тузашга тушиб кетди. Лекин ҳар қанча ялинса ҳам синглиси ўтирмади, «онам билан бир жойга боришимиш керак эди», деб кетиб қолди. Ҳамдам роса тўлибтошиб келди, Нозима учун «Қора марварид» виноси, ўзига идиши ажабтовур ароқ ҳам олиб келган эди. Роса маза қилишди. Ҳамдам қўярда-қўймай болаларга ҳам сал-сал вино ичирди: «Бу сизларни бақувват қиласи». Ҳамма маза қилди, гиналар унутилди, аразлар ёзилди, аламлар эсдан чиқди. Бироз кайфи ошган Ҳамдам қўшиқ бошлаб юборди:

«Қора холингга тушган киприкларингнинг сояси...»

Колганлар қарсак билан жўр бўлди.

Шовқин-сурон билан эшикнинг тақиллаётганини ҳам анча кеч эшитишиди. Даврага қовушмай бир четда ўтирган Санжар нимагадир дахлизга чиқиб, эшикнинг тақиллаётганини эшитди:

— Эшигимизни кимдир қаттиқ уриб ётиби, — бола қўрқиб кетганидан ранги бироз учинқираб турарди.

— Ҳозир ўзим қарайман, — Ҳамдам мардана  
эшик томон юрди.

Бирпастан кейин унинг ҳам ранги ўчиб келди:

— Опам!

— Опангиз? Опангиз бу ерда нима қилади?

— Биронта меҳрибонимиз бергандир-да, адресимизни... Энди нима қилсак экан?

Эшик тобора қаттикроқ тақиллар эди.

Нозима шошиб унинг кўлига туфлисини тутқазди:

— Айвондаги супанинг тагига киринг.

Ўзи эшикка йўналди:

— Ким у? Ҳозир!..

Эшик очилиши билан Ҳамдамга икки томчи сувдек ўхшаш бир аёл довулдек ёпирилиб ичкарига кирди:

— Келинг... — ич-ичидан қалтираб кетаётган бўлса-да, мулозамат қилди Нозима.

Довул унинг мулозаматини ҳам, ўзини ҳам йўлдан суреб ташлаб, пойафзалини ҳам ечмасдан, ҳамма хоналарни бир-бир кўриб чиқди:

— Қани Ҳамдам?! — ўшқирди ҳамон дағ-дағ қалтираб турган Нозиманинг қархисига келиб.

— Қанақа Ҳамдам?

— Мана мұнақа Ҳамдам! — аёл бош бармогини икки бармогининг ўртасидан чиқариб, Нозиманинг тумшуғи тагига тиқди. — Машинаси эшигингнинг тагида турибди. Столингда арок, вино, гўшт! Бу киши Ҳамдам қаердалигини билмасмиш. Икки ҳароминг билан сен ҳам отамнинг топганига шерик бўладиган бўлдингми? Мегажин!

Аёл унинг ёқасидан олиб, юмдалай кетди. Кўркиб кетган Нозима ўзини ҳимоя қила олмай қолди, аёл қаттиқ итариб юборган эди, у гуп этиб

йиқилиб тушди. Шундан кейин аёл унинг устига ўтириб олиб, бошига муштлай бошлади. Нозима ҳеч нарсаны сезмай қолди, қулоғига факат қизчасининг «Она» дея чинқириб йиглаётган овози эшитилиб турарди. Бир вакт устидаги аждархो гурс әтиб орқага йиқилди ва бирдан жимиб қолди. Нозима ҳайрон бўлиб, атрофга қаради. Унинг оёклари учида Санжар катта ўқлоғини маҳкам қучоқлаганча, билинар-билинмас қалтираб турарди.

Нозима бир амаллаб йиқилиб ётган аёлнинг тагидан чиқди. Аёл бехуш эди, боши орқасидаги қонни кўриб у қўрқиб кетди.

— Хей!.. Опа!.. — астагина елкасидан туртди Нозима.

— Сув!..

Нозима югуриб Ҳамдамнинг ёнига келди:

— Санжар бошини ёриб қўйибди.

Ранги оқариб кетган Ҳамдам ярим эмаклаб, супанинг тагидан чиқди-да, чангдан оқариб қолган шимларини енгил-елпи қоқкан бўлиб даҳлизга чиқди: «Ҳеч тинч кун йўқ экан-да». Бориб ҳамон кўзларини юмиб ётган опасининг боши устига энгашди.

— Ҳа, опа, сизга нима бўлди? Бу ерда нима килиб ётибсиз?

Опа оҳистагина кўзларини очди:

— Бало бўлди, дард бўлди. Сен ўзинг нима б... еб юрибсан бу ерда?

— Мен шу ерда яшайдиган бир ошнамниги келган эдим. Қарасам, эшик очик, чўзилиб ётган ким бўлди, деб кирсам... Қани туринг, ўзим сизни дўхтирга олиб бораман.

У опасини авайлабгина турғизиб, қўлтиғига кирди-да, ташқарига олиб чиқди.

Хамдам кечқурун қўнғироқ қилгунча Нозима неча ўлиб, неча бор тирилди. Йўлакдан эши-тилган хар бир қадам товуши унинг ёнига ки-шан кўтарган милисаларни бошлаб келаётгандай бўлаверди.

— Опам сизни судга бериб, қаматиб юбораман, деяпти, — унинг овози жуда ҳоргин эди. — Бир амаллаб тинчтдим. Мен уч-тўрт кун ёнингизга боролмайман, булар изимга одам ҳам қўйишлари мумкин. Ёлғиз ўғил бўлиш ҳамиша қийин бўлган. Бир ўзимга юзта назоратчи. Бироз сабр қилиб туринг, уйни ўзгартирамиз.

— Хўп.

— Ўзингиз ҳам уч-тўрт кун онангизникига бо-риб турсангиз, яхши бўлар эди.

— Хўп.

— Нозима...

Шу пайт тимирскиланиб юрган Санжар телефоннинг орқасида турган қутичани оламан деб, телефонни тушириб юборди. Алоқа узилиб қолди. Нозима шараклаб ерга тушган аппаратни олиб, ўғлининг елкасига ўша аппарат билан бир тушириди: «Касофат! Ҳар доим бир нарсаларни ағдар-тўнтар қилиб юрмасанг, бўлмайди». Кейин телефонни жойига қўйиб, яна жиринглашини кутди, лекин қайтиб қўнғироқ бўлмади.

Кутавериб сиқилиб кетди. Ториқиб айвонча-га чиқди. Аллақаердан мусика овози эшитилди. Тўй бўляяпти, шекилли, «ёр-ёр» айтилаётган эди: «Қат-қатгина қатлама, қатланади, ёр-ёр. Қизни олиб янгалар отланади, ёр-ёр...»

Энди «опа»лар Хамдамнинг тўйини тезлашти-ришади. Сардор ҳам уйланади. Шундай оқшом-ларнинг бирида унинг уйига «ёр-ёр» садолари остида янги келин солланиб кириб келади.

Болаларнинг тез овуниши тез унутишларидан бўлса керак. Болалари кундузги бўлган шарман-дагарчиликларни аллақачон унутиб, уйни бошлирига қўтарганча, қувлашмачоқ ўйнашар эди. Болаларининг баҳтиёрлиги унга жуда малол келди.

Дақика сайин заҳарга тўлиб бораётган Нозима айни дамда шу болаларни ўлдириб қўйишга ҳам тайёр эди: «Дардисарлар! Шу болалар бўлмаганда аллақачон чет элга кетиб қолар эди. Ишлаб, шаҳарда битта килиб, уй қурдиради, машина оларди, ҳамма орзу-ҳавасларига етарли пул жамғаргандан кейин эрга тегарди...»

Шарақлаган овоз хаёлларини бўлиб юборди. Санжарнинг оёғи телефоннинг симига илашиб қолиб, яна телефонни ерга тушириб юборган эди. Нозима учеб хонага кирди. Унинг важоҳатини кўрган Санжар йиглаб юборди:

— Урманг, онажон, билмасдан қилдим. Момоникидан янги телефон олиб келиб бераман. Илтимос, урманг.

Момонинг тилга олиниши Нозиманинг жазавасини қўзитди:

— Момонг сенга телефон бераман, дедими?  
Мана сенга телефон!

У боланинг кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган бир бурдагина юзига тарсаки тортиб юборди. Бола гандираклаб орқага йиқилаётган эди, унинг нозиккина билакларидан чангллаб ушлаб, яна бир тарсаки туширди. Энди уни тўхтатиб бўлмасди. Яна, яна ураверди, ураверди! Бола энди онасининг оёқларини кучоклаб йиглар эди:

— Онажон, урманг, урманг онажон! Бошка бундай қилмайман, мени кечиринг.

Нозима болани бир силтаб, ўзидан ажратиб олди-да, ерга итариб юборди. Ярадор қуш мисол

ер билан битта бўлиб ётган болани бир тепиб, яна айвонга чикиб кетди. У бирпас деразадан келаётган муздай ҳавога кўксини тутиб турди, унинг юраги ёниб кетаётган эди. Ҳали келин тахтиравонига жойлашмаган шекилли, эзма санъаткорлар ҳамон «ёр-ёр»ни чўзиб ётишар эди: «Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан эй...». Нозима зарда билан дераза қопкасини итариб юборди. Дераза ойналари зириллаб кетди. У хонага қайтиб кирганды Санжар хонанинг бир четида тагидаги кўрпанинг ярмини устига ёпиб, қунишибгина ётар эди: «Юзинг курсин!»

Бир четда тиззаларини қучоқлаганча хурпайиб ўтирган Ноила ҳам кўзига иркит мушукдек ёқимсиз бўлиб кўринди.

— Нега душманингга қарагандай писи-иб қарайсан? Қайси гўрданам сенларни туғдим? Сенлар билан ҳеч қаерга сифмайман.

Қиз ҳамон қилт этмасдан онасига тикилиб ўтиради. Унинг нитоҳидаги кўркув ва бегоналика ўхшаш ғалати ифода унинг қаҳрини келтирди:

— Ёт-т! Ҳозир бир тениб, деворга ёпиштириб ташлайман.

Қизча кўрқиб кетганидан шошиб, ўтирган жойига ёта қолди. Ётганда ҳам муқаррар тушиши мумкин бўлган тенки зарбидан кўркиб, ғужанак бўлганча, онасидан кўз узмай ётар эди.

— Ахмок! Одам ўз онасидан ҳам шундай кўрқадими? Момонг сенларга шундай ўргатган-да: онангдан эҳтиёт бўлинглар, уриб ўлдириб кўйиши мумкин, қовуриб еб қўйиши мумкин. У одам эмас, одамхўр ҳайвон, деб! Э-э, момонгта ўхшамай ўл! — у ошхонага ўтаётиб, қизчанинг ярми очилиб қолган дўмбокқина сонларига бир

тепди. Зарбнинг кучидан қизчанинг бир ховуч жуссаси тўп этиб деворга урилди. Аммо қиз ғиқ этган овоз чиқармади, бошини нозиккина билаклари орасига олганча, силжиб борган жойида ғужанак бўлиб ётаверди.

Нозима музлаткичдан боя Ҳамдам ича бошлаган ароқни олди-да, пиёлага тўлдириб қуиди. Пиёлани тик турган ҳолида бўшатди. Ичимлик муздай эди, аммо ичини ёндириб юборди. Косага бир капгир ош солиб, столга кўйди. Ўзича бир-икки қошиқ ош еган бўлди, яна ароқ қуиди. Ароқ энди юракларини куйдириб ўтди. Яна қуиди, энди бутун жону жаҳони қуиди. Эзма қўшиқчи ҳамон келинпошшони юпатиш билан овора: «Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр...» «Ҳа, аллақандай ойимтилло унинг уйига эга бўлиб олади. Бу эса болалари билан шу омонат катакдан ҳам қувилаяпти! Жодугар қайнонаси аввалбошдан уни ҳайдаш пайида бўлган. Шунинг учун уларни на загсдан ўтказган, на уйнинг рўйхатига киритган. Бир-икки марта айтса, «Шунгаям мен юрайми, эру хотин қиласверинглар», деб бош қўшмади. Ўшанда никоҳинг ҳам, уйнинг ҳам бошингдан ордона қолсин, деб бекор қилган экан. Мана энди унинг даъвоси ҳеч қаерга ўтмайди. Ноқонуний хотин! Ўзлари беришмаса, ҳеч қандай мулкка шерикчилиги йўқ болалар! Оҳ-ҳ, жодугар! Бир умр чангга ботиб, тупроқ кечиб, кесакка суриниб юрган бўлса ҳам илоннинг ёғини ялаган экан, бу кампир!»

У оёкларини узатиб ётгиси келди, бир амаллаб ўриидан туаркан, боши гир айланиб кетди, деворларга суяна-суяна хонага ўтди. Толикқаниданми, кўзларини зўрга очиб юради. Шу ахволида ҳам ҳамон ғужанак бўлиб ётган «коптокча»нинг

кўркув тўла кўзлари очик эканлигини кўрди: «Э-э, ўл-э, дардисар!» Ўтаётиб, болани ўхшатиб бир тепди. Оёқлари жуда ҳам юмшок нарсага тегди, биқинигами, қорнигами, бола нақ яrim метр жойга силжиб кетди. У ётган жойида чўзиб ингранди, лекин йиғламади.

Эргалаб томоқлари қақраб уйғонди, кеча кўп ичганиданми, кўнгли бехузур бўлаётган эди. Кун чошгоҳ бўлиб, уйнинг ичи қуёш нуридан қизиб, дим бўлиб кетган эди. Шошиб юз-қўлини ювиб, ишга отлана бошлади. Кечада ҳам ишга бормаган эди, бугун бормаса, бўлмайди. Шусиз ҳам директорнинг ойимчаси ҳар кун бир асабини бузади.

У шошиб ўғлиният бошига келди:

— Санжар, ҳой, Санжар! — боланинг устидаги кўрпани олиб, қўлидан тортди. — Тур, кун пешин бўлиб кетибди. Мен ишга кетаяпман. Уканг билан ўзларинг овқатланаверинглар.

Ўғлини силкилаётуб, негадир кафти қизиб бораётганини хис қилди. Ҳайрон бўлиб, боланинг пешонасини ушлаб кўрди. У алангай оташ бўлиб қизиб ётар эди. Шундагина унинг юzlари ҳам бўғриқиб кетганини пайқади:

— Санжар, ўғлим!

Чўккалааб, ўғлини кўтариб уйғотмоқчи бўлди, аммо боланинг боши шилқ этиб пастга тушиб, осилиб қолди, ўзи зўрға кўзини очди:

— Сув...

— Ноила, ҳай, Ноила! Тур, бир пиёла сув олиб кел.

Ноиладан хеч қандай садо чиқмагач, болани жойига ётқизиб, ўзи ошхонага югурди, Санжар бир қултум сувни зўрға ютди.

У Санжарни тинчиттан бўлиб, Ноиланинг бошига югурди. «У ҳамиша ҳаммадан олдин

уйғонар эди. Унга ҳам бир гап бўлган бўлмасин». Қизчанинг кўзлари очик, пастки лабларини тишлаб, индамай ётар эди. Нозима унинг пешонасини ушлаб кўрди: «Иситмаси йўқ»

— Сенга нима бўлди, қизим?

Қизча лабларини яна ҳам қаттикроқ қимтиди, қизариб кетган кўзларига қалқсан ёш чеккаларидан оқиб, ёстиққа тушди.

— Ичи-им оғрияпти, — деди у анчадан сўнг жуда заиф овозда.

— Нега оғрийди? Ўтаяптими?

— Йў-ўқ, ўзи... оғрияпти...

«Ана, керак бўлса! Шуниси етмай турган эди, холос. Бу ёғи уйни бўшатиши керак. У ёқда иш, энди иккаласи баравар ётиб олди. Уларни даволатиш учун қанча пул, қанча вакт керак!»

Икки боланинг ўртасида ҳайрон серрайиб туриб-туриб, хаёлига келган фикрдан кўнгли ёришиб кетди: «Севимли момоларига қўнғироқ қиласман. Келин излаб юргунча, ўғли билан келиб, невараларини даволатсин».

Телефонни кампирнинг хонасига ўтказиб беришган шекилли, яна кампирнинг ўзи олди. Мулоимгина қилиб, «Ха, эшитаман!» деди. Нозиманинг товушини эщитиб, бирдан овози дағаллашди:

— Ха, тинчликми?

— Болаларнинг мазаси йўқ. «Тез ёрдам»да олиб кетаяпман. Дадаси борсин.

— Нима бўлди уларга? — бақира кетди кампир. — Кеча уйимдан соппа-сор кузатгандим. Сен жувормаг бир нарса қилиб қўйгандирсан-да!

— Хола, кўп бошимни оғритманг, — Нозима кампирнинг гапини қайтариб ташлади. — Мен сизнинг гапингизни кўтаришга мажбур эмасман. Ҳозир бир нарса деб, гапингизга яраша гап

қайтарсам, бир умр кўкайингиздан кетмай юради.  
Бола керак бўлса, болам деса, борсин. Бормасаям,  
садқаи сар, тақдирида борини кўраверади, — у  
шарақ эткизib гўшакни ўрнига кўйди.

\* \* \*

Бу ёқда Робия кампир жавраб қолди:

— Садқаи бола кетсин, сенга! Гулзор, хой,  
Гулзор! Тез, бобонгни чақир. Анави жувормаг  
болаларни бир нарса қилиб қўйганга ўхшаяпти.  
Шўrim қуриб қолди-я, тез бўл!

Гулзордан олдин ҳовликиб бобо кириб келди:

— Нимага ваҳима қиласан? Нима бўлди?

— Тез, Сардорнинг ишхонасиға қўнғироқ  
қилинг. «Тез ёрдам»га борсин. Анави болаларни  
«Тез ёрдам»да олиб бораётган эмиш. Кўчадан  
менга бир машина тутиб келинг, биз ҳам бора-  
миз. Бўлинг, бўлинг тез!..

Кампир бирпаста ҳаммани оёқка турғизди.  
Ҳар томондан йўлга чиқишиган бўлса-да, касал-  
хонага Нозималар чикқан «Тез ёрдам» машина-  
сидан олдин етиб боришиди. Кампир болаларни  
замбилда туширишаётганини кўриб, хушидан ке-  
тиб қолай деди: «Ха, яшшамагур!» Сардор она-  
сининг елкасидан босиб, ўтириғизиб кўйди: «Она,  
томуша кўрсатишдан фойда йўқ». Ўзи болалар-  
нинг изидан кетди. Кўп ўтмай йўлакда югур-югур  
бошланди, қизчанинг ахволи оғир эди: «Жигар  
қопчаси ёрилиб, жигари эзилиб кетган, тезда опе-  
рацияга олиш керак».

Санжарнинг ҳамма аъзойи кўкариб, конталаш  
бўлиб кетган, саволларга зўрға дудукланиб-  
дудукланиб жавоб берарди.

— Буларни ким бу ахволга туширган? — улар-  
ни қабул қилган дўхтири Сардордан сўради хуло-

салар тайёр бўлгач. — Милисага хабар беришимииз керак.

Сардор Нозимага қаради, Нозима ерга қараб, бироз саросималанди, аммо тезда ўзини қўлга олиб, дудуқлана-дудуқлана дўхтири муроғага чақирган бўлди:

— Кўшни болалар билан уришишган, булар уларни урган, улар буларни! Улардан қочиб келаётгиб, қизимиз бир тошнинг устига қаттиқ йиқилиб тушибди. Болаларнинг жанжали учун кўшни билан милисалашиб юрамизми?

— Бу ишни ёш бола қилмаган, янга!

— Ҳа, сал ёши каттароқ экан, барибир, болада. Кўшни, бирга ўйнашади.

— Ўғлингиз олдиндан дудуқмиди?

— Йў-ўғ-э, нега дудук бўлар экан?

— Болангиз ҳозир дудук. Уни ўша бола қаттиқ қўрқитган шекилли. Бу асорат бир умрлик бўлиши ҳам мумкин. Шуни ҳисобга олинглар.

— Тушунарли, — Нозима яна ерга қаради.

Сардорнинг қўллари беихтиёр мушт бўлиб туғилди, тишлари ғичирлаб кетди, лекин индамади: «Кани, замон қўтарса эди!»

— Ҳаммасини конуний йўл билан ҳал қилиш керак, — дўхтири Сардорнинг ранги ўзгариб кетганини кўриб маслаҳат берган бўлди. — Агар даъво қилмоқчи бўлсаларингиз, экспертиза хуносалари ни берамиз.

— Ҳожати йўқ, — Сардор дўхтири ёзиб берган дорилар рўйхатини олиб, ташқарига чиқиб кетди.

Операция узоқ давом этди. Нозима билан Сардор операция хонасининг эшиги олдида, Робия кампир Санжар ётган палатада операциянинг туғашини кутишди. Бу ерда Нозима билан ҳеч ким

гаплашмаса ҳам, Нозиманинг ҳеч бир ишда нафи тегмаса-да, у кета олмас, бошка кутувчилар сингари «Операция яхши ўтди, жонлантириш бўлимига ўтказиши», «Бемор кўзини очди», «Санжарнинг иситмаси тушди» каби янгиликларни эшитиш учун шарпадек судралиб, гоҳ у эшикнинг ёнида, гоҳ бу эшикнинг ёнида сассиз-садосиз турарди. «Ҳа, у хато қилди. Жудаям катта хато қилди. Тақдирнинг ситамлари учун аламини ўзининг болаларидан олмаслиги керак эди. Аммо у билмай қолди. Ўзини идора қила олмади. Лекин у, барibir болаларини яхши кўради. Уларнинг ахволи ўнгланганини ўз кўзи билан кўрмагунча, бу ердан кета олмайди».

Энди унинг кампирда ҳам ҳеч қандай алами қолмаган эди. Чунки болаларини ишониб ташлаб кетса бўладиган ягона инсон – шу аёл эди. «Мен ўзимни ҳам, болаларимни ҳам эплайдиган бўлиб қайтиб келгунимча ўлмасин шу кампир. Ўша пайтда болаларим ўгай она зулмидан бешиб, менинг гуноҳларимдан кечиб, эҳтимол соғиниб юришган бўлади. Ўша кунларгача ўлмай, қараб берса бўлгани!»

Нозима эртаси ҳам, индини ҳам, ҳар кун келди. Ноила ўрнидан туриб, енгилроқ шўрвалар ича бошлигач, болаларини бир-бир бағрига босиб, юз-кўзларидан ўлди.

— Мени кечир, Санжар. Мен сени жуда ҳам яхши кўраман.

— Мени кечир, Ноилам. Мен сени жуда ҳам яхши кўраман. Билмасдан, аччиқ билан урдим. Жудаям афсусдаман. Энди момоларинг билан яшайсизлар. Момоларинг сизларни ҳеч кимга хафа қилдириб кўймайди.

— Мени кечириңг, хола. Энди мен сизларни бошқа безовта қилмайман.

У йиғлади. Санжар билан кампир ҳеч нарса демади. Фақат Ноила онасининг ёшли кўзларини жажжи қўлчалари билан артиб, унинг ҳам момосиникида яшашини илтимос қилди.

Шу билан Нозима касалхонага қайтиб келмади.

Кийин-қийин, Робия кампирга қийин бўлди. Касалхонада болаларга қарайпман деб ётганда, хузур қилиб ётган экан. Кунига неча одам иссиқ овқат кўтариб келади. Ювуқли-ювуқсиз идиш-товорқларни, кир чалган кийимларни изига қайтариб юбораверади. Уйга келгач, ҳамма иш чолу кампирга қолиб кетди. Гулзор ҳам мустақил иш қилиб ўрганмаган бўй қиз, бир иш буюрсанг, изидан юриш керак ёки тепасида туриш керак. Болалар касал ва инжик, унча-мунча овқатни емайди, Ноила учун алохида қозон қайнатиш керак, у фақат парҳез таом ейди. Хуллас, Робия кампир жуда чарчади. Ҳар доимда бир келиб, ахвол сўраб кетадиган болалар: «Онажон, сизга қийин бўлти-да», дейишдан нари ўтмасди. «Ха, қийин бўляяпти. Сизлар бола бўлиб, осон қилиб бермасанглар». «Қандай қилиб осон қиласиз биз? Ана, Сардорингиз уйлансин. Ё олти бола билан кўчиб келайликми?» «Э-э...»

«Уйлансин» деган гапни айтиш осон. Шунча гап-сўзлардан кейин, ҳақоратлардан кейин яна бир бегона аёлга кўнгил қўйиш, «Жуфти ҳалолим бўлинг» деб айтиш осон эмас. Айникса, покиза уйингда яшаб, ризқинг пишадиган қозон-ўчоқнинг бошида турган аёлни хиёнат устида қўлга тупирганингдан кейин...

Робия кампир ўйда қолди. Ўглини-ку, униси-буниси ўртага олиб, уйланишга бўйин қилар, аммо болалар нима бўлади? Кўнгли яrim дудуққинаси, ҳалиям ранглари сарнайиб юрган Ноиласи... Уларнинг ташвишлари, эркаликлари ўз онасига ёқмаган, ўгай онага ёқармиди? Нозима болаларига бир тарсаки туширса, момонинг юраги бандидан узилиб тушгандек титраб кетарди, ўгай она бу дардманд болаларга бир оғиз гапирса, ўгайлик қилса, кейин момо киргудек очик гўрни қайдан топади? Болалар-чи, болалар? Улар ҳалитдан оналарини соғинишаяпти. Эртага оталарининг қўйнига ўзга бир аёл кирса-ю, уларни жеркиб гапирса, силтаб ташласа, борингки, бир хато иши учун тўғри танбех берса, уришса, булар қандай ахволга тушади? Ахир, оиласда бусиз мумкин эмас, ўз болангни ҳам уришасан, жойи келса, урасан, аммо ўзингникининг ўмганига тепсанг ҳам ўтмайди, кишиникига кишишиш берсанг ҳам турмайди.

Сўнг... Икки ўртада ҳамманинг дили хира, Сардор дарғазаб, бобо хафа, момо ўксинган: «Наҳот шу икки тўдак ўз уйига сифмаса?!» Келин минг андишли аёл бўлса ҳам ўзини оқлади: «Ахир мен буларга нима қиласипман?» Андишасизроқ бўлса, юзингизни йиртиб, бор ҳакикатни айтади-кўяди: «Туқсан оналари чет элда маза қилиб юрсин, биз бу ерда болаларининг шалтоғини ювив ўтирайлик. Эрта бир кун одам бўлганда «болам-бўтам»лаб келади-да, эга чиқади».

Шундайлар деса, кейин момонинг тириклайн ўлгани шу.

Ўша куни ўзининг тагига бир курсини, тогоранинг тагига бир курсини қўйиб, кир ювив ўтирган эди. Момо азалдан кирни машинада

ювишни ёмон кўрарди. «Ҳалолни ҳам, ҳаромни ҳам аралаштириб юборади», дерди. У ўтириб юваверди, Гулзор чайиб-чайиб ёяверди. Момонинг қўллари оқем бўлиб кетди, ўзи жикқа терга тушди, лекин ранги очилган дор-дор кирларга қараб хузур килди. Кейин ошхонага кириб, курсини қозоннинг ёнига қўйдирди.

— Энди овқат қиласиз. Қани, ёғ билан гўштни олиб кел. Бирга-бирга қиласиз, қилганинг менга фойда, ўрганганинг ўзингга.

Энди овқатнинг тагини тайёрлаб, сувини солган эди, Санжарнинг йиглаётган овози эшитилди:

— Ие, Санжарми? Бор, қара, нима бўпти?

Усти-боши чанг бола йиглаб келиб, чанг ва кўз ёшидан доғ-дуғ бўлиб кетган юзларини момосининг тиззаларига босди.

— Ҳа, болам, ҳа? Сенга нима бўлди?

— А-асад!..

— Нима, Асад?! Нима қилди, Асад? Урдими?

— С-соқов д-деди, с-с-сенинг о-онангнинг ў-ўйнаши б-бор, ў-ўйнаши б-билан ч-чет э-элга к-кетган, д-деди...

— Ҳа, яишшамагур! Ҳали шошмай турсин, мен унинг тилини суғуриб оламан. Сен йиглама. Ҳали сени ўзим Тошкентга, катта дўхтирларга олиб бориб, даволатиб келаман. Кўрмагандай бўлиб кетасан. У ахмок, онангнинг ўйнашини қаерда кўрибди? Сенинг онанг чет элга ишлагани кетган, бунинг сира ҳам айби йўқ. Бизга чет элдан ишлагани келишади, бизникилар чет элга кетишади. Битта сенинг онанг эмас, қанчадан-қанча одамлар чет элда ишлаб юрибди. Бунинг сирайм айб жойи йўқ. Ана, Гулноза билан Шоҳруҳнинг онаси ҳам неча йилдан бери Грецияда юрибди. Нима қипти шунга? Ҳали бориб, ўзим онаси билан гаплашиб

келаман. Сен бориб, юз-қўлларингни юв. Ўзи сенга кўчада нима бор? Синглингга караб, уйда телевизор кўриб ўтиранг бўлади-ку.

— У-унингиз ў-ўйнамайди, ф-фақат ё-ётади.

— Синглиси зерикиб ётса, акаси унинг ёлғиз ўзини ташлаб кўчага чиқиб кетавериши керакми?

— Э-энди ҳ-ҳеч қ-қачон к-кўчага ч-чикмайман, — деди Санжар юзини ювгани кетаётиб.

Норасида гўдакнинг бу аламли қарори момонинг юрагини найза мисоли тешиб ўтгандек бўлди. Овқат бир қайнаб чикқач, рўмолини қайтадан ўраб юз-кўзини қоплаган реза-реза терларни артиб, ўша билағон зумраша Асадларнинг уйига жўнади. Момосининг қаерга кетаётганини сезган Санжар чопиб чиқиб, йўлини тўсди:

— М-момо, б-борманг.

— Нега?

— К-кераги йўқ. Э-энди м-мен у-улар б-билан ў-ўйнамайман.

— Э, болам, шошма. Шунинг онаси билан бир гаплашиб келайин. Боласига қандай тарбия бертаётганини билиб қўйсин.

— Й-йўқ, м-момо, б-борманг, — Санжар кампирнинг тиззаларидан қучоқлаб олди.

— Мени йўлдан қайтарма. Бор, уйга кир. Хозир қайтиб келиб, овқат сузиб бераман.

Асадларнинг уйи кўчанинг нариги бошида эди. Соғ пайтлари кампирга бу уйлар бир қадам бўлиб кўрингич эди. Энди ўша уйга қўлтиқтаёқ билан етиб олгунча қўлтиклари қавариб кетди. Асаднинг онаси ошқовоқдек сап-сариқ, семиз жувон супанинг четига ўтириб олиб, тикиш қилаётган экан. Қўлтиқтаёқда келаётган бўлса ҳам момонинг ўзига ярапча салобати бор эди. У

момони кўриб, шошиб қолди. Ўзича бир нарсалардан хавотирланди.

— Келинг, хола. Ассалому алайкум, — югуриб бориб, момонинг елкасидан олиб кўришди. Супанинг ёнига бошлиб келиб, кўрпачага ўтиргизди. Кўлтиқтаёқларини олиб, авайлабгина бир четта кўйди. Зинғиллаб уйга кириб, дастурхон олиб чиқди.

— Ташвиш қилма, Жумагул бойбичча, — кампир унга дастурхонини ёздиргани қўймади. — Мен бир гапнинг изидан гап қувиб келдим. Биламан, иш қувган ғазнага, гап қувган балога йўлиқади. Лекин ҳозир менинг бошқа иложим йўқ.

— Нима гап, хола? — Жувоннинг ранги ўчиб кетди.

— Асадинг неварамга сен соқовсан, онангнинг ўйнаши бор, сизларни ташлаб ўйнаши билан чет элга кетган, дебди. Биз бироннинг соқови билан ҳам, мерови билан ҳам ишимиз йўқ. Қаёққа кетган, ким билан кетган, суриштириб ҳам юрмаймиз. Бир парча боланинг кўнгли ярим болага шундай гап қилиши яхшими? Бу боланг бундай гапларни қаердан топган ўзи? Ё, ўзларинг ўргатиб қўйгансизларми?

— Ҳа-а, хола, шу гапга шунчами? — жувон бирдан хотиржам тортиб, лабининг бир четида заҳарханда кулги пайдо бўлди. — Соқовни соқов дейди, меровни меров дейди. Бир нарсага талашиб, жаҳлинини чиқарган бўлса, айтса айтгандир. Кейин, келинингизнинг кимлигини, қаёққа кетганини ҳамма билади. Ойни этак билан ёпа олмайсиз-ку. Уни боламга мен айтишим шарт эмас. Шунинг учун шунча йўлдан кўлтиқтаёқ билан менинг бошимга келдингизми?

— Ха-а, шундайми, Жумагул бойбичча, — кампир жувоннинг кўзларига қаҳр билан тикилди. — Сенинг синглинг икки шиша «кола» учун бир йигитга эргашиб кетиб, онанг изиллаб йиглаб келганда, онанг билан бир ҳафталаб ҳамма фоҳишахоналарни ахтариб чиққаним ҳам эсимдан чиққаний йўқ. Шу синглинг қаерда эканлигини на сен биласан, на онанг! Ҳуши тутганда уйга бир келиб-кетармиш. Тубдан иштони йўқ, тиззаси йиртиққа куладиган замон экан-да. Синглинг ҳаммамизга иснод бўлди, деб бир оғиз гапирдимми сенга? Агар соковни соқов дейиш шарт бўлса, иснодини исноди дейиш керак бўлса, сени нима деб айтай, синглингни-чи? Ҳов, бойбичча, кўзингни очиб юр, боламнинг кўнгли яrim. Боланг тилини тийиб юрмаса, бутини йириб ташлайман!

Момо ўтирган жойида бир узалиб қўлтиқтаёқларини олди-да, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, ҳовлидан чиқди-кетди. Уйига етгунча бўлари бўлди. Бир умр одамларга иш буюриб, ойлик бе-риб, вағ-вуғ қилиб юрган бўлса ҳам, бирорнинг дилини оғритиш, бирор билан жангарилик қилиб уришишни улдалай олмас эди. Тилини ясаб, чулчунглаб унга ақл ўргата бошлаган Жумагул бойбиччани қоқ манглайидан отиб қайтган бўлса-да, уйга келиб, мазаси қочиб қолди. Гулзорни ёнига олиб, ҳаммага бир чўмичдан овқат сузиб берди-да, ўзи хонасига кириб кетди: «Ха, Нозима-я! Сен факат ўзингта килмадинг, ҳаммамизнинг пешона-мизга тамға қўйиб кетдинг. Энди болаларингга бу жойларнинг суви ҳаром бўлди. Уни сен булғаб кетдинг. Мен шўрлик қўлтиғим қавариб, қайси бир Жумагулнинг оғзиға элак бўламан. Бу ақлга сира сифмайди. Бунинг иложи йўқ».

Кечки пайт, овқатдан сүнг болалар телевизор қўргани кириб кетгач, одатдагидек чолу кампир супада ёлғиз қолишиди. У ёқ-бу ёқдан гурунг бўлди, лекин кампир юрагига тошдек ботиб турган гапни айтмади, айттолмади, лекин айтиши керак, аммо қандай айтади? Охири бўлмади, бош ирғаб ўтириб-ўтириб, муҳим гапи бордек чолига юзланди:

— Бобоси, Сардорни бир айтиб келсангиз. Биргалашиб гаплашиб олмасак бўлмайди.

— Ҳа, нима гап?

— Айтиб келинг. Сизга бир, унга бир айтиб ўтиришга ҳеч кучим йўқ. Биргалашиб эшитингизлар.

— Хўп, хўп, кампир.

Сардор ёзув-чиズув қилиб ётган эканми, пешонасидан кўзойнагини ҳам олмасдан уларнинг ёнига келиб ўтирди:

— Нима гап, эна?

Робия кампир гап бошлишдан олдин чукур нафас олиб олди.

— Энди гап бундай, кўчанинг бошидаги Жумагулнинг бир парча боласи Санжарни соқов, сенинг онанг бузук, чет элда бузуқлик қилиб юрибди, деб болаларнинг олдида йифлатибди. Мен Жумагулнинг олдига бориб тит-пит қилиб келдим. Аммо бу кўчада Жумагул битта бўлса экан? Эртага яна бирори шундай дейди. Кейин нима киламиз? Шунинг учун бу ердан олисрокқа кетмасак болаларга қийин бўлади. Сен дарё жижидаги томорқани сот, адирнинг устидаги уйимиз бўш ётибди. Эшигининг олдида бир дунё ери бор. Кўчкин бобо экин экиб, хосил олиб, маза қилиб юрибди. Ўша ерга кўчиб бориб, шу даромадни ўзимиз қилсак ҳам бўлади. Томорқанинг

пулига уйни таъмирлат. У уйда қайнона-қайнота, эру хотин олти бола билан турганмиз. Рона хоналари кўп. Худди шаҳардагидай шароит қил. Бир хонасини унитазли ҳожатхона, бир хонасини таҳоратхона, бир хонасини ошхона. Ҳаммасига кувурдан сув келиб турсин. Бирор нарса излаб ташқарига чиқиб юрмай.

— Нималар деяпсиз? Биринчидан, сизга адирнинг устида нима бор? У ёкка сизни ким юборади? Иккинчидан, адирнинг устида сув нима қиласи? У ёқда свет бўлмаса, газ бўлмаса?

— Э-э, болам-эй, сен ёш бўлсанг ҳам телевизор кўрмайсан, газета ўқимайсан, ҳаётдан орқада қолиб кетгансан. Бутун дунё қуёш батарейкаларига ўтиб кетди-ку, юзлаб хонадон яшайдиган уйлар шундай батареялар билан иситилиб, ёритилар экан. Битта батарея қўясан, битта қудук қаздириб, насос қўйдирасан, олам гулистон. Тоғантникида йигирма етти метрдан сув чиқиби. Сувимиз шунча тез, дейди, ўн бешлик шланкадан бир ариқ сув келади, дейди. Ҳозир ернинг остига темир кувур ҳам шарт эмас, анави резинга ўҳшаган қаттиқ шланка бўлса бўлди. Тўрт юз минг сўмга сув чиқариб берибди. Борингки, бизнинг шароит пича оғир дейлик, беш юз олсин, розиман. Тепага икки тонналик бир идиш қўйиб берсанг, отанг ҳар кечқурун бир тўлдириб беради, кеча-кундузи билан сув, свет! Газни баллон газ киламиз. Уйни шундай таъмирлатгинки, кўрган одам шу уй меники бўлсайди, десин. Янги эшик, янги деразалар қўй, шувоқларини янгилла, эшигининг олдини симонла. Хуллас, болалар ҳам яхши кўриб қолсин шу уйни, дадам бизни шу ерга олиб келиб ташлади, демасин. Сени уйлантирамиз, келин билан шу уйда яшайвера-

сан. Хафа бўлма, мен бу уйни сотолмайман, уни қанча орзу-ҳаваслар билан қурганмиз. У биздан кейинги авлодларга мерос бўлиб қолиши керак.

— Эна, менда қандай қасдингиз бор? Аnavи ифлоснинг шунча ерга солиб кетгани камми? Сизни қўлтиқтаёғингиз билан икки боламга қўшиб адирининг тепасига олиб бориб қўйиб, кейин ўзим қандай бош кўтариб юраман?

— Сен, ўғлим, катта одамсан. Қайси гапга парво қилиш керак, қайсисига парво қилмаслик керак-лигини яхши биласан. Ўғлинг билан қизингнинг қўлидан иш келгунча жиянларинг қарашиб туради. Эҳ-хе, у ерда сув бўлса, қанча ер бор, қандай ишлар қиласа бўлади. Боғ қиламиш, асалари қўямиз, беш-олтита қўй-эчки қиламиш. Кўйиб юборсанг, ўзлари қорнини тўйғазиб келаверади. Сигир керак эмас, эчки соғамиш, кунига тўрт коса сут бўлса бўлди. Товуқ қиламиш, уларни ҳам қўйиб юборсанг, ўзлари ризқини териб еб юраверади, — момо ўзининг гапларидан ўзи жўшиб борарди.

— Шундай хазинани ташлаб, нега бу ёқлардан уй қурдингиз?

— У пайтлар замон бошқа эди, ҳамма шаҳарга интилар эди. Ернинг баҳосини ҳаммаям билавермас эди. Шундаям шу уйни сотгим келмади. Отанг «Кўчкинбой сўраяпти, сотайлик» деса ҳам, «Йўқ», дедим, «дача қиламиш» дедим. Дача бўлади-да, энди, ҳаммаларинг бизни кўриш баҳонасида бориб, дам оласизлар. Биз дачанинг қоровули бўламиш.

— Йўқ, эна! Мен бунга ҳеч қачон рози бўла олмайман. Майли, уйлан десангиз, уйланаман. Кўчайлик десангиз, бошқа бирон жойдан уй топаман, лекин сизни кимсасиз адирининг устига олиб бориб қўя олмайман.

— Нега кимсасиз бўлар экан? Кўчкин бобонгчи?

— Кўчкин бобо қаерда, орада бир чакирим жой бор.

— Кўйсанг-чи? Ўзларинг Кўчкинбойнинг уйидан чиқмас эдиларинг. Қоронги тушгандан сўнг зўрға чақириб келар эдик.

— Барибир, йўқ! Йўқ!

Робия кампир чукур хўрсинди:

— Ўзлим, яна бир андиша бор. Эртага бу уйга келин келса, у болаларингта ўгай она бўлади. Тўғри танбех берса ҳам ўгайлик қилаяпти, деб бизга ёқмаслиги аниқ.

— Болаларимга қарамаса, менга ундан хотининг нима кераги бор.

— Ана! Шундай гапдан дилхираликлар чиқадида. Кўй, болам, буларнинг кўнгли ярим, бир умр онасидан таёқ еб ўси, яна бундай савдолар бошлирига тушди. Энди булар гап кўтара олмайди. Буларга бирор қовоғини уйса, мен ҳам чидай олмайман. Болажоним, шугиналарни бирорнинг қовоғига қаратиб, мунғайтиргунча ёки сени: «Нега болаларимни ўгайлайпсан?» деб, хотининг билан яхши-ёмон бўлиб, иккинчи рўзғорингга ҳам дилхиралиқ аралашганини кўргунимча, ўша адирнинг устида рўзғор қилиб ўтирганим яхши. Мана, отанг бор. Болаларинг дастёр бўлиб қолди. Бизни қийналмасин десанг, биз айтган шароитларни қил. Бошқа гапни қўй.

Оллоқул бобо ёнбошлаганча она-боланинг мунозарасини жимгина тинглаб ётарди. Нима ҳам десин? Ўзлига бир нарса дейин деса, кампирининг режасидан буткул бехабар. Кампирига қарши бир нарса дейин деса, бу момо айтганини килмай қўймайди.

— Биз отанг билан эрта сахардан ярим кечагача далада юрардик, момонг шўрлик, гўрлари тўла нур бўлсин, бир кўр кампир олти болани қоғозга ўроғлик қандай қилиб, сақлаб ўтиради. Онам билан йигирма йил яшаган бўлсан, қайнонам билан эллик йил яшадим. Онам мактаб бўлса, қайнонам дорилфунун бўлди мен учун. Нима дедингиз, бобоси? — эрининг индамай ётиши унга эриш туюлди.

— Маъқул.

— Нима маъқул? Сиз ҳам муидай менинг ёнимда туриб, ўғлингизга гапирсангиз-чи?

— Уйлангани маъқул-да. Тўрт йилда яна икки болали бўлади. Аста-секин яралари ҳам битади. Даشت деганинг ҳам маъқул. Халақит берадиган ҳеч ким бўлмайди, қариганда қўл ушлашиб юраверамиз. Нари ёққа ҳам қўл ушлашиш-иб бирга-бирга кетамиз.

— Йў, йў, йўк! — дарров чолининг оғзига урди. — Ҳали у ёққа бориш ниятим йўқ. Олдин Санжар билан Ноилани мактабда ўқитамиз, кейин институтда ўқитамиз. Уларнинг иккаласи ҳам дўхтир бўлади, тўққиз йил ўқийди. Кейин бирини уйлантирамиз, бирини узатамиз. Бу ишларни бажариш учун йигирма йилдан ошикроқ вақт керак. Кейин десангиз, майли, қўл ушлашиб бирга-бирга кетишим мумкин. Унгача кетолмайман, кетолмаймиз, чол! Мен болаларга қарайман, сиз менга қарайсиз. Маъқулми?

— Маъқул, маъқул, — соколларини тутамлаб, мийигида кулди чол. — Лекин йигирма йил кўп вақт-да, кампир.

— Ҳечкиси йўқ. Саксоннинг нари-берисида бўламиз. У куни тўқсон яшар кампирни кўрдим, автобусдан тушаётган экан, «келинг» деб бирор

кўл узатган эди, «йўқ» деди, қўлини ушлатмади, ўзи тушди. Мен ҳам ҳали манави қўлтиқтаёқларни ташлайман, кейин Ноилани узатгунча қўл ушлатиш йўқ.

— Бўлдими, эна? Ишларим кўп эди, — чолу кампирнинг беғубор ҳазиллари ҳам Сардорга ёқмади.

— Сен бўлди, десанг, бўлди. Тезда томорқага харидор топ-да, қирдаги уйга уста ташла. Бир газ ўчок билан қозон-товор олиб бориб берсанг, овқатларини ўзлари қилиб, еб, ишлашаверади. Биринчи, сув билан сувдоннинг тараддудини кўр, ҳар ишга сув керак. Кейин, у ёқ-бу ёғингга қара, турмушнинг паст-баландини кўрган, босиққина, инсофли, диёнатли пошикаста бўлса, дарров бу ишни ҳам битириб қўямиз.

Сардор индамай туриб кетди.

— Гапларинг менга-ку, маъқул, лекин ўғлингга маъқул тушмади, — деди унинг орқасидан караб колган ота.

— Ўзини билса, унинг фойдасини кўзлаб шу оғирликни ўзимга олаяпман, чол. Ўгай деган сўзнинг ўзи одамнинг кўкрагидан итаради. Эртага бир кўнгилсизлик бўлса, худо кўрсатмасин-у, яна боламнинг рўзғори бузилмасин, невараларим ўксимасин, деяпман. Бўлмаса, қўлтиқтаёқ билан адирнинг устида менга нима бор?

— Кўявер, кампир, ҳали биз у ерни жаннатга айлантирамиз. Ўзим бор, хавотирланма. Режаларинг менга ёқди.

Сардор ҳам нимани ўйлаган, нимани қўйган, бир кун эшитишибдики, тоғасининг олдига бориб, кудук қазган усталарнинг манзилини суришибди, кимдандир икки тонналик сувдон олиди. Хуллас, онасиға ҳеч нарса демаса ҳам, унинг айт-

гапларини бажараётган эди. Афтидан, унга ҳали келмаган ўгай она зуғумидан кўра кўчадаги болаларнинг таъналари кўпроқ таъсир қилган эди. Ҳар кечқурун ишдан келиб, болалари билан гаплашиб, уларнинг хоҳиши билан ҳар хил ўйин ўйнайдиган одат чиқарди.

Робия кампир томорқаларининг бир қассобга сотилганини ҳам орқаворатдан эшитди. Ўғли бу ишлар ҳақида нега онаси билан гаплашиги келмаётганини тушунмади, суриштириб ҳам ўтирмади: «Ўзи билади. Менинг айтган ишим бажарилса, бўлди», деди. Кампирнинг азалдан одати шундай, болаларини ҳадеб тергайвермайди, бир гап айтади-ю, арқонни бўш қўйиб қўяди. Бир кун арқон тортилганда, айтган иши бажарилмаган бўлса, жазо қаттиқ бўлади.

Лекин келин топиш ҳақидаги топшириғи бажарилмаслигини яхши билар эди. Сардор йигит бўлиб, «она, фалончи қизнинг коши қора» деган одам эмас. Энди, шунча гап-сўзлардан кейин, «Бир қиз бор эди...» деб келармиди? Кампир шуларни ўйлаб, бу ишни қизлар билан келинларга топшириди: «Бирорвнинг есири бўлмасин, босар-тусарини билмаган ёш қиз бўлмасин. Ўзи маъқул бўлса ҳам, тортинчоқлигиданми, бахти чоимаганиданми, тенги чиқмай, янгаю келинларнинг эшигига сиқилиб юрган, ёши ўтинқираган қизлар бўлади. Бундай қизлар ўзининг ҳам, бирорвнинг ҳам қадрига етади. Шундай қизлар бўлса, айтинглар», деди.

Кўп қизлар айтилди. Дунёда ўтириб қолган қизлар ҳам кўп экан. Кўни кампирнинг дидига тўғри келмагани учун Сардорга бориб ҳам етмади. «Намунча, унга сиз эмас, Сардор уйланади-ку, Сардор ҳам бир кўрсин», дейишса ҳам, ўзи рози бўлмаган номзодларнинг отини ҳам айтмасди.

Нихоят «номзод»ларнинг бирига тўхталишиди. «Обком» тарқатилгунча кўп йиллар обкомда ишлаган Кенжа Ҳамидович деган кишининг катта хотинидаги қизи экан.

— Олдин бориб, ўзим онаси билан гаплашиб келай.

Қизнинг ёши йигирма еттида бўлган, институтни битирганига ҳам тўрт йил бўлибди. Онаси одамнинг кўзларига жавдирағина қараб турадиган, мулойимгина аёл экан. Келганларни кўриб, анчадан бери кутган одамлари келгандай тавозе билан ичкарига таклиф қилди, қалин паттиламлар тўшалиб, қимматбаҳо мебеллар ялтираб турган биллур қандилли меҳмонхонага олиб кирди. Аёлнинг устидаги енглари узун одмигина кўкиш кўйлак ва бошидаги оқиш чит рўмол билан меҳмонхонадаги ҳашамат ўртасидаги номутаносиблик кампирни ҳайрон қолдирди: «Бирон яқини вафот этган бўлса керак». Уйда хеч ким йўқ шекилли, чойни ҳам ўзи олиб кирди.

Бир-икки ҳўплам чойдан сўнг кампир мақсадга кўчди:

— Эгачим, биз қулчиликка келганмиз. Бизнинг бир ўғлимиз бор, сизда қиз бор экан.

Аёл қўлини кўксига кўйди:

— Бош устига, опа.

— Лекин, бизнинг бир айбимиз бор, кўнглингизга келмасин, ўғлимиз уйланган, икки боласиям бор, турмуши бўлмай, ажралди.

Аёл бир нафас жим қолди:

— Энди-и, билмасам, опа, — деди анчадан сўнг. — Ёшлар бир-бирини кўришсиз, гаплашишин, бир-бирларига меҳри тушса, биз рози.

— Ха, раҳмат. Бир нарсани сўрасам, айбситманг, нега қизингизни шу ёшгacha узатмадингиз.

Аёл лабининг бир чети билан ийманибина кулди:

— Оғзимнинг солиғи йўқ, қизимнинг қилиғи йўқ, дейишади. Менинг қизим ҳам ўқишига юборсам фақат ўқиши билан, ишга юборсам фақат иш билан бўладиган қизлардан. Институтта кирган йиллари бир-икки совчилар ҳам келди, ўқишини битириб олсин, дедим. Кейин-кейин ҳеч ким келмай қўйди. Бу қизнинг эса парвосига келмайди. Ишига боради, келади, юраверади. Энди бу тенги уйланмаган йигитлар қолмади, хисоб. Хотин қўйган, хотини ўлган бирор-яримдан ора-сира одам келиб турибди. Шулар билан учрашай, кўрай ҳам демайди, тортинадими, ўзингиз яхшилаб суриштиринг, дейди.

— Отаси ҳам келиб турадими?

Аёл яна кулимсираб, ерга қаради:

— Аввал обдан суриштирган кўринасизлар. Мен у кишига ўғил туғиб бера олмадим. Бир ўрисга уйланган эдилар. Ўрис бир ўғил тугди. Икки уйнинг ўртасида юрардилар, бизни, қизларини ҳеч ташлаб кўйганлари йўқ. Мен ҳам «оббо, шундай қилдингиз» деб бир оғиз гапирган одам эмасман. Яқинда ўша ўгиллари ўн беш ёшга кириб, ўлиб қолди. Ўрис кундошимиз ғам билан бутунлай ёлғиз қолди, шундан кейин отаси умуман келмай қўйди. Буёри ишсиз қолган. Бир умр оёғи узангига юрган одам ўзини ҳар жойга уради, қани, дурустроқ бир иш топилса. Одамлар пухталик қилиб, қўш-қўш участка, дўконлар қилиб ташлаган. Ишдан кетса ҳам улар сармоясиз қолмайди. Бу кишим бўлса, коммунист профетар бўлиши керак, деб фақат ишни ўйлаганлар. Яқинда қизим отасини қўргани борибди, у кишимнинг пича кайфи бор экан, қизини кўриб

роса йиғлабди. Бечора эрим, қўшхотинликда айблаб, партиядан ўчириб юбормасин, деб, ўғлига на исмини, на фамилиясини бермаган экан. Ўғли Сергей Иванович Батурин бўлиб яшаб, шундай ўтиб кетибди. Боланинг синфдошлиари: «Сенинг отанг ўзбек-ку, нега Иванович Батуринсан», деб масхара қилишар экан. Иван Батурин онасининг отаси экан. Бола бечора қўчадан эзилиб келиб, уйда жанжал қилар экан: «Дада, сиз мени ёмон кўрасиз. Бўлмаса, менга фамилиянгизни берган бўлар эдингиз», деб. Мана энди партия ҳам йўқ, ўғил ҳам йўқ. Фақат армонлар бор. Ўрис хотинни ёлғиз ташлаб келишига бечора эримнинг виждони йўл қўймайди, шекилли. Майли, қаерда бўлса, омон бўлсин.

— Нега бундай... кўк кийиб юрибсиз? Бирон якинингиз?..

— Энди... отаси келиб қолса, қўнглига келмасин, деб одмироқ кийиниб юрибман-да. Нима бўлганда ҳам қизларимнинг укаси...

— Ха-а, маъқул, маъқул... — момонинг кўнгли тўлди. — Бўлмаса, болалар бир кўришишин. Улар бир-бирининг қўнглини топса, бошларини қовуштириб қўямиз. Унгача бир-икки ой ўтади, хўжайнингизнинг ярлари ҳам пича эскиради. Ха, эгачим, яна бир гап, биз катта тўй қила олмаймиз. Ўғлим ёши ўттиздан ошганда костюмининг чўнтағига оқ гул тақиб, базмнинг тўрида ўтира олмайди. Сизлар ҳам азадор экансизлар. Оддийгина қилиб, никоҳдан ўтиб, беш-олти қариндош-уругни чақириб...

— Кизим дабдабаларга қизиқмайди, тўрт юзбеш юз кишини едириб-ичириб, кейин қарзга боти-иб юришнинг нима кераги бор экан-а, дейди доим. Бу энди иккинчи даражали масала,

олдин бир қўрилишсин... Биз ҳам отаси билан, қариндошлар билан маслаҳатлашиб олайлик.

Кампир уйга газна топғандай бўлиб қайтди.

— Агар маймунга ўхшаган бўлса ҳам шу хотининг қизини олганим бўлсин.

Чол кулди:

— Эсли-хунили қиз бўлса, адирга кўчиб нима қиласан?

— Йў-ўқ, яқиндаги тишлашар, олисдаги кишинашар, чол. Тишланигунча кишинашиб юрган маъкул. У ўғлимга зўр хотин бўла олишига имоним комил, лекин певараларимга қандай она бўлишини билмайман. Биласиз, кўзим етмаган нарсага таваккал қилмайман. Инсоф қилиб, она бўламан деса, шу ерда туриб ҳам оналик қилаверади. Ҳафтада бир тандир нон қилиб юборсин, бориб кирларимни ювиб берсин. Тансиқроқ овқат қилганда, бир товоқ кўтариб борсин. Мехр бера-ман, деса, ким унинг йўлини қайтарарди?

— Яхши, лекин қийин ишни зиммантга оляпсан, кампир. Ўйлаб-ўйлаб, баъзан ўйимнинг охирига етолмайман. Бу болалар мактабга қандай қатнайди. Йўл олис бўлса...

— Сиз-чи, бобоси. Бир эшак оламиз, эшакка мингаштириб олиб борасиз, олиб қайтасиз. Ҳали шошмай туринг, чол! Ҳали тўғри қилган экансан, сенга раҳмат кампир, дейсиз.

— Хей, билмадим-да.

Киз Сардорга ҳам маъкул тушди:

— Ўзларингиз биласизлар, сизларга маъкул келган бўлса, менга барибир. Лекин улар азадор экан-ку.

— Э-э, болам, эл йифиб, «дангир-дунгур» қилиб ётиш ниятим йўқ. Бориб никоҳдан ўтиб келасизлар, тўрт қариндошни чақириб, никоҳ ўқитамиз,

бўлди. Онам никоҳ тўйини ҳеч қандай сабаб билан ҳам кечиктирмаслик керак, никоҳга шайтон аралашиб, бузаман, деб туарар экан, шунинг учун тўй бошлангаётганда қари-қури, бирор-ярим омонатини топшириб қолса ҳам, майтнинг юзини ёпиб қўйиб, никоҳ тўйини ўтказавериш керак, дер эди.

— Унда ўзингиз биласиз.

— Сен адирдаги уйни тезроқ созла. Хонангдаги ётоқ мебелини бир хонага, менинг хонамдагини бир хонага жойлаштири. Отанг билан Санжарга бир ётоқхона, Ноила билан менга бир ётоқхона бўлади. Мехмонхонага янги жихозлар ол. Барнога айтсанг, парда тикувчи қизларидан иккитасини беради, ўлчаб-нетиб, парда тикиб беради. Ҳаммаси тайёр бўлгандан кейин бир ош қилиб, опа-акаларингни ўша ёқقا чақирамиз-да, бизнинг кўчганимизни маълум киламиз.

— Энажон, — Сардор онасининг елкасидан қучди. — Ўзингизга жабр қиласиниз-да. Мениям нокулай ахволга солиб қўяяпсиз. Бир умр «тиқтиқ» тинмадингиз. Қариган чоғингизда сизга нима жабр шу ишни бўйнингизга олиб? Кенжа Ҳамидовичнинг қизи ёмон қизга ўхшамайди. Яна шу ерда мен туриб, сиз туриб, шу болаларни турткилашга ташқаридан келган бирорнинг ҳадди сифармиди?

— Майли, болам. Одамнинг боши — тегирмоннинг тоши. Бу бош сенинг бошингдан қўра кўпроқ савдоларни кўрди, кечирди. Бориб хабар олиб турасан. Бир кўл телефон олиб берасан, керак бўлсанг, зингиллатиб чақириб олавераман. Россияда бутун-бутун қишлокларда фақат қариялар яшар экан. Уларнинг-ку, ҳолидан хабар оладиган одами йўқ, болалари нонини топиб ейдиган бўлгач, шаҳарларга кетиб қолишади. Кайтиб ке-

лишмайди. Худога шукур, менинг ёнимда отанг бор, «хув» десам, чопиб келадиган олти болам бор. Адир қочиб кетибдими, телефон билан такси чақириб, ўзимиз ҳам келиб-кетаверамиз. Сен бўшашиб ўтиргунча, ишни тезлаштир. Ҳаммаси тайёр бўлгач, аввал мени олиб борасан. Ўзим бир кўрайин.

— Госкомиссия!.. — кулди Сардор.

Аммо ҳақиқий «госкомиссия» кимлиги адирда ош ташқил қилинган куни маълум бўлди. Никоҳдан икки ҳафта ўтган эди. Уй, жиҳозлар, шароит ҳаммага жуда маъқул бўлди.

— Ўҳ-хӯ, Сардор, сенга гап йўқ! Бунча пулни қаердан топдинг?

— Ажойиб фазенда бўғти. Богни кенгайтириб, бир одам қўйсанг, бир умрлик даромад манбаи бўлади. Сарфлаган пулингни юз хисса қилиб чиқариб оласан.

— Ука, ота моли шерик, деганлар. Шу жойни менга бер. Қилган харажатларингни ўзим тўлайман.

Робия кампирнинг қарорини эштишишгач, ҳамма бир бўлиб Сардорни талай кетди:

— Ука, эркакмисан ўзи? Яримжон кампирга икки болангни бериб, шу адирга хайдадингми?

— Энам ўз уйига сифмай қолган бўлса, ўзим обкетаман, сен болаларингни олиб кол.

— Ука, хотин топилади, она топилмайди.

Таъна-дашномлар киши билмас тобора чукурлашиб борар, жанжал бош сабабчиси дея айбсиз айборлар — янги келин билан икки бола асосий нишонга айланиб борарди.

Кампир ўртага чиқмаса бўлмайдиган бўлди:

— Хув, болаларим, бу уйни созлатиш келин келишидан икки-уч ой олдин бошланган эди. Бу

ерга келиш менинг иродам, менинг хохишим. Қариганимда бой бўлишни хоҳлаб қолдим. Қанча ер бўш ётибди. Бир чорикор солиб, мол қиламиз, асалари кўямыз, борни яна тўрт баравар кенгайтирса бўлади. Кишлок тўла бекорчи, чақириб, иш берсанг, улар хурсанд. Ишим битганидан мен хурсанд. Ер деганлари хазина-ку, ота-боболарингдан қолган хазинани ташлаб кўйиб юрибсанлар, арзимас маошнинг изидан қувиб. Сизлар Сардорни уришгунча, Сардорга раҳмат айтинглар, — кейин кулиб-кулиб қўшимча қилди. — Яхшиси, Сардорга ҳавас қилинглар. Сардор кенжা бўлгани учун бу ердан олинадиган даромаднинг эллик фоизи Сардор билан келинники бўлади.

«Госкомиссия»нинг нафаси ичига тушиб кетди. Янги келин билан Гулзор ошдан бўшаган идишларни йиғиштира бошлади.

— Барибир, мен норозиман, — кимгадир нимадир алам қилди. — Катта бўлдик, гуноҳкор бўлдикми? Сардорингизга шахарда бир уй, адирда бир уй, шунча бор-роғи билан. Унинг бор-йўғи иккита боласи бор. Келин ҳам ойликчи. Биз жўжабирдай жон бўлсак, бир ўқимаган қизни олиб бергансиз, шунинг камини тўлдираман деб...

— Ҳалиям олинг, бир ўқиганини! Бошингизда ёнроқ чақсин.

— Эна, ўзингиз бизни ҳамма масалада аррани тўгри тортишга ўргатгансиз. Нега энди ўзингиз аррани қийшиқ тортаяпсиз? Ота, сизам бир нарса десангиз-чи?

Ота эса одатдагидай ёнбош ташлаганча, кулиб ётарди.

— Биз ҳазрати олияларининг сўзини икки қила олмаймиз.

— Э-э, ота!..

Улар «вағ-вүр» түполон билан тарқалишганды, кун кеч бўлиб, қуёш бепоён адирликлар узра ўзининг майингина нурларини сочар, фир-фир эсиб турган шабада аллақандай адир гулларининг хушбўй ҳидларини келтириб димокқа урас, олис-олислардан ёввойи қушларнинг ёқимсиз қағиллаган овозлари эшитилиб турарди. Сардор билан янги келинни зўрға жўнатиши. Улар: «Шу ерда қолайлик, эрталаб нонушталарингни қилиб бериб кейин қайтамиз», деб туриб олиши. Кампир: «Мол-ҳол бор, боринглар, ўз уйларингта меҳр қўйинглар», деб қўймади. Охири келин: «Хўп, онажон, яхши дам олинглар», деб Сардор билан йўлга тушди. Келиннинг муомаласида, қарашларида эрига нисбатан бир интиқликин кўриб, кампирнинг кўнгли ўсади. Ўзининг келинлик давридан қолган кекса тутнинг соясига кўйилган супада қўлтиқтаёқларига суюнган кўйиузоқ ўтириди. Ўтирган жойида ёнбошидан жойнамозини олиб, «шом»ни ҳам ўқиб олди. Болалар боболари билан ичкарида қандайдир янги фильм кўриб ётишар эди. «Аллоҳга шукур» — кампирнинг кўнглига хотиржамлик ингандай бўлди, ўзича ҳаётидаги ҳамма ташвишларни енгиб, токчама-токча тахлаб чикқандек эди.

Кино тугагач, жой талашиш бошланди:

— М-момом билан мен ётаман.

— Мен ётаман, момом билан! Сен ўғил болсан, сен бобом билан ётишинг керак. Тўғрими, моможон!

— Й-йўқ, момом билан мен ётишим к-керак, мен ҳар доим момом билан ётаман, ана, момомнинг ўзи айтсин. С-сен Гулзор опам билан ёт!

— Момо, айтинг, ким билан ётасиз?

Момо уларга қараб кулади:

— Икковларинг ҳам мен билан ётасизлар.

— Ур-ре!

— Ур-ре!

— Йўқ, момо, Санжар бобом билан ётсин.  
Икки бола сизни босқилаб ташлайди. Эркалата-  
верманг шуларингизни.

— Индама, каравотимиз катта, булар менга  
караб ётади.

Момо ўртада, икки бола икки ёнга жойлашди:

— Момо, энди эртак!..

— Хозир кино кўриб чиқдиларинг, кино ҳам  
эртак-ку, яна эртак керакми?

— Керак, керак! Сизнинг эртакларингиз кино-  
лардан ҳам зўр.

— Майли, майли, қайси эртакни айтай.

— Т-тошбол билан Эркенжани!

— Йўқ, Зумрад билан Қимматни!

— Хўп, иккаласини ҳам айтамиз. Аввал «Зум-  
рад билан Қиммат»ни айтамиз. Чунки биз синг-  
гилларни хурмат қиласиз, яхши кўрамиз. Ҳали  
катта бўлиб ойлик олган вактларингда ҳам хоти-  
нингга бир нарса олсанг, синглимга ҳам олай  
шу нарсадан, деб туришинг керак. Тушундингми?  
Қадим ўтган замонда...

Ноила тез ухлаб қолади. Санжар иккинчи  
эртак тугаганда ҳам ухламайди, ухлаёлмайди.

— М-момо, ч-чарчамадингизми?

— Йўқ, нимайди, болам.

— Я-яна битта эртак айтиб беринг. Фақат узу-  
нидан, ҳеч тугамайдиганидан. Ш-шошманг, аввал  
орқамни бир қашлаб қўйинг.

Момо унинг юмшоққина тунги кўйлагини  
кўтариб, орқасини қашлади, суйиб-суйиб елкалари-  
ни, нозик билакларини, оёқларини уқалаб қўйди.  
Бола момонинг пинжига кириб, узок жим қолди.

— М-момо, — анчадан сўнг яна кампирга сўз қотди.

— Ха, ўғлим?

— М-момолар онага ўхшайди-я?

— Ха, болажон, момолар ҳам аслида она-да.

Улар ҳам бола түккан, бола ўстирган.

Боланинг саволи кампирни ўйлантириб қўйди: «Онасини соғинибди, шекилли. Она, барибир, она-да. Момомнинг қатламасидан онамнинг шапатиси ширин, деб бежиз айтишмаган-да. Сен онасига ўхшашинг мумкин, лекин хеч қачон онасининг ўрнини боса олмайсан». Кампирнинг кўнгли ғалати бўлиб кетди: «Майли, ўлмасин».

— Ха, болам, онангни соғиндингми?

Бола яна анча пайт жим қолди, у чамаси момосидан тортинаётган эди:

— У-уришмайсизми, — деди анчадан кейин се-кингина.

— Нега уришаман, болам? Одамнинг ўз она-сини соғиниши сира гуноҳ эмас.

— М-мен онамни жуда соғиндим. Н-ноила ҳам соғинган. М-момо?

— Ха, болам?

— Ш-шу онамни чет элдан чақириб олсак, шу ерда биз билан яшаса бўлмайдими?

— Болам, онанг бундай қишлоқ жойларни ёмон кўради. У ҳозир жуда чиройли катта шаҳарда яшаяпти. Ундан чиройли жойларни ташлаб, бизнинг чўлдаги уйимизга келмайди-да. Келса, қанийди...

— М-момо?

— Ха, болам?

— М-мен катта бўлсам, ким бўламан, дейинми?

— Ким бўласан?

- Ш-шаҳарлар қурадиган архитектор.
- Вой, болагинам-эй, архитектор шаҳар қуришини қаердан билиб ола қолдинг.
- М-мультфильмдан. К-катта бўлсам, шу адирнинг устида катта шаҳар қураман.
- Йўқ, болам, сен дўхтири бўл. Қара, ҳаммамиз касалмиз. Мен касал, бобонг касал, синглинг касал. Бизга ўзимизнинг дўхтири керак. Шаҳар қураман деб, куннинг иссиғида қурувчилар билан куйиб-ёниб юрасанми? Дўхтири бўлсанг, салқингина хоналарда оппок ҳалатлар кийиб одамларни даволаб юрасан, кейин сен даволаган одамлар менинг олдимга келиб: «Робия момо, бир ажойиб неварангиз бор-да, шундай болани тарбиялаганингиз учун раҳмат», дейишади.
- М-майли, ундаи бўлса, дўхтири бўламан.
- Яша.
- М-момо, аслида мен ҳам касалман-а? Ҳ-ҳали мактабга борсам, болалар устимдан кулишса керак. Ў-ўзимни даволаш учун ҳам дўхтири бўлишим керак.

Кампир неварасининг елкасига қоқди:

- Сенинг касалинг сал нарса. Ёзда даданг Тошкентга обориб, катта дўхтирларга кўрсатиб келади. Мактабга боргунингча яхши бўлиб кетасан, худо хоҳласа.
- Р-ростданми?
- Албатта. Энди ухла. Сен боланинг уйкунг ўчиб кетди, шекилли, саволинг кўпайди.
- Ҳ-ҳўп, м-момо.

Аслида қадрдан уйга келиб, ўзининг ҳам уйқуси ўчиб кетган эди. Бу уйнинг ҳар бурчаги бир ҳикоя айтади, умрининг ёш, гўзал, соғлом дамларини ёдга солади. Сардор бу ерда катта иш қилган, ҳамма нарсани янгилаган, лекин аслида

ҳаммаси ўша-ўша әди. Адирлар ўша, адирларга соя ташлаб турувчи тоғлар ўша, бир иссиқ меҳр билан дунёга қараб турган ҳовли-жой ўша. Фақат Робия бошқа әди! Икки кунлаб этик ечмай далада юриб ҳам чарчамайдиган Робия ўша далаларда бир умрга қолиб кетди.

Қайнонаси донгдор сут соғувчи әди. Бир куни раис келиб, «Опа, келинингиз бир биргадни олсин. Райком хотин-қизлардан биргад қўй, деб еб ётибди. Уларнинг айтганини қилмасам, қўймайди. Лекин ҳар кимни ҳам составга киргизиб бўлмайди. Ўйлаб-ўйлаб, шу келинга келиб тўхталдим, сиз бир синашта одамсиз. Онасиам инсоф-диёнатли аёл әди. Ўзингизни табелчи қилиб қўяман. Каерга борса, бирга боришади, бирга юришади. Увол-савоби ўзимнинг бўйнимда», деди.

Қайнонаси раҳматли ҳам: «Бунинг олти болали рўзгорини қандай эплайман», демади. «Хўп, раис бобо, сиз нима десангиз шу. Лекин билиб қўйинг, биз мол талашмаймиз, ор талашамиз», деди. Раис ҳам «хўп» деди. Шу-шу эри билан далаға чиқиб кетди. Кўп ўтмай кампирнинг кўзлари ожиз бўлиб қолди. Шунда ҳам олти болани боғчасиз, энагасиз ўзи катта қилди. «Мен уларга, улар менга қарайди», дер әди шўрлик доим. Энди ўша қисмат Робия кампирнинг ҳаётида такрорланаяпти. Ўша уй, ўшандай яримжон кампир, болалар... Кампир болаларга қарайди, болалар кампирга қарайди. Ўйлаб қараса, болалари билан невараларининг тақдирида қандайдир ўхшаш жиҳатлар бор экан. У биргад бўлди, кундузлари далада, кечалари гоҳ хирмонда, гоҳ сувнинг бошида ўтди, у уйдан чиқиб кетаёттганда ҳам, уйга қайтиб келганда ҳам болалари ухлаб ётишган бўлар әди. Унинг ўрнига бир кўр кампир болала-

рига меҳр берди, улгайтирди. Эҳтимол, унинг болалари ҳам ўша кўзи ожиз кампирнинг қўйнида ётиб, «Момо, момолар ҳам онага ўхшайди-я?» – деб уни соғинишгандир.

Унинг болаларига аталган меҳрини пахта даллари еб қўйди. Невараларига аталган меҳрни нима еди? Нозима нега адашди? Нега у ҳамиша ҳамма нарсадан норози бўлиб юради? Атрофидагиларга ёвга қарагандек қарабди, бир оғиз гапдан тумтайиб оларди. Ҳатто ўз боласидан араз уриб, дастурхонни силкиб туриб кетган пайтлари қўп бўлган. Нега шундай эди у? Робия кампир газеталарда «Қилмиш-қидирмиш» деб қўйиладиган сарлавҳаларни қўп кўрган. Мана, яна битта «Қилмиш-қидирмиш». Қилди-қилди, ўзига қилди. Йўқ, бегуноҳ болаларига ҳам қилди.

Эрталабки ионуштадан кейин тутнинг тагида ёнбошлаб ётган чолининг олдига бир тугуича олиб келди. Чол савол назари билан бир тугунчага, бир кампирга қаради. Кампир жойлашиб ўтириб олгач, тугунчани ечиб, ундан ялтилаб турган қалин, қадимий билагузук чиқарди-да, чолининг олдига қўйди:

– Танияпсизми? – кампирнинг овози титраб кетди.

Чол билагузукни авайлабгина қўлига олдида, худди биринчи марта кўраётгандай синчиклаб қаради. Кўзларини юмиб, бош ирғади: «Ха».

– Онангизга совға қилган эдим. Умрининг сўнгги қунларигача тақиб юрдилар. Жон бераётгандарида кўзлари кўрмаса ҳам «Робия» дедиларда, қўлларидан ечиб, қўлимга тақиб қўйдилар. Мен буни ҳеч кимга беролмай, ўзим ҳам таколмай юрган эдим. Бир кун Ноилам катта бўлса, шунга бераман, дедим охири. Бугун унинг жойи чиқди.

Буни олиб, Улдон тиллочига борасиз, вақтида ўзидан олган эдим, бу молнинг қимматини у яхши билади. Асл, тоза, қадимий мол. Пулига йигирма кути асалари оласиз, асбоб-ускуналарини ҳам бирдан олинг. Колганини Сардорга беринг, Санжарни Тошкентнинг дўхтирларига олиб бориб келсин.

— Э-э, кампир, Санжарга нима қилибди? Яхши-ку, кайфияти яхши бўлса, тили ҳам астасекин тўғриланиб кетади.

— Йўқ, бобоси, бола эрта-индин мактабга чиқади. Ошналарининг олдида дудукланишидан қисиниб юрмасин. Беринг, бориб келишсин. Баҳонада шаҳар айланиб келади.

Оллоқулбой билагузукни кафтига қўйиб, узок томоша қилди.

— У энамнинг кўлларида жуда чиройли турар эди, — деди кейин секингина.

— Бошқа иложимиз йўқ, бобоси. Худо хохласа, эртага асалнинг пулидан ўнта билагузук оласиз.

— Э-э, сенам гапирасан-да.

— Гапирысан-гапирымасам, сизни билмадим-у, менинг қайнотам асаларичи ўтган. Бу ишнинг ҳадисини олганман, ҳисобини ҳам биламан.

— Ҳа, бўпти, гапирамадик.

— Асаларини ҳар кимдан олманг, Жалолиддинбайдан сўранг, уларда бўлмаса, Қамбархон эшоннинг ҳам асаларилари яхши бўлади.

— Бригадир момо, буюришни яхши кўрасиз-а, — масхара қилди бобо.

Кампир ҳам кулди:

— Буюрсам, бегонага буюраяпманми? Ўзимнинг табелчимга буюраяпман. Бирорларга нега малол келади?

— Хе, табелчи бўлмай, биз ўлайлик. Табель қилмай қўйганимизга минг йил бўлди, никто-вингиздан кутулмаймиз.

— Шукур килинг, чол. Шу кампир ёнингизда бор экан, жавраб, зериктирмай ўтиради. Йўқ бўлсам, нима қиласар эдингиз, қулок-бурнингиз кесилтандай бўлиб ўтирамидингиз?

— Шукур, шукур, кампир.

Сардор ҳам кўнглига туғиб юрган эканми, кўлига пул тегиши билан Санжарни олиб Тошкентга жўнаб кетди.

Улар кетиши билан Ноиланинг тоби қочиб қолди. Ўзи парҳездаги нимжонгина бола эди, бутунлай ҳеч нарса емай қўйди. «Ичим, ичим»лаб, бош кўтармай ётгани ётган. Бобоси машина чақириб, дўхтирга ҳам обориб келди. Бир дунё дори-дармон олиб келиб, муолажани бошлаб юбориши ҳамки, қани бола бери қараса, оғзига бир ушоқ олса...

Кампир адойи тамом бўлди. Кеча-кундуз бошида киприк қоқмай ўтирас эди.

— Момо, ўтирганингиз билан ахволи яхшиланиб қолмайди. Ёнига ўтиб ётинг, қараб ётасиз, — ўзича унга меҳрибонлик қиласарди Гулзор.

— Э-э, йўқ, ўтирганим яхши. Ётсам, мен тўқол ухлаб қоламанми?

Ўша оқшом бола алаҳсирай бошлади. Кампирнинг юраги ёрилди:

— Ё қодир эгам, шу норасиданинг жойига менинг жонимни ол. Бу гўдак дунёга келиб, ҳали нимани кўриб улгурди. Ҳатто, она меҳрига ҳам тўйгани йўқ. Мен ошимни ошадим, ёшимни яшадим. Мен сендан розиман, Аллоҳим, шу норасиданинг жойига менинг жонимни ол. Ўтинаман, Аллоҳим, — кампир қиблага қараб, йиғлаб илтижо

қилди, кейин худди жон беришга чөгланғандек жойига ўтиб, чўзилиб ётиб олди. Ётган жойида ҳам йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолди. Ярим тунда қорнининг пастки қисмидаги қаттиқ оғриқнинг азобидан уйғониб кетди. Ёнбошидаги тунчироқни ёкиб, қўлтиқтаёқларини олди-да, бир амаллаб қўшни хонадаги хожатхонага кирди. Оғриқ кучайғандан-кучайиб борар, бутун аъзойи баданидан муздек тер қўйилар ва негадир қайт қилгиси келар эди. У бир амаллаб кафти билан пешонасидаги терни сидириб ташлади. «Ха, Аллоҳ илтижоларимни эшитибди. Бу жон тери бўлса керак. Ха, вақти-соатим етибди, шекилли. Нима бўлса ҳам покиза тўшагимда жон берай». Секин ўрнидан туриб, қўлтиқтаёқларига осилиб олди. Калимаи шаҳодатни қайтара-қайтара, таҳоратхонага кирди: «Бетаҳорат кетмайин». Хонасига кираётиб, қўлтиқтаёғи билан чолининг эшигини икки марта уриб кўйди: «Бехабар колиб кетмасин». Кейин кириб охистагина жойига чўзилди-да, кўзларини юмди. Оғриқ ҳамон бутун вужудини ларзага соларди.

Бир лаҳзада бобо ҳовлиқиб кириб келди.

— Ха, кампир?

Кампир бўғзига тиқилган оғриқни ютиб юбориб, бир нарса дегунча, Ноила момосини чақириб қолди:

— Ха, қизим? — бобо унинг бошига югуриб борди.

— Сув...

Бобо дарҳол унинг бошида турган маъданли сувдан қуийиб, оғзига тутди, бир қўли билан бошини кўтариб турди:

— Мана, ич, қизим.

Кизча сувни яхшигина ичди.

Бирпасдан кейин яна момосини чакирди:

— Момо...

— Ха, кизим?

— Корним очиб кетди, каша ейман.

Робия кампир ётган жойида карахт бўлиб қолди. Оғриқлар умуман сезилмай, аъзойи баданини қоплаган реза-реза терлар музлаб қолди. Факат нимагадир ҳамон кўнгли айнир эди. У бир амаллаб ўрнидан турди:

— Сут бормиди, бобоси?

Бобо кампирининг ахволи яхши эмаслигини кўриб, уни қайтариб жойига ётқизди:

— Ҳамма нарса бор, момоси. Беш дақиқада пишириб келаман. Сен боланинг ёнида ётиб тур. Ёлғиз қолмасин.

Бобо бирпасда пиёла билан қошиқча кўтариб қайтиб келди:

— Қани, энажоним, бошингни сал кўтарайлик, — қизнинг ёстигини бироз кўтариб қўйди. — Энди оғзимизни очамиз. Қани-и, ҳе, яша, яна бир қошиқ, яша, яна...

Бирпасдан кейин қошиқнинг бўш пиёлага тақтак урилгани эшитилди.

— Энди, оғизларни артамиз. Сув ичмайсанми, энажон? Озгина... Бўлди. Раҳмат. Энди ётиб дам оламиз. Баракалла.

Бобо қизни жойига ётқизиб қўйгач, кампирининг бошига ўтди:

— Ха, кампир, сенга нима бўлди?

— Ҳеч нарса. Менгаям бир пиёла сув беринг.

— Хўп бўлади, мана, кампир.

Кампир сувни ютоқиб ичди.

— Бўлдими?

— Кетманг, шу кеча ёнимизда қолинг.  
Бобо диван-каравотнинг адогига тўшалган кўрпага чўзилди.

Кампир яна терга туша бошлади, аммо энди унинг ўлгиси келмай қолган эди, гарчи бу бироз кулгили бўлса ҳам, яна йиғлаб Аллоҳга илтижо қила бошлади: «Ё қодир Аллоҳ, мен ўлсам, бу гўдаклар кимга қолади? Илтимос, жонимни олма, шу икки етимни вояга етказиб, ўз нонини ўзи топиб ейдиган кунларгача ёнларида соғ-саломат юрай. Марҳаматингни дариф тутма, Аллоҳим!..» Корнининг пастидаги оғриқ аста-секин тарқаб, кўнгил айниши ҳам тўхтаб ухлаб қолди.

Кампир кўп йиллар ўша кеча рўй берган воқеаларни бирорга айтишдан уялиб, аммо бу воқеаларнинг рост-ёлронлигига ўзи ҳам ишониб-ишонмай юрди. Ўша кечанинг ягона ҳақиқати худо Ноиласини қайтиб берди. Шу кечадан бошлаб, Ноила бир пиёла-ярим пиёладан таом еб, аста-секин овқатга кириб, оёққа туриб кетди.

\* \* \*

Нозима қизи Грецияда юрган қўшнисиникига синглисини кўп марта юборди. Кўшни бир борганда у деди, иккинчи борганда бу деди, хуллас, кизининг телефонини бермади. Охирида: «Олти ойлардан сўнг ўзи келади, шунда ўзига учрашасизлар», деди. Ҳам эрдан, ҳам болалардан, ҳам ўйнаш берган омонат бошпанадан мосуво бўлган Нозиманинг бор умиди шу жавобдан эди, назарида у орзу қилган жаннатнинг эшиги айнан Грецияда эди. Греция ҳам бўлмади. Олти ой шу тахлит шарпадек судралиб юриш осонми? Шундай дунёларга сифмай юрган кунларнинг би-

рида синглиси гап топиб келди: «Сайёра деган дугонамнинг опаси Дубайга ишлагани кетаётган экан».

Улар шу куниёқ Сайёralарникига борди. Сайёранинг опаси – бир боласи билан эридан ажрашган дўндиқкина жувон уларни жуда шодон кутиб олди: «Ўзи роса сиқилиб юрган эдим. Раъно опани менга худонинг ўзи рўпара қилди. На виза учун, на йўлкира учун пул йўқ эди. Кийналиб юрган экансан, ҳозирча ўзим тўлаб турай, боргандан кейин ишлаб қутуласан, деб ҳаммасини ўзи тўлаб юборди». Унга қараб Нозиманинг ҳам кайфияти кўтарилди: «Синглижоним, шу аёл билан мени ҳам учраштиринг. Мен ҳам сизга ўхшаб бошпанасиз қолганман, бир-икки сўм ишлаб келмоқчи эдим». Жувон уни дарҳол Раъно опаси билан боғлаб берди, шу ернинг ўзида улар учрашадиган жойларини белгилаб олишди. Худди эртаклардагидек, ниҳоят баҳт эшиклари бир-бир очилаётган эди.

Раъно опа бурни бигиздай бўлган, бўйлари узун, қотма татар аёл экан. Нозимага бошдан-оёқ разм солиб:

– Кўлингиздан нима ишлар келади? – деб сўради.

– Ўзим ўқитувчиман, мактабда она тилидан дарс бераман. Бойларнинг хонадонида энагалик қилишим мумкин. Компьютерни яхши биламан, компьютер марказларида ишлашим мумкин.

– Ўх-хў, иштаҳангиз яхши-ку, – кулди аёл. – У ёкка боргандан кейин иш танламайдилар, иш сизни танлайди. Қайси ишга тўгри келсангиз, ўша ишни беришади. Ўқитувчилик, энагаликни эса орзу ҳам қилманг, у ёқдагилар болаларини

аллақаерлардан келган аллакимларга топшириб қўйицмайди.

— Йў-ўқ, майли, опа! — дархол гапини тўғрилади Нозима. — Мен иш танламайман. Қандай иш бўлса ҳам қиласкераман. Менга пул керак. Яхши ҳақ беришса, бўлди.

— Ана, бу гапинг маъқул. — Раъно опанинг чиройи очилиб, бирдан сенсирашга ўтди. — Ишлаганда қулдай бўл, яшаганда бекдай бўл. Хўш, ҳозир қанча пулинг бор? Визага, билетга, ишга жойлаштиришгани учун...

— Бор озрок, ётмаса, тилло тақинчоқларимни сотаман...

— Майли, виза билан билетнинг пулини қилиб бер. Колганини ўша ёқда олган маошингдан узасан. Виза бир ойларда ҳал бўлади, паспорtingни менга келтириб бер. Ўзинг ишларингдан бўшаб, тайёр бўлиб тур.

Мактабдагилар ҳанг-манг бўлиб қолишли: «Ўқитувчи одамга Дубайда бало борми?» «Шу аёлга ҳайронман, бинойидай рўзгорини ташлаб, онасиникига кетиб қолган эди. Энди чет элга кетармиш. Тавба. Каноат йўқ-да, баъзи аёлларда... Эсиз».

Мастура тиш-тирноғи билан қарши чиқди: «Дугон, Раъно тузук хотин эмас, сен унга ишонма. Хор-зор бўлиб, ўша ёқларда ўлиб кетасан».

Нозима унга кулоқ тутадиган кайфиятда эмас эди: «Э-э, қўйсанг-чи, бир четга чиқиб олсан, бўлди. Улар тавсия килган иш ёқмаса, ўзим иш ахтараман. Арабистон ёқмаса, Америкага кетаман. Мени биласан-ку, ҳеч қачон ўзимни хор килдириб қўймайман».

«Дугон, бу ердаги гаплар у ёкларга тўғри келмайди. Арабистондан Америкага боришни ўзи

бўладими? Ҳеч бўлмаса, билетга пулинг бўлиши керакми?»

«Пулни топаман. Ишлайман. Мен учун қандай иш бўлишининг фарқи йўқ. Пол ювишми, юк кўтаришми, қилавераман. Онам, «Эх, ёш бўлмадим-да, мен ҳам борар эдим, ҳам пул ишлайсан, ҳам дунё кўрасан», деб ҳавас қилиб ўтирибди. Агар ишларим яхши бўлса, бошқа мамлакатларга ҳам бориб, томоша қилиб қайтаман. Ундан кўра, болаларингни онангта топшир-да, ўзинг ҳам мен билан юр!»

Улар уч қиз эди. Дубайдаги қоп-қора чодрага ўранган ўрта ёшлардаги бир аёл кутиб олди. Чиройли машинада шаҳар кўчалари бўйлаб кетишар экан, Нозима ўзини осмоннинг еттинчи қаватида юргандай, оёқлари остига опшоқ парку булатлардан поёндоэлар тўшалгандек, кулоклари тагида юлдузларнинг шивир-шивири эшитилаётгандай бўларди. Улар узоқ юришди, айланиб-айланиб, аллақандай тор кўчага кириб боришиди. Кўп қаватли бўлса ҳам уйларнинг сувоқлари кўчиб ётганига қараганда бу жойлар шаҳарнинг камбағалроқ қатлами яшайдиган бир чеккаси бўлса керак. Машина тўхтаган уйдан чиқкан бадқовоқ киши араб тилида нималардир деб гулдураганча уларни уйнинг иккинчи қаватида жойлашган бир хонага бошлиб кирди. Хонада тўртта каравот ва битта шкафдан бошқа ҳеч қандай жиҳоз йўқ эди, хона жуда иссик ва димлигидан Нозиманинг кўнгли озиб кетди. Чодрали аёл уларнинг паспортларини олиб, анча пайт йўқ бўлиб кетди. Эскириб кетганидан асл ранги қандай бўлганлигини ҳам билиб бўлмайдиган дезраза пардага қараб, негадир Нозиманинг кайфияти тушиди. Секин бориб каравотларнинг бирига

ўтири, беихтиёр Ноиласи охирги марта хайрлашаётганды кичкинагина бармоқлари билан күз ёшларини арттани ёдига тушди. Сафар хаяжони билан юриб, болаларининг олдига бир киришга хафсала қилмаганига афсусланди. Ноиласи жуда меҳрибон ва мулоим эди...

Бир вакт чодрали аёл кириб, тартиб-интизомни тушунтириди:

— Овқатларингни олиб келиб беришади, хожатга кўшни хонага чиқасизлар. Деразаларни очиб, ташқарига қарашиб, рухсатсиз ташқарига чиқиш мумкин эмас. Ҳозир ётиб, дам олинглар.

— Бир ювениб олсайдик... — хонанинг димлигидан улар жиққа терга тушиб кетишиган эди. Кизлардан бири бироз эркин нафас олиб, ҳаловат топмоқчи бўлди, шекилли.

— Ўзимиз олиб борамиз, — деди аёл совуқнина қилиб.

— Ишимиз қачон ҳал бўлади? — Нозима хамманинг кўнглидаги саволни айтди.

Бу дикқинафас хонада ҳеч бирининг ортиқча бир дақиқа қолишга ҳам хуши йўқ эди.

Чодрали аёл унга ўқрайиб қаради:

— Сабр яхши нарса, — деди чиқиб кетаётуб. — Бунча бетоқат бўлма.

Ўша куни икки марта ювиндига ўхшаш бир косадан овқат олиб киришганини айтмаса, уларни ҳеч ким йўкламади. Овқат ейиш учун ҳам на дастурхон, на патнис, на стол бор эди. Бир коса овқат билан икки бўлак нонни қўлларига тутқазиб кетишиди.

— Худди қамоқхонага ўхшайди-я, — деди кизлардан бири ўлганининг кунидан илжайиб.

— Сабр яхши нарса, — чодрали аёлнинг гапини такрорлади Нозима. — Караб турайлик-чи,

таклиф қылган ишлари ёқса, «хўп-хўп», ёқмаса, ўзимиз иш излайверамиз. Фақат паспортимизни қайтариб беришса, бўлгани.

— Бегона жойда иш топиш осонми? — қизлар аллақачон умидсизликка тушиб бўлишган эди.

— Топилади, фам еманглар, — қизлар орасида ёши каттароги ҳам, дадилроғи ҳам Нозима эди.

«Иш берувчилар» томонидан биринчи изланган одам ҳам Нозима бўлди. Ноңуштадан сўнг чодрали аёл уни биринчи қаватга олиб тушди. Бу қават шинам ва ёруғ эди. Улар кирган хона ҳам кенг, хона сатҳига қалин, юмшоқ гилам тўшалган, деразаларига оч рангли нафис пардалар илинган эди. Хона тўридаги катта креслода ўтирган ёши ўтинқираган чиройли аёл унга бошдан-оёқ разм солди, ёшини, оиласвий аҳволини суриштириди ва кейин чодрали аёлга караб «бўлади» дегандек бош иргаб кўйди. Лекин уни янги иш жойига олиб кетиш учун тушга яқин ёшгина йигитча келди. У қизлар билан хайрлашиб кетаётиб, чодрали аёлдан паспортини сўради: «Опа, хужжатларимни ҳам бирданига олиб кетай. Ҳарқалай, бегона мамлакат. Эртага бирор сўраб қолса, мен сизни қаердан излаб топаман, на исмингизни, на манзилингизни билмайман». Чодрали аёлнинг ингичка қоплари остидаги кўзлари ғазабга тўлди: «Сен қиз жуда кўп гапирап экансан. Сен аввал бор, ишла, бир-икки риал пул топ. Сени бу ёққа юборганлар бор, сен учун иш излаб топганлар бор. Аввал шуларнинг ҳаққини берасан, кейин паспортингни оласан. Мен ҳамиша шу ердаман, ҳеч қаерга йўқ бўлиб кетмайман».

Бу жавоб Нозимага ёқмади, аммо на илож. Инжиқлик қилиб тураверса, тайёр ишдан ҳам ажралиб қолиши мумкин. Нима бўлганда ҳам

энди тақдири шуларнинг кўлида. Уни шинамги на меҳмонхонага олиб бориши. Бутунлай бошқа тилда гаплашиб юрган одамларни кўриб, нафаси ичига тушиб кетди: «Энди нима қиласди? На арабчани, на инглизчани билади?» Уни фойенинг безакли девори тўсиб турган бурчакдаги хона-га олиб кириши, у ерда худди ўзига ўхшаш ўзбек қизларни кўриб суюниб кетди: «Вой, худо-га шукур-эй. Энди она тилимда бир оғиз гапира олмай ўлиб кетаманми, деб ўйлагандим. Лекин мен на инглиз тилидан, на араб тилидан бир оғиз сўз билмайман, мижозларга қандай хизмат қиласман?»

Унинг хаяжони қизларга ёқмади. Елкасидаги тор-танқис либоси киндикларини ҳам ёпа олма-ган, ранглари бироз синиқкан, аммо ўзи жуда ёқимтой қиз: «Бу ерда ишлаш учун тил билиш умуман шарт эмас», дея пичинг қилди. Нозима бу пичингни тушунмади: »Нега?» Қиз уф торди, сўнг «Ишласангиз, кўраверасиз!» деди-да, каравотига узала тушиб ётиб олди. Колган икки қизнинг ҳам у билан гаплашиш нияти йўқ эди, бири ойна ёнида ўтириб пардоз-андоз қиласар, ик-кинчиси дераза токчасига тирсакларини қўйганча, кўчага тикилиб, хаёл суриб ўтиради. Нозима-нинг кўнгли ёмон бир нарсани сезгандай бўлди. Агар уни бир ошхонага олиб кириб, бир уюм идиш-товоқларнинг бошига кўйиб, «Сен шу ерда идиш-товоқ ювасан», деса ёки меҳмонхонанинг бир қаватига чиқариб, кўлига швабра билан пол-латтани тутқазиб: «Шу қаватнинг озодагарчилиги учун сен жавобгарсан», деса, бошқа гап эди. Ҳамхоналари ҳам ғалати эди, уни назарига илиш-мадими? Бир бегона юртда шундай муносабат қилиш инсофданми? Ундан кўра олдинроқ келган

ҳамشاҳарларга ўхшаб, ундаи қил, мундай бўл, деб унга тўғри йўл кўрсатишмайдими?

Кечқурун унга 7-хонага қаҳва олиб боришини тайинлашди. Ошхонада унга кичкинагина финжонга солинган каҳвани бежирим патнисга кўйиб беришди. Эшик оғаси иккинчи қаватга кузатиб кўйди. У патнис кўтариб, 7-хонанинг катта қора эшиги рўпарасига келганда оёклари бутунлай ўзига бўйсунмай кўйган эди. Айникса, меҳмонхона ходимлари кийгизган тор ва этаклари калта уст-бош, янги пойафзалда ўзини жуда нокулай ҳис этаётган эди. Унинг ахволини тушунганиданми, йўлак бошида турган эшик оғаси югуриб келиб эшикни очиб берди. Нозима бор журъатини тўплаб, ичкарига кирди. Нимкоронги йўлакдан кейинги хона кенг ва ёрут, катта диванда ўтирган қоп-қора семиз киши у кириши билан нигоҳини телевизордан олиб, унга қаради ва қараб туриб, негадир жилмайди, ўзининг тилида чулдираб, нимадир деди. Нозима гарчи унинг тилига тушунмаган бўлса-да, зиммасига юқлатилган вазифани рисоладагидек бажариш ниятида меҳмонга енгилгина таъзим қилиб, унинг олдидағи бежиримгина столга патнисни кўйди. Сўнг яна бир бор таъзим қилиб, ортига бурилиб кетаётган эди, меҳмон ўз тилида ана бир нарсалар деди.

Нозима унинг гапларига тушунмаса ҳам изига қайтиб, унга савол назари билан қаради, у тил билмаса, ҳатто «хўш, хизмат?» ҳам дея олмаса, сўзсиз оғзига термилишдан бошка нима чораси бор? Мехмон ҳам унинг ахволини тушуниди, шекилли, энди унга ганирмай қўя колди. Бир қулиб, гўлтдор қўлларини «кел» дегандек ҳавода айлантириб, ёнидан жой кўрсатди: «Ўтир». Нозима нима қилишини билмай колди.

Бурилиб, кетиб қолай деса, унга «мехмонни хафа қилиш мумкин эмас», деб тайинланган. Ўтирай деса, «хафа қилинмаслиги керак» бўлган киши шу қадар ёқимсиз эдики... У бармоқларининг қалтираётганини сездирмаслик учун қўлларини қовуштириб олганча меҳмоннинг қархисига келиб тўхтади. Унинг кенг, гўштдор юзи, қават-қават бўлиб осилиб ётган бақбақалари, тутмалари очик кўйлаклари олдида гумбаздек дўппайиб турган корни ва кўзларидаги одамни ерга урар даражадаги беписанд чорловни кўриб, баданлари жунжикиб кетди. Мехмон эса ўрнидан туриб, лапанглаб унинг ёнига келди-да, нозик белларидан ушлаб, ичкарига бошлиди...

\* \* \*

Унга ярим тундан кейин жавоб тегди. У муздек сувнинг тагига кириб бир соат ювинди, боши узра тўклилаётган муздек сувга чўмилдими, кўзларидан тиркираб оқаётган қайноқ номус ёшларигами, бу фақат Яратганга аён. Охири эртадан кечгача дераза олдида хаёл сурин ўтирадиган қиз ювениш хонасига келиб, эшикни ура бошлиди: «Чик, ҳай, чиқсанг-чи!»

Нозима у ердан кўзлари қип-қизил бўлиб чиқди. Ҳалиги қиз яна унинг «янги» ярасига туз сепди: «Бу сувлар билан биз энди ўзимизни поклай олмаймиз. Биз фақат ўзимизни эмас, етти пуштимизни ерга солдик», деди. Нозима энди тўшакка кириб, бошига кўрпасини буркаб олганча, тонг отгунча йиглади. Тонг маҳал кўзи илинди. Тушига Ноиласи кирибди, у дўндиққина кўлчалари билан кўзларини артаётган эмиш.

Эртаси куни «энабоши» – қоп-қора чодрага ўранган баланд бўйли кекса аёл уларнинг хона-

ларига келиб, унинг елкаларини силаб, ўз тилида бир нарсалар деб, қизларга гапларини таржима қилиб беришини сўради. Маълум бўлишича, кеча Нозима хизмат қилган киши Дубайнинг энг бадавлат бизнесменларидан бири бўлиб, унча-мунча жойларга боравермас экан, Нозиманинг шарофати билан кеча жуда хурсанд бўлиб кетибди ва бу оқшом яна меҳмон бўлишини айтди.

— Лекин у ўзини жуда яхши тутди, — дебди энабоши у ҳақда. — Баъзи қизлар ўзини ҳар томонга уриб, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам муаммо келтириб чиқаради. Бу эса ўзини шу қадар осоиышта, мулойим тутдики, тўё бир умр фоҳишалик билан шуғулланган устаси фаранг аёллардек.

Бу гапни эшитиб, Нозима ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Сен нима деб ўйлагандинг? — деди хаёлпараст ҳамхонаси унинг ҳайрат ва уят ҳиссидан катта-катта очилган кўзларига қараб. — Бир хонанинг бурчагида бўлаётган ишларни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди, деб ўйлаганмидинг. Ҳар бир хонага, ҳатто йўлакларга ҳам кузатув камералари ўрнатилган. Сен нима қилаяпсан, нимани ўйлаяпсан, ҳаммасини кузатиб ўтиришади.

— Ифлослар!

Кечкурун уни ювинтириб, соchlарини ҳам ўзлари турмаклаб қўйишиди. Кечагидан ҳам чиройли либослар кийдиришиди, кейин қўлларига икки финжон қаҳва қўйилган патнис билан остонаяча кузатиб қўйишиди: «Сен унинг кўнглини ол, керак бўлса, хушомад қил. Шундай аврагинки, у бизнинг меҳмонхонамиздан чика олмай қолсин». Энабошининг гапларини таржима қилиб бераётган «хаёлпараст» ҳамхона қўшимча қилди: «Агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда шундай аврар

эдимки, у мени мана шу ифлосларнинг кўлидан кутқариб олиб кетишга мажбур бўлар эди».

Нозима эса жиққа терга тушиб, ҳарсиллаб ётган «бир қоп гўшт»га хушомад қилиб, авраш эмас, башарасини ҳам ҳеч қачон кўрмасам, ҳансирашларини ҳеч қачон эшитмасам, дер эди.

Аммо, на илож!..

Лекин бу сафар қайтиб келгач, йигламади.

Эртаси куни эрталабдан «қаҳва» буюришиди. Ўттиз ёшларга кирган, бўйлари баланд, келишган йигит эди. Аввалги Нозима бўлса, уни учратиб қолса, «ўх, бунча чиройли йигит экан», деб кўнгли бир суст кетиши аниқ эди. Аммо бир бегона юртда, ҳар қанча барно йигит бўлмасин, бир оғиз сўзига тушунмаса... Шундай бўлса ҳам енгилгина таъзим билан патнисни йигитнинг олдига кўйди. Йигит қаҳвани қўлига олиб, бир-бир ҳўплаб ичар экан, жонсиз бир жисмни томоша қилаётгандек уни кузатар эди. Финжонни бўшатгач, лабларини артган қўлсочиқни столнинг устига отиб юборди-да, сакраб ўрнидан турди. Ҳамон қаршисида итоаткор мулозимлардек қўл қовуштириб турган Нозимани билагидан ушлаб, ётк бўлмасига деярли судраб киргизди...

Нозиманинг иложсизлик туфайли қўрсатаётган итоаткорлиги сабаблими ёки меҳмонхонанинг мижозларига ёқиб қолдими, баъзи кунлари энабоши уни ўн марталаб қаҳва олиб киришга мажбур қиласарди.

— Чарчадим, тинка-мадорим қуриб қолди, — астойдил илтижо килар эди у энабошига, сўнг таржимонлик қилаётган ҳамхонасига ялинар эди, — айтинг, ҳақиқатан ҳам иложим йўқ.

— Бу ерда чарчашиб мумкин эмас! — энабошининг қаҳри келар эди. — Сенинг эркалигинг,

инжиқлигинг туфайли меҳмонхона мижозларини йўқотишига шунчаки қараб тура олмайман.

Бир куни у ҳақиқатан ҳам ўрнидан тура олмади, жуда толикқан, бутун аъзойи бадани қақшаб оғрир, кўзини ҳам очишга ҳоли йўқ эди. Энабоши тепасига келиб бақирди, чинқирди, силкилаб, уриб ҳам ташлади. У барибир турмади, тура олмади. Сўнг уни картошка-пиёзлар сақланадиган зах, коронги ошхона омборига киргизиб ташлади. У тўшаксиз муздек бетон устида ётиб, чор атрофига нималардир югуриб юрганини, қитир-қитир қилиб бир нарсаларни кемириб еяётганини эшитиб ётар эди. «Сичқон бўлса керак», ўзича ўйлади у. «Ўрнимдан туриб, ҳеч бўлмаса, бирон нарсага суяниб ўтирсайдим. Ётаверсам, қулоқларимнинг ичига кириб кетиши ҳам ҳеч гап эмас». У бир амаллаб ўрнидан турди. Сал нарида қандайдир қоғоз кутилар тахланиб турарди. У ўтирган жойида силжиб-силжиб, анчайин йўл босгандек терга тушиб, ўша кутиларнинг ёнига етди, сўнг бир хўрсиниб, кутиларга орқасини бердида, оёқларини узатганча, кўзларини юмди: «Сал бўлса-да, бехавотирроқ-да». Бир вақт юмшоқкина бир нарса оёқларининг устидан югуриб ўтгандай бўлди. Кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. У жонжахди билан оёқларини тортиб олди ва вахима билан атрофни кузата бошлади. Кўп ўтмай шундайгина беш-олти қадам нарида нўхатдек кўзларини лўқ қилганча уни кузатиб ўтирган қоп-қора каламушни кўрди, аллақаерлардан яна чий-чийлаган овозлар келди, демак, у ёлғиз эмас. Нозима болалиқдан каламушдан жуда қўрқар эди, у қалтқалт қалтираганча тиззаларини кучоқлаб олди. Каламуш эса қилт этмай, уни кузатишда давом этарди. Кўп ўтмай унинг ёнига яна бир каламуш

келди, ўзаро чий-чийлашиб омборнинг коронғи бурчакларига кириб кетишиді.

Ха, энабоши унга жуда оқилона жазо белгилаган зди. «Ўйлаб кўр, хоналарга қаҳва олиб кириш осонми, каламушлар билан ётиш осонми? Агар мижозларга хизмат қилишдан бош тортсанг, каламушларга ем бўласан!»

Каламушлар одам гўштини ермикин-а, ўйлади Нозима. Албатта, ейди. Шу ўтирган жойида ўлиб қолса, уни ҳам...

Бир кўнгли ўрнидан туриб, омбор эшигини қоқиб, уни чиқариб олишларини илтимос килмоқчи бўлди, яна фикридан қайтди. Сабаби, биринчидан, эшиккача боришга мадори йўқ, иккинчидан, «қаҳва ташиб» юргунча шу ерда ўлиб кўя колгани маъқул. Ўлганидан сўнг каламуш ейдими, бошқа нарса ейдими, нима фарқи бор? Ўзича шундай карорга келиб, бехол кўзларини юмди-ю, лекин устихонларини каламушлар кемираётгандай, яна сесканиб кўзларини очди. У жуда мажолсиз зди, яна кўзлари ўз-ўзидан юмлиб кетаверди. Шу тахлит то ҳушидан кетиб қолгунча ўтираверди, оёклари устидан неча бор каламушлар сакраб ўтганини билиб ўтирас, лекин оёкларини йигиб олишга унда на мадор, на хоҳиш бор зди...

Эртаси куни уни хонасига олиб чиқишиді. Ювинтириб, олдига бир-биридан ширин овқатлар қўйишиді:

— Тузук-тузук еб, ўзингга келиб ол. Ҳали сенинг қиласиган ишларинг кўп.

Унинг кўзларидан тиркираб ёпи чикиб кетди. Энабоши кошларини чимирганча унга караб турди-да, қизларга юзланиб, ўз тилида аллани-

малар деди. Кизлардан бири ўрнидан туриб, пиёлани тўлдириб шароб қуйиб узатди:

— Ма, ич. Тезроқ яхши бўласан.

У индамай пиёлани олди-да, секин-секин хўплаб ичди. Шароб жуда хушбўй ва ёқимли эди, музлаб ётган аъзойи бадани бироз қизишгандай бўлди. Кизлар мажбурлаб, уч-тўрт қошиқ шўрва ичиришди, бир-икки тишлам нон едиришди, кейин яна шароб тутқазиши. Кейин ўз-ўзидан иштаҳаси очилди ва корни жуда очганлигини ҳис қилди. Ўзи қалтираётган қўлларини таомга узатиб овқат ея бошлади, қизлар эса шароб қуйиб туришди. Кўп ўтмай жуда чарчаганлигини ҳис қилди, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кетаверди. Кимdir тиэзасидаги патнисни олди, кимdir секингина тўшагига ётқизиб қўйди. У кўзларини очиб, ўрнидан туролмас, аммо бутун вужудини ҳузурбахш ҳаловат эгаллаган эди.

— Бунинг жуда нархи ошиб кетди, — деди қизлардан бири.

— Мухтор Камол уни ёқтириб қолибди. Қайта-қайта сўраб ётган эмиш, — деди иккинчи. — Агар мен унинг ўрнида бўлганимда ўша одамнинг кўнглини олиб, унга тегиб олардим-да, бу ердан қутулар эдим.

— Мухтор Камол фоҳишани олармиди? Нималарни орзу қилмайсан-а?

— Кўнгил буюрса, олаверади. Ҳеч бўлмаса, чўри қилиб олар!

— Қийин...

Нозима уларниг гапларини эшишиб ётар, аммо нимадир деб сухбатга қўшилмоққа на ҳоли, на рафбати йўқ эди: «Ха, шундай қилади! Кунига ўн кишига оёқ ости бўлгандан кўра ёқимсиз

буқаламун бўлса ҳам битта одамнинг кўнглини топиб, шу ердан тезроқ қутулиб кетгани маъқул. Бунинг учун тезроқ куч йифиши керак. Камроқ одам келса экан».

Эртаси қуни кечкурун Мухтор Камол келди. У қахваларни столга қўйди-да, секин меҳмоннинг ёнига ўтириб, кўкрагига бошини қўйди, кейин ўзини идора кила олмай қолди, кўзларидан дувиллаб ёшлар қўйилиб кетди. Мухтор Камол унинг бошини рапидадек кафтлари орасига олиб, юзига ҳайрон бокди, ўз тилида алланималар деди. Қанийди, Нозима ҳеч бўлмаса, «Мени бу ерлардан олиб кетинг», деган сўзларни араб тилида айта олса эди! Айта олмайди. Юзларини арабнинг гўштдор кўксига яшириб йиглар экан, ўзига ўзининг раҳми келиб кетди. Бу эса аламини яна кўпроқ оширди, кўз ёшларини тўхтата олмай қолди. Араб унинг соchlарини, елкаларини силаб ўзининг тилида алланималарни фўлдираб, уни юпатган киши бўлди. Бир муддат шундай ўтиришгач, уни ичкарига бошлади...

Эртаси қуни энабоши кириб, унинг олдига яшил жилдли паспорт ташлади. Нозиманинг юраги бўғизига тиқилгудек бўлиб, паспортга ёпишиб, уни вараклай бошлади: бу унинг паспорти эди. Ҳамхона қизлар энабонининг гапларини таржима қилиб беришди:

— Сени Мухтор Камол сотиб олибди. Унинг уйида оксочлик қиласан, лекин зинҳор оила аъзоларига бу ердаги муносабатларинг ҳақида чурк этиб оғиз очмайсан.

Нозима севинганидан ўрнидан сакраб туриб, паспортини боши узра баланд кўтарганча, иргишилаб сакрай бошлади.

Энабоши бир нарсалар деб ғудранди. Қизлар яна унга тайинлади:

— Тушундингми, бир оғиз ҳам! Оила аъзолари олдида соҳибдан иложи борича узоқроқ турасан. Соҳиб керак пайти ўзи сенга айтади ва учрашиш учун шароит яратади.

«Нима бўлсаям, майли! Шу ердан чиқиб кетса бўлди».

— Мен ахир уларнинг тилида бир сўз ҳам билмайман-ку, қандай ҳам гапиришим мумкин. Мен тунг ва карман! Эшитдингларми, гунг ва кар!

«Хаёлпаст» ҳамхонанинг унга ҳаваси келди. Қолган қизлар ҳасад қилибми, уни масхаралашди: «Бу ҳали уйингта қайтдинг, дегани эмас. Мухтор Камол «шу шўрлик уйини соғингандир», деб сенга шунча пул тўлагани йўқ. Унинг уйида оқсочлик қилиб, ҳақиқатан ҳам оқ соч кампирга айланиб, кариб-чириб, ўлиб кетишинг мумкин. Бизда «Худо йўлига, савоб», деб беш-үн сўмдан кечиб юборишлари мумкин, аммо бу ернинг бизнесменлари бир тийинни бехуда, мақсадсиз ишлатишмайди».

Аммо уларнинг гапи Нозиманинг кайфиятига заррача таъсир қилмади.

— Шу ердан кетяпман. Энг муҳими шу.

— Кўп севинаверма, кордан кутулиб, дўлга тутилиб қолма яна, — бу гапни «хаёлпаст» ҳамхона айтди. — Ўзингни ҳамиша энг ёмон, энг оғир қисматга тайёр қилишни ўрган. Балки унинг хотини икки оёкли аждарходир, ниманидир сезиб қолиб, кунингни бир тутам қилар. Унинг уйидаги шароитни ҳали сен билмайсан-ку. Шунинг учун яхши хабарни ҳам, ёмон хабарни ҳам босиқлик билан қабул қилишни ўрган. «Бир қирдай, бир сирдай бўл» дейишади-ку. Шундай бўл.

Хуллас, униси у деди, буниси бу деди, унинг кўнглидаги ҳовурни босишди. «Ичиқоралар! Ўзлари қолиб кетишаётгани учун заҳар қилишди!»

Мухтор Камолнинг хотини эрига нисбатан жуда ёш, нозиккина қорача аёл эди. Уни очиқкина қарши олди, қора костюм-шим кийган гавдали кишига ўз тилида алланималар деб буйруқ берди. У Нозиманинг сумкасини олиб, ўзини ҳовлига олиб чиқиб кетди. Ҳовли ниҳоятда саришта, тартиб билан экилган дараҳтлар, гуллар ҳовлининг кўркига-кўрк қўшиб турарди. Ҳалиги киши уни ҳовлининг бир четида арғувон дараҳтлар орасида зўрға кўриниб турган бир қаватли бинога бошлаб борди ва ҳовлига қараган эшикларнинг бирини очиб, ичкарига киришди: биттагина каравот билан бир шкаф, бир стол ва иккита стул қўйилган чоққина хона эди.

— Бу сизнинг хонангиз, — деди уни бошлаб келган киши қўлидаги сумкани шкафнинг ёнига кўяр экан.

Нозима разнага дуч келган одамдай севиниб кетди, чопиб бориб ёнида турган бегона бирорни тавоғ қилгиси келди:

— Сиз... ўзбекмисиз?

— Ҳа. Бир замонлар ота-онамиз шу ерга келиб қолишган.

— Худога шукур-эй. Менинг тилимни биладиган бир одам бўлса ҳам бор экан-эй.

— Сиз араб тилини ўрганишга ҳаракат қилинг, шунда ҳаммага осон бўлади. Менинг исмим Ҳасан. Сиз жойлашиб олинг, кейин сизни бажарадиган ишларингиз билан таништираман.

— Ҳўп-хўп.

— Шкафда хизматкорлар учун маҳсус кийимлар бор, ўзингизга тўғри келганини кийиб олинг.

Унга хоналарни тозалаш, ошхона юмушлари-  
га кўмаклашиш вазифаси юқлатилди. Ҳасанинг  
айтишига қараганда, беш юз доллар маош ҳам  
белгилашибди. Бу жуда қувоичли хабар эди.  
«Йиғилиб тураверсин, уйга кетаётганда олиб ке-  
таман». Барibir бирорнинг қош-қовоғига қараб,  
оқсочлик қилиб юриш жуда ҳам ёқимли иш  
эмас эди. Мухтор Камол-ку, уйларига келгани-  
дан буён умуман Нозима билан гаплашмас, ҳатто  
у томонга кўз қирини ҳам ташламас эди. Бу  
бир томондан яхши, аммо эрта бир кун бошқа  
иш топиб бу хонадондан кетиши учун унинг Но-  
зимага нисбатан хайриҳоҳлиги жуда муҳим эди:  
«Бирон корхонада ишласайдим...» Бу истак  
Ҳасанга ёқмади: «Сиз бу билан соҳибга нисба-  
тан беҳурматлик қилган бўласиз. Туаржойин-  
гиз, ош-овқатингиз, маошингиз тайин бўлса, яна  
сизга нима керак?»

Унга эркинлик керак эди. Худди илгаригидек,  
ишга ариза ёзиб кирса, нимадир ёқмай қолса,  
яна ариза ёзиб, бўшаб кетаверса... Бу ерда эса  
ҳаммасини сен учун кимдир ҳал қиласди!

Якшанба куни бутун оила аъзолари қаёққадир  
кетди. Ҳамма, ҳатто оиланинг ўз одамлари бўлиб  
қолган хизматкорлар ҳам яйраб қолишиди. Кечки  
пайт қаердандир ҳовлиқиб Ҳасан етиб келди:  
«Сизни бир қариндошингиз йўқлаяпти. Тез ки-  
йиниб чиқинг». Нозиманинг юраги увишиб кетди:  
Унинг қаердалигини факат уни шу ерларга олиб  
келган аёллар билишади, уни улардан бошқа ким  
ҳам йўқлаши мумкин? Улар нега йўқлашлари  
мумкин? Пул талаб килишса керак...

— Йўқ, мен ҳеч қаерга бормайман, — оёғини  
тираб туриб олди Нозима.

— Борасиз, бу соҳибнинг буйруғи.

Нозима соҳибнинг аралашганини эшитиб, бироз кўнгли хотиржам тортди, аммо, барибир, юраги ғаш эди. Ҳасан уни шаҳарнинг кўркам кўчаларидан бирига жойлашган кўп қаватли чиройли уйга олиб борди. Биринчи қаватдаги мармар зинапоялари оппоқ тутқичлар билан безатилган хонадонга киргизди-ю, ўзи ташқарига чиқиб кетди. Катта билур қандил осуда нур сочиб турган хонада ҳеч ким йўқ эди. Нозима остоноада нима қилишни билмай, серрайиб туриб қолди. Бироз ўтиб, ичкаридан илжайганча Мухтор Камол чиқиб келганда, у қувонишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай қолди. Мухтор Камол келиб, унинг белидан кучиб, ўзига тортди:

— Соғинидим, — деди қулоқларига шивирлаб араб тилида.

Араб тилини секин-аста ўрганаётган Нозима унинг кўксини оҳиста силаб, бир кулиб, бошини унинг елкасига қўйди ва ушбу дақиқада мана шу буқаламундек одамга ўрганиб қолганини ҳис қилди.

— Агар меҳмонхонадан кетаман, деб йигламаганингда, биз ҳар куни кўришиб турган бўлар эдик. Энди бироз қийин бўлиб қолди. Лекин, барибир яхши. Ҳамиша уйимдасан, сендан кўнглим хотиржам.

Нозима унинг гапларини тахминан шундай деб тушунди. Бу гап унга ёқмаган бўлса ҳам иложсиз илжайиб, соҳибининг осилиб турган гўштдор юзларидан секингина ўпиб қўйди. Аммо инсоф билан айтганда, Нозима бу одамдан ҳар қанча миннатдор бўлса арзиди. Унинг Нозимага бўлган муносабатини ҳам сира айблаб бўлмайди. Кўнгил иши-да, бу. Кўнгил қўйди ва кўнгил қўйган аёлини мардларча қанча маблағ сарфлаб,

жаҳаннам оловидан олиб чиқди! Шундай ҳолатда унинг беўхшов қадди-қоматига қараб, кўкрагидан итариб, лаб буриши сира тўғри келмас эди. Колаверса, Нозима меҳмонхонадагидек яна бир «ийғлаб», бирон корхонага ишга ўтиб олиш ниятида эди. Бунинг учун эса унинг кўнглини кўпроқ олиши керак.

Ҳаммаси яхши кетаётган эди. Ҳар якшанба куни Ҳасан уни «қариндоши»нинг уйига олиб борар, Нозима у ердан хушбахт кунлар остонаси ниҳоятда яқин қолганини ҳис этиб, қувончга тўлиб қайтар эди. Бир куни унга хоним чақираётганини айтишди. Хоним кираверишдаги катта хонада ёлғиз ўтирас эди, уни кўриб ўрнидан турди. Унинг жуда дарғазаб эканлиги чимирилган қошларидан, қаттиқ қимтилган лабларидан кўриниб турарди. Нозима сал берироқда тўхтаб, енгилгина таъзим билан салом берди:

— Хизмат, хоним?

Хоним бир муддат унга тикилиб турдий-да, сўнг ёнига келди ва шарақ этиб юзига тарсаки тортиб юборди. Ўзи кичкинагина бўлса ҳам, қўли жуда қаттиқ эди, Нозиманинг кўзларидан ўт чиқиб кетгаандай бўлди.

— Сен ҳали уйимда туриб, нонимни еб, юзимга оёқ кўйиб юрибсанми?! — сўнг лаблари пирпир учиб, — Ҳасан! — деб қичқирди.

Ҳасан ошхонада экан, ранги бир аҳволда югуриб чиқди:

— Лаббай, бекам!

— Манави ифлосни қайси фоҳишахонадан олиб келган бўлсанг, ўша ёққа олиб бориб ташла. Қайтиб бу ерда қорасини кўрмайин!

Нозима хонимнинг Дубайдаги энг йирик тадбиркорлардан бирининг қизи эканлигини, отаси-

нинг қудрати туфайли Мухтор Камол ҳам ҳамиша хотинидан ҳайиқиб туришини хизматкорлардан эшиитган эди. «Тамом!» Унинг бошидан бир чекал қайнок сув қуйгандек бўлди. Оёқлари орасидан нимадир шув этиб тўкилиб кетди, у қўркканидан пешоб қилиб юборган эди. Хонимга ким нима деган бўлса ҳам, бир оғиз гапи билан Нозиманинг Дубайдаги бор саргузаштларига сўнгги нуқтани қўйган эди.

Ҳасан нима қилишини билмай, серрайиб турган Нозимани елкасидан туртиб, ҳовлига олиб чиқди-да, унга:

— Тезроқ уст-бошингни алмаштириб, паспор-тингни олиб чик, уйингга жўнатиб юбораман, — деб ўзи машиналар турадиган бўлмалар томон югуриб кетди.

Нозима кийим-бошини алмаштириб, кичкинагина сумкасига яна икки сидра кийим олди ва ёстифининг ички жилдига солиб, яшириб қўйган паспортини олиб, ҳовлига чиқди. Ҳасан аллақачон машинасини ўт олдириб, дарвоза олдида турарди.

Аммо Ҳасан уни қандайдир хилват кўчада жойлашган бир уйга олиб келди.

— Биринчи қаватдаги учинчи эшикка кирасан.

Нозиманинг ранги оқариб кетди:

— Уйингга жўнатиб юбораман, деган эдингизку.

— Кейин... Ҳозир айтганимни қил. Сени соҳиб кутаялти. Сен билан хайрлашмокчи.

Уйига олиб борадиган йўлда кўндаланг турган соҳибининг мұхаббати ҳам унга малол келди: «Уф-ф! Шартмиди шу?!» У шошиб ўзини учинчи эшикка урди. Оппок креслода ястаниб ўтирган Мухтор Камол унинг истиқболи томон юрди. У хар канча олийхиммат, меҳрибон бўлса ҳам

қайтиб унинг қучогига киришни истамас эди Нозима. Икки қадам берида тўхтаб, салом берди. Мухтор Камол секин юриб, унинг ёнига келди. Бир қўли билан елкасидан тутиб, иккинчи қўлининг бармоқлари билан оҳистагина юзларини силади:

— Сен жуда гўзал аёлсан. Мен сени чин юракдан севиб қолгандим. Агар ихтиёrim ўзимда бўлганда, сендан сира ҳам воз кечмаган бўлар эдим.

Нозима ерга қаради.

— Сен ўзингни эҳтиёт қил. Пул учун ўзингни хор қилма.

Улар бирпастда Дубай аэропортига етиб келишди. Ҳасан унинг паспортини олиб, ичкарига кириб кетди. Нозима машина ойнасидан аэропорти томоша қилиб ўтирас экан, роппа-роса бир йил аввал шу аэропортга келишганда қанчалар қувонганини эслади. Қанийди, инсон умрини кино тасмасидек ортга қайтариш, кераксиз жойларини ўчириб ташлаш мумкин бўлса эди. Нозима ўша аэропортга келган кунидан шу бугунгача бўлган кунларни бутунлай ҳаётидан ўчириб ташлаган бўлар эди.

Ҳасан аэропортга қандай югуриб кирган бўлса, шундай югуриб чиқди. Унинг қўлидаги паспортнинг ичидаги узун қофоз чипта бор эди. Нозиманинг кўзларида ёш ҳалқаланди: «Нихоят!»

— Тошкентга чипта ололмадим, аммо Москва-га олдим. Шу ердан эсон-омон чиқиб олсанг бўлгани. Сени учирив юборганимизни хоним билдиб қолмаслиги керак. Қўлингга пул бераман, Москва аэропортининг ўзидан Тошкентга чинта оласан. Тезроқ бўл, рўйхатдан ўтказишни бошлишди.

Нозима Ҳасаннинг кўлидаги паспорти билан самолёт чиптасини олиб, Москвага кетувчи йўловчилар чиқарилаётган бўлма томон югуриб бораркан, Ҳасандан узр сўради: «Мен учун соҳибдан гап эшитадиган бўлдингиз-да. Энди унга нима дейсиз?» Ҳасан унга қараб қўл силтади: «Хавотирланма. Мен соҳибнинг буйруғини бажаряпман».

Самолёт ердан кўтарилиб, қорамтири билутлар устига чиқиб олгандан кейингина энди дасти узун хонимнинг қўли унга ҳеч қачон етмаслигига ва ниҳоят, қўзига суртиб юрган тиллоларини сотиб, не-не орзуладар билан етиб келган бешафқат шаҳардан бир умрга қутулганлигига ишонч ҳосил қилди: «Худога шукур».

Домодедово аэропорти ниҳоятда гавжум эди. Ҳамманинг қўлида катта-катта жомадонлар, ҳамма қаёққадир шошган. Тошкентга чипта олиш учун аэропортни бир айланиб чиқди, ниҳоят билет сотадиган бўлмаларни топган жойида кўнглида янги бир истак пайдо бўлди: «Кун-куруқ қўл билан сўштайиб уйга қандай кириб бораман? Ҳеч бўлмаса, шу ерда ишлаб, бир-икки сўм топай, кейин уйга борсам, сал тузук бўлади». Бир амаллаб Мастиуранинг телефонини эслади. Алоқа хизмати кўрсатиш бўлимига кириб, аввал онасига, сўнг Мастирага телефон қилди: «Юрибман Москвада ялло қилиб. Ҳа, бир тадбиркор дугонам шу ердан дўкон очган экан, сенам юр, деганди. Ҳафа бўлмасин, деб бирга келдим. Озроқ ишлай-чи, бораман-да. Ҳай, менга қара, сенинг эринг ҳам Москвада эди-я, телефонини берсанг-чи, дам олиш кунлари учрашиб, бир сизларни фийбат қилиб, хумордан чиқармидик...» Телефон рақамларни олгач, ўтириб ҳар қанча ўйламасин, «почча»нинг исмини эслай олмади. Кўз ёшларга ишонмайдиган

бу катта шаҳарда ўша исми номаълум «почча»дан бўлак илинжи йўқ эди, иложсиз қўнғироқ қилди, ўйлаб кўрса, гаплашиш учун исмини айтиш умуман шарт эмас экан. Масалан, шундай дейди: «Ассалому алайкум, мен Маствуаранинг дугонаси Нозимаман, биз бирга ишлар эдик. Уйларингизга ҳам борар эдим-ку. Бир танишим берган манзил бўйича Москвага келган эдим, унинг телефони жавоб бермаяпти. Қаёққа боришни билмай, сизга қўнғироқ қилаяпман. Ёнингизда бирон иш йўқми?»

Шундай деди, аммо «почча» бироз хижолат бўлди: «Наҳотки, аёл бошингиз билан бегона шаҳарга ёлриз ўзингиз келган бўлсангиз? Ҳар қандай бетайин одамнинг гапига ишониб ҳам йўлга чикаверадими киши? Лекин минг афсус, мен сизга ёрдам бера олмайман. Ёнимда ҳеч қандай иш йўқ. Хозир ўзим ишдаман, биз турган жой аэропортдан жуда узок, бориб сизни олиб кела олмайман. Узр, опа!» «Узрингни пишириб е». У бўшашиб, ўриндиқларнинг бирига ўтириб қолди. «Яххиси, уйга кетаман. Бинойидек ишлаб юрган эдим. Маошим ҳам ёмон эмас эди. Нима жин уриб, бу саргардончиликларни бўйнимга олдим? Қандай уйим, қандай эрим бор эди. Эрталаб туриб супур-сидир, пешиндан сўнг пишириб-куйдир қилишдан бўлак ташвишim йўқ эди. Ўша кунлардан ҳам норози бўлиб юрган эканман-а». Энди у кунлар бир эртак, шундай эртакки, воқеаларида ҳеч қандай фожия бўлмаса ҳам эшитиб ёки айтиб бўлганингиздан кейин мунгайиб қоласиз.

— Синглим...

У шошиб овоз келган томонга қаради: бир ўриндиқ нарида ёши элликлардан ошган тўлагина корача киши ўтиради.

— Яхшимисиз? Иш излаб юрибсизми, дейман.

Нозима ерга қараб, бош иргади.

— Мени ҳам боллаб туширишди. Ўтган йили ўғлим кредитга «Ласетти» олган эди. Кутылмаганда хотиним оёғини синдириб уйда ётиб қолди. Ўғлим янги машинани кира қила бошлади. Машинага ичимиз ачыйди, аммо шу билан ҳам қанийди кредитни ёпа олсак? Бир куни бир йигит билан танишиб қолдим. «Бегамбой, Москва-да ишлайман, боринг, ойига минг доллар берадиган иш топиб бераман», деб кар-кар қилди. Ўйлаб-ўйлаб, оғайнилардан қарз олиб, йўлкира қилдим, янги топган ошнага тандиркабоб, пистабодом, қатлама-патир олдим. У мени кутиб олиб, бир дачага олиб борди, икки кун олиб борган нарсаларим билан маишат қилиб ётдик. Учинчи куни: «Бир айланиб келай, кейин сизни ишга олиб бораман», деб кетганча йўқ бўлди. Телефон қилсан, жавоб бермайди, эртаси куниёқ дачадан қувилдим. Неча кундан бери иш излаб сарсонман. Бу ерда ёш йигитларнинг бозори чаккон экан, бизга ўхшаган ўрта яшарлар ҳеч кимга керак эмас. Шу ерда ишлаётган бир қайним бор, унинг олдига борсан, қарзга йўлкирангизни бериб туришим мумкин, аммо иш топиб бера олмайман, деди. Хотинга қайтиб бораверсам-чи, деб телефон қилсан, ўзи қарз билан кетган эдингиз, ишлаб юборган пулимдан узаман деб, яна қарз билан қайтмоқчимисиз, келсангиз, пешонангизни уриб ёраман, деб ўтирибди. Кеча Қозон вокзалига бордим, иш излаб оч-нахор сарсон-саргардон юрган одамга тўлиб кетган. Шу ерда бир ўрис йигит иш таклиф қилди, беш юз доллар ойлик деди, менга бирдан ўн киши керак, деяпти. Одамларнинг кўни у билан кетишга қўркди. Саккиз киши

йигилдик, ўрис «кам» деб кетиб қолди. Эртага яна келар экан. Агар хоҳласангиз, биз билан юринг. Сарсон бўлиб юргунча бир-икки сўм ишлаб оламиз.

Нозима ўйланиб қолди. Ўша чуғурчук бозордек ғала-ғовур уйини, онасини, болаларини жуда соғинган эди, аммо уларнинг олдига қандай қуруқ кўл билан боради. Кўлидаги пул йўлкирасидан ортмаса...

— Бўпти, бораман.

Шу оқшом аэропортда тунадилар.

Улар вокзалга борганда талабгорлар ўн киши бўлиб, ҳалиги ўриснинг ихчамгина автобусига чиқишаётган экан. Булар ҳам ялин-ёлвор қилиб, қўшилиб олишди.

Борадиган жойлари жуда чеккада шекилли, анча йўл юришди. Ишлари тайин бўлганидан хурсанд йўловчиларга йўлнинг узоқлиги ҳам сезилмади, вағир-вуғир гурунг авжига минди. Факат Нозимагина гурунгга қўшилмас, негадир кўнгли ғаш, адоги кўринмаётган йўлнинг тезроқ тугаб, тезроқ қандай иш қилишларини кўришни истар эди. «Яхши иш бўлса, бирон йил чидаб, бироз сармоя тўплаб кетар эдим».

Автобус бепоён сайҳонлик ўртасида тўхтаганда, ҳамма «оббо, машина бузилиб қолди», деб ўйлади, аммо ўрис йигит кабинадан сакраб тушиб, эшикни очди: «Выходите!»

Атрофда уюм-уюм ахлатлардан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Йигит уларга тушунтириди: «Шу ердан темир-терсак йигасизлар. Рангли металл алоҳида, алюмин алоҳида, оддий металл алоҳида йигилади. Ҳар кимнинг йикқан маҳсулотига қараб, маош берилади».

Йигит олисларда қорайиб турган вагончаларни күрсатди: «Ана шу вагонларда яшайсизлар, эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида вагон кўйилган».

Талабгорлардан бири ўртага чиқиб, «Мен бу ерда ишламайман», деган эди, ўрис қўйнидан ялтиллаб турган тўппонча чиқарди: «Сени бу ерга ҳеч ким мажбуrlаб олиб келгани йўқ. Ўзинг хоҳлаб келдингми, энди мен хоҳлаганда кетасан». Шу билан бурнини жийириб турган бошқаларнинг ҳам уни ўчди.

— Давайте на работу! Время идёт!

Уларни юкларини кўйиб келиш учун вагонга юбормади: «Вечером!»

Ҳамманинг ўзига яраша юки бор эди: кимда сумка, кимда жомадон. Улар юкларини бир жойга йиғиб кўйиб, ўзлари ахлат уюмларни оралаб кетиши. Ахлатлар тўкилган жой кенг сайҳонлик бўлса ҳам уюмлардан тараалаётган бадбўй ҳид димогни ёрат даражада ўткир эди. Нозима болалигидан ҳидга йўқ эди. Пахта ҳашарига эскироқ автобусда боришса ҳам бошлари оғриб, кўнгли айниб қоларди. Бирор-ярим олдидан арzon-гаров атири сепиб ўтса, бурнини жийиради. Энди...

— Нариги томондаги уюмлар қуруққа ўхшайди, — негадир нафаси қисиб, йўтала бошлиган Нозимага раҳми келган Бегамбойнинг унга яхшилик қилгиси келиб. — Қуруқ ахлат унча сассик бўлмайди, юринг, шу томонни айланамиз.

Нозима йўтала-йўтала қўлидаги қопларни судраб, Бегамга эргашди. Энди қуруқ ахлат уюмларини тита бошлишган эди, ишбошининг ҳайқириғи эшитилди.

— Там нечего время терять. Вернитесь! Там уже проверено!

«Ха-а!.. Демак, уларгача ҳам бу ерда одамлар ишлаган, яшаган...»

Ўзлари чала тушда етиб келишган эди, күёш бирпасда тиккага келди. Вақт бўлгани учунми, кайфият тушиб кетганиданми, ҳамманинг қорни очиб кетган эди. Ўзини демократ санайдиган бирори ишбошига қараб, «Начальник, обед! Когда обедаем?» деб ҳаққини талаб қилган бўлди. Машинанинг соясига кичкинагина йиғма курси қўйиб, ҳайдовчи билан сигарет тутатиб ўтирган ишбоши унга қараб, «Обед? Хорошо, обедайте тогда», деди бепарвогина. «Где обедать?» деди демократ. Ишбоши қўлларини ёзиб, ахлат уюмларига ишора қилди: «Вон сколько обеда. Найдите себе еду и кушайте на здоровье. В вашем распоряжении полчаса». «Это же мусор! Вы над нами издеваетесь!..» исён қилди демократ. Ишбоши тўппончасини чиқарди: «Кто ты такой? Ты тоже мусор! Проклятый черножопый!»

Шу билан «демократия» ўйини бутунлай тугади. Шу куни ҳеч ким тушлик қилмади. То қош қорайгунча ахлат уюмлари орасида ким ўхчиб, ким йўталиб изғиди, аммо кечки овқат ҳақида ҳам ҳеч ким оғиз очмади. Вагонларнинг ёнида икки бочкада сув бор экан: «Можете слегка умыться. Но воду надо экономить. Пить тоже будете эту воду».

Сув жуда кам эди. Ҳамма қанча чарчаган бўлса, шунга чанқаган эди.

— Кўлларни аввал тупроқ билан ишқалаб, то залаб олайлик. Кейин сув билан салгина ювиб қўйсак ҳам бўлаверади, — таклиф килди ёши улуғлардан бири.

Шундай қилишди.

Чанқоқлар қондирилгач, улар яшаш жойла-  
рига киришди, вагоннинг гирди айлантирилиб  
кичкинагина сим каравотлар қўйилган, уларнинг  
устига латтаси йиртилиб, кир увада пахталари  
тўзгиб ётган кўрпалар тўшалган эди. Ишбоши  
кутилмаган заруратлар учун бўш челак қўйиб,  
вагонларни уларнинг устидан қулфлаб кетди.

— «Ноҳақ қамалдим», деганларини кўп эшит-  
ганман. Аммо мен, ўртоқлар, ҳақ қамалдим, — деди  
иш бошлаганларидан бери чурқ этиб оғиз очмаган  
хушрўйгина жувон.

Ҳамма унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Бинойидай ишим бор эди, ҳамширалар  
кўпайиб кетиб, навбатчиликларим камайиб кетди,  
дедим. Лекин уйда бўлсам ҳаммаҳалладошларим  
бир дақиқа тинч қўйишмасди. «Болам касал»,  
«Онам касал, укол қилиб қўйинг». Ҳеч ким  
куруқ қўймас эди: ҳам раҳмат айтар эди, ҳам  
«кўл ҳақи» деб кўярда-қўймай чўнтағимга пул  
тиқишаради. Мен бўлсам, ҳеч тўймадим, кўпроқ,  
яна кўпроқ бўлишини истадим. Момогинам худо-  
нинг зорини қилди: «Хой, болам. Бизда илгари  
аёл кишининг ион излаб кўчага чиқиши ор са-  
налган, ким кўчага чиқса, фалончининг қизи, фа-  
лончининг аёли, деб эркакларига таъна қилинган.  
Илло, кўчага чиқиб ойликчи бўлиб юришмаган.  
Оҳ, биз ҳам қўлимизда ўз пулимиз бўлсайди,  
эркаклар қатори шу уйдан бир узилиб чиқиб,  
ишлаб келсак экан, деб орзу қилар эдик. Мана,  
ўқидинг, касбинг бор, ишлаб юрибсан, эрингдан  
ҳам кўпроқ пул топасан. Эринг бечора «Хотин-  
бой», деб оғзингга қараб туради. Сенга нима етма-  
япти ўзи? Шундай чиройли жувон бегона элларга  
бориб, чўрилик қилиб юришдан ор қилмайсанми?

Улар сени кўриб, ҳамма ўзбек шундай беор, бечора экан, деб ҳаммамизнинг устимиздан кулмайдими?» деди. «Кўзимга суртиб ўстирган неварамни аллакимларнинг эшигига хор-зор бўлиб, бечора бўлиб ишлаб юришидан ор қиласман», деди. «Ор қилсангиз, уйимни қайта қуриб беринг, машина олиб беринг», дедим. Энди ўйлаб қарасам, мен ношукурлик билан ўзимни хор килиб, ўзимга, касбимга, мени яхши кўрадиган беморларимга, қишлоқдошларимга, момомга, болаларимга хиёнат қилган эканман. Илгари оир жиноятлар учун ўрисларнинг юртига сургун қилишган. Мана, мен ҳам ўзимни сургундаман, деб хисоблаяпман ва ўзимга ўзим сен бундан ҳам оғирроқ жазога муносибсан, деяпман.

— Сиз сирайм ҳамширага ўхшамайсиз, — деди тор шими ва киндиклари кўриниб турадиган, енгсиз, ёқасиз кўйлаги билан ҳамманинг ғашига теккан қиз.

— Нега? — ҳайрон бўлди ҳамшира.

— Сиз кўпроқ ўқитувчига ўхшайсиз. Бир муаллимимиз бўлар эди: «Менга хиёнат қилсанг ҳам ўзингга, ўзлигингга, ўзбек деган номга хиёнат қилгувчи бўлма», деб миямизни қотирар эди. Мактабни тугатиб, шундан қутулдим, деб юрсам, худо бу ёқда сизни рўпара қилди. Э-э, худойим-эй, оч коринга бундай баландпарвоз гаплар нимага керак?

— Ростдан ҳам, онам илон чакқан ухлайди, оч ухлаёлмайди, дер эди. Очлик ёмон нарса экан.

— Ҳаммаёфимга ахлатларнинг бадбўй хидлари ўрнашиб қолгандек...

— Уф-ф!

Сим каравотларнинг ғичир-ғичири анча вақтгача эшитилиб турди. Қизлар ухлаёлмаётган эди,

аммо, барибир, чарчоқ очликдан ҳам, хүрликтан ҳам устун келдими, бирин-кетин «ох», «уф»лар түхтаб, сокин пишиллаш ва яккам-дуккам хурраклар эшитила бошлади. Нозима қорни очикқанини умуман ҳис этмас, нимагадир күнгли айнир, қайт қилгиси келарди: «Ха, ҳамшира қиз түғри айтди. У ҳам хиёнаткор. Ўзига, болаларига хиёнат қилди». Шу ерларда шундай юргунча болаларининг ёнида, қайнонасиининг тувағини тўкиб юргани яхши эмасми? Кўпинча эрталаб ва кечкурун қайнонасиининг тувағини кўтариб чиқаётган қайнотасига дуч келиб қоларди, лекин ҳеч қачон: «Беринг, бобо, эркак бошингиз билан тувак кўтариб юрасизми?» деб қайнотасиининг кўлидан тувақни олмаган. «Шунча ишини қилганим камми, энди тувағини ҳам кўтариб юришим керакми?» дер эди ичида. Энди!.. «Кунинг қурсин, Нозима!»

Нозима болаликдан икки қўлини жуфтлаштириб, чаккасига қўйиб, ёнбош ётишни яхши кўрар эди. Бугун эса қўлларига ўрнаб кетган қўланса ҳид нафасини сиқар, ҳамма қатори чалқанча ётса, ухлаёлмас эди.

Эрталаб ҳамма тушкун кайфиятда иш жойларига тарқалди. Нонушта ҳакида на савол, на талаб, на таклиф бўлди, аммо ким бир қути печенье, ким бир елим халта сухари, ким очилмаган балиқ консерваси топиб, ўзларича «уволни билмаган ўрисларни» ёмонлаб-ёмонлаб нонушта килиб олишди. Бора-бора ахлат машинаси келгач, шошиб, талашиб емак топиб, бир-бирларига мақтаниб ейишга одатланишди. Бу жойларининг ёзи жуда қисқа бўлар экан, куз бошланиши билан қишининг захри сезилиб қолди. Енгил-елпи кийимда келган «мехмон»лар энди ахлат уюмларининг ичидан

ўзларига иссиқроқ уст-бош излай бошлишди. Нозима ҳам ўзига бинойидек жемпер, пальто, иссиқ иштон ва этикча излаб топди. Албатта, бу ерда уларни ювишнинг иложи йўқ эди. Топилганига шукур килиб, яхшилаб қоқиб-қоқиб кийиб олди.

Бир кун Бегамбой ёнига келди: «Уйдагилар тушимга кириб, ҳеч ухлаёлмаяпман. Эркаклар ўзаро маслаҳат қилдик, Владикнинг галини олиб, ҳайдовчиси шаҳарга кетган кун ўлдирамиз-да, қочамиз».

Нозима қўрқиб кетди: «Майли, қочайлик. Лекин кимнидир ўлдириб эмас. Олти эркак наҳот бир эркакни ушлаб, оёқ-қўлини боғлаб ташлаёлмайсизлар? У бўшаб олгунча, биз кетиб бўламиз».

«Йўқ, йигитларнинг кўзи қонга тўлган, ўлдирамиз, деяпти».

«Кўйинг, ака. Ундай қилманглар, жиноят қилмасдангина шу ерлардан кетиб олайлик. Эркакларга ўзингиз тушуниринг».

Унинг гапи Бегамбойга маъқул тушди.

Эркакларни ҳам шунга кўндирибди.

Ахлат уюмлари орасида қочиш режаси ишлаб чиқилди, куни белгиланди.

Қочиладиган кун чошгоҳ пайти «демократ» ахлат титиб юриб, «вой-вой»лаганча йиқилиб қолди. Ишлаётганларнинг ҳаммаси ҳар ёқдан «ёрдам»га югуриб борди. «Демократ» эса кўзини очай демас, ғужанак бўлиб олганча, бор овози билан дод солар эди. Кимдир «ҳовлиқиб» ишбошининг ёнига югорди: «Ему очен плохо. Скорый надо вызвать!» Курсисида ўтириб, уларнинг ҳаракатини кузатаётган ишбошининг жаҳли чиқди: «Какая скорая тебе? В такую даль скорую не вызовешь. Он не болен, а просто ему лень. Сейчас я сам его вылечу!»

У ахлат уюмларини оралаб ўтиб, «демократ»нинг бошига борди. Ялтиллаб турган этигининг тумшуғи билан елкасига туртди: «Эй!» «Демократ» унга эътибор ҳам қилмай додлайверди. Ишбоши уни ёқасидан тортиб, ўзига қаратмоқчи бўлдими, энганиб, ёқасига кўл узатган эди, ҳар доим Нозимага ўғриқарашиб қилиб юрадиган полвонкелбат йигит бўйнига бир мушт туширди. Ишбоши шилқ этиб, ерга қулади. Кимдир чакқонлик билан унинг чўнтағидаги тўппончасини олиб қўйди, кимдир сумкасидан арқон чиқариб, оёқ-қўлини боғлаб ташлади. «Демократ» ўрнидан сапчиб туриб, боғланиб ётган ишбошини аямай тепа бошлади. Унга бошқалар ҳам қўшилди. Ҳамшира эса чириллаганча кўзлари қонга тўлган эркакларнинг атрофида айланарди: «Хой, бўлди! Ўлдириб қўйиб, қамалиб кетасизлар. Бу ерда сизларни ҳеч ким кечирмайди. Бўлди. Бирон мусор машина келиб қолгунча тезрок қочайлик. Бўлинглар, тез!»

Машина келиш хавфи ҳаммани ҳушёр торгтириди. Шусиз ҳам юз-боши қонга беланган ишбошини ташлаб, йўлга чиқиши: «Ҳар ким ўзича юрсин. Ҳаммамиз бирга юрсак, шубҳаланишади».

Ҳар ким ҳар хил йўлни танлади: ким йўлнинг ўнг томонидан, ким чап томонидан, ким дала йўлдан, ким ўрмон оралаб...

— Мен катта йўлдан кетаман, дала йўл, ўрмон менга тўғри келмайди, — деди қизлардан бири, — ҳайвонлардан қўрқаман.

— Менга катта йўл керак эмас, мен одамлардан қўрқаман, — деди Нозима.

— Мен ҳам сиз билан кетайин, мен ёлғиз юришга қўрқаман, — илтимос қилди ҳамшира.

Улар ахлат уюмлари оралаб, ортга қайтиши. Анча йўл босишгач, кўп қаватли уйлар кўрина

бошлади. Икки «ҳамкасб» суюниб кетди. Шахар тортган барча азобларига хотима бўлиб кўринди, лекин улар жуда ҳолдан тойган, очиккан эдилар. Олисдан черковнинг тилла суви юритилган қуббаларини кўриб, яна севинишиди. Ахир у ердан худо йўлига нимадир ундириш мумкин-да. Айланма кўчалар билан черковга етиб боргунча иккаласининг ҳам тинка-мадори куриди. Қаторқатор ёғоч ўриндиқларга тўла ҳашаматли черков кимсасиз хувиллаб ётарди. Улар ичкарига кириб, нима қилишларини билмай, катта саҳннинг ўртасида ҳайрон туриб қолишиди. Анчадан сўнг қайсиdir бурчақдан қол-қора либос кийган салобатли бир киши чиқиб келди. Ҳамшира Нозимани туртди: «Сиз ганиринг, русчани мендан кўра яхши биласиз».

Нозима ҳам билганича тушунтириди: «Иш ахтариб топа олмадик. Энди уйга кетмоқчимиз. Очмиз, пулимиз йўқ. Бизга ёрдам беринг».

Келувчи уларга бир зум тикилиб турди-да, сўнг чўкинди: Сизларга худо ёрдам берсин, бўталарим. Икки кўча нарида мусулмонларнинг мачити бор, ўша ерга бориб, чин кўнгилдан сўрасангиз, балки мушкулларингиз осон бўлар.

Иккалasi оёқларининг терисини шилиб ташлаган пойафзалларини ечиб олиб, кўрсатилган томонга югуриб кетишиди. Кираверишда ҳожатхона ва таҳоратхона бор экан. Улар сумкаларидан енгилроқ пойафзал олиб кийишиди ва обдан таҳорат килиб, мачитнинг ичига киришиди. Ичкарида хонанинг гирдини айлантириб қўйилган ўриндиқларда етти-саккиз чоғли киши ўтирад, тўрда ўтирган ўрта ёшлардаги соқолли киши Куръон тиловат қиласр эди. Қизлар бир четга ўтиб, тиловат тугашини кутишиди, сўнг юзларига

фотиҳа тортиб, хона устунларидан бирининг панасига ўтиб, икки ракатдан намоз ўқишиди. Улар намозларини тамомлашганда мачитни тўлдириб ўтирган зиёратчилар ташқарига чиқиб кетишган, имом тасбех ўгириб ёлғиз ўтирас эди. Уларнинг саломига ҳам овозсиз бош ирғаб қўя қолди. Негадир шу одам Нозиманинг кўзларига авлиёларга ўхшаб кўриниб кетди, у беихтиёр имомнинг қаршисида тиз чўкиб, йиғлаб юборди:

— Бизга ёрдам беринг, биз хато қилдик, адашдик. Энди уйга қайтишга пулимиз йўқ.

Имом бошини кўтарди, бармоқлари тасбех айлантиришдан тўхтади:

— Уйга кетмоқчимисиз?

— Ҳа... — йиғлашда давом этди Нозима.

— Югуринг, ҳовлидаги одамларни қайтариб келинг, — деди у шеригининг кутилмаган ҳолатидан анқайиб турган ҳамширага. — Боринг, боринг, уларнинг машинасида жой бўлиши керак.

Улар бухороликлар экан, гарчи чарчаб, ҳолдан тойган увада қизларга ёқтирмай назар ташлаган бўлсалар-да, имомнинг илтимосини ерда қолдиришмади.

— Худо йўлига-да, инилар. Булар сизларнинг сингилларингиз, — деди имом дуо бергандан кейин ҳам.

— Оҳ, Бухоро! Ахир Бухоро — бу Ўзбекистонку, Ўзбекистон эса қадрдон уй! — ҳаяжон билан шивирлади Нозима. — Ҳа, уй! Уй! Аллоҳга шукур.

Шериклари жуда саховатли, тақводор кишилар экан. Бутун йўл давомида уларни овқатлантириб, ҳол-аҳвол сўраб келишиди. Бухорога келишгач, ўртадан пул чиқариб, уйларига олиб борадиган машинага солиб юборишиди.

У уйга келиб, бир ҳафта ётди, турмади, ту-  
ролмади. Бир ҳафтадан сўнг сахармардондан ту-  
риб, чиройли кийимларини кийди, бироз пардоз  
хам қилди, аммо ойнадаги акси ўзига ёқмади,  
ранглари жуда сўлғин, кўзлари мунгли кўринди.

Ранг кўр, ҳол сўр. Ирис хола шунча кундан  
буён қизидан бир оғиз ҳам гап сўрамади. Унинг  
кийиниб, пардоз-андоз қилаётганини кўриб, бироз  
кўнгли ёришди.

— Ҳа, болам?

Нозима ерга қаради, нимагадир хижолат торт-  
ди.

— Болаларни кўргани бормоқчи эдим, — деди  
анчадан сўнг унинг овози титраб, — она, беш-  
олти сўм пул беринг, болаларимга бирон нарса  
олай, — у пастки лабларини маҳкам тишлаган,  
кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

Ирис хола қизининг елкаларидан қучди:

— Йиғлама, болам.

— Она, мени уларнинг уволи урди!..

— Ундей дема, болам. Ҳар қандай ота-она  
ҳам боласига тўғри бўл, деб уришади, уради.

— Йўқ, она...

Ирис хола қизининг олдига бир тахлам пул  
кўйди:

— Улар кампир билан адирдаги уйларида  
яшашаётган экан.

— Яхши.

У қандайдир ўзида йўқ эди. Мияси гўё музлаб  
қолгандай караҳт, на юрган йўлида, на кўраётган  
нарсаларида маъно бор эди. Марказдаги ўйинчоқлар  
дўконига кирди, кизига қўнғироқчали чиройли сум-  
кача олди, ўғлига нима олишни билмай, узок ик-  
киланди. Унинг нималарга қизиқишини билмасди.  
Бунинг устига энди мактабга бораётган бўлса, унга

ўйинчоқ керак ҳам эмасдир. Ўйлаб-ўйлаб, магнитли тахтачага ёпиштириб, ҳар хил шакллар ясаш мүмкін бўлган мозаика олди: «Отаси шундай нарсаларга қизиқар эди». Олган нарсаларига қараб туриб, болаларини жуда ҳам соғиниб кетганини ҳис килди, уларни тезроқ кўргиси келди. Нозима келин бўлиб тушган йиллари уйдагилар билан адирдаги уйга гоҳ олма тергани, гоҳ хурмо тергани, гоҳ шунчаки ёзилиб, дам олгани бир неча марта борган эди. Аданмай топиб боришига кўзи етиб турган бўлса-да, ич-ичидан нимадир узилиб, оёқ-қўлидан жони чиқиб бораётгандек, тобора бемадор бўлиб борарди. Қайнонаси-ку, нима десаям, гапириб-гапириб, «келиб яхши кипсан, болаларинг соғинган эди», дейди. Бу кампирнинг нари ёғлиги ҳам, бери ёғлиги ҳам бор. У кечиримли. Лекин қайнотаси ҳеч нарса демайди. Ана шу «ҳеч нарса демайдиган» қайнотага юзма-юз бўлиш ҳаммасидан қийин.

Такси ҳайдовчи роса гапдон одам экан.

— Ҳа-а, Робия момонинг қўрғонигами? Синглим, у ер анча ичкарилик, пича қўшиб берасиз. Бўладими?

— Бўлади.

— Яшанг! — ҳайдовчи шалоги чиқиб кетган эски «Москвич»ининг эшигини шарақ этиб ёпди. — Бу қўрғоннинг йўли жуда нотекис, бу йўлга мендан бошқа ҳеч ким бормайди. Лекин мен, ишонсангиз, жон деб, маза қилиб бораман. Чунки бу қўрғонга ҳамиша мард одамлар боради. Оллокул бобога-ку, гап йўқ. Кампир ҳоким билан гаплашиб, йигирма беш гектар ер олиди, десангиз. Ҳамма ҳайрон, бу адирда лалми бувдой билан исириқдан бошқа ҳеч нарса битмайди, ахир. Булар шу йигирма беш гектарни ағдартиб, минг туп писта, минг туп бодом, яна

қанча узум экди. Бобо бу ҳовлисида кўчат етиштирас әкан, ҳаммасини ўзим ташидим. «Бобо, бу писталар ҳосилга кириши учун камида ўн беш йил вакт керак, унгача ким бор, ким йўқ», десам, «Ўғлим, савоби-чи, савоби?» дейди. Сув чикмаган жойларга чеълаклаб қуиб чиқди. «Бир томир олдирсан бўлди, кейин қор, ёмғирнинг суви билан яшнаб ётаверади», дерди. Бобоси тушмагур уddaлади. Койил! Момоям жуда ўткир кампир. Сал бўлса, телефон қилиб, «Сафарбой, бизга тўрт йигит керак, бобонгиз чарчаб қолди» дейди. Кўчада нима кўп, бекорчи йигит кўп, зингиллатиб тўрттасини олиб бораман. Бечоралар миннатдор бўлиб қолишади. Шу кўчатларнинг орасига буғдой экишиди, зигир экишиди. Ҳам даромад, ҳам буромад дегандай. Ишонсангиз, кўчатлар бехато олган, ям-яшил бўлиб яшнаб ётибди. Койил қолдим, десангиз. Сиз ўзи Робия момонинг кими бўласиз?

— Жияни... — ерга қаради Нозима.

— Болаларигаям гап йўқ. Бири кетса, бири келади. Ҳаммаси таниш бўлиб қолган. Стоянкага келишлари билан мени излашади, «Сафар ака борми?» деб, хўдди Сафар акадан бўлак такси йўқдай. Ёнимдагиларнинг ичи куйиб қолади, десангиз. Бир хил пайлари таксидан кечиб, шу адирларга кўчиб келгим келади. Кенгликларга қарасангиз, кўнглингиз кентгайиб кетгандай бўлади. Аммо бу жойларда яшац, нон топиш учун бошингда Робия кампирдай бир бошчи керак. Шу-у, кўп эмас, икки йилларда бир машинанинг пулини топишади. Писталар ҳосилга кирсанку, пулнинг тагида қолишади. Лекин бизнинг хотинга бундай ташвишлар ёқмайди, у кишига шаҳар керак, бозор, дўкон ёнида бўлса...

Адир устидаги уй минг қўйли Муродалининг кўрғонидек ям-яшил чорбог ўртасида викор билан қад кериб турарди. Сафарбой Нозиманинг «Хай-ҳай»лашига қарамай, машинасини ҳовли ичкарисигача хайдаб борди. Нозима супада ўтирган қайнотаси билан қайнонасининг олдида жуда хижолат бўлди: «Оббо-о!»

Машина тўхтагач, Сафарбой Нозимага ҳам қарамасдан мезбонларнинг ёнига ўтди: «Мома-а, мана сизга ёрдамчи олиб келдим». Улар бир Сафарбойга, бир Нозимага қараб, ҳангу манг, сўзсиз қотиб қолиши. Ҳар иккаласи бу учрашув қачондир юз беришини билсалар-да, аммо шунчалар тез, шу ҳолатда, шу кун бўлишини, уни Сафарбой ўзининг шалдирок аравасида олиб келишини сира кутмаган эдилар. Яна... Нозима шу қадар маъюс, шу қадар мунгли эдики, ундан нафратланиш, «сенга энди бола керак бўлиб қолдими?» деб қувиб солишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Биринчи бўлиб кампир ўрнидан турди. Кўлтиқтаёкларини кўлтиғига тираб, машина олдида мунғайибгина турган Нозимага юзланди:

- Келавер, болам. Сафарбой, кўрпачага ўтинг.
- Йў, йўқ, мен борай. Ҳали стаянкада қанча одам Робия момонинг кўрғонига бораман, деб мени излаб юргандир.

— Ассалому алайкум.

Нозима супанинг ёнига келиб салом берди. Минг хижолат билан қайнонасининг елкасидан олди, димоғига урилган таниш қалампирмунчоқ хидидан боши айланиб кетди, томоғига нимадир тикилди. Қайнотаси бегона билан кўришаётгандек номигагина бағрига олган бўлди, секингина елкаларига қоқиб қўйди, сўнг кўрпачага таклиф килди:

— Кўрпачага ўт.

Оллокул бобо индамади.

Бу орада эски машинанинг фириллашини эшитган болалар ичкаридан югуриб чикишиди:

— Вой, она-а-м! Она-жо-он! — Ноила оёнига ҳам киймасдан Нозиманинг қучонига отилди.

Нозима қизининг жажжигина вужудини бағрига олар экан, күзларидан тиркираб ёш чиқиб кетди:

— Болажоним, болажонгинам! — шашқатор ёшлар орасидан остоңада эшикка суюниб турған Санжарни күрди. Қизини ерга қўймасдан унга қараб юрди. Остоңага етганда, Ноилани кўтарған ҳолда, ўғлининг ёнига чўнқайиб ўтирмоқчи бўлди, аммо негадир мункиб кетди ва йиқилиб кетмаслик учун тиззалааб олди:

— Болам, болажоним!

Санжарнинг ҳам кўзлари тўла ёш эди. У лабларини тишлаб, юзини бурди. Нозима эмракиб, уни ҳам бағрига олди, қучони тўлиб кетди:

— Болажоним! Болажонларим! Мен сизларсиз ўлиб қоламан!

Санжар унинг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб олди-да, хўнграб йиғлаб юборди:

— О-она-а! Она-жо-он!

Кейин вақт жуда тез ўтди. Нозима болаларининг измидан чиқа олмай қолди:

— Она, юринг, менинг хонамни кўринг.

— Она, менинг аквариумим бор, балиқларимни кўринг.

— Она, энди кетмайсизми? Биз билан шу ерда яшанг. Сизни жудаям соғиндик. Кетмайсиз-а?..

Нозима уй эгаларидан қанчалар хижолат тортаётган бўлмасин, болаларининг ёнида бўлгани учунми, қайнонасининг кечиримлилигига ишонгани туфайлими, онасининг уйидан топа олмаган

хотиржамлик ва ҳаловатни шу ерда топгандай эди. Худди орада ҳеч нарса ўтмагандай, қайнонасининг эски бир кўйлагини кийиб олиб, белини маҳкам боғлади-да, уйларни йиғиштириди, ҳовлини то-залади, кир ювди. Музлаткичдаги лаҳим гўшт билан думбани кўриб, икки зувалагина манти қилиб ташлади: «Қарибоп, юмшоққина». Манти-ни кўриб болалар кийқириб юбориши: «Ур-ре, манти!» Ноила эса онасига торт буюртма қилди: «Энди торт пишириб беринг».

Кун кеч бўлиб қолган эди. Унга илтижо билан тикилиб турган қизчасига қараб, кўнгли бузилиб кетди. «Начора. Бировнинг уйи, у кетиши керак».

— Болам, бошқа сафар торт қилиб бераман. Энди мен кетишим керак.

— Нега кетасиз? Кетманг. Момо, онамга айтинг, кетмасин.

Робия кампир бир неварасига, бир Нозимага қаради.

— Зарур ишинг бўлмаса, қол. Буларга бир торт қилиб бер. Тухум бор, қаймоқ бор.

— Энамга қўнғироқ қилиб қўйишим керак-да. Хавотир олишади.

Робия кампир чўнтагидан ялтиллаб турган қўл телефони чиқариб, унга узатди.

«Бу кампир бало!»

Торт пишгандан сўнг Нозима Ноила билан Гулзорнинг ёнида ётадиган бўлди. Санжар эса одатдагидек момосининг ёнида қолди.

Робия кампир шу кун бирон ишга қўл урмаган бўлса ҳам жуда чарчади. Ҳеч ким индамаса, кўзларини юмса-ю, ухлаб қолса! Айниқса Санжарга эртак айтишга сира ҳоли йўқ эди. Санжар ҳам чарчаган, қанийди шу бугун эртак сўрамаса эди.

— М-момо!

— Ха, болам? — эртак айтмаслик учун баҳона излаб, овоз берди у.

— М-момо, бир нарса сўрасам, хафа бўлмайсизми?

— Сўра, болам.

— Ростдан ҳам хафа бўлмайсизми?

— Сендан ҳеч қачон хафа бўлмайман болам, сўрайвер.

— Момо... Мен ҳам онамнинг олдига бориб ётсам майлими?

Момо жуда фалати бўлиб кетди. Бўғзига нимадир тиқилди. Беихтиёр неварасини қаттиқ бағрига босди. У қизганаётган эди, аммо шу лаҳзада ўзидан уялиб кетди: «Хой, кимни кимдан қизғонаяпсан? Болани ўз онасидан қизғонаяпсанми?»

— Майли, болам. Бор, бора қол.

Санжар момосининг юзидан ўпди:

— Фақат бир кечага. Эртага яна сиз билан ётаман. Сиз қўрқмайсизми? Сизнинг олдингизга Гулзор опамни юборайми?

— Майли, болам. Юбора қол.

Санжар хонадан учиб чиқиб кетди: «Онасида!..»

Нозима жуда эрта уйғонди. Икки ёнида ётган болаларини юраклари орзиқиб ўпди, елкаларини силади, сўнг аста сирғалиб пастга тушди. Жимжит ҳовлида муздек мусафро ҳаво қалқиб турар эди. Уйнинг ортига ўтиб, Сафарбой мактаган пистазору бодомзорларга қаради. Туя ўркачидек паст-баланд адирликлар устида дафтар чизифидек бир текис қилиб экилган кўчатларни қоплаган барглар эрта-индин бу жойлар туркираган боғ бўлишидан дарак бериб турарди. Охистагина ерга чўккалади. Димогига намхуш түпроқ ҳиди аралаш аллақандай ёввойи гулларнинг ёқимли ҳиди

урилди. Қаердадир тўргай сайради, от кишнади. Ҳамиша от кишинашини эшитганда беадор кенгликлар кўз ўнгидан намоён бўлади, юраги кенгайиб кетгандек, вужудида бир бетакрор ҳаловат ҳис этади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Адирлар ортидаги осмон билан туташиб турган тоғларга, қархисида ястаниб ётган қир-адирларга, оёқлари остида фимирлаб юрган чумолиларга худди сўнгги бор кўраётгандек юраклари орзиқиб тикилди. Анча ўтиб, ҳовлидан қайнотасининг томоқ қиргани эшитилди. Ўрнидан туриб, ҳовлига ўтди. Қайнотаси қўйлар ётадиган қўранинг эшигини очаётган экан, бориб салом берди, қўйлар пастга эниб кетгунча, полизга оралаб кетмасин, деб экинзор томонни тўсиб турди. Шундаям бобо ҳеч нарса демади, на саломига алик олди, на бирон сўз айтди. Унинг хўрлиги келди. Индамай ошхонанинг ортида ётган супургини олиб ҳовлини супурди. Чой қўйди. Кечқурун қайнонаси кўрсатган сигирни соғиб, сутини пиширди. Болаларининг туришига деб, юмшоқкина сутли шавла осиб қўйди, сўнг қайнонасининг ёнига кирди. Робия кампир аллақачон туриб, ичкарида тахоратини олиб, на мозини ҳам ўқиб бўлган, телевизорини секингина қўйганча, қандайдир кино томоша қилиб ўтирган эди. Нозима киргач, Гулзорни турғизди.

— Кел, ўтири, — деди Нозимага совуккина қилиб.

Нозима бироз ўнгайсизланиб, Гулзорнинг жойини тўғирлаган бўлди-да, каравотининг бир четига ўтирди:

— Чой қилдим. Қаерга дастурхон қилай, деяётган эдим...

— Болалар туришсин-чи... Сен... қанча вақтга келдинг?

Нозима ерга қаради:

— Мен... энди кетмайман.

— Нега?

— Болаларимни соғиндим, — бошқа ҳеч қандай жавоб кампирнинг кўнглини юмшата олмас эди, шу лаҳзада кампирнинг кўзига яхши кўрингиси келиб кетди.

— Шундайми?

— Хола, мен жуда кўп хатолар қилдим, ишонинг, бирини билиб, бирини билмай қилдим. Қайсар, аҳмоқ феълим билан сизнинг ҳам дилингизга кўп озор бердим, болаларимни ҳам қийнаб қўйдим. Мана, ўзим ҳам боши берк кўчага кириб қолдим. На уйим бор, на ишим бор. Сизга болаларимни беринг ҳам дея олмайман, уйсиз, пулсиз уларни қаерга олиб бораман? Уларни шунча азобга қўйганим ҳам етар. Сиз менга кўп яхшиликлар қилдингиз, болаларимга оналик қиласиз. Факат менинг болаларим учун иссиқ уйингиздан кечиб, шу адирларда яшаб юрибсиз. Мен ўзимни ўйлаб, чет элларга кетдим, сиз менинг болаларим учун яримта жонингизга жабр қилдингиз. Сизнинг олдингизда уятлиман, қарздорман. Бир умр эшигинизда чўрилил қилсан ҳам қарзимни уза олмасам керак. Ҳаммаси учун раҳмат.

Бу Робия кампир учун бутунлай кутилмаган тазарру эди. Кампир аввалига Нозимага ҳайрон-ҳайрон қаради. Қархисида ўтириб, тавба қилаётган жувон ўша ўзи билган Нозима эканлигига сира ишонгиси келмас эди. Аммо эшитаетгандари шу қадар маҳзун ва самимий эдикি, беихтиёр қўзларига ёш келди. Нозима гапини тугаттандан кейин ҳам анча жим қолди. Ниҳоят қайнонасининг унинг узрини қабул қилмагандек

жим ўтиришидан ўнгайсизланиб, ўрнидан тураётган Нозимага қараб, хаёлларини йифиб олди:

— Нозима, жойингга ўтири, — кампир намланган мижжаларини артди. — Менга қара, бўлари бўлди. Агар хўп десанг, шу ерда қол. Невараларим учун ҳеч ким сенинг ўрнингни боса олмайди. Бор-йўғимизни шу адиirlарга сочдик. Ҳажга аталган пулларимиз ҳам шу ерга кетди. Яrim жон ҳолимда ҳажда нима қиласман, дедим. Шу пул невараларимнинг келажагига ярасин, дедим. Бу жойларни биз фазнага айлантиридик. Мактабингни ҳам қўй, шу ердаги ишни бошқар. Бўлмаганда икки йилда машина минасан, топган ризкинг ўзинг, бола-чақангдан ортиб, бирор-яrim бева-бечораларга мурувват кўрсатишга ҳам етади.

Энди Нозима ҳангу манг бўлиб қолди. Бир зум кампирга ҳайрат билан тикилиб турди-да, сўнг ўрнидан сапчиб туриб, кампирни қучоқлаб олди:

— Ростданми? Ростданми, онажон?! Шу ерда қолсам бўладими?

— Албатта, бу уй, бу боғлар Санжар билан Ноиланини, демак, у сенини ҳам!

— Йўғ-э?! Лекин бобом рози бўлармикин?  
Ўғлингиз ҳам...

— Ҳаммасини ўзимга қўйиб бер.

\* \* \*

... Ўша куни ҳам эрталабдан оёқ-қўли қақшаб оғриди. Бомдодга тура олмади. Кун ёйилгач, бир амаллаб туриб, ҳовлига чиқди. Ҳассага суюниб, кекса тутнинг соясига қўйилган супага бориб ўтириди. Асалари қутиларининг атрофида тимирскиланиб юрган бобо ҳам кампирининг ёнига кел-

ди. Даастурхоннинг бир четида бостириб қўйилган чойнакнинг устини очди:

— Нозима юмшоққина сутли шавла қилган экан. Ўзи бозорга кетди. Ярим косагина сузаб келайми?

— Э-э, йўқ, негадир ҳеч нарса егим келмаяпти.

— Кампир, сен мени қўрқитма. Онам ҳам кетишидан олдин ҳеч нарса емай қўйган эди, — ҳазил килди бобо.

Кампир кулди:

— Си-из, қўрқманг, бобоси. Менинг ҳали-бери кетиши ниятим йўқ. Сизни, шундай уй-жойларни кимга ташлаб кетаман? Йўқ, кетмайман.

— Ҳа, бўлмаса, чаток экан, — ўзича ўйга ботди бобо.

— Нима, бирон режангиз борми? Мени жўнатиб, бирон ёшроғини олиб келмоқчисиз, шекилли, а?

Бобо кулди:

— Йўғасам, чўзилиб ётавермай, мундоғ кимира-да.

Сойликдан келадиган йўлда оқ машина кўринди.

— Ие, бизникига меҳмон келаётир-ку, — ўрнидан қўзғалди бобо. — Асалга одам келаётган бўлса керак.

— Ким билади, асалгами, ўзингизгами? Кампирим оғир ётибди, деган бўлсангиз, омонатини топшириб бўлгандир, деб...

Машинадан икки барваста йигит тушди.

Сўрашувдан сўнг, бобо меҳмонларнинг юзига савол назари билан қаради:

— Келинглар, нима ташвишлар билан юрибсиз?

— Биз бундан беш йил аввал сизларни бироз ташвишга қўйғанмиз, — деди ёши каттароғи. — Биз бир тухмат билан қамоққа тушиб қолганимизда, бир ҳожи биродаримизга анча кун уйингиздан жой бергансиз, обрўйингизни таҳликаға кўйиб, керакли одамлар билан учраштиргансиз. Ҳожи акамиз сизлар ҳақингизда кўп яхши гаплар айтган эдилар. Иложини топсангиз, яхшиликларини кайтаринг, деган эдилар.

Чолу кампирнинг кўзлари хайратдан каттакатта бўлиб кетди.

— Сиз... Сизлар отувга хукм қилинган эдиларингиз-ку? — деди кампир чолига навбат бермай.

— Ҳа, шундай бўлган эди. Биз апелацияга бердик. Ҳожи биродаримизнинг саъй-харакатлари билан «дори»нинг ҳақиқий эгаси топилди. Кейин бизни оэод қилишди.

— Йўғ-э!

— Ростданми? Кўп ажойиб иш бўлибди-да.

— Ҳа, Аллоҳга шукур. Шунга сизларни излаб келган эдик. Бирон хизмат айтинглар, кўнгилларингизни олайлик.

— Э-э, йўғ-э, бизнинг ҳеч қандай ишимиз йўқ, ҳамма нарсамиз етарли, — деди бобо меҳмонга чой қуиб узатар экан. — Шу балолардан эсономон қутулибсизлар, биз шунга хурсандмиз.

— Момонинг пича тоби йўқ, дейишди. Агар «хўп» десангиз, Душанбеда ажойиб шифохоналар бор, олиб кетиб, даволатиб келамиз.

— Йўғ-э, мен момонгизсиз бир кун ҳам яшай олмайман, — кулди бобо.

— Истасангиз, сизни ҳам бирга олиб кетамиз. Бизда баҳаво жойлар кўп, айланиб, дам олиб қайтасиз.

— Йўқ, йўқ. Сизлар баҳузур, биздан ҳеч хижолат бўлманглар. Биз жуда катта хизмат ҳам килганимиз йўқ. Мехмонингиз бир парча жойда ётиб турди, ярим коса овқатимизга шерик бўлди. Кеча-кундуз намоз ўқирди, Аллоҳдан сизларнинг дуойи жонларингизни сўраб... Бирон яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, ўша биродарингизга қилинг.

Келувчилар бир нафас жим қолди.

— Қанийди иложи бўлса! — чукур уф тортди ёшроғи ерга қараб. — У киши ўтиб кетдилар.

— Нега?

— Ўзлари бироз бетоброқ эдилар. Яна бизнинг ташвишимизда кўп азият чекдилар. Бизнинг афв қилинганимизни эшилдилар, аммо озодликка чиққанимизни кўра олмадилар.

— Афсус... Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.

— Ўзлари шоир одам эдилар, уч-тўрт китоблариям чиқкан. Адолатсизликка чидай олмас эдилар. Ҳамма нарсани юракларига олар эдилар.

— У кишини бизникига жўнатган Абдураҳмонбой деган акамиз «Биз билан ишлайди», деган эди-ку.

— Тўғри, институтда ишлаган эдилар, лекин ўзлари шоир эдилар. Бизлар асли қўқонликмиз, боболаримиз Кўқонда катта шоир ўтганлар. «Кулоқ-кулок» даврида оталаримиз Тожикистон томонларга ўтиб кетишган. Шундан бизлар ҳам тожикистонлик бўлиб кетганмиз.

— Ҳа-а, такдир-да, иним.

Мехмонлар кетаётиб супанинг четига бир тахлам пул қўйиши: «Куруқ қўл билан келган эдик. Невараларнинг каму кўстига ишлатарсизлар».

Бобо пулни қўярда-қўймай қўлларига тутқазди: «Ундай деманг, невараларнинг ота-онаси бор, шундай ховли-жойи, боғ-роғи бор. Буни олиб қўйинг».

Мехмонлар қаттиқ ўтингди: «Йўқ, деманг, бобо. Оғир кунимизда бизга яхшилик қилган одамларни биз ҳам бир изладик, иззатига етдик, деб кўнглимизни тинчитишимиз учун шуни олинг».

«Майли, бўлмаса».

\* \* \*

Санжар Тошкентга кетган йили бобо қаттиқ оғриб қолди. Айниқса, тирамоҳнинг охирига бориб, ётган жойида ҳазил-хузул қилиб ётган бўлса ҳам, кўзлари сўниб бораётгани кўриниб турарди. Бир куни тўнғич қизи келиб, роса жанжал қилди:

— Эна, бўлди-да энди. Адирнинг устида сўппайиб ўтираверасизларми? Невараларимни ўгайлатмайман, деб шу ерларга келган эдингиз. Невараларингиз ҳам эгалик бўлди. Ҳаммамизнинг юзимизга оёқ қўйган бир аёлга шундай уй-жой, боғ-чорбонгизни топширдингиз. Йўқ жойдан бойбиччага айландилар у хоним. Тагларида машина, қўлларида жарақ-жарақ пул. Майли, болалар учун биз рози. Аллоҳ ҳам кечиримли бандаларини сувор экан. Аммо шунча ўғил-қизингиз бўла туриб, келининг бўсағасига ёпишиб ётавермай, пастга тушинг, адирга қатнайвериб, чарчаб кетдик.

Кампирнинг ҳам аввалги қури йўқ, аммо:

— Ҳай, болам-а, калта ўйлайсан-да, доим, — дейди нурсиз кўзларини олисларга тикиб. — Санжарим Тошкентга кетди, катта дўхтир бўлиши учун тўққиз йил ўқиши керак экан. Ҳали-замон изидан Ноила кетади. Икки болани манави писта-бодомларнинг даромади бўлмаса, Тошкентда ўқитиш осонми? Икки боласи кетса, муштдай пошикастани адирга ёлриз ташлаб, қандай кетаман?

У аканг билан яшамаётган бўлса ҳам одамлар «Робия кампирнинг келини» дейди уни, болам.

— Э-э, эна, билганини қилсин. Қайтам сизлар бўлмасангиз, эрга тегиб кетарди.

— Болам, мен аввалбошдан унинг йўлини очиб қўйганман. Невараларимга ола қарамайдиган бирор-ярим бўлса, турмушга чиқавер, деганман.

— Ҳа, бу шўрнинг ҳам оғзи куйди-да, ўзининг енгилтаклигидан. Анави Ҳамдам ер юттур ҳам неча йўлини тўсиб чиқибди. Бу рози бўлмабди. Унинг ҳам отаси ишдан кетиб, бир нотариус опаси бор экан, икки юз эллик миллион камомад қилиб қўйибди. Бор-йўғини сотиб, шу камомадни тўлашиб, қип-ялангоч бўлиб қолишибди.

— Қилма — топарсан, дейишган-ку.

— Энди бутун оила Россияга, онасининг юртига кўчиб кетганмиш.

— Ўша ёқларда йўқ бўлиб кетсин, илойим.

— Йўқ бўлса, йўқ бўлсин. Нозима ҳам ёш бола эмас. Энди сиз тахта-ўқлоғингизни йиғиширингда, пастга тушинг.

Ўша куни кечки пайт бобо оғирлашиб қолди.

Момо Ноилани хонасида қолдириб, бобонинг ёнига ўтди:

— Одамни қўрқитманг, бобоси. Санжарнинг ўқишига киришини кутиб юрганимидингиз?

— Яна қандай ишинг қолди, кампир? Болаларнинг ҳаммасини уйли-жойли қилдик, невараларнинг ҳам олди уйли бўлди. Бир хавотиринг Санжар бўлса, ана, ўқишига кирди. Энди кўл ушлашиб...

— Йў-ўқ, бобоси! Ҳали у тўккиз йил ўқиши керак. Изидан Ноила боради. Ўйлаб-ўйлаб, шу уйни сотиб, Тошкентдан бир уй олиб берсакми шуларга, деялман. Улар ўқиб, катта дўхтири бўлса,

бу адирда нима иш қиласи? Катта дўхтирлар катта жойларда ишлаши керак. Тошкентдан уй олсак, то бирини уйлантириб, иккинчисини узатгунча, биз ҳам ўша ерда туриб турамиз. Дом, иссиқсовуқ сув, ҳамма шароити бор. Мана шундай ётсангиз ҳам майли, фақат илтимос, ўлмай туринг.

— Мен билан кетмаслик учун ёлғондакам илтимосми бу? Зўр артистсан-да, момоси.

— Йўқ, бобоси, чин юракдан айтаяпман. Шуларни катта қилгунча озмунча қийналдингизми? Энди ўzlари чойимизни дамлаб, овқатимизни қиладиган бўлишди. Биз фақат ёnlарида далда бўлиб турсак бўлди.

— Йўқ, момоси, менинг сафарим қариdi. Сен ҳали кўз тегмасин, бардамсан. Инқиллаб-синқиллаб юрганларинг бир баҳона экан. Ёки хотин кишининг жони қирқта дейишгани ростми? Майли, мен билан кетмаганинг ҳам маъқул. Болалар сенга жуда ўрганиб қолишган. Ўзингни эҳтиёт қил. Мендан рози бўл, — бобо оғир ютинди, ўзи кулиб турган бўлса ҳам мижжаларида ёш айланди.

Момо унинг кўлларидан ушлади:

— Ундей деманг, бобоси. Хузур-ҳаловат кўриб, энди ўзимиз учун яшайдиган даврга етиб келдик-ку. Мени ташлаб кетманг.

— Мен сен билан бир умр хузур-ҳаловатда яшадим. Мен сендан розиман. Сен невараларга жуда кераксан. — Кўлларини тортиб олиб, момонинг серажин юзларини силади. — Сен худди фарипиталарга ўхшаяпсан. Мендан рози бўл.

— Мен сиздан мингдан-минг розиман, бобоси, лекин сиз шошмай туринг, — момо йиғлаб юборди. — Мен болаларингизни чақирай. Улардан балога қолиб кетмайин яна.

Бобо пичирлаб калима қайтарди, сўнг қаеридир оғриётгандай лабларини тишлади ва кўзларини юмди, киприклари орасидан бир томчи ёш сизиб чиқди.

Момонинг юраги узилиб кетгандай бўлди. Бирданига дунё ҳувиллаб қолди. Охиста эгилиб, олтмиш йиллик узанги йўлдошининг кўксига бош қўйди. Унинг кўкси оёклари остидаги адиrlардек кенг туюлди. Кўзларидан дувиллаб ёш қуилди:

*Мунгайгандা мунгдошим,вой тўрам-ов, куним-ов,  
Сурингандা сирдошим,вой тўрам-ов, куним-ов,  
Сенсиз дунёни не қилай,вой тўрам-ов, куним-ов,  
Кўнглимдаги қуёшим,вой тўрам-ов, куним-ов...*

Кампир гўё чолининг қулоғига айтиётгандай шивирлабгина йўқлаётган бўлса ҳам, юраги эзилиб, сел бўлиб оқарди:

*Осмондаги оқ булут,вой тўрам-ов, куним-ов,  
Юрагимга ёқиб ўт,вой тўрам-ов, куним-ов,  
Бош эгамдан айрилдим,вой тўрам-ов, куним-ов,  
Канотларим қайрилди,вой тўрам-ов, куним-ов...*

Момонинг хавотири Ноиладан эди: «Ухлаб ётган бўлса, қўрқиб кетмасин». Бир вакт кимдир келиб елкасидан қучоклади: «Моможон!..»

Робия момо ортига ўгирилиб, йиғлаб турган Ноилани кўрди. Ноиласи шунча катта қиз бўлганий илгари сезмаган экан, «Худди аммаларининг ўзи!» Ўзини неварасининг бағрига ташлади: «Бобонгдан айрилиб қолдик, болам. Бор, онангни уйғот».

---

*Адабий-бадиий нашр*

**ЖАМИЛА ЭРГАШЕВА**

**КИР УСТИДАГИ АЁЛ**

*Иккинчи нашри*

Мухаррирлар *Б. Худоёрова, С. Салаҳутдинова*

Рассом-дизайнер *У. Сулаймонов*

Техник мухаррир *Л. Хижова*

Кичик мухаррир *Н. Абдураҳмонова*

Мусаххих *Ш. Шоабдураҳимова*

Компьютерда тайёрловчи *Б. Душанова*

Нашриёт лицензияси АI № 158, 14.08.09.

Босишга 2018 йил 3 октябрда руҳсат этилди.

Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Газетная пухлая» қофози.

«Virtec Peterburg Uz» гарнитураси. Офсет босма  
усулида босилди. Шартли босма табори 15,12.

Нашр табори 12,23. Адади 5000 нусха.

Буюртма № 17-459.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz).

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

---

**Эргашева, Жамила.**

**Э-74** Кир устидаги аёл: роман /Ж. Эргашева.  
Иккинчи нашри. — Тошкент: «O'zbekiston»,  
2018.— 288 б.

**ISBN 978-9943-28-013-7**

**УЎК 821.512.133  
КБК 84(5У)7**



## Жамила Эргашева

1956 йил Сурхондарё вилоятиning Жарқўргон туманида туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Вилоятда чоп этиладиган “Сурхон тонги”, “Аёл ва замон” газеталарида турли лавозимларда ишлаган. “Изҳор”, “Аёл жодуси”, “Зулфизар”, “Қир устидаги аёл”, “Шом шафаги жилвалари” каби роман, қисса, ҳикоялари жамланган китоблари чоп этилган. Китоблари “Энг улуг, энг азиз”, “Ватан учун яшайлик” кўриктанловларида ғолиб бўлган.  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

«О'zbekiston»

ISBN 978-9943-28-013-7

9 789943 280137